ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами

(2025 йил 24 декабрь)

Тошкент – 2026

UDK: 343.9:340.13
BBK: 67.51

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий кенгашининг йиғилишида муҳокама қилинган ҳамда электрон шаклда нашр этишга тавсия этилган.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг долзарб масалалари: **Республика илмий-амалий конференцияси материаллари** *(2025 йил 24 декабрь).* – **Т.: Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти.** – Т., 2026 йил, 242 бет.

Масъул муҳаррир:

Б.Э. Бердиалиев – Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти бошлиғи, ю.ф.ф.д (PhD), полковник.

Тақризчилар:

Д.Ю. Пайзиев – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

У.И. Мирзатиллаев – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Нашрга тайёрловчилар:

Х.Т. Одилқориев, А.П. Тураев, У.Ж. Чориев, М.А. Аълохонов, Б.Н. Нормуродов.

Мазкур тўпламда жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг масалалари илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Унда жиноятчилик профилактикаси соҳасидаги миллий қонунчиликни такомиллаштириш, норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарали ташкил этиш ҳамда илғор хорижий тажрибани ўрганиш масалалари ёритилган. Шунингдек, конференция материалларида соҳадаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечимларига қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар баён этилган.

Тўплам ҳуқуқ-тартибот органлари таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мустақил изланувчилари, талаба ҳамда курсантлари, шунингдек амалиёт ходимларига мўлжалланган.

© Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти, 2026

ПАРЛАМЕНТ ТОМОНИДАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Якубов Шуҳрат Умматалиевич,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, юридик фанлар доктори, профессор

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш давлат бошқарувида ҳуқуқий тартибга солиш самарадорлиги, қонун устуворлиги ва ҳуқуқий аниқликни таъминлашнинг муҳим омилидир. Парламент томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонининг ошиши, уларнинг мазмунан мураккаблашиши, соҳавий ва соҳаларо муносабатларнинг динамик ривожланиши қонунчилик базасини доимий равишда янгилаш ва тизимлаштиришни талаб этмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш – бу уларни маълум тушунчалар, соҳалар, иерархия ва умумий ҳуқуқий қоидаларга мувофиқ ҳолда тартибга солиш, гуруҳлаш, мувофиқлаштириш ва қайта ишлаш жараёнидир.

Тизимлаштиришнинг шакллари, яъни инкорпорация, консолидация ҳамда кодификацияни самарали амалга ошириш орқали қонунчиликдаги ортиқча ва такрорий меъёрларни бартараф этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида аниқлик ва барқарорликни таъминлаш, ҳуқуқий маълумотлардан амалиётда фойдаланишда шаффофлик ва қулайлик, инвестицион ва бизнес муҳитини яхшилаш ҳамда умуман, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга эришилади.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқий амалиётида, хусусан, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш, бу орқали ҳуқуқни амалга оширувчи ва қўлловчиларга қулайлик яратиш, нормалар мазмунидаги мантиқий изчилликни таъминлаш, соҳани рақамлаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Қонун чиқарувчи орган фаолиятида тизимлаштиришнинг замонавий тенденциялари бўйича қуйидаги йўналишларни алоҳида қайд этиш мумкин:

1. Қонунчилик ҳужжатларини тафтиш қилиш ва хатловдан ўтказиш. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида амалдаги қонунларни мониторинг қилиш, уларнинг амалийлигини баҳолаш, эскирган ва фаолиятини йўқотган ҳужжатларни бекор қилиш механизмини такомиллаштирмоқда. Қўмиталар томонидан камида ҳар беш йилда бир марта тегишли соҳалар кесимида мавжуд, амалдаги қонун ҳужжатлари тўлиқ хатловдан ўтказиш амалиёти жорий қилинган. Бунда қонунларни давлат ва жамият ҳаётидаги ислоҳотларга мослиги, янги шаклланаётган ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имкониятлари ҳисобга олинади. Эскирган нормаларни бекор қилиш, айрим такрорий нормаларни чиқариш, янги нормаларни қонунчиликка киритиш бўйича таклифлар тайёрланади. Инвентаризация жараёни қонунчиликда тартиб-интизом, мухтасарлик ва мантиқий тизимни яратишда муҳим аҳамият касб этади.

2. Қонунчилик иерархияси ва ҳуқуқий техниканинг яхшиланиши. Соҳавий қонунларни тартибга солиш, қонун ости ҳужжатларининг улушини камайтириш, “чегараланган ваколатлар” тамойилини кучайтириш орқали ҳуқуқий тизимда аниқ иерархия шаклантирилади. Охирги вақтларда бу масалага ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Янгиланган Конституция мисолида ҳам буни кузатиш мумкин.

3. Рақамлаштирилган қонунчилик базаси. **Қонун ижодкорлиги жараёнини рақамли трансформация қилиш, Қонунчилик палатаси фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш** мақсадида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимида *(project.gov.uz)* Олий Мажлис палаталарида қонун лойиҳаларини кўриб чиқишнинг барча босқичларини рақамлаштириш тизими *(e-qonun.uz)* ишлаб чиқилди.

Унда қонун лойиҳалари қуйи палатага келиб тушгандан бошлаб то қабул қилиниб, Сенатга юборилгунига қадар бўлган барча жараёнларнинг *(қонун лойиҳасини рўйхатга олиш, у юзасидан Қонунчилик палатаси, унинг Кенгаши, қўмита қарорларини расмийлаштириш, келишиш ва қабул қилиш, сиёсий партиялар*

фракциялари, Қонунчилик палатаси Девони таркибий бўлинмаларидан тегишли хулоса ҳамда таклифларни олиш) амалга ошириш имкониятлари назарда тутилган.

4. Кенг жамоатчиликнинг қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишдаги иштирокини кенгайтириш. Шу мақсадда Қонунчилик палатаси қўмиталари ва илмий-тадқиқот муассасалари, таҳлил марказлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Хусусан, 2025 йилда 68 та илмий-тадқиқот институти ва таҳлил маркази билан меморандум имзоланди ҳамда ҳамкорлик режалари тасдиқланди.

5. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришда ижтимоий-ҳуқуқий таҳлилларни чуқурлаштириш. Қонун лойиҳаларининг таъсирини баҳолаш *(RIA)* тизимини такомиллаштириш. Шу мақсадда Қонунчилик палатаси ҳузурида Парламент тадқиқотлари институти ташкил этилган ва улар қонунчилик муаммолари бўйича тадқиқотларни ўтказиб келмоқда. Шунингдек, Адлия вазирлиги ҳузурида алоҳида институт ташкил этилди. Улар лойиҳаларнинг иқтисодий ва бизнес муҳитига таъсири, ижтимоий барқарорликка мувофиқлиги, коррупциявий хатарлар юзасидан баҳолашдан ўтказади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан амалга оширилаётган қонун ижодкорлиги, унинг айрим ўзига хос жиҳатларига, бази муаммоли ҳолатларга ҳам тўхталиб ўтамиз.

Аввало, 2025 йилда ***Қонун ижодкорлиги жараёни самарадорлигига эришиш, қонун лойиҳаларининг сифатини яхшилаш, тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш амалиётини янада кенгайтириш, қонун лойиҳаларини киритиш ва кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилди. Жумладан, ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ҳамда миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш мақсадида 2025–2029 йилларга мўлжалланган қонун ижодкорлиги дастури ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.***

Маълумот учун: Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг 2025 йил 4 мартдаги 595–V/КҚ-105–V-сон Қўшма қарори. Ушбу Дастурда жами 40 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Улардан 18 тасини 2025 йилда, 4 тасини 2026 йилда, 5 тасини 2027 йилда, 4 тасини 2028 йилда ва 9 тасини 2029 йилда Вазирлар Маҳкамаси ва Қонунчилик палатасига киритиш режалаштирилган.

Кодификация масаласининг юқоридаги дастурда режалаштирилишига эътибор қаратсак, **5 йилда жами 11 та кодекс** қабул қилиниши белгиланган. Уларнинг **6 таси янги кодекслар** *(Сув кодекси – 2025 йил, Корпоратив бошқарув кодекси – 2027, 2029 йилда – Ахборот кодекси, Ижтимоий ҳимоя кодекси, Таълим кодекси, Транспорт кодекси)*, **5 таси амалдаги** *(Фуқаролик кодекси – 2026 йил, МЖТК – 2027, 2029 йилда Жиноят кодекси, ЖПК, ЖИК)* кодексларнинг янги таҳрири ҳисобланади.

Бундай аниқ режали иш юритиш кодификация жараёнларининг тизимли, тадрижий амалга оширилишига, бу йўналишдаги ташкилий чораларни тўғри белгиланишига ҳамда кодексларнинг сифатли тайёрланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шу билан бирга айрим мулоҳазага чорлайдиган масалалар ҳам мавжуд. Масалан, Тадбиркорлик кодекси масаласи. **“Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун** ***(ҚЛ–1158)*** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қайтарилди. Кейинчалик Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қайта кўриб чиқишидан олиб ташланди.

МЖТКга ҳар йилда камида 20 марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Ҳозирги кунда қонун ижодкорлари ва ҳуқуқни қўлловчилар томонидан ушбу Кодекс “энг азият чеккан” қонун сифатида эътироф этилади. Аксарият вазирлик ва идоралар мазкур кодексга ўзгартириш киритишни таклиф сифатида кўтаради. Бундай кўп ўзгаришлар ҳуқуқни қўлловчиларни ҳам чалғитади.

Айрим қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан Кодекс конструкциясига зид таклифларни илгари суриш холатлари ҳам амалиётда учрамоқда. Масалан, ЖКнинг 8-бўлим, атамаларнинг ҳуқуқий маъносига оид нормаларга ҳам охирги вақтларда жуда кўп ўзгаришлар киритилмоқда. Масалан, “анча миқдор”ни БҲМ 100 дан 300 баробарга белгиланган бўлса-да, уни айрим жиноятлар *(Сохта тадбиркорлик)* учун алоҳида белгилашга оид таклифлар киритилди.

Ёки, бир ҳафта олдин, ЖКга гиёҳванд моддалар ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларга оид ўзгартиришларга оид қонун лойиҳаси киритилди. Унда умумий қисмга “Уюшган гиёҳвандлик”ни алоҳида модда шаклида таклиф қилинган. Ваҳоланки, уюшган жиноятчиликка оид амалдаги модда асосида ҳам уни квалификация қилиш мумкин.

Ёҳуд, ЖКда юридик шахсларнинг жавобгарлиги белгиланмаганлиги боис айрим қонунларга санкцияларни кўчиб ўтиши кузатилмоқда. Масалан, жорий йил декабрь ойида Вазирлар Маҳкамаси киритган қонун лойиҳасига кўра, Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунга 6 та янги модда киритиш таклиф этилиб, унда атроф муҳитга, дарёлар ўзанига, сувга зарар етказган юридик шахслар учун молиявий санкциялар назарда тутилган.

Қонун лойиҳаларини тизимлаштириш билан боғлиқ яна бир шундай амалиётлар ҳам кузатилмоқдаки, Қонунчилик палатасида эътирозларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, 2025 йил 21 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида “Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 483-моддасига паррандачилик соҳасини ҳамда болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси киритилди. Бу ерда иккита мазмун-моҳиятан бир-бирига тўғри келмайдиган масалалар бирлаштирилган. Вазирлар Маҳкамаси масъуллари буни “иккита кичик қонун лойиҳасини бирлаштириб киритилгани билан изоҳлади.

Унификация қилиш шаклида ҳам айрим масалалар мавжуд. Масалан, амалдаги **14 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда **“енгил конструкцияли қурилмалар”** жумласи ишлатилган бўлса, **10 тасида** ҳудди шундай қурилмалар **“енгил турдаги қурилмалар”** шаклида қўлланилган. Булар бирхиллаштирилиши, яъни унификация қилиниши керак.

Умуман, амалиётда юқоридаги каби қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар учраб туради. Уларни олдини олиш учун соҳада тадқиқотлар кучайтирилиши, турли таклиф ва тавсиялар муҳокама қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги илмий-назарий мулоҳазалар, тизимлаштиришдаги асосий тенденциялар, амалиётда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар илгари сурилади:

1. Ҳозирги рақамлаштириш шароитида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш бўйича комплекс илмий тадқиқотлар амалга оширилиши зарур. Унинг методологик асослари, илмий-назарий ва амалий муаммолари тизимли, янада кенгроқ ва комплекс ўрганилиши мақсадга мувофиқ. Чунки, бугунги маълумотлар базаси ва мавжуд электрон платформалар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришда янги имкониятларни яратмоқда.

2. Кодификация жараёнларини кенгайтириш миллий стратегияси ишлаб чиқилиши зарур ва унда яқин *(бир-уч йил)*, ўрта *(тўрт-тўққиз йил)* ҳамда узоқ *(ўн ва ундан ортиқ йиллар)* муддатли вазифалар аниқ белгиланиши зарур. Бунда айниқса, хусусий ҳуқуқ ва иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи кодексларни янгилаш; маъмурий, экология, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, меҳнат ва ижтимоий соҳалар буйича комплекс кодекслар ишлаб чиқиш муддатларини белгилаб олиниши мақсадга мувофиқ. Бу кодекслаштириш жараёнининг тизимли ва тадрижий ривожланишига, шунингдек, ташкилий, тайёргарлик жараёнларининг мақсадли ва тўғри режалаштиришга хизмат қилади.

3. Кодекслаштириш учун “пишиб етилган” соҳаларни тўғри аниқлаш механизмларини шакллантириш. Масалан, жамиятдаги асосий ислоҳотлар асосида, энг зарур соҳаларни аниқлаш тизими. Шу билан бирга унчалик зарурат бўлмаган соҳалар бўйича таклифларни қайтариш асосларини ҳам мустаҳкамлаш керак. Масалан,охиргиайримилмийтадқиқотлардаҳозирчакодификация даражасига етмаган соҳалар, масалан, “Рағбатлантириш кодекси”, “Бола ҳуқуқлари кодекси”ни қабул қилишга оид таклифларга дуч келдик. Бу масалалар бироз баҳсли.

4. Соҳавий қонунчиликни мақбуллаштириш, бир-бирини такрорлайдиган нормаларни қисқартириш, **“қонун + йўриқнома”**

моделини яна қайта кўриб чиқиш керак. Зиддиятларга, турли номувофиқликлар йўл қўймаслик учун мониторинг ва таҳлилни кучайтириш зарур.

5. Қонун ижодкорлиги, хусусан кодификация жараёни институционал қувватини янада кучайтириш. Парламент қўмиталарида илмий-эксперт кенгашлар фаолиятини кучайтириш, “Ақл марказлари”, олийгоҳлар ва илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш керак.

6. Фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш, оммавий муҳокама платформаларини ривожлантириш, жамоатчилик фикрининг электрон агрегаторларини жорий этиш ва унинг натижаларидан самарали фойдаланиш зарур. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илмий ва жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш механизмлари такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқ.

7. Махсус **“электрон ҳуқуқий харита”**ни яратиш зарур. У барча қонун ва қонун ости ҳужжатлари ўртасидаги боғлиқлик, иерархия ва ўзгаришларни визуал кўрсатадиган интерактив система сифатида қонунчиликдаги бўшлиқ ва зиддиятларни автоматик аниқлашга имкон яратади.

Хулоса қилиб айтганда, парламент томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим ва узвий қисми бўлиб, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш жараёнини самарали ташкил этилиши қонунчиликнинг изчиллиги ва шаффофлигини оширади, ҳуқуқни қўллашда барқарорлик ва аниқликни таъминлайди, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт учун қулай ҳуқуқий муҳит яратади.

К ВОПРОСУ СИСТЕМАТИЗАЦИИ ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА В ОБЛАСТИ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРЕСТУПНОСТИ

Тультеев Иляс Тавасович,

д.ю.н., профессор (ТГЮУ)

Предупреждение правонарушений и преступлений является важнейшим направлением государственной правоохранительной политики[1]. Без надлежащего правового регулирования деятельности государства по предупреждению преступности весьма трудно решить задачи, возложенные на правоохранительные органы страны. Следовательно, принятие системного, качественного и эффективного законодательства в этой области выступает значимым фактором успешного решения указанных задач. Правовое регулирование деятельности по предупреждению преступности должно основываться на упорядоченную систему правовых средств и мер, направленных на устранение причин и условий преступности либо их нейтрализацию[2].

Как известно, важнейшим требованием, предъявляемым к правовому регулированию, является обеспечение его системности. Вместе с тем, законодательству свойственен динамизм и непрерывное изменение его содержания. Это влияет на его системные связи, соотношение и взаимодействие нормативно-правовых актов *(НПА)*. Системность законодательства невозможно обеспечить без принятия мер по приведению его в единый, непротиворечивый и удобный комплекс НПА, устранению в нем коллизий, дублирования и параллелизма. Для этого необходимо на перманентной основе проводить систематизацию законодательства, представляющую

[1] См.: Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП-1 от 3 января 2025 года “О мерах по созданию безопасной среды и дальнейшему повышению эффективности системы раннего предупреждения правонарушений в махаллях республики в 2025 году” / Национальная база данных законодательства, 22.01.2025 г., № 07/25/01/0059; 20.08.2025 г., № 07/25/253/0752.

[2] См.: Нуждин А.Р. Понятие правового регулирования предупреждения преступлений и иных правонарушений // Молодой ученый. - 2024. - № 20 (519). – С. 397 – 399; Титушкина Е.Ю., Цепелев В.Ф. Правовое обеспечение предупреждения преступлений: проблемы законодательного регулирования и пути решения // Пробл. правоохр. деят. на совр. этапе: сб. трудов межд. научн-практ. конф. – Кострома: КГУ, 2022. – С. 150-154.

собой систему инструментов, мер, процедур и способов, обеспечивающих приведение его логически, структурно и содержательно упорядоченную совокупность НПА. Систематизация есть упорядоченность, логическая структурированность и взаимосвязь массива НПА, его унификация, гармоничность и удобство использования.

Декларация принципов и программа действий программы ООН в области предупреждения преступности и уголовного правосудия[3], документы Комиссии по предотвращению преступности и уголовному правосудию закрепили соответствующие стандарты и требования в сфере предупреждения преступности. Они предусматривают необходимость изучения и оценки состояния и тенденций развития преступности, в т.ч. принятия соответствующих организационно-правовых мер.

Долгое время криминологи указывали на отсутствие в Узбекистане закона, регламентирующего деятельность по предупреждению правонарушений. Это вызвало необходимость разработки и принятия в 2014 году отдельного закона “О профилактике правонарушений”, закрепившего концептуальные правовые основы системы предупреждения преступности. Вместе с тем, в данный закон практически каждый год вносились изменения и дополнения, направленные на его совершенствование. Однако и на сегодняшний день в нем имеются пробелы, не хватает конкретики, не прописаны ясные правовые механизмы и процедуры осуществления профилактической деятельности.

Например, изложенное в ст. 3 определение понятия “профилактика правонарушений” содержит элементы тавтологии, не раскрывая содержание данного ключевого понятия закона. Закрепленные в ст. 4 основные задачи профилактики правонарушений носят общей характер, не раскрывают комплекса задач, которые должны реализовываться в данной сфере. В законе не закреплена целостная система профилактики правонарушений, которая помимо институциональных элементов *(субъекты профилактики)*, должна раскрывать весь организационно-правовой механизм профилактики правонарушений. Между тем, слабая регламентированность данных

[3] См.: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/crime91.shtml, дата обращения: 11 декабря 2025 года.

отношений, отсутствие комплексного подхода, как подчеркивают и зарубежные исследователи, создает ряд проблем в осуществлении профилактики правонарушений[4].

Анализ действующего законодательства показывает, что помимо вышеуказанного рамочного закона в данной области приняты сотни нормативно-правовых актов, включая закон “О профилактике безнадзорности и правонарушений среди несовершеннолетних”, десятки актов главы государства, правительства, а также министерств, ведомств и иных органов государственной власти и управления. Их многочисленность, наличие как противоречий, так и пробелов, дублирование, отсутствие взаимосвязи только вредит правоприменительной практике. Как отмечают ученые, необоснованное увеличение объема нормативно-правовых актов приводит к так называемой юридификации. К ее негативным последствиям относят снижение эффективности НПА и правоприменительной деятельности. За рубежом проблема “перепроизводства” НПА часто решается путем упрощения законодательства *(например – во Франции)*, что способствует повышению качества и результативности юридической практики[5].

Проведенный анализ действующего законодательства позволяет сформулировать следующие выводы:

- в сфере законодательства, регламентирующего деятельность по предупреждению преступности, наблюдаются признаки инфляции, которая, по справедливому замечанию профессора Х.Т. Адылкариева[6], приводит к необоснованному увеличению количества НПА, их разрозненности, дублированию и коллизиям, нарушению структурированности и логических взаимосвязей законодательства.
- одной из проблем правового регулирования рассматриваемой сферы является недостаточная системность и фрагментарность

[4] См.: Стешич Е.С. Предупреждение преступности: актуальные вопросы нормативного и организационного обеспечения // Юристъ-Правоведъ. 2019. № 3 (90). – С. 47.

[5] См.: Андреева И.А. Упрощение законодательства во Франции: причины, этапы, итоги // Тр. Академии управления МВД России. 2018. - № 4 (48). - С. 163–170. - [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://cyberleninka.ru/article/n/uproschenie-zakonodatelstva-vo-frantsii-prichiny-etapy-itogi

[6] См.: Одилқориев Х.Т. **Қонунчилик ҳужжатлари тизимининг деалектик мутаносиблигини таъминлашнинг назарий-методологик жиҳатлари** // Криминологик фаолият. 2025. № 5. – С. 9 – 15.

соответствующего законодательства, разрозненность требований и мер по осуществлению профилактики правонарушений;

- законодательство о предупреждении правонарушений часто содержит положения общего характера, не закрепляет должным образом механизмы реализации заложенных в нем норм, превалирует подзаконное регулирование данной сферы правоотношений;
- недостаточно проведено разграничение полномочий субъектов профилактики правонарушений, не обеспечены их баланс и конкретизация, не определены конкретные меры ответственности субъектов профилактики за состояние дел в этой сфере;
- не определен четкий механизм осуществления анализа и мониторинга криминогенной обстановки, четких критериев оценки ее состояния.

Известно, что важным направлением работы по повышению действенности законодательства в данной сфере является его систематизация. В научной литературе под систематизацией законодательства понимается творческий процесс субъектов нормотворчества, направленный на улучшение структуры законодательства. При этом улучшение обозначается как внутренняя переработка, анализ и упорядочение нормативно-правовых актов, содержащих определенные пробелы, пробелы и противоречия.

Необходимость систематизации законодательства в области предупреждения преступности признается во многих странах. Так, российские ученые активно выступают за создание консолидированной нормативно-правовой базы деятельности по предупреждению преступлений[7]. Мы поддерживаем позицию, согласно которой законодательство в сфере предупреждения правонарушений нуждается в систематизации путем проведения кодификации[8].

В процессе систематизации следует учитывать необходимость:

- применения единого концептуального подхода;

[7] См.: Титушкина Е.Ю. Правовые основы профилактики преступности: пути совершенствования // Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. 2013. № 1. – С. 59 – 62.

[8] См.: Хужакулов С. Б. Необходимость систематизации нормативных документов по профилактике правонарушений // Проблемы современной науки и образования. 2020, № 3. - С. 48 – 51.

- соблюдения требований по обеспечению полноты правового регулирования отношений в рассматриваемой сфере;
- исключения правовой неопределенности и различного толкования;
- соответствия принимаемого законодательства потребностям и условиям практики борьбы с преступлениями;
- обеспечения механизма реализации законодательства необходимыми финансовыми, материальными, людскими и иными необходимыми ресурсами;
- выделения в качестве приоритетного направления профилактики предупреждение киберпреступности, доля которой в 2024 году составила 44,4 процентов от общего количества преступлений[9].

Результатами систематизации должны стать формирование гармоничного, согласованного, понятного и удобного законодательства без устаревших и противоречивых норм, а также повышение качества правового регулирования данной сферы. Ее конечным итогом будет согласованное, непротиворечивое и беспробельное законодательство.

С учетом изложенного полагаем, что при систематизации законодательства необходимо предусмотреть:

- механизмы координации и разграничения полномочий субъектов профилактики;
- процедуры согласования мер, форм и инструментов профилактики на основе единых подходов и процедур;
- адаптацию законодательства к нуждам и потребностям юридической практики, оперативного реагирования на вызовы и угрозы развития преступности, включая киберпреступность.

В прошлом осуществление систематизации посредством инкорпорации либо консолидации было затруднено, поскольку требовало большого объема работы технико-юридического характера. Сегодня в условиях применения современных цифровых

[9] См.: Butunbayev T.N. Kompyuter axborotidan qonunga xilof ravishda *(ruxsatsiz)* foydalanishni tergov qilish metodikasi: shakllanishi, rivojlanishi va takomillashtirish istiqbollari: Yuridik fanlar bo‘yicha falsafa doktori (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. – T., 2025. – B. 5.

технологий, искусственного интеллекта данная работа существенно облегчена, функционируют электронные базы данных правовой информации, позволяющие мгновенно находить НПА, выявлять их взаимные связи, видеть историю внесения изменений и дополнений и пр. Однако наиболее эффективным способом систематизации законодательства все-таки является кодификация. Она позволяет кардинально обновить и унифицировать законодательство, сделать его компактным и удобным, устранить бессистемность, противоречивость, пробельность и громоздкость массива законодательства в соответствующей отрасли или сфере, в т.ч. в сфере профилактики правонарушений.

Системность законодательства предполагает не только упорядоченность, но и целостность правового регулирования. Имея единое и комплексное представление о закрепленных в законодательстве нормативных правовых предписаниях по определенному вопросу, участники законотворчества имеют возможность точно и своевременно обнаружить и эффективно восполнить существующие пробелы, законодательно урегулировать социальные отношения и процессы, которые в силу своей важности для общественной жизни и развития заслуживают правового регулирования, но до сих пор такого регулирования не получили.

По нашему мнению, такая систематизация должна включать реализацию следующих последовательных действий *(стадий)*:

- обобщение, анализ и оценка всего массива законодательства, регламентирующего деятельность по предупреждению преступности;
- осуществление инкорпорации всех нормативно-правовых актов данной сферы, формирование их единого свода *(блока)* без изменения содержания, ранжирование по хронологии, юридической силе и субъекту издания и т.д.;
- инвентаризация данного блока законодательства, выявление в нем **устаревших, не эффективных, коллизионных и дублирующих актов**;
- консолидация, т.е. объединение *(укрупнение)* нескольких близких по предмету и содержанию нормативно-правовых актов в единый акт на основе **жесткого и последовательного применения**

метода “регуляторной гильотины”, кардинальный пересмотр, оптимизация и отмена устаревших, избыточных и неэффективных нормативно-правовых актов;

- проведение кодификации по результатам пересмотра путем принятия единого акта, закрепляющего согласованную, логичную и удобную систему правовых норм, обеспечивающую эффективную деятельность по профилактике правонарушений.

Конечно же, это сложный, длительный процесс, требующий усилий многих специалистов, его необходимо осуществлять обдуманно, на основе планомерного и научно обоснованного подхода, без излишней спешки и формализма. Систематизация займет несколько лет, она потребует изучения и осмысления огромного объема правовой информации, проведения серьезной аналитической и экспертной работы. Однако его результатом станет появление системного, удобного, целостного акта, который создаст единую правовую основу профилактической деятельности. “Спонтанное и казуальное увеличение законодательного материала после кодификации в этой области правового регулирования прекращается”[10]. При этом, конечно же, не отпадет необходимость принятия подзаконных актов, которые будут определять на основе принятого кодекса порядок претворения в юридическую практику его положений.

Итогом данной работы станет формирование правовой основы деятельности по предупреждению преступности в виде компактного и удобного специализированного законодательства, обеспечивающего эффективную профилактику правонарушений в стране. Кодификация позволит создать единую правовую базу и условия для переформатирования всей системы профилактики правонарушений, унифицировать понятийный и терминологический аппарат соответствующего законодательства, обеспечить его единообразное понимание и применение на практике.

[10] Законодательная техника. Центр ОБСЕ в Ашхабаде. - Ашхабад, 2011. – С. 230.

ЖИНОЯТЧИЛИК ПРОФИЛАКТИКАСИГА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

Одилқориев Хожимурод Тўхтамуродович,

Криминология тадқиқот институти
етачки илмий ходими, ю.ф.д. профессор

Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарининг 2025 йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1 ва 2026 йил 16 февралдаги “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва қарорларининг самарали ижросини таъминлаш масаласи кун тартибига қўйилиши муносабати билан ушбу соҳага оид қонунлар ва қонуности барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг шу чоққача ижро этилганлик ҳолатини, самаралилиги ёки натижасизлиги даражасини, бунинг сабаблари ва омиллари илмий-назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ниҳоятда ўткир мавзуга айланди.

Статистик маълумотларга қараганда, мустақиллик йиллари мобайнида жиноятчиликка қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган 80 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси, Жиноят процессуал кодекси, “Ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида”ги қонун, “Ички ишлар идоралари тўғрисида”ги, “Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш – жамият ҳуқуқий тизими ривожланиши, қонунчилик тизими такомиллашуви ҳамда батартиблашувининг, функционал изчил ҳаракатланишининг зарурий шаклидир. Ҳозирги замон давлатларида бир неча ваколатли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳуқуқ ижодкорлик

фаолияти билан шуғулланганликлари боис уларни миллий ҳуқуқий маконда ўзаро мутаносиб уйғунлаштириш, мувофиқлаштириш ҳамда тизимлаштириш зарурияти келиб чиқади.

Хўш, нима учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар массивини мунтазам тарзда тизимлаштириб бориш зарур?

Биринчидан, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш, модернизациялаш учун; мавжуд тенденцияларни аниқлаш ва таҳлил этиш учун зарур;

Иккинчидан, қонунчилик ҳужжатлари муайян принциплар асосида тегишли соҳалар *(йўналишлар)* бўйича гуруҳланади, дифференциация қилиб, фойдаланиш учун қулай ҳолатга келтирилади; бу орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимидаги очиқ мавзулар *(оқ доғлар)* аниқланади;

Учинчидан, эскирган ҳужжатлар бекор қилиниб, зарур янги ҳужжатлар қабул қилинади.

Ушбу мавзуга бағишлаб ўтказилган конференцияда илмий бахс-мунозаралар амалга ошди, мутахассис олимларнинг билдирган фикр-мулоҳазалари, таклиф ва илмий таҳлиллари асосида қуйидаги тавсия ва хулосалар илгари сурилди:

I. Жиноятчиликни жиловлаш ва олдини олишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг назарий асосларини янада такомиллаштириш бўйича:

1) Мамлакатимиз қонунчилик тизими муттасил диалектик жўшқин ривожланувчи “жонли организм”, ижтимоий тузилма – жамият ва давлат тараққиётининг замонавий қонуниятлари ва эҳтиёжларига мутаносиб равишда изчил такомиллашиб борувчи мураккаб воқеликдир. Қонунчилик тизимининг такомиллашув динамикаси ҳамда тенденцияларини илмий таҳлил ва тадқиқ этиш ўта долзарб мавзуга айланди. Аввало, уни янги таҳрирдаги Конституциямизга мослаштириш, конституциявий новеллаларни илмий-назарий изоҳлаш кун тартибидаги энг устувор масала! Қолаверса, қонунчилик тизимини модернизация қилиш жараёнида юзага келаётган тенденцияларни англаш ҳамда уларни баҳолаш муҳимдир.

2) Янги Ўзбекистоннинг қонунчилик тизими юқори суръатларда янгиланмоқда. Ҳозирги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фонди 26 мингдан ортиқ яхлит ҳужжатни ўз ичига олади, шундан 17 мингга яқини ёки 65 фоизи охирги 8 йилда қабул қилинган. Бу эса норма ижодкорлиги жараёнлари шиддат билан ривожланаётганини, ҳуқуқий тизим замон талабларига тезкор ва мослашувчан тарзда янгиланиб бораётганини яққол ифодалайди.

3) Норматив-ҳуқуқий ҳужжат – ваколатли давлат органининг белгиланган тартибда қабул қилинган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умумий мажбурий тусдаги қоидаларни ўрнатувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи юридик ҳужжат.

4) Қонунчилик тизими – бу муайян давлатда жамият ҳаётини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган, ўзаро боғлиқ ва иерархик тарзда жойлашган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндиси бўлиб, у қонун чиқариш фаолиятининг натижаси сифатида шаклланади ҳамда ҳуқуқий тартибни таъминлашга хизмат қилади.

5) Жиноятчиликка қарши курашишга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

6) Қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш:

а) Инкорпорация – норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инкорпорация тарзида тизимлаштириш шундай ҳужжатларни ўз ичига олган тўпламларни тайёрлаш ва нашр этишда намоён бўлади. Инкорпорация ҳуқуқий янгитдан ижод этиш табиатига эга эмас, бунда “қонунлар, фармонлар, ҳукумат қарорлари, фармойишлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунига ҳеч қандай ўзгариш киритилмасдан алифбо, хронологик, мавзу бўйича ва бошқа тарзда тизимга солиб нашр этилади”.

б) Кодификация-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг шундай шакли бўлиб, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мукаммаллаштирилади, тўлдирилади ва янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштирилади. консолидация қилиш – системалаштиришнинг шундай бир шаклики, уни амалга ошириш жараёнида ижтимоий муносабатларнинг битта соҳасида амалда бўлган бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни ўзгартирилмаган ҳолда ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштирилади.

в) Кодекслаштриш–норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг алоҳида мазмундор, серқирра ва сермаъно шаклидир. Кодеклаштириш – қонунчиликни тизимлаштиришнинг энг юксак шакли. “Кодификация – ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасида амал қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тубдан қайта ишловдан ўтказиб, уларнинг ўзаро ички мутаносиблиги ва ихчамлигини таъминлаш, қонунчиликни сифат жиҳатидан тартибга солиш *(тизимлаштириш)* усули. Кодеклаштиришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шунчаки, оддийгина тўплаб бирлаштирилмайди, балки, ҳуқуқий тизимнинг умумий принципларидан келиб чиқиб, тармоқдаги барча норматив материал мазмунан ва моҳиятан ижодий қайта ишланиб, ички мутаносиб бир бутун ва илмий асосда тизимлаштирилган ягона, янги ҳужжат кўринишида баён этилади.

1) Қонунчилик ҳужжатларининг сифат мезонлари қуйидагилардан иборат:

- қонунчилик матнининг ихчам, равон, лўнда ҳамда фуқарога тушинарлиги;
- қонунчиликнинг нормативлиги;
- матннинг мантиқийлиги;
- норматив ифодаларнинг саводлилиги*(грамматик пухталиги)*;
- қонунлар улар тартибга солаётган муносабатлар мазмунига мутаносиблиги;
- ҳуқуқий тартибга солишнинг натижадорлиги;
- қонунчилик нормаларида ички ҳуқуқий механизмларнинг мавжудилиги, унинг мукаммаллиги;
- қонунчилик нормаларининг тегишли ҳаётий вазиятга мазмунан мослиги *(яқинлиги)*;
- қонунчиликнинг тизимлилик хусусиятига эгалиги ва ҳ.к.

II. Ички ишлар органларининг фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича:

1. Ички ишлар органлари фаолиятини тартибга солувчи барча қонунлар ва қонун ости ҳужжатларини **ягона концепция асосида инвентаризация қилиш**, уларни ваколатлар, вазифалар ва функциялар бўйича тизимлаштириш.

2. Ички ишлар органларининг айрим фаолият йўналишларини идоравий норматив ҳужжатлар эмас, **тўғридан-тўғри қонун даражасида тартибга солиш** амалиётини кенгайтириш.

3. Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда **“ваколат – жавобгарлик – назорат” учлигини** ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш.

4. Ички ишлар органларининг жиноятчилик профилактикасига оид ваколатларини **криминологик ёндашув асосида қайта белгилаш**, формал ҳисоботчиликдан натижага йўналтириш.

5. Профилактика субъектлари билан *(маҳалла, таълим, соғлиқни сақлаш)* ҳамкорликни тартибга солувчи **алоҳида ҳуқуқий механизм** ишлаб чиқиш.

6. Профилактик ҳисоб ва индивидуал профилактика чораларини қўллашда **инсон ҳуқуқлари стандартларига мувофиқ ҳуқуқий кафолатларни** кучайтириш.

7. Ички ишлар органлари фаолиятида рақамли технологиялардан фойдаланишни тартибга солувчи **ягона қонунчилик ёндашувини** шакллантириш.

8. Маълумотлар базалари, видеокузатув ва сунъий интеллект воситаларидан фойдаланишда **шахсий маълумотларни ҳимоя қилишга** оид махсус ҳуқуқий нормаларни жорий этиш.

9. Ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш учун **қонун даражасида KPI ва индикаторларни** белгилаш.

Шундай қилиб, қонунлар ва қонуности бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш, уларни вақти-вақти билан инвентаризация қилиш, мониторинг қилиш, самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Энг муҳими, уларни такомиллаштириш, ҳуқуқий экспертиза ўтказиш, инкорпорация қилиш ва кодекслаштириш учун хизмат қилади.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШДА ЮРИДИК ТЕХНИКАНИНГ АҲАМИЯТИ

Бердияров Шухрат Намазбоевич,

юридик фанлар доктори, профессор

Мамалакатимизда сўнги йилларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги муносабати билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёни анча тезлашиб кетган. Чунки, ҳар қандай ислоҳот қонунчилик ҳужжатлари орқали амлга оширилади.

Масалан, Lex.uz қонунчилик маълумотлари миллий базасида, бугунги кунда жами 156 885 та ҳужжат рўйхатга олинган. Шундан, амалдаги қонун ҳужжатлари 20 868 та, Президент ҳужжатлари *(Фармон, қарор ва фармойишлари)* 14 830 та, Ҳукумат қарорлари 22 170 та, вазирлик**,** давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳужжатлари 11 772 та, қолганлари маҳаллий давлат органларининг ҳужжатлари, халқаро ҳужжатлар, суд ҳужжатлари, техник тусдаги ҳужжатлар, марказий сайлов комиссиясининг ҳужжатлари кабилардан иборат.

Албатта бу кўламдаги юридик ҳужжатлар, шу жумладан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасининг мавжудлиги, улардан фойдаланишни қийинлаштиради ва базан чалкашликларни юзага келтиради. Шу билан бирга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўпайиши, мос равишда ундаги камчилик ва нуқсонларнинг ҳам кўпайишига ҳам олиб келиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбарининг бир неча Фармон ва қарорларида норматив–ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш, уларнинг тартибга солиш юкини камайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон **“Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”**ги Фармонида қуйидагилар норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

- қонунчилик базасини тизимлаштириш, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш барқарорлигини таъминлаш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари сифатини ошириш, шунингдек, уларнинг ижроси мониторингини такомиллаштириш;
- норма ижодкорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- норма ижодкорлигида “ақлли тартибга солиш” модели элементларини қўллаш;
- норма ижодкорлиги фаолиятининг институционал асосларини такомиллаштириш.

2021 йил 30 апрелдаги ПФ–6218-сон “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида эса, амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш орқали:

- ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни бекор қилиш ва тарқоқ ҳужжатларни тизимлаштириш орқали тартибга солиш юкини камайтириш;
- юқори, ўрта ва қуйи бўғин давлат органларининг ваколатлари доираси ва масъулияти чегарасини аниқ белгилаш;
- бир-бирини такрорлайдиган вазифа ва функцияларни бартараф этиш ҳамда бюрократик маъмурий тўсиқларни қисқартириш бўйича вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 80-бандида Норма ижодкорлиги фаолиятининг ислоҳотлар билан уйғунлигини таъминлаш ва давлат ҳуқуқий сиёсатининг институционал асосларини ривожлантириш масаласи илгари сурилди. Унга кўра:

- қонунчилик ҳужжатларини мақбуллаштириш натижасида тартибга солиш юкини камида 30 фоизга қисқартириш;
- тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш, уларнинг улушини камида 60 фоизга етказиш;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг самарали мониторинги қамровини 100 фоизга етказиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг тартибга солиш таъсирини баҳолаш ҳажмини камида 2 бараварга ошириш;
- ҳуқуқ тизими рақобатбардошлигини ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун қулай бўлган содда ва ихчам қонунчилик тизимини яратиш;
- идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишнинг аниқ чегараларини белгилаш орқали уларнинг сонини кескин қисқартириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 25 ноябрдаги ПФ–231-сон “Қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш ва тартибга солиш юкини камайтириш тўғрисида”ги махсус фармони қабул қилинди. Унда қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқлар ва коллизион нормаларни бартараф этиш, мажбурий талабларни қисқартириш, ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини бекор қилиш орқали тартибга солиш юкини камайтириш масалалари кўрсатилди. Шунингдек, амалда ўз аҳамияти ва долзарблигини йўқотган 800 га яқин қонунчилик ҳужжатларини “тартибга солиш гильотинаси” орқали бекор қилиш масаласи илгари сурилди ва 414 та Президентнинг қарорлари шу Фармон билан бекор қилинди.

Хукумат даражасида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, 2022 йил 21 июлдаги 396-сон “Қонунчилик базасини янада тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Унда, миллий қонунчилик базасини ортиқча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан холи этиш, унинг тизимлилигини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида юридик таъсир кучига эга бўлмаган ҳужжатларни бекор қилиш масалалари кўриб чиқилди.

Кўриниб турибдики, масаланинг жиддийлиги боис, бир неча Президент ва Хукумат қарорлари айнан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва уларни камайтиришга қаратилган.

Ўйлайманки, илмий жамоатчилик ҳам бу борада ўз хиссасини қўшиши лозим. Мазкур конференция ҳам шу йўналишда амалга оширилаётган чоралардан бири дейишимиз мумкин.

Норматив–ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва уларниг тартибга солиш юкини камайтиришда, юридик техника масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда, юридик техниканинг моҳияти хусусида қисқча тўхталиб ўтмоқчиман. Бугунги кунда юридик техника масалалари ҳориж давлатларда жуда кенг ўрганилган бўлса–да, мамлакатимизда ушбу масла у қадр кўп ўрганилмаган. Юридик техниканинг моҳияти хусусида бугунги кунда олимлар ўртасида ёндашувлар ҳам турлича. Уларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги учта гуруҳга ажратиш мумкин: 1) соф амалий; 2) соф илмий; 3) илмий-амалий *(методологик)* ёндашувдир.

Шу сабабли, юридик техниканинг тушунчасига таъриф беришда ҳам ёндашувлар ҳар хил. Хусусан, юридик техниканинг моҳиятини шу қадар кенгайтириб, ҳуқуқ назариясининг моҳияти билан тенглаштириш ҳолатлари ҳам мавжуд. Бошқа бир гуруҳ олимлар эса ҳуқуқий тизимни ташкил этиш воситаси сифатида талқин этади, яна бир гуруҳ олимлар эса, норма ижодкорлигида фойдаланиладиган усулллар, қоидалар, воситалардан иборат эканлигини таъкидлайди.

Бизнингча, “юридик техника” тушунчасини кенг ва тор маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода “юридик техника” – бутун ҳуқуқий тизимдаги таркибий тузилмаларнинг ташкилий қурилиши ва алоқадорлигини таъминловчи қоида, принцип, усул ва воситалар йиғиндисидир. Тор маънода “юридик техника” – юридик ҳужжатларнинг аниқ, тушунарли ва мавжуд ҳуқуқий тизимга мос тарзда ишлаб чиқилиши ва самарали қўлланилишини ҳамда уларга тўғри ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминловчи қоида, принцип, усул ва воситалар йиғиндисидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришда, албатта юридик техниканинг қоидалари методологик асос бўлиб хизмат қилиши керак. Қонунчиликни тизимлаштиришнинг муҳим шаклларидан бўлган инкорпорация, консолидация ва кодификация юридик техниканинг талаблари орқали амалга оширилади.

Бизга маълумки, инкорпорация норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ташқи жиҳатидан келиб чиқиб тизимлаштиришдир. Бу кодекслаштиришдан фарқли ўлароқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг

мазмунига ўзгартириш киритмай, уларни шунчаки тўплам шаклига келтиришдир. Бу, аввалambor, қонунчилик ҳужжатларидан фойдаланишни енгиллаштириш мақсадида амалга оширилади. Бугунги кунда, электрон дастурларнинг пайдо бўлиши билан мазкур фаолият анча енгиллашган. Lex.uz миллий қонунчилик базаси сифатида белгиланганлиги ва расмий манба сифатида эътироф этилганлиги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инкорпарация қилишда анча қулайлик туғдирди.

Консолидация жараёнида ижтимоий муносабатларнинг битта соҳасида амалда бўлган бир нечта норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни ўзгартирилмаган ҳолда ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатга бирлаштирилади.

Консолидациянинг самараси шундаки, унинг амалга оширилиши натижасида бир ҳуқуқий тартибга солиш предметига эга бўлган ва алоҳида-алоҳида ҳолда амал қилиб, ҳатто баъзан бир-бирини такрорлаётган, ўзаро карама-қаршиликка борган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бартараф қилинади, улар йириклаштирилади, қонунчиликда ўзига хос умумлашмалар яратилади. Масалан “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг лойиҳасини ишлаб чиқишда 94 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатдаги қоидалар бирлаштирилган.

Кодификация – ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасида амал қилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тубдан қайта ишловдан ўтказиб, уларнинг ўзаро ички мутаносиблиги ва ихчамлиги, уюшқоқлигини таъминлаш, қонунчиликни сифат жиҳатдан тартибга солиш *(тизимлаштириш)* усули бўлиб, бунда нормалар такрорлашлардан, қарама – қаршиликлардан ва эскирган қоидалардан тозаланади.

Кодекслаштиришнинг муҳим жиҳати қонунчиликни ички мантиқий тартибга келтириш ва янгилашдир.

Бугунги кунда юридик техника қоидаларига асосланиб, қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштиришда, яъни инкорпорация, консолидация ва кодификацияни амалга ошириш учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблайман:

1. Қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш орқали, қонунчиликдаги такрорланиш, тафовут ва чалкашликлар, ҳуқуқни

қўллаш амалиётини мураккаблаштирадиган ҳолатларни аниқлаш орқали, қонунчиликни тизимлаштириш ишларини самарали йўлга қўйиш. Ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни *(тартибга солиш гильотинаси усули орқали)* бекор қилиш чораларини кўриш.

Хусусан, тартибга солиш гильотинаси тамойилининг асосий ғояси самарасиз, ишламайдиган, қонунчиликка зид бўлган қоидаларни аниқлаш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш натижалари асосида қисқа муддатларда ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни тўлиқ ёки қисман бекор қилишдир.

Ушбу усул Швецияда бизнесни ривожлантириш ва сармояларни жалб қилишга тўсқинлик қиладиган қоидаларни олиб ташлаш учун ишлаб чиқилган бўлиб, кейинчалик Италия, Хорватия, Венгрия, Жанубий Корея, Мексика, Россия каби кўплаб мамлакатларда назорат фаолиятини ислоҳ қилишнинг самарали воситаси сифатида қўлланилган.

Шуни тан олишимиз керакки бугунги кунда, айрим қонун ҳужжатларининг амалиётда аҳамияти анча пасайиб кетган. Масалан Уй жой кодекси бир неча Ҳукумат қарорларининг қабул қилинганлиги боис, ўзининг аҳамиятини бироз йўқотган. Бу каби ўз аҳмиятин йўқотган ҳужжатларни бугунги кунда қайта кўриб чиқиш лозим.

2. Бир ижтимоий муносабатнинг турли қонунчилик ҳужжатларида тартибга солиниши, биринчи навбатда уларнинг сон жиҳатидан кўпайишига олиб келади, иккинчидан улардан фойдаланишни қийинлаштиради ва баъзан турлича талқин қилишга ёки нотўғри қўллашга ҳам олиб келиши мумкин. Масалан, биргина суғурта билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар қуйидаги бешта **“Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”**[1]ги, **“Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”**[2]ги, **“Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий**

[1] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – 21-сон. – 268-модда.

[2] **Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами**, 2009 й., 16-сон, 197-модда; 2013 й., 18-сон, 233-модда.

давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида”[3]ги, **“Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”**[4]**ги, “Суғурта фаолияти тўғрисида”**[5]ги қонунлар билан тартибга солинган.

Бу каби бир масаладаги қонун ҳужжатларини камайтириш учун вазирлик ва идоралар томонидан консолидация усулларини қўллаган ҳолда тизимлаштириш ишларини режали амалга ошириш лозим. Яъни мазмун жиҳатдан ўхшаш бўлган қонунчилик ҳужжатларини битта ҳужжатга бирлаштирган ҳолда ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш керак.

Бу борада кодификация ишларини ҳам айни вақтда амалга ошириш мумкин.

Худди шунингдек, давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатларнинг кўплиги қонуности ҳужжатлари сонининг сунъий равишда ошишига сабаб бўлмоқда. Таъкидлаш жоизки, ҳозирда юзга яқин давлат органи фаолиятини тартибга солувчи **1600 дан зиёд** қонунчилик ҳужжати мавжуд. Мисол учун, биргина Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бўйича **93 та**, Халқ таълими вазирлиги бўйича **83 та** ҳужжат қабул қилинган. Эндиликда давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини бирлаштириш орқали уларнинг сонини қисқартириш мумкин.

Бу борада хорижий давлатлар тажрибасига назар солсак. Қозоғистонда барқарор ижтимоий муносабатларни комплекс тартибга солиш консолидациялашган қонунлар орқали амалга оширилиб келинмоқда. Молдовада бир соҳада ҳуқуқий нормаларнинг кўплигини бартараф этиш зарур бўлган ҳолларда консолидациялашган қонун ҳужжати қабул қилинади. Россия Федерациясида бир соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари инкорпорация, консолидация ва кодификация қилиш орқали тизимлаштирилади ва тўпламларга бирлаштирилади. Францияда **80 тадан ортиқ** соҳадаги қонун ҳужжатлари кодексларда, Германияда

[3] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 361-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда.

[4] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 17-сон, 128-модда.

[5] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 4-5-сон, 68-модда.

қабул қилинган қонун ҳужжатлари тартибга солиш соҳаси бўйича ягона қонунчилик ҳужжатлари тўпламида жамланган.

Ушбу тажрибаларга асослаган ҳолда қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш бўйича кенг қамровли инкорпорация, консолидация ва кодификация бўйича ишларни босқичма-босқич тизимли тарзда амалга ошириб бориш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

3. Қонунчилик ҳужжатларининг кўпайишига сабаб бўлаётган яна бир масала, қонунлардаги нормаларнинг қонуности ҳужжатларида такрорланиши ҳуқуқий тартибга солиш юкини кўпайтирмоқда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини қийинлаштирмоқда. Базан вазирлик ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар буйруқ билан эълон қилинади. Бу эса фуқаролар ва тадбиркорлар муайян масала бўйича айнан қайси ҳужжатга амал қилиши кераклиги юзасидан саволларни туғдирмоқда. Натижада масалани тушуниш ва унга ҳуқуқий ечим топиш учун юзлаб ҳужжатларни кўриб чиқишга тўғри келмоқда. Таҳлилларига кўра, ҳар бир соҳа бўйича ўртача 4-5 та қонун, 40 дан ортиқ қонуности ҳужжат қабул қилинган. Айрим қонуности ҳужжатлари матнларининг аксарият қисми юқори турувчи қонунлар, шунингдек, бир соҳани тартибга солувчи қонуности ҳужжатлардаги нормаларни такрорлайди.

Ички ишлар вазирлигида ички идоравий ҳужжатларни таҳлил қилганимизда, шундай ҳолатга ҳам дуч келганмизки, вазирни буйруғи билан Президентининг қарори эълон қилинган, маълум муддат ўтгандан кейин ушбу буйруққа ўзгартириш ва қўшимча киритилган. Натижада вазир буйруғида Президент томонидан тартибга солиниши керак бўлган масала тартибга солинган. Бундай буйруқларни бекор қилганмиз.

Шу боис, бу масалада Конституциямизнинг 15-моддасидаги мамлакат ҳудудида Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиш қоидасини, қонун ҳужжатларига ҳам кўпроқ татбиқ этиш лозим.

Шунингдек, айим ҳолатларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга оширишнинг самарали механизмлари мавжуд бўлмайди. Натижада қонунларга мувофиқ белгиланган нормаларни қандай вазиятда қандай қўллаш лозимлиги бўлмаганлиги сабабли шахснинг ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлади.

4. **Қонун ҳужжаталарида**, ҳаволаки нормаларнинг кўплиги ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўпайишига олиб келади.

Ҳаволаки нормалар бир ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларнинг такрорланишининг олдини олиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг бошқа нормаси, моддаси ёки боби, бўлимига ишора қилиш учун ишлатилади ёки “қонун ҳужжатларига мувофиқ”, “қонунчиликка мувофиқ” каби умумий ҳаволалар ҳам қўлланилади.

Бироқ ҳаволаки нормаларни юридик техника талабларига номувофиқ қўллаш натижасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нуфузи ва хусусиятига путур етиши мумкин. Масалан, эски таҳрирдаги 23 моддадан иборат “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунда 20 дан ортиқ ҳаволаки норма мавжуд эди. Ҳаволаки нормаларни ҳаддан зиёд қўллаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солиш хусусиятни камайтириб, тартибга солишни белгиловчи ҳужжатга айланишига олиб келади ва ўз навбатида қонунчилик ҳужжатларининг кўпайишига сабаб бўлади.

Бу ҳаволаки нормаларни умуман қўлламаслик керак дегани эмас албатта. Ҳаволаки нормаларсиз қонун ҳужжатлари йўриқномага ўхшаш ҳужжатга айланиб қолиши мумкин. Шу боис, қонун ҳужжатининг хусусиятидан келиб чиқиб, юридик техника талабларига асосланган ҳолда ҳаволаки нормалардан ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

5. **Юқорида таъкидлаганимиздек**, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш амалиётининг тезлашганлигининг ҳам ижобий ва салбий оқибатлари мавжуд. Ижобийси ижтимоий мунсабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқ тезроқ тўлдирилади. Салбий томони норматив-ҳужжатлар тез тайёрланиши натижасида унинг оқибатлари етарлича прогноз қилинмай қолади. Натижада қабул қилинганлигига бир йил бўлмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Бундан ташқари қонунчиликка ўзгаришларнинг тез-тез киритилиши уларнинг барқарорлигини йўқотади ва айни вақтда инвесторларнинг ишонч-сизлигини келтириб чиқаради. Чунки, бугун бир ҳуқуқни бериб, эртага бу ҳуқуқдан маҳрум қилсак, албатта, инвесторлар, фуқаро-ларимизнинг қонунчиликка бўлган ишончи сусаяди.

Юридик техника масаласида тадқиқот ишини олиб боришим давомида ўрганганимда Германияда битта қонунни ишлаб чиқиб, қабул қилиш учун ўртача 5 йил вақт сарфланар экан. Қонунларнинг амалиётда қўлланилиши бўйича ҳар томонлама прогноз амалга оширилгандан кейин қабул қилар экан. Бу ўз навбатида қонунчилик ҳужжатларига камроқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини таъминлайди. Шу боис, бугунги кунда қонунларни ишлаб чиқишда прогнозлаштириш масалага алоҳида эътибор бериш керак деб ҳисоблайман.

6. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонунда қайси масалалар қонун билан тартибга солинишининг аниқ рўйхати берилиши керак. Бундай тажриба Францияниng Конституциясида мавжуд. Яъни Франция Конституциясининг 34-моддасида қонун билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг рўйхати берилган. Бундай рўйхатларнинг бўлиши қонун билан тартибга солиниши назарда тутилган масалалар қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинишини муайян даражада чеклайди.

7. Босқичма-босқич, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш амалиётини тугатиш мақсадга мувофиқ. Чунки, Вазирлик ва идоралар норма яратиш орқали айрим ижтимоий муносабатларни тартибга солмоқда албатта бу ҳам муайян маънода қонуний-ликдан оғишларга сабаб бўлиши мумкин. Иккинчи томондан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўпайишига олиб келади.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида ҳам шу йўналишда бир қатор вазифалар белгиланган. Хусусан:

- хўжалик бошқаруви органлари ваколатига кирувчи масалалар ва корпоратив муносабатлар қонуности ҳужжатларини қабул қилиш ёки маъмурий усуллар орқали тартибга солинишини тақиқлаш;
- жисмоний ва юридик шахслар учун жавобгарлик белгиловчи ҳуқуқий нормаларнинг фақатгина қонунлар билан ўрнатилишини белгилаш;
- идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга жисмоний ва юридик шахслар учун қўшимча тўлов ва йиғимларни белгиловчи,

ортиқча маъмурий ва бошқа чеклашларни назарда тутувчи, уларга асосланмаган харажатлар юзага келишига олиб келувчи, рухсат бериш хусусиятига эга бўлган ҳуқуқий нормаларни киритишга йўл қўймаслик кабилар шулар жумласидандир.

Шунингдек, Қонуности ҳужжатларининг ҳуқуқий жавобгарлик ва санкция белгиловчи нормаларини қайта кўриб чиқиш дастури, Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юқори юридик кучга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат шаклига ўтказиш режаси, Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар мазкур Фармон билан тасдиқланди.

Бундан ташқари қонунчиликни тизимлаштириш ва ортиқча ҳуқуқий тартибга солишни камайтириш мақсадида 2020 йил 1 июлдан 2021 йил 1 январгача идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш синов тарзда тўхтатилган эди.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, юридик техника норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш жараёнида қонун-чиликдаги такрорланиш, зиддият ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга ёрдам беради, нормаларни аниқ ва мантиқий ифодалаш орқали ҳуқуқий ноаниқликларнинг олдини олади, қонунчилик ҳужжатлари ўртасидаги мувофиқликни таъминлаб, уларнинг ўзаро уйғунлигини мустаҳкамлайди, қонун ҳужжатларининг самарали ижро механизмаларини яратади. Бу эса ҳуқуқни қўллаш тўғри амалга ошишини таъминлайди.

ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ АСОСИДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНЛАР ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ж.М. Азамов,

Қўқон Давлат Университетининг проектори

Ўзбекистон Республикаси янги таҳрирдаги Конституцияда Асосий қонун энг юқори юридик кучга эга бўлган, бевосита, тўғридан-тўғри ҳаракатланувчи қонунчилик ҳужжатидир, – дейилган. Мазкур конституциявий қоида Асосий қонунга ўзгартириш, тўлдириш ва қўшимчалар киритувчи конституциявий қонунларнинг аҳамияти ва ролини ҳам кучайтиришга хизмат қилувчи муҳим омил бўлди, – десак асло муболаға бўлмайди. Шу муносабат билан мамлакатимизда шаклланган конституциявий қонунларнинг аҳамияти ҳамда ҳуқуқий тартибга солишдаги таъсирчанлиги анча ортди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси 2020 йил апрелда қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунининг 9-моддасида таъкидлангандек "Ўзбекистон Республикасининг қонунлари энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш йўли билан қабул қилинади. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари конституциявий қонунлар тарзида қабул қилиниши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари конституциявий қонунлар тарзида қабул қилинади".

Ўзбекистон юридик энциклопедиясида конституциявий қонунлар – қатор мамлакатларда конституциявий ҳуқуқнинг бош манбаларидан бири, деб эътироф этилган.

Конституциявий қонунчилик мамлакат миллий қонунчилик тизимининг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, конституциявий ҳуқуқ соҳасининг норматив манбаини ташкил этади. Жамият ва давлат ҳаётидаги муҳим ижтимоий муносабатларни консти-

туциявий-ҳуқуқий тартибга солиш айнан конституциявий қонунчилик воситасида, унинг нормаларини қўллаш орқали амалга оширилади. Бизнинг тасаввуримизга кўра, конституциявий қонунчилик мамлакатимиз ҳуқуқий ва қонунчилик тизимининг алоҳида мустақил тури бўлиб, у ўз мазмунига конституциявий ҳуқуқ соҳасининг қонунчилик манбаларини ифодаловчи норматив ҳужжатлар – Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясини, барча конституциявий қонунларни ҳамда конституциявий тартибга солиш предметини ташкил этувчи масалалар бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қамраб олади.

Конституциявий қонунчиликнинг мазмунини, кўламини ва қамровини тасаввур этиш учун унинг ички тизимини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Конституциянинг ички тузилиши билан конституциявий ҳуқуқнинг тизими айнан бир хил эмас. Бизнинг фикримизча, конституциявий қонунчиликнинг тизими Конституциянинг тизимидан анча кенгроқ. Бироқ, шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, конституциянинг ҳар бир нормаси, принципи ва ғояси асосида қабул қилинган қонунлар ва қонунчилик актлари конституциявий қонунчилик категорияси таркибига киради.

Ҳуқуқшунослик назарияси, шу жумладан, конституциявий ҳуқуқ фани доирасида “конституциявий қонунчилик тизими” тушунчасини атрофлича таъриф ва тавсиф қилиш лозим. Мутахассис олимларнинг умумий эътирофига кўра, қонунчилик тизими – қонунчиликнинг структуравий тузилиши бўлиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва юридик қоидаларнинг қонунчилик соҳалари ва институтларига дифференциаллашиб уюшган барқарор гуруҳланишида ўз аксини топади ҳамда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларнинг ўзаро ички алоқадорлигига асосланган муштарак йиғиндиси сифатида майдонга чиқади. Қонунчилик ҳужжатларининг ягона тизимга бирикишида уларнинг юридик кучи, ўзаро иерархик мутаносиблиги асосий мезон вазифасини ўтайди.[1]

Тадқиқотчи олим ю.ф.н. Х.Х.Одилқориев ўзининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизими номли китобида конституциявий

[1] Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т.: 12.- Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2006, 206-б.

қонунларга қуйидагича тавсиф беради: Конституциявий қонунлар амалдаги Конституцияга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун қабул қилинади. Айрим олимлар қабул қилиниши конституцияда назарда тутилган қонунларни конституциявий қонунлар, – деб ҳисоблашни маъқуллайдилар. Олимлар орасида Конституциявий қонунлар масаласида ягона фикр мавжуд бўлмаганлиги сабабли, ҳозирга қадар конституциявий қонунларга мукаммал, ягона таъриф шаклланмаган. Фикримизча, расмий тарзда Конституциявий қонунлар мақомини олган қонунларни конституциявий қонунлар деб аташ мақсадга мувофиқ.[2]

Профессор Х.Т. Одилқориев алоҳида урғу бериб ёзганидек, Конституция ўз моҳият – эътибори ила жамият ҳуқуқий тизимини уюштирувчи, баҳамжиҳат этувчи маркази, система ҳосил қилувчи ўзаги бўлиб, барча ҳуқуқ тармоқлари ва қонунчилик соҳаларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи бошланғич асосдир. Қонунчиликнинг ҳамма тармоқлари конституциявий қоида ва принципларга таянади. Конституциянинг қоидалари ҳамиша раҳбарий, дастурий ҳамда йўналтирувчи мавқега эга[3].

Конституциявий қонунчилик феномени ҳуқуқий ҳодиса *(институт)*, илмий категория сифатида ҳуқуқшунослик фанимизда ҳали етарлича пухта ва чуқур ўрганилмаган масалалардан биридир. Шу сабабли кейинги йилларда ҳуқуқий ва бошқа махсус адабиётларда “конституциявий қонунчилик” тушунчасини шакллантириш, унинг мазмун-моҳиятини очиш, такомиллашиш босқичларини изоҳлаш атрофида бахс-мунозаралар фаоллашмоқда. Масалан, ҳуқуқшунос олим И. Тультеев ўзининг “Ўзбекистон конституциявий қонунчилигини модернизациялаш: баъзи якунлар ва истиқбол” номли мақоласида[4] “конституциявий қонунчиликнинг бевосита тушунчасини таърифламасада, бу ўринда у конституциявий ҳуқуқ соҳасининг қонунчилик манбаларини, норматив-ҳуқуқий базасини назарда тутади.

Профессор А.Р. Раҳмонов конституциявий қонунчилик нормаларини амалга ошириш ҳуқуқий муносабат доирасида ва ундан

[2] Одилқориев Х.Х. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизими. Т., ТДЮИ, 2008. – 49-50-бетлар.

[3] Қаранг: Одилқориев Х.Т. Конституция ва баркамол жамият орзуси. – Т., 2012, 286 бет.

[4] Қаранг: Тультеев И. Модернизация конституционного законодательства Узбекистана: некоторые итоги и перспективы. / Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Ахборотномаси. – 2013, №4, 16 – 19-бетлар.

ташқарида содир бўлиши ҳақида таҳлил юритиб, ушбу қонунчилик тармоғининг хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилади[5].

Профессор Ю. Тихомировнинг фикрича, конституциявий қонунчилик мамлакат қонунчилигининг давлат қурилиши ва ҳокимият органлари фаолиятининг принципларини, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий мақомини белгиловчи, фуқаролик жамиятининг асосий жабҳаларини тартибга солувчи ва ҳуқуқий тизимни яратувчи алоҳида тармоғидир. У етакчи тармоқ сифатида барча қонунчилик соҳалари ва тизимининг яхлитлигини таъминлайди[6].

“Конституциявий қонунчилик” ибораси мамлакатимиз ҳуқуқшунослигида илк бор У. Таджиханов, Х. Одилқориев, А. Саидовлар томонидан 2001 йилда чоп этилган “Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи” дарслигида қўлланилди. Унда ушбу категория тушунчаси қисқа ва лўнда ифодаланиб, “Мамлакат конституциявий қонунчилиги тизимига – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Қорақалпоғистон Республикасининг Конституцияси ва барча конституциявий қонунлар киради”, – деб таъкидланган[7].

Конституциявий қонунчилик мамлакат миллий қонунчилик тизимининг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, конституциявий ҳуқуқ соҳасининг норматив манбалари мажмуини ташкил этади. Юқорида таъкидланганидек, ижтимоий муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш айнан конституциявий қонунчилик воситасида, унинг аниқ нормалари асосида амалга оширилади.

Тахминий фикрларни умумлаштириб, “конституциявий қонунчилик”ка қуйидагича таъриф бериш мумкин: конституциявий қонунчилик мамлакатимиз ҳуқуқий ва қонунчилик тизимининг мустақил тармоғи бўлиб, у ўз мазмунига конституциявий ҳуқуқ соҳасининг қонунчилик манбаларини ифодаловчи норматив ҳужжатлар – Конституцияни *(шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси)*, барча конституциявий қонунларни

[5] Раҳмонов А.Р. Конституционные правоотношения в звене механизма конституционного регулирования. / ИИВ Академиясининг Ахборотномаси. – 2011, №4, 17-бет.

[6] Қаранг: Конституционное законодательства России / Под ред.Ю.А.Тихомирова. – М., 1999, с. 22.

[7] Таджиханов У., Одилқориев Х., Саидов А. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т., 2001, 113-бет.

ҳамда конституциявий тартибга солиш предметини ташкил этувчи масалалар бўйича қабул қилинган алоҳида қонунларни қамраб олади.

Конституциявий қонунчилик тизимининг ўзига хос хусусиятлари борасида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида шаклланган ва ҳозирда амал қилиб келаётган конституциявий қонунчиликнинг юридик табиати унинг хусусиятларида янада яққолроқ намоён бўлади. Конституциявий қонунчилик тизимининг хусусиятлари қаторида – унинг ҳуқуқий тизимимизда етакчи ўрин эгаллаш; ўзининг алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш предметига эгалиги; ички мантиқий тизимга эгалиги; ўзига тегишли норматив-ҳуқуқий манбаларига эгалиги кабиларни киритиш лозим. Ушбу хусусиятларга тўлиқроқ тўхталамиз.

1. Конституциявий қонунчилик мамлакат Конституцияси “бошчилигида” миллий қонунчилик тизимимизда “марказий ўрин” эгаллайди. Айнан Конституция ва бошқа конституциявий қонунчилик ҳужжатлари барча соҳавий қонунчилик *(кодекслар ва бошқа қонунлар)* ҳужжатлари учун устувор норматив асос бўлиб хизмат қилади[8]. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 ва 16-моддаларига биноан Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг сўзсиз устунлиги тан олинади.

2. Конституциявий қонунчилик ўзининг алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш предметига эга. Бу давлат ва жамият, шунингдек фуқароларнинг манфаатларини ифодалашдаги алоҳида аҳамиятли ижтимоий муносабатлар тизими мавжудлиги билан изоҳланади. Булар давлат ва жамият бошқарувининг Конституция даражасида ифодаланадиган қатор масалалари. Айниқса, инсон ва фуқароларнинг муҳим, асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда кафолатлаш масалаларидир. Сўнгги йилларда фуқаролик жамиятининг муҳим институтлари бўлган сиёсий партияларнинг мақомини кучайтириш масалалари ҳам конституциявий тартибга солиш предметига айланди *(2007 йил 11 апрелдаги Конституциявий қонун)*[9].

[8] Қаранг: Қаюмов Р.Қ. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. – Т., 1998, 37-40-бетлар; Одилқориев Х.Т. Конституция ва баркамол жамият орзуси. – Т., 2012, 286-300-бетлар.

[9] Конституциявий тартибга солиш борасида батафсилроқ қаранг: Одилқориев Х.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Т., 2002, 277-283-бетлар; Морозова Л.А.

3. Конституциявий қонунчиликнинг муҳим хусусиятларидан яна бири унинг тизимлилигидир. Албатта, Конституция ва унинг асосида, уни ривожлантириш ҳамда аниқлаштириш мақсадида яратиладиган конституциявий қонунлар ягона изчил тизимни ташкил этиши табиий. Биринчидан, унинг тизимлилиги шу билан таъминланадики, мазкур қонунчилик соҳасининг асосини мустақил конституциявий ҳуқуқ соҳаси ташкил этади; иккинчидан, унинг бош норматив асосини Конституция ташкил этади. Юқорида таъкидланганидек, Конституция “система”, “тизим” ҳосил қилувчи қонундир; учинчидан, конституциявий тартибга солиш предметини ташкил этувчи ижтимоий муносабатлар ҳам тур жиҳатдан ўзаро бир-бирига яқин муносабатлар бўлиб, ижтимоий ҳаётда бир тизимга бирлашади. Юқоридаги омиллар сабабли конституциявий қонунчиликнинг таркибига кирувчи элемент-ҳужжатлар ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлади. Уларни умумий мақсад ва ягона тартибга солиш принциплари бирлаштиради.

4. Конституциявий нормаларнинг табиати ҳам конституциявий қонунчиликнингмахсустоифадагиқонунчиликтизимиэканлигини ифодалайди. Конституциявий нормалар – конституциявий ҳуқуқ предметини ташкил этувчи муносабатларни тартибга солганлиги боис бошқа тармоқ ҳуқуқий нормаларидан фарқ қилади. Биринчидан, конституциявий нормалар алоҳида турдаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида яратилади, масалан, конституциявий нормалар: принцип-нормалардан, мақсад-нормалардан, таъриф-нормалардан, декларатив-нормалардан иборат бўлиб, ўзининг асосан диспозитивлиги билан характерланади. Иккинчидан, конституциявий нормалар юқори умумлашув хусусиятига эга бўлиб, бошқа ҳуқуқий нормаларга нисбатан устувор, йўналтирувчи ва таъсис этувчи нормалардир, уларнинг юридик кучи ҳам юқорироқ. Учинчидан, конституциявий нормалар ўзининг ҳуқуқий тартибга солиш ва амалга ошиш механизми хусусиятлари билан ажралиб туради. Тўртинчидан, конституциявий қонунчилик нормалари ўз структурасининг алоҳидалиги билан ҳам ажралиб туради. Масалан, уларда кўпинча гипотеза ва диспозиция

Конституционное регулирование в СССР. – М., 1985; Лапаева В.В. Конституционное регулирование процессов создания и деятельности общественных объединений. – В кн.: Конституционное законодательство России. – М., 1999. – с.283-312.

мавжуд бўлиб, санкцияси ҳамма вақт ҳам акс эттирилавермайди. Шу билан бирга, Конституциянинг нормалари билан бошқа конституциявий қонунчилик ҳужжатлари нормалари ўртасида ҳам фарқ бор. Конституциянинг нормалари қуйидаги жиҳатлари билан устуворлик касб этади: а) энг юқори юридик кучга эгалиги; б) ўта юқори таъсис этувчи имкониятга эгалиги; в) нисбатан юқори барқарорликка эгалиги; г) давлат томонидан биринчи даражадаги муҳофаза билан таъминланади *(шунингдек, улар Конституциявий суд воситасида ҳам муҳофазаланади)*; д) ўз кўлами бўйича универсал ва кенг ҳуқуқий тартибга солиш имкониятига эгалиги; е) ҳуқуқий тартибга солиш доирасига бошқа тармоқ ҳуқуқий нормаларини ҳам жалб эта олганлиги сабабли конституциявий қонунчилик нормалари интегратив *(бирлаштирувчи)*, сафарбар этувчи хусусиятларга ҳам эгадир[10].

5. Конституциявий қонунчиликнинг хусусиятларидан яна бири – улар манбаларининг муҳимлигидир. Биринчидан, конституциявий нормалар барча ваколатли давлат органларининг қонун чиқариш ва ҳуқуқ ижодкорлик ваколатларини белгилаб беради. Иккинчидан, ушбу қонунчилик нормаларининг мазмуни давлат ҳокимияти фаолиятига ўта яқин бўлиб, уларнинг “оммавий”лик хусусияти юқорироқдир.

[10] Қаранг: Аничкин Е.С. Конституционное законодательство Российской Федерации: понятие, признаки, источники // Правоведение, 2006, №4, с.95-96.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ КИБЕРЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ ТАЖРИБАЛАРИ

Ҳасанов Шарофиддин Шамшурович,

Криминология тадқиқот институти етакчи илмий ходими фалсафа доктори, доцент

Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш, уларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, ички ишлар органлари томонидан Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги энг замонавий ва мамлакатимизга мос бўлган усулларини ўрганиш ҳамда татбиқ этиш лозим.

Бинобарин, биз қуйида Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши курашишда хорижий мамлакатларни жиноят қонунчиликларини айримларига тўхталиб ўтишни лозим деб топтик.

Иқтисодиёт соҳасидаги кибержиноятлар турфа бўлиб, дунё мамлакатлари ушбу жиноятлар ичида энг муҳимларини ва мавжуд ижтимоий муносабатлар ривожланишига қараб жиноят қонунчилиги билан тартибга солиб қўйишган, хусусан, иқтисодиёт соҳасида содир этиладиган энг оғир кибержиноятлар бири бўлган **кибер-босқинчилик**, яъни ўзганинг мол-мулкини талон-торож қилиш мақсадида махсус кибертехнологиялар орқали ҳужум қилиб, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёхуд шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитиб содир этиладиган жиноят ҳисобланади.

Бу тоифадаги жиноятларда киберҳужум амалга оширилган вақтдан бошлаб, айбдор томонидан жабрланувчининг мол-мулки ва мулкий ҳуқуқлари қўлга киритилганидан қатъий назар тугалланган ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, ҳозирги кунда ёлланма хаккерларнинг деярли барчаси мазкур тоифадаги жиноятларни содир этишади. Ушбу жиноятларнинг бошқа жиноятлардан энг муҳим характерли хусусияти шундаки, деярли барча ҳолатларда бу каби жиноятлар бошқа жиноятлар содир этилишига имконият яратиб беради.

Ушбу жиноятлар хорижий давлатлар жиноят қонунчилигида турлича тартибга солинган, хусусан, Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг “Ўғрилик, талончилик ва босқинчилик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2002 йил 27 декабрдаги 29-сон қарорининг 23-бандида компьютер техникасининг босқинчилик, ўғрилик ва талончилик жиноятларида жиноят қуроли ёки воситаси бўлиши ҳақида сўз юритилади[1].

Литва жиноят кодексининг 180-моддасида, Латвия жиноят кодексининг 176-моддасида, Испания жиноят кодексининг 243-моддасида, Украина жиноят кодексининг 187-моддасида, Туркманистон жиноят кодексининг231-моддасида, Япония жиноят кодексининг 236-241-моддаларида, Белоруссия жиноят кодексининг 207-моддасида, Озорбойжон жиноят кодексининг 181-моддасида кибербосқинчилик ёки компьютер босқинчилиги учун жиноий жавобгарлик белгиланмаган бўлсада, бироқ Арманистон жиноят кодексининг 175-моддаси учинчи қисми 4-бандида компьютер техникасидан фойдаланиб босқинчилик жиноятини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилганлиги Арманистон Республикасининг бу борадаги муносабатлари етарлича тартибга солиб қўйилганлигини кўрсатади.

Кибертовламачилик. Кибертовламачилик жинояти объектив томондан жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларига кибертехнологиялар ёрдамида зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўз мулки ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш орқали амалга ошириладиган жиноят бўлиб, бунинг учун жиноий жавобгарлик Испания жиноят кодексининг 243-моддасида, Япония жиноят кодексининг 249-моддасида, Грузия жиноят кодексининг 181-мод-

[1] Постановление Пленума Верховного Суда РФ от 27 декабря 2002 г. № 29 “О судебной практике по делам о краже, грабеже и разбое”. // http://base.garant.ru/1352873/#ixzz6LOlLzLrq. // Л.В.Иногамовой-Хегай. Актуальные проблемы уголовного права. Часть Особенная. Учебник. – М.: Издательство “Проспект”. 2015 г., // https://books.google.co.uz/books?id.

дасида, Арманистон жиноят кодексининг 182-моддасида, Франция жиноят кодексининг312-1-312-9-моддаларида, Белоруссия жиноят кодексининг 208-моддасида Литва жиноят кодексининг 181-моддасида, Сан-Марино жиноят кодексиинг 196-моддасида, Латвия жиноят кодексининг 183-моддасида, Швейция жиноят кодексининг 1-моддаси, 9-боб 2-қисмидаги 4 ва 11-моддаларида, Сингапур жиноят кодексининг 17-бобида, Туркманистон жиноят кодексининг 232-моддасида назарда тутилмаган. Бироқ, Голландия Жиноят кодексининг 317-моддасида компьютер ускунаси ёки тизими орқали товламачилик жиноятини содир этганлик, Украина жиноят кодексининг 362-моддасида компьютер маълумотларини ўғирлаш, ўзлаштириш, талаб қилиш ёки уни фирибгарлик ёки мансабдор шахснинг мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллаганлик учун, Арманистон жинояти кодексининг 182-моддасининг иккинчи қисми ва учинчи қисми 3-бандида компьютер техникасидан фойдаланиб товламачилик жиноятини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Умуман олганда, кибертовламачилик дастлаб АҚШда рўйхатдан ўтган бўлиб, ўшанда америкалик кибержиноятчи алоҳида сайт яратиб, унда ўзининг “Тоби” лақабли қуёни билан бўлган таъсир ҳолатни баён қилувчи видеоларни жойлаштира бошлайди ва шу орқали қуёнларни яхши кўрувчи инсонларнинг эътиборини ўзининг сайтига жалб қилади, бироз вақт ўтганидан кейин ушбу қуёнини агарда фойдаланувчилар 50 АҚШ доллари бермаса, уни сўйиб истеъмол қилишини таъкидлайди, натижада бир неча ойда қуённи яхши кўрувчи жабрланувчилар қуёнга раҳми келишиб кибержиноятчининг товламачилиги оқибатида 20 АҚШ долларига зарар кўришади[2].

Киберталончилик. Дунёдаги деярли барча мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам ўзганинг мулкини талон-торож қилиш мулкка тажовуз қилишнинг энг хавфлиси ҳисобланади. Бунда, айбдор, жабрланувчи ва бошқаларнинг кўз олдида ўзганинг мулкини киберҳужум орқали эгаллаб олаётганлигини ва улар унинг ҳаракатларининг жиноий хусусиятини тушунганлигини англаганда, ўзганинг

[2] Т.М.Лопатина. Условноцифровое вымогательство, или кибершантаж // Журнал российского права. 2015. №1 (217). – С.118-126.

мулкини ошкора талон-торож қилиш киберталончилик ҳисобланади. Ушбу қишмишни квалификация қилишда руҳий зўрлик мавжуд бўлиши ва ушбу зўрлик вақтида шахс жисмоний оғриқлар ва руҳий таҳдидлар натижасида жабрланувчига айланаётганлиги, зўрлик ёки уни қўллаш билан қўрқитиш мулк ихтиёрида, тасарруфида ёки қўриқловида бўлган шахсга нисбатан, шунингдек, ўзганинг мулкини очиқдан-очиқ эгалик қилишга қаршилик қилувчи шахсларга нисбатан ҳам қарши йўналтирилган бўлиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Тўғри, Озорбойжон жиноят кодексининг 180-моддасида, Испания жиноят кодексининг 241-моддасида, Украина жиноят кодексининг 186-моддасида, Жанубий Корея жиноят кодексининг 350-моддасида, Швеция жиноят кодексининг 8-боби, 2-қисмидаги 12-13-моддаларида, Сингапур жиноят кодексининг 17-бобида, Туркманистон жиноят кодексининг 230-моддасида, кибер талончилик учун жиноий жавобгарлик белгиланмаган, бироқ Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексининг263а-параграфига кўра, электрон ҳисоблаш машиналари, зарарли дастурлар ёки рухсат этилмаган ўзга усуллар орқали ўзига ёки учинчи шахсга ноқонуний мулкий фойда олиш учун қилинган ҳаракатлар учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима жазоси тайинланиши белгилаб қўйилган[3].

Шунингдек, Арманистон жиноят кодексининг 176-моддаси учинчи қисми 4-бандида компьютер техникасидан фойдаланиб, талончилик жиноятини содир этганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилганлиги орқали айтишимиз мумкинки, жамиятда бу каби жиноятлар содир этилмайди деган қарашлардан бутунлай воз кечиш фикримизча мақсадга мувофиқдир. Мисол учун, дунёдаги энг катта киберталончилик жинояти 2015 йилда содир этилган бўлиб, киберталончилар томонидан Украина, Россия, Яқин шарқ, Шанубий-Шарқий Осиё, Африкадаги банкларга нисбатан содир этилган бўлиб, жами 1 млрд доллар миқдоридаги мулк кибержиноятчилар томонидан ноқонуний эгаллаб олинган[4].

[3] Уголовный кодекс Федеративной Республики Германии. В редакции от 13 ноября 1998 г. по состоянию на 15 мая 2003 г. /Ассоциация юридический центр; Пер. с нем. Н.С. Рачковой; Науч. ред., вст. ст. Д.А.Шестакова; Предисл. Г.-Г. Йешека. -СПб: Юридический центр Пресс,2003. –522 с.

[4] Самое крупное киберограбление банков в истории на 1 миллиард долларов // https://zen.yandex.ru/media/moneytime/samoe-krupnoe-kiberograblenie-bankov-v-istorii-na-1-milliard-dollarov-5c08d270ede3d000aa9e92b2.

Киберрастрата. Киберрастрата жиноятининг объектини ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулки ва мулкий ҳуқуқлари ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини муҳофазаловчи ижтимоий муносабатлар ташкил қилади ва ушбу жиноят субъектив томондан тўғри қасддан, объектив томондан кибертехнологиялар орқали айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш орқали 16 ёшга тўлган ақли расо шахс томонидан содир этилади ва ушбу жиноят ишониб топширилган мулк кибертехнологиялар орқали бегоналаштирилган вақтдан бошлаб тугалланган саналади.

Арманистон жиноят кодексининг 179-моддасининг учинчи қисми 3-бандига кўра, компьютер техникаси ёрдамида ўзлаштириш ва растрата жиноятини содир этганлик учун, яъни киберрастрата жиноятлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Эстония жиноят кодексининг 140-моддасида ва 141-моддасида, Швеция жиноят кодексининг 2-қисм 10-бобидаги 1-10-моддаларида, Озорбойжон, Сан-Марино жиноят кодексининг 195-моддасида, Латвия жиноят кодексининг 179-моддасида, Литва жиноят кодексининг 184-моддасида, Беларуссия жиноят кодексининг 211-моддасида, Грузия жиноят кодексининг 182-моддасида, Қозоғистон жиноят кодексининг189-моддасида, Тожикистон жиноят кодексининг 245-моддасида, Қирғизистон жиноят кодексининг 205-моддасида, Хитой жиноят кодексининг 270-моддасида, Жанубий Кореянинг 355-360-моддаларида, Туркманистон жиноят кодексининг 229-моддасида, Украина жиноят кодексининг 191-моддасида, Молдова жиноят кодексининг 197-моддаси 3-қисмида, Россия жиноят кодексининг 160-моддасида, Япония жиноят кодексининг 252-моддасида[5] мазкур ҳолат назарда тутилган.

Ҳозирги кунда энг замонавий жиноят тури дея эътироф этилаётган, азалдан қораланиб келган фирибгарлик жиноятининг бугунги кундаги тезкор кўриниши **киберфирибгарлик** жинояти бўлиб, Россия жиноят кодексининг 159-3-моддасига асосан, электрон

[5] М.В. Пальчик. Отдельные признаки хищения чужого имущества, совершенного путем присвоения или растраты на примере законодательства зарубежных государств // Юридическая наука. 2017. №4. – С.138-142.

тўлов воситаларидан фойдаланган фирибгарлик жиноятини содир этганлик, 159-6-моддасига асосан эса, компьютер ахбороти соҳасидаги фирибгарлик, Дания жиноят кодексининг 284-моддасига асосан компьютер фирибгарлиги, 279[a]-моддасига асосан, компьютер ахбороти фирибгарлиги, Испания жиноят кодексининг 248-моддасида ахборотни манипуляция қилиш, компьютер дастурлари орқали кредит ёки дебет карталари ёҳуд чекларга нисбатан фирибгарлик жиноятини амалга оширганлик учун, 255-моддасига асосан, телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан алдашга ихтисослаштирилган механизмлардан фойдаланган ҳолда, телекоммуникация воситаларининг кўрсаткичларини бузиб кўрсатган ҳолда ёки бошқа ноқонуний йўллар орқали ўзга шахснинг мулкини эгаллаб олганлик, 256-моддасига асосан эса, терминал телекоммуникация воситаларини эгаллаб олиш орқали унинг мулкдорига зарар етказганлик, Япония жиноят кодексининг 246-II-моддасига асосан ҳақиқатга тўғри келмайдиган электронмагнит ёзувини киритиш орқали фирибгарлик жиноятини амалга оширганлик учун, Руминия жиноят кодексининг 249-моддасида компьютер фирибгарлиги учун, Албания жиноят кодексининг 143[b]-моддасида компьютер фирибгарлиги, Жанубий Корея жиноят кодексининг 347-2-моддасида электрон ҳисоблаш машиналари орқали, Туркия жиноят кодексининг 504-моддаси 3-бандида жиноят қуроли сифатида почта, телеграф, телефон алоқасидан фойдаланиш орқали, Арманистон жиноят кодексининг 178-моддасининг учинчи қисми 3-бандида компьютер техникаси ёрдамида фирибгарлик жиноятини амалга оширганлик, Германия Федератив Республикаси жиноят кодексининг 263[a]-параграфига асосан эса ўзига ёки учинчи шахсга ноқонуний мулкий фойда олиш учун ҳаракат қиладиган ва шу билан компьютер маълумотларини қайта ишлаш, нотўғри дастурларни яратиш, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлардан фойдаланиш, маълумотлардан ноқонуний фойдаланиш ёки таъсир қилиш натижасида бошқа шахснинг мулкига зарар етказиш орқали компьютер фирибгарлигини амалга оширганлик, Швейция жиноят кодексининг 9-боби 1-моддасига асосан, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотни тақдим етиш ёки дастурга ҳисобот бериш йўли билан ёки бошқа усуллар билан ўзгартириш орқали, ахборотни

автоматик қайта ишлаш ёки бошқа шунга ўхшаш автоматик ишлов бериш натижаларига қонунга хилоф равишда таъсир қилиш орқали жабрланувчига зарар келтирганлик, Швейцария жиноят кодексининг 147-моддасида маълумотларга ишлов бериш орқали фирибгарлик жинояти, яъни ноқонуний равишда маълумотларни ўзлаштириб ёки ушбу маълумотларга ўзгартириш киритиш оқали шахслар мулкига зарар келтирганлик учун жавобгарлик назарда тутилганидан ҳам билиш мумкинки, ривожланган давлатларда бу қилмиш жуда қаттиқ қораланади ва ушбу жиноят билан курашиш чораларини кўриб боришади. Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз жоизки, киберфирибгарлик турли кўринишда содир этилиши мумкин, мисол учун сохта сайт яратиш орқали ўзга шахсларнинг маълумотлари ўзлаштирилади ва бу ҳолат бошқа жиноятлар содир этилишига шарт-шароит яратиб берилади, яна бир усули турли хил ижтимоий тармоқларда ногиронлиги бор шахсларга ёки ночор шахсларга ёрдам бериш ниқоби остида жабрланувчиларнинг мулкини ўзлаштиришади, бунда жабрланувчилар ўзлари бераётган мулкни нима мақсадда берилганлигидан қатъий назар улар кўрган зарар қилмишни квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Литва жиноят кодексининг182-моддасида, Сан-Марино жиноят кодексининг 204-моддасида, Латвия жиноят кодексининг 177-моддасида, Украина жиноят кодексининг190-моддасида, Сингапур жиноят кодексининг 224-боб, 417-қисмида, Туркманистон жиноят кодексининг 228-моддасида, Молдова жиноят кодексининг 190-моддасида, Исроил жиноят қонунининг 439-446-моддасида[6], Буюк Британиянинг 2006 йилдаги “Фирибгарлик тўғрисида”ги Қонунида[7], Германия жиноят кодексининг 246-моддасида киберфирибгарлик учун жавобгарлик ҳолати назарда тутилмаган, бироқ компьютер соҳасидаги жиноятлар қисмида бу жиноятнинг умумий қоидаларни таснифлаб ўтишган.

[6] Закон об уголовном праве Израиля // http://www.crimpravo.ru/codecs/izr/2.pdf.

[7] Fraud Act 2006. http://www.legislation.gov.uk/ukpga/2006/35/contents. // https://www.cps.gov.uk/legal-guidance/fraud-act-2006.

AYOLLAR MEHNAT MIGRATSIYASINING SOTSIOLOGIK SABABLARI VA OMILLARINING NAZARIY ASOSLARI

Risqiboyeva Sevinch Rustam qizi,

O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti ilmiy xodim-tadqiqotchisi

Annotatsiya. Mazkur maqolada ayollar mehnat migratsiyasining sotsiologik sabablari, ularning ijtimoiy-iqtisodiy omillari hamda nazariy talqinlari yoritilgan. Muallif zamonaviy sotsiologik nazariyalar asosida ayollar migratsiyasining jamiyatdagi roli va oqibatlarini tahlil qilgan. Shuningdek, O‘zbekiston misolida migratsiyaning gender jihatlari, ijtimoiy tengsizlik va iqtisodiy mustaqillikka ta’siri ko‘rib chiqilgan. Tadqiqot natijalari ayollar migratsiyasini ijtimoiy himoya siyosati bilan uyg‘unlashtirish zarurligini ko‘rsatadi.

Kalit so‘zlar: ayollar migratsiyasi, sotsiologik yondashuv, ijtimoiy omillar, iqtisodiy sabablar, gender, ijtimoiy tengsizlik, mehnat bozori, feminizatsiya jarayoni.

Аннотация. В статье рассматриваются социологические причины и факторы трудовой миграции женщин, а также её социально-экономические последствия. Автор анализирует роль женской миграции в обществе на основе современных социологических теорий и подчёркивает необходимость интеграции политики социальной защиты и гендерного равенства в сфере трудовой миграции.

Ключевые слова: женская миграция, социологический подход, социальные факторы, экономические причины, гендер, социальное неравенство, рынок труда, процесс феминизации.

Annotation. This article examines the sociological causes and factors of women’s labor migration, as well as its socio-economic consequences. The author analyzes the role and impact of female migration in society based on modern sociological theories and highlights the need for integrating social protection and gender equality policies within labor migration processes.

Keywords: female migration, sociological approach, social factors, economic causes, gender, social inequality , labor market, feminization process.

So‘nggi o‘n yilliklarda mehnat migratsiyasi jarayonlari global miqyosda ijtimoiy, iqtisodiy va madaniy o‘zgarishlarning ajralmas tarkibiy qismiga aylandi. Xususan, ayollar ishtirokidagi mehnat migratsiyasi bugungi kunda sotsiologik tahlil uchun alohida ilmiy ahamiyat kasb etmoqda. Ayollar migratsiyasi faqat iqtisodiy zarurat emas, balki ijtimoiy rollar, gender tengsizlik, patriarxal madaniyat va oilaviy strukturalarning murakkab o‘zaro ta’sirini aks ettiradi [1].

Ko‘plab sotsiologik tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, ayollar migratsiyasi jarayonining ortishiga ijtimoiy-iqtisodiy tengsizlik, ishsizlik darajasi, madaniy an’analar va gender stereotiplari sabab bo‘lmoqda [2]. BMT ma’lumotlariga ko‘ra, dunyodagi xalqaro migrantlarning qariyb 48 foizini ayollar tashkil etadi, bu esa migratsiya jarayonida ularning faolligi va rolini global darajada isbotlaydi [3].

O‘zbekiston misolida esa, mehnat migratsiyasi so‘nggi yillarda aholining ijtimoiy-iqtisodiy hayotida sezilarli o‘zgarishlarga sabab bo‘lmoqda. Rasmiy ma’lumotlarga ko‘ra, 2024-yilda xorijda ishlayotgan o‘zbekistonlik migrantlarning 17 foizini ayollar tashkil etgan, bu ko‘rsatkich 2010-yilga nisbatan ikki barobar ko‘p [4]. Bu o‘zgarish, bir tomondan, mamlakatda ayollarning mehnat bozoridagi faolligi ortib borayotganini, ikkinchi tomondan, mahalliy iqtisodiyotda ular uchun yetarli ish o‘rinlari yaratilmayotganini anglatadi.

Ayollar migratsiyasi faqat iqtisodiy sabablar bilan izohlanmaydi. U sotsiologik jihatdan – ayollarning oiladagi ijtimoiy roli, gender me’yorlari, ijtimoiy tarmoqlarning ta’siri va madaniy qadriyatlar bilan uzviy bog‘liqdir [5]. Bu jarayonning nazariy tahlili mehnat migratsiyasining mohiyatini chuqurroq tushunishga, uning sotsiologik sabablari va oqibatlarini aniqlashga yordam beradi.

Maqolaning maqsadi – ayollar mehnat migratsiyasining sotsiologik sabablari va omillarini nazariy jihatdan o‘rganish, migratsiya jarayoniga ta’sir etuvchi ijtimoiy determinantlarni tahlil qilish hamda O‘zbekiston misolida bu jarayonning o‘ziga xos jihatlarini aniqlashdir. Ushbu tadqiqot migratsiyaning gender xususiyatlarini aniqlash orqali mehnat migratsiyasiga sotsiologik yondashuvni chuqurlashtirishga qaratilgan. Mehnat migratsiyasi masalasi sotsiologik tahlil doirasida eng ko‘p o‘rganilgan mavzulardan biridir. Ammo ayollar migratsiyasi alohida ilmiy yo‘nalish sifatida nisbatan so‘nggi o‘n yilliklarda shakllandi.

XX asrning oxiridan boshlab ayollar xalqaro migratsiya oqimlarining faol ishtirokchisiga aylandi va bu holat sotsiologik tahlilda “feminizatsiya jarayoni” sifatida qayd etildi.

Ayollar mehnat migratsiyasi fenomenini sotsiologik tahlil qilish uchun turli nazariy yondashuvlar mavjud. Ular orasida klassik migratsiya nazariyalari bilan bir qatorda zamonaviy gender va ijtimoiy tarmoq yondashuvlari alohida o‘rin tutadi. Ushbu bo‘limda mehnat migratsiyasining asosiy sotsiologik nazariyalari va ularning ayollar migratsiyasiga tatbiqi tahlil qilinadi.

1. Push–Pull modeli (Itaruvchi va tortuvchi omillar nazariyasi)

E. Lee tomonidan ishlab chiqilgan “push–pull” modeli migratsiyaning asosiy sabablari ikki toifaga bo‘linishini ta’kidlaydi: “itaruvchi” *(push)* omillar – ya’ni odamni yashab turgan joyidan chiqishga majbur qiluvchi holatlar, va “tortuvchi” (pull) omillar – yangi manzilga jalb qiluvchi sharoitlar [6].

Ayollar mehnat migratsiyasida “itaruvchi” omillarga ishsizlik, past maosh, oilaviy bosim, ijtimoiy tengsizlik kiradi. “Tortuvchi” omillar esa xorijda nisbatan yuqori daromad, ijtimoiy himoya va mustaqil hayot imkoniyatlari bilan bog‘liqdir [7].

Masalan, O‘zbekistonda ayrim ayollar migratsiyaga chiqish orqali nafaqat iqtisodiy barqarorlik, balki oilaviy majburiyatlardan qisman ozodlik, o‘zini ijtimoiy subyekt sifatida namoyon etish imkoniyatini ham topadilar [8]. Shunday qilib, push–pull modeli migratsiya sabablarini ikki tomonlama tahlil qilishga imkon beradi, biroq u gender omilini yetarlicha e’tiborga olmaydi [9].

2. Ijtimoiy tarmoqlar nazariyasi (Social Network Theory)

M. Granovetter va D. Masseylarning tadqiqotlariga ko‘ra, migratsiya faqat individual qaror emas, balki ijtimoiy tarmoqlar orqali shakllanadigan ijtimoiy jarayondir [10]. Migrantlar o‘z qarindoshlari, tanishlari yoki bir hududdan bo‘lgan shaxslar bilan aloqalar orqali yangi mamlakatga chiqish, ish topish, yashash joyini tanlashda yordam oladilar.

Ayollar uchun bu tarmoqlar yanada muhim, chunki ular ijtimoiy va madaniy cheklovlar sababli mustaqil qaror qabul qilish imkoniga har doim ham ega emaslar [11]. Masalan, o‘zbekistonlik ayollar orasida Turkiya, Rossiya yoki Janubiy Koreyaga borayotganlarning aksariyati

ilgari u yerda ishlagan tanishlarining tavsiyasi orqali ketganini tadqiqotlar tasdiqlaydi [12]. Bu esa migratsiyani shaxsiy emas, balki “ijtimoiy institut” sifatida tushunish zarurligini ko‘rsatadi [13].

3. Gender roli nazariyasi

Gender roli nazariyasi (T. Parsons, R. Connell) jamiyatdagi erkaklar va ayollarning ijtimoiy rollari ijtimoiy tizim tomonidan shakllantirilishini ta’kidlaydi [14]. Ayollar mehnat migratsiyasi bu rollarning o‘zgarishiga olib keluvchi jarayondir.

An’anaviy patriarxal jamiyatlarda ayolning asosiy roli oilaviy parvarish va uy mehnati bilan bog‘liq bo‘lgan bo‘lsa, migratsiya natijasida u iqtisodiy faol subyektga aylanadi [15].

Biroq bu jarayon ijobiy natijalar bilan bir qatorda, ayrim hollarda ijtimoiy keskinliklarni ham keltirib chiqaradi. Masalan, ba’zi jamiyatlarda xorijda ishlayotgan ayol “oilaviy qadriyatlardan chetga chiqqan” deb baholanadi [16]. Shunday qilib, gender roli nazariyasi ayollar migratsiyasini nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy o‘zlikni shakllantirish jarayoni sifatida talqin qiladi [17].

4. Feminizm va global tengsizlik nazariyasi

Feminizm nazariyasiga ko‘ra, ayollar migratsiyasi global iqtisodiyotdagi gender tengsizlikning natijasidir [18]. Ayollar, asosan, past maoshli, xizmat ko‘rsatish va parvarish sohalarida mehnat qilishadi, bu esa “global parvarish zanjiri” (global care chain) tushunchasini keltirib chiqargan [19]. Sotsiologiyada bu jarayon ‘feminizatsiya migratsiyasi’ deb ataladi, ya’ni mehnat oqimlarida ayollarning ulushi ortib borishi bilan birga, ularning migratsion qarorlarida o‘z-o‘zini anglash va ijtimoiy rolni qayta belgilash tendensiyasi kuchayadi.

Bu holatda, rivojlanayotgan mamlakat ayollari (masalan, O‘zbekiston, Filippin, Bangladesh) rivojlangan davlatlardagi (Italiya, Janubiy Koreya, BAA) oilalar uchun uy ishlarini bajaradi, natijada global ijtimoiy tengsizlik chuqurlashadi [20].

Shunday qilib, zamonaviy sotsiologiyada ayollar mehnat migratsiyasi – bu gender, ijtimoiy tarmoq va iqtisodiy bosimlar kesishgan maydoni sifatida qaraladi. Har bir nazariya bu murakkab hodisaning ma’lum bir jihatini ochib beradi.

Ayollar mehnat migratsiyasining sabablari ko‘p qirrali bo‘lib, ularni faqat iqtisodiy omillar orqali izohlash to‘liq bo‘lmaydi. Ular orasida ijtimoiy, madaniy, gender, oilaviy va psixologik determinantlar ham muhim o‘rin tutadi. Sotsiologiyada bu sabablar “ko‘p omilli model” *(multifactor model)* doirasida tahlil qilinadi [21].

Ayollar migratsiyasining eng asosiy sababi – iqtisodiy ehtiyojdir. O‘zbekiston sharoitida ayollar uchun mehnat bozorida taklif etilayotgan ish o‘rinlarining kamligi, rasmiy sektorda past maoshlar, hamda norasmiy sektorda mehnat sharoitining og‘irligi migratsiyani “majburiy tanlov”ga aylantiradi [22].

O‘zbekiston Respublikasi Bandlik agentligi ma’lumotlariga ko‘ra, 2024-yilda ayollar orasida ishsizlik darajasi 12,3 foizni tashkil etgan, bu erkaklarnikiga nisbatan 1,8 baravar yuqori [23]. Shuning uchun ko‘plab ayollar chet elda, ayniqsa Turkiya, Rossiya va Janubiy Koreyada xizmat ko‘rsatish, tozalash, parvarish yoki tikuvchilik sohalarida ish topish orqali o‘z oilasining moddiy farovonligini ta’minlamoqda [24].

Sotsiologik tahlillar shuni ko‘rsatadiki, migratsiya ko‘pincha “oilaviy strategiya” shaklida qaraladi: ayol xorijda ishlaydi, topgan mablag‘lari orqali farzandlarining ta’limi, turmush darajasi va ijtimoiy mavqeini oshiradi [25].

Ayollar migratsiyasi ijtimoiy tizimdagi strukturaviy o‘zgarishlar natijasida yuzaga keladi. Jamiyatda patriarxal qadriyatlarning ustuvorligi, ayollarning ijtimoiy faoliyatini cheklovchi stereotiplar ularni o‘zini anglash va mustaqillikka intilishga undaydi [26].

Masalan, ayrim ayollar uchun xorijga chiqish – bu nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy o‘zini anglash shakli, ya’ni “men ham qodirman” degan psixologik mustaqillik ifodasidir [27].

Shuningdek, migratsiya orqali ayollar o‘zlarini ijtimoiy subyekt sifatida qayta kashf etadilar: ular moliyaviy qarorlar qabul qiladi, oilaviy byudjetni boshqaradi, jamiyatda o‘z o‘rnini qayta aniqlaydi [28].

Bu jarayon, sotsiologik nuqtai nazardan, gender ijtimoiylashuvining yangi bosqichini ifodalaydi [29]. Ya’ni, migratsiya ayollar uchun faqat ish emas, balki o‘zini jamiyatda qayta ijtimoiylashtirish, yangi rolga kirish imkoniyatidir.

Ayollar migratsiyasida oilaviy omillar ham muhim rol o‘ynaydi. Ko‘plab holatlarda ayollar oiladagi iqtisodiy mas’uliyatni o‘z zimmasiga

oladilar yoki ajrashgan, beva ayollar mustaqil daromad topish zaruriyatidan kelib chiqadi [30].

Ayrim tadqiqotlar koʻrsatishicha, ayollarning 32 foizi migratsiyaga “farzandlarini moddiy ta’minlash” maqsadida chiqadi, 21 foizi esa “turmush oʻrtoqlarining ishsizligi yoki befarqligi” tufayli chet elga ishlashga ketgan [31].

Shuningdek, ayollar orasida psixologik sabablardan biri – oʻz hayotini yangidan boshlash, ijtimoiy bosimlardan qochish, jamiyatdagi “an’anaviy ayol roli”dan chiqishga urinishdir [32]. Bu jihatdan mehnat migratsiyasi ayol uchun oʻzini “qayta kashf etish” imkoniyati boʻlishi mumkin.

Zamonaviy kommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi ham migratsiya qaroriga kuchli ta’sir koʻrsatadi. Internet, ijtimoiy tarmoqlar, WhatsApp va Telegram kabi platformalar ayollarga xorijdagi imkoniyatlar haqida ma’lumot olish, aloqa oʻrnatish, vizalar va ish shartlarini bilish imkonini yaratmoqda [33].

Bu holat migratsiya jarayonini “ijtimoiy tarmoq orqali quvvatlanadigan harakat”ga aylantiradi [34]. Shuningdek, global miqyosda ayollar uchun yaratilgan onlayn ish platformalari *(masalan, Care.com, Work-Abroad.ph)* ham ayollar migratsiyasining texnologik turtki omillariga kiradi [35].

Shunday qilib, ayollar mehnat migratsiyasining sabablari koʻp qatlamli sotsiologik hodisadir. U iqtisodiy zarurat, ijtimoiy tengsizlik, patriarxal qadriyatlar, psixologik bosim va global axborot oqimlarining kesishmasida shakllanadi. Bu omillar birgalikda ayollarni nafaqat ish izlashga, balki yangi ijtimoiy oʻzlik yaratishga ham undaydi.

Oʻzbekiston misolida, ayollar migratsiyasi koʻproq Rossiya, Janubiy Koreya, Turkiya va BAA yoʻnalishida kuzatilmoqda. Ularning asosiy bandlik sohalari xizmat koʻrsatish, parvarish, tikuvchilik va uy-roʻzgʻor ishlaridir. Koʻpchilik ayollar uchun bu jarayon nafaqat moddiy foyda manbai, balki oʻzligini anglash, mustaqillikka intilish va ijtimoiy maqomini oshirish vositasiga ham aylanmoqda.

Ayollar mehnat migratsiyasi zamonaviy sotsiologiyada murakkab, koʻp qatlamli ijtimoiy hodisa sifatida qaraladi. U nafaqat iqtisodiy, balki, ijtimoiy oʻzgarish va gender transformatsiyasini aks ettiruvchi murakkab hodisadir. Oʻzbekiston sharoitida ayollar mehnat migratsiyasi jarayoni asosan ichki va tashqi iqtisodiy bosim, patriarxal ijtimoiy tuzilma, shaxsiy

ambitsiyalar hamda ijtimoiy tarmoqlar orqali shakllanadigan yangi kommunikatsion imkoniyatlar ta’siri ostida rivojlanmoqda.

Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, ayollar migratsiyasi ko‘p hollarda “majburiy iqtisodiy tanlov” sifatida yuzaga keladi, biroq bu jarayonning ortida chuqur ijtimoiy va psixologik sabablar ham mavjud. Ayollar xorijga chiqish orqali nafaqat o‘z oilasining iqtisodiy farovonligini ta’minlaydi, balki, ijtimoiy o‘zligini qayta shakllantiradi. Ular o‘zlarini mustaqil, qaror qabul qila oladigan subyekt sifatida his eta boshlaydilar, bu esa jamiyatdagi gender rollarining qayta taqsimlanishiga olib keladi. Shu nuqtai nazardan, ayollar migratsiyasini faqat iqtisodiy hodisa sifatida emas, balki ijtimoiy identifikatsiya va gender tenglik jarayonining bir qismi sifatida o‘rganish lozim.

Shu bilan birga, ayollar migratsiyasi ijobiy natijalardan tashqari, ayrim ijtimoiy muammolarni ham yuzaga keltiradi. Jumladan, oilaviy aloqalarning zaiflashuvi, farzandlarning ijtimoiy nazoratsiz qolishi, ayollarning ekspluatatsiya va diskriminatsiyaga duchor bo‘lishi kabi xavfli jihatlar mavjud. Ko‘plab migrant ayollar norasmiy ish joylarida huquqiy himoyasiz, ijtimoiy kafolatlarsiz mehnat qilmoqdalar, bu esa ularning ijtimoiy zaifligini yanada kuchaytiradi.

Shuning uchun ayollar mehnat migratsiyasiga nisbatan davlat siyosatini faqat iqtisodiy foyda nuqtayi nazaridan emas, balki inson kapitalini saqlash, oilaviy qadriyatlarni mustahkamlash va gender tenglikni ta’minlash maqsadida shakllantirish zarur. Bu borada hukumat, nodavlat tashkilotlar, xalqaro institutlar va fuqarolik jamiyati institutlari o‘rtasida samarali hamkorlik mexanizmlarini ishlab chiqish dolzarbdir.

Yana bir muhim jihat – ayollar migratsiyasini ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash tizimini kuchaytirishdir. Xorijda ishlayotgan ayollar uchun axborot markazlari, huquqiy maslahat punktlari, psixologik yordam xizmatlarini yo‘lga qo‘yish ularning moslashuvini osonlashtiradi. Shuningdek, qaytib kelgan migrant ayollarni mehnat bozoriga integratsiya qilish, ularning tajribasini mahalliy iqtisodiyot va ijtimoiy hayotga tatbiq etish mexanizmlarini yaratish ham muhim yo‘nalishlardan biridir.

Demak, ayollar mehnat migratsiyasi – bu iqtisodiy zaruratdan tashqari, jamiyatdagi gender va ijtimoiy tizimlar transformatsiyasini ifodalovchi muhim sotsiologik indikator hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Castles, S. & Miller, M. (2013). The Age of Migration: International Population Movements in the Modern World. Palgrave Macmillan

2. Mahmudova, D. (2021). “O‘zbekistonda ayollar mehnat migratsiyasi va ijtimoiy muammolar.” Sotsiologiya jurnali, №4

3. International Organization for Migration (IOM). (2022). World Migration Report 2022

4. O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi. (2024). Rasmiy statistik axborot byulleteni

5. Hondagneu-Sotelo, P. (1994). Gendered Transitions: Mexican Experiences of Immigration. University of California Press

6. Lee, E. S. (1966). A Theory of Migration. Demography, 3(1), 47–57

7. Todaro, M. P. (1976). Internal Migration in Developing Countries: A Survey. Geneva: International Labour Office

8. Mahmudova, D. (2021). “O‘zbekistonda ayollar mehnat migratsiyasi va ijtimoiy muammolar.” Sotsiologiya jurnali, №4

9. Boyd, M., & Grieco, E. M. (2003). Women and Migration: Incorporating Gender into International Migration Theory. Migration Policy Institute

10. Granovetter, M. (1973). The Strength of Weak Ties. American Journal of Sociology, 78(6), 1360–1380

11. Massey, D. S. et al. (1993). Theories of International Migration: A Review and Appraisal. Population and Development Review, 19(3), 431–466.

12. Ergasheva, S. (2020). “Ayollar migratsiyasida ijtimoiy aloqalarning o‘rni.” O‘zbekiston ijtimoiy fanlari jurnali, №2

13. Faist, T. (2000). The Volume and Dynamics of International Migration and Transnational Social Spaces. Oxford University Press

14. Parsons, T., & Bales, R. F. (1955). Family, Socialization and

Interaction Process. Free Press

15. Connell, R. W. (1987). Gender and Power: Society, the Person and Sexual Politics. Stanford University Press

16. Pessar, P. R., & Mahler, S. J. (2003). Transnational Migration: Bringing Gender In. International Migration Review, 37(3), 812–846

17. Kabeer, N. (2000). The Power to Choose: Bangladeshi Women and Labour Market Decisions in London and Dhaka. Verso

18. Ehrenreich, B., & Hochschild, A. R. (Eds.). (2003). Global Woman: Nannies, Maids, and Sex Workers in the New Economy. Metropolitan Books

19. Parreñas, R. S. (2001). Servants of Globalization: Women, Migration, and Domestic Work. Stanford University Press

20. ILO (International Labour Organization). (2020). Women Migrant Workers and the Global Care Economy. Geneva

21. Castles, S., & Miller, M. J. The Age of Migration: International Population Movements in the Modern World. London: Macmillan Press, 2009

22. O‘zbekiston Respublikasi Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligi. Mehnat bozori holati va ishsizlik darajasi to‘g‘risida 2024-yil yakuniy hisobot. Toshkent, 2025

23. Jahon banki ma’lumotlari bazasi. Uzbekistan Labor Market Overview 2024. Washington, D.C., 2025

24. Kadirova, N. O‘zbekiston ayollarining mehnat migratsiyasida ishtiroki: ijtimoiy-iqtisodiy tahlil. – “Sotsiologiya va ijtimoiy jarayonlar” jurnali, №3, 2023, 45–56-betlar.

25. Stark, O. The Migration of Labor. Oxford: Blackwell, 1991.

26. Connell, R. W. Gender and Power: Society, the Person and Sexual Politics. Stanford University Press, 1987.

27. Rakhimova, D. Ayollar migratsiyasi va gender identifikatsiyasi masalalari. – “O‘zbekiston ijtimoiy fanlar axborotnomasi”, №2, 2022,

ҲУҚУҚНИ АМАЛГА ОШИРИШ: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МОҲИЯТИ ВА ЮРИДИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Тураев Акмал Панжиевич,

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий ходими

Ҳуқуқ жамият ҳаётини тартибга солувчи энг муҳим ижтимоий регулятор ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси – ижтимоий муносабатларни, яъни ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатларини муайян меъёрлар асосида йўналтириш, барқарорлаштириш ва мувофиқлаштиришдан иборат. Бироқ, ҳуқуқнинг ҳақиқий қадр-қиммати фақат норматив ҳужжатларда мустаҳкамланганлиги билан эмас, балки унинг реал ҳаётда амал қилиши, инсонлар фаолиятида намоён бўлиши билан белгиланади. Қонун “қоғоздаги матн” ҳолатида қолиб кетмаслиги, балки, ижтимоий воқеликка айланиши лозим.

Шу маънода ҳуқуқни амалга ошириш муаммоси ҳуқуқ назариясининг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқ ижтимоий муносабатларда рўёбга чиқмаган тақдирда, у ўзининг мазмун-моҳияти ва ижтимоий аҳамиятини йўқотади.

Юридик адабиётларда “ҳуқуқнинг ҳаракати”, “ҳуқуқни амалга ошириш”, “ҳуқуқни татбиқ этиш”, “ҳуқуқни қўллаш” каби тушунчалар турлича талқин қилинади. Аксарият олимлар ҳуқуқнинг ҳаракати тушунчасини кенгроқ маънода қўллайдилар.

Жумладан, В.К. Бабаев ҳуқуқнинг ҳаракатини ижтимоий муносабатларга ахборот, қадриятли-рағбатлантирувчи ва бевосита тартибга солувчи таъсир сифатида таърифлайди. Ўз навбатида, С.С. Алексеев ҳуқуқнинг ҳаракатини унинг мақсад ва функцияларини амалга ошириш, қадрият сифатида намоён бўлиши ва кўзланган натижаларга эришиши билан боғлайди.

Демак, ҳуқуқнинг ҳаракати – бу унинг жамият ҳаётига комплекс таъсири бўлиб, ахборот, психологик, қадриятли ва норматив таъсирни ўз ичига олади. Ҳуқуқ, аввало, ахборот воситаси сифатида субъектларга муайян вазиятда қандай ҳаракат қилиш кераклигини етказади. Шунинг учун ҳам қонун нормалари тушунарли, аниқ ва равшан ифодаланиши зарур.

“Реализация” атамаси лотинча “realis” – моддийлаштириш сўзидан келиб чиққан бўлиб, у муайян ғоя ёки қоидани ҳаётга жорий қилиш маъносини англатади. Ҳуқуққа нисбатан бу – ҳуқуқ нормаларини ҳуқуқ субъектларининг қонуний хатти-ҳаракатларига айлантириш жараёнидир.

И. Кант ҳуқуқни амалга оширишнинг мажбурийлик хусусиятини таъкидлаб, ҳуқуқ давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланиши лозимлигини қайд этган. Унинг фикрича, давлат ҳуқуққа ҳаёт бағишлайди ва унинг умуммажбурийлигини таъминлайди.

М.Н. Марченко ҳуқуқ нормаларини амалга оширишни ҳуқуқий тартибга солишнинг якуний натижаси сифатида баҳолайди. Яъни, ҳуқуқ нормалари фақат одамларнинг онгли хулқ-атвори орқали ижтимоий қадриятга айланади.

Шу нуқтаи назардан, ҳуқуқни амалга ошириш – бу давлат органлари, мансабдор шахслар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ нормалари талабларини қонуний хатти-ҳаракатлар орқали ҳаётга татбиқ этишидир.

Ҳуқуқни амалга ошириш бир қатор ўзига хос белгиларга эга:

1. Фаол ҳуқуқий хатти-ҳаракат билан боғлиқлиги. Ҳуқуқни амалга ошириш ҳар доим субъектларнинг онгли ва иродавий ҳаракатлари билан боғлиқ. Бу ҳаракатлар фаол *(мажбуриятни бажариш, ҳуқуқдан фойдаланиш)* ёки пассив *(тақиқланган ҳаракатдан тийилиш)* бўлиши мумкин.

2. Ижтимоий фойдалилиги. Ҳуқуқни амалга ошириш орқали шахснинг мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, таълим олиш каби конституцион ҳуқуқлари таъминланади. Бу жараён жамият барқарорлиги ва тараққиётига хизмат қилади.

3. Процессуал хусусиятга эгалиги. Ҳуқуқни амалга ошириш муайян тартиб-таомилларга асосланади. Масалан, олий таълим муассасасига ўқишга кириш ёки давлат органларига мурожаат қилиш белгиланган процедураларга мувофиқ амалга оширилади.

4. Иродавий характерга эгалиги. Субъектлар ҳуқуқ нормаларига мувофиқ равишда ихтиёрий ва онгли ҳаракат қиладилар.

5. Давлат томонидан кафолатланганлиги. Ҳуқуқни амалга ошириш давлат мажбурлов аппарати билан таъминланади. Қонун бузилганда юридик жавобгарлик механизмлари ишга тушади.

Ҳуқуқни амалга ошириш шакллари субъектлар ҳаракатининг хусусиятига кўра қуйидагиларга бўлинади:

1. **Ҳуқуққа риоя этиш** – тақиқланган ҳаракатларни содир этмаслик.
2. **Ҳуқуқ талабларини бажариш** – юридик мажбуриятларни адо этиш.
3. **Ҳуқуқдан фойдаланиш** – берилган ҳуқуқлардан ихтиёрий равишда фойдаланиш.
4. **Ҳуқуқни қўллаш** – ваколатли давлат органлари томонидан ҳуқуқ нормаларини амалга оширишга қаратилган фаолият.

Айниқса, ҳуқуқни қўллаш нафақага тайинлаш, ишга қабул қилиш ёки жавобгарликка тортиш каби ҳолатларда намоён бўлади.

Роман-герман ҳуқуқий тизимида ҳуқуқни амалга ошириш қонунларни норматив жиҳатдан мустаҳкамлаш, уларни шарҳлаш ва процессуал нормалар орқали татбиқ этиш босқичларини ўз ичига олади.

Англосаксон ҳуқуқ тизимида эса суд прецеденти муҳим ўрин тутади. Бу тизимда суд қарорлари ҳуқуқий норма даражасига кўтарилади ва кейинги ишлар учун намуна бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқни амалга оширишнинг анъанавий икки усули мавжуд:

- **ишонтириш усули** – ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш, қонун мазмунини тушунтириш орқали ихтиёрий риояга эришиш;
- **мажбурлаш усули** – ҳуқуқбузарлик содир этилганда давлат мажбурлов чораларини қўллаш.

Самарали ҳуқуқий тартибга солиш ушбу икки усулнинг мутаносиб қўлланилишини талаб этади.

Ҳуқуқни амалга ошириш – ҳуқуқий тизимнинг ҳаётбахш босқичидир. Қонуннинг қабул қилиниши жараённинг бошланиши бўлса, унинг амалда ижро этилиши энг муҳим ва ҳал қилувчи босқич ҳисобланади.

Ҳуқуқ нормалари фақат субъектларнинг онгли ва қонуний хатти-ҳаракатлари орқали ижтимоий воқеликка айланади. Шу боис, фуқаролик жамиятини ривожлантириш шароитида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш, жамоатчилик назоратини

кучайтириш ҳамда ҳуқуқни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқнинг самарадорлиги унинг мазмунида эмас, балки, унинг ҳаётда қандай ва қай даражада амалга оширилишида намоён бўлади. Зеро, ҳуқуқ ижтимоий муносабатларда рўёбга чиққандагина ҳақиқий қадриятга айланади.

KRIMINOLOGIYADA ILMIY TADQIQOTLARNI TASHKIL ETISH VA AMALGA OSHIRISHDAGI MUAMMOLAR

A’loxonov Muhammadmirzoxon Adhamxon o‘g‘li,

O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiy tadqiqot instituti yetakchi ilmiy xodimi

Annotatsiya. Ushbu maqolada kriminologik ilmiy tadqiqotlarni tashkil etish va amalga oshirish jarayonida uchraydigan dolzarb muammolar ilmiy-nazariy hamda amaliy jihatdan tahlil qilingan, xususan, tadqiqotlarning institutsional asoslari, metodologik ta’minoti, empirik ma’lumotlar bilan ishlash, ilmiy natijalarni amaliyotga joriy etish va sohada ilmiy salohiyatdan foydalanish bilan bog‘liq masalalar yoritilgan. Shuningdek, kriminologik tadqiqotlar samaradorligini pasaytiruvchi omillar tizimlashtirilib, ularni bartaraf etishning ustuvor yo‘nalishlari asoslab berilgan.

Kalit so‘zlar: kriminologiya, ilmiy tadqiqot, kriminologik tahlil, metodologiya, institutsional muammolar, empirik ma’lumotlar, jinoyatchilik profilaktikasi, ilmiy salohiyat, amaliyotga joriy etish, tashkiliy muammolar.

Zamonaviy jamiyatda jinoyatchilikning shakllari, ko‘lami va sodir etilish mexanizmlari tobora murakkablashib borayotgan bir sharoitda uni ilmiy asosda o‘rganish zarurati yanada kuchaymoqda. Bu jarayonda kriminologik ilmiy tadqiqotlar alohida ahamiyat kasb etadi, chunki ular jinoyatchilikning sabab va shart-sharoitlarini aniqlash, uning dinamikasini baholash, kriminogen omillarni tahlil qilish hamda profilaktik choralarni ishlab chiqishga xizmat qiladi. Shu jihatdan kriminologik tadqiqotlar nafaqat nazariy bilimlar manbayi, balki, amaliy qarorlar qabul qilish, jinoyatchilikka qarshi kurashish strategiyalarini ishlab chiqish va ijtimoiy xavfsizlikni ta’minlashning muhim ilmiy vositasi hisoblanadi.

Bugungi kunda kriminologik tadqiqotlarni tashkil etish va amalga oshirish masalasi dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. Chunki, jinoyatchilikning an’anaviy shakllari bilan bir qatorda kiberjinoyatchilik, transmilliy jinoyatchilik, voyaga yetmaganlar o‘rtasidagi huquqbuzarliklar, raqamli firibgarlik va ijtimoiy tarmoqlar bilan bog‘liq yangi

kriminogen xavflar paydo bo‘lmoqda. Bunday murakkab sharoitda ilmiy tadqiqotlar tasodifiy yoki fragmentar tarzda emas, balki puxta tashkil etilgan, metodologik jihatdan asoslangan va amaliyot bilan uzviy bog‘langan holda olib borilishi lozim. Aks holda, kriminologik tahlil yuzaki bo‘lib qoladi, uning natijalari esa real profilaktik faoliyat uchun yetarli darajada foydali bo‘lmaydi.

Kriminologik ilmiy tadqiqotlarni samarali tashkil etish masalasi faqat ilmiy metod tanlash bilan cheklanmaydi. U, avvalo, institutsional sharoitlar, tashkiliy mexanizmlar, axborot bazasi, empirik ma’lumotlar bilan ishlash imkoniyatlari, malakali ilmiy kadrlar mavjudligi va tadqiqot natijalarini amaliyotga joriy etish darajasi bilan chambarchas bog‘liqdir. Shu sababli mazkur sohadagi muammolarni faqat metodologik kamchilik sifatida emas, balki ko‘p bosqichli va ko‘p omilli tizimli muammo sifatida baholash zarur. Aynan ana shu yondashuv kriminologik tadqiqotlarning haqiqiy ilmiy salohiyatini ochib berishga xizmat qiladi.

Shuni alohida ta’kidlash lozimki, kriminologik ilmiy tadqiqotlar boshqa ko‘plab ijtimoiy-huquqiy tadqiqotlardan o‘zining fanlararo xususiyati bilan ajralib turadi. Ular huquqshunoslik, sotsiologiya, psixologiya, statistika, pedagogika, axborot texnologiyalari va prognozlash metodlari bilan uzviy bog‘liq holda olib boriladi. Demak, bunday tadqiqotlarni tashkil etish va amalga oshirishda bir yoqlama yondashuv yetarli emas.

Amaliyot shuni ko‘rsatadiki, kriminologik ilmiy tadqiqotlar ko‘plab hollarda bir qator obyektiv va subyektiv to‘siqlarga duch keladi. Xususan, ayrim hollarda ilmiy tadqiqotlarni muvofiqlashtirish mexanizmlarining sustligi, yagona metodologik yondashuvlarning yetarli shakllanmaganligi, ishonchli empirik ma’lumotlar bazasining cheklanganligi, tadqiqot natijalarining profilaktika amaliyotiga sust joriy etilishi hamda yosh tadqiqotchilarni mazkur sohaga keng jalb qilishdagi muammolar kuzatiladi. Bu holat esa kriminologik tadqiqotlarning ilmiy samaradorligi va amaliy qiymatini pasaytiradi.

Amaliyot shuni ko‘rsatadiki, kriminologik ilmiy tadqiqotlarni tashkil etishdagi muammolar tasodifiy yoki ikkilamchi tusga ega emas. Aksincha, ular ko‘pincha tadqiqotlarning rejalashtirilishi, ilmiy yo‘nalishlarning belgilanishi, ma’lumot manbalariga kirish, ilmiy-amaliy hamkorlikni shakllantirish va tadqiqot subyektlari faoliyatini muvofiqlashtirish

bosqichlarida namoyon bo‘ladi. Natijada tadqiqot mavzusining dolzarbligini to‘g‘ri aniqlash, ilmiy savolni aniq qo‘yish, empirik bazani shakllantirish va tadqiqotni amaliy ehtiyojlar bilan bog‘lash jarayonlarida qiyinchiliklar yuzaga keladi. Bu esa bevosita ilmiy mahsulot sifatiga salbiy ta’sir etadi.

Kriminologik ilmiy tadqiqotlarni tashkil etishdagi birinchi yirik muammo **institutsional muammolar** bilan bog‘liqdir. Mazkur muammo ilmiy tadqiqotlarni amalga oshiruvchi subyektlar, ya’ni ilmiy muassasalar, ta’lim tashkilotlari, amaliyot organlari va boshqa manfaatdor tuzilmalar o‘rtasida uzviy hamkorlik mexanizmlarining yetarli darajada shakllanmaganligida namoyon bo‘ladi. Kriminologik tadqiqot tabiatan fanlararo va amaliy yo‘naltirilgan bo‘lgani sababli u bir muassasa doirasida yopiq shaklda olib borilganda ko‘plab imkoniyatlardan mahrum bo‘lib qoladi. Masalan, ilmiy muassasa jinoyatchilikka doir statistik yoki amaliy ma’lumotlarga ega bo‘lmasligi mumkin, amaliyot organlari esa mavjud muammolarni chuqur nazariy tahlil qilish imkoniga ega bo‘lmasligi mumkin. Ushbu uzilish tadqiqotlarning to‘liq va kompleks bo‘lishiga to‘sqinlik qiladi.

Institutsional muammolarning yana bir ko‘rinishi – kriminologik tadqiqotlarni olib borishga ixtisoslashgan barqaror ilmiy platformalar, laboratoriyalar, monitoring markazlari yoki ilmiy-tahliliy klasterlarning yetarli shakllanmaganligidir. Bunday strukturalarning mavjud emasligi yoki cheklanganligi oqibatida tadqiqotlar ko‘pincha individual tashabbus darajasida qolib ketadi. Holbuki, zamonaviy kriminologik ilmiy tadqiqotlar ko‘p manbali ma’lumotlar, muntazam monitoring va institutsional xotira talab qiladi. Shu jihatdan qaraganda, kriminologik tadqiqotlarning barqarorligi va uzluksizligini ta’minlash uchun ularni alohida shaxslar faoliyatidan ko‘ra institutsional tizimga tayantirish zarur.

Kriminologik ilmiy tadqiqotlarni tashkil etishdagi ikkinchi muhim muammo **tashkiliy-rejalashtirish muammolaridir**. Tadqiqotlarni samarali tashkil etishda ilmiy yo‘nalishlar ustuvorligini belgilash, mavzularni ijtimoiy ehtiyojlarga mos tanlash, maqsad va vazifalarni aniq belgilash, amalga oshirish bosqichlarini rejalashtirish, muddatlar va kutilayotgan natijalarni oldindan ko‘rsatish muhim ahamiyatga ega. Biroq ayrim hollarda kriminologik tadqiqotlar dolzarb ijtimoiy muammodan kelib chiqib emas, balki, umumiy yoki formal ilmiy qiziqish asosida shakllantiriladi. Natijada

tadqiqot mavzusi bilan amaliy ehtiyoj o‘rtasida nomuvofiqlik yuzaga keladi. Bu esa yakuniy ilmiy natijaning amaliy qiymatini pasaytiradi.

Tashkiliy-rejalashtirishdagi muammolar tadqiqotning ichki bosqichlari o‘rtasidagi uzviylikning yetarli bo‘lmasligida ham namoyon bo‘ladi. Masalan, ayrim tadqiqotlarda mavzu dolzarb tanlanadi, biroq unga mos metodologik model ishlab chiqilmaydi, yoki tadqiqot savoli to‘g‘ri qo‘yiladi, ammo unga javob beradigan empirik baza oldindan shakllantirilmaydi. Ba’zan esa tadqiqot rejasi mavjud bo‘lsa-da, natijalarni amaliyotga joriy etish mexanizmlari nazarda tutilmaydi. Demak, tashkil etish jarayonidagi muammo faqat “boshlash” bilan emas, balki, tadqiqotning barcha bosqichlarini bir butun tizim sifatida ko‘ra olmaslik bilan ham bog‘liqdir.

Uchinchi muhim yo‘nalish – **axborot va empirik bazani shakllantirish muammolari**. Kriminologik tadqiqotlarning ilmiy ishonchliligi bevosita foydalaniladigan ma’lumotlarning sifati, to‘liqligi, haqqoniyligi va tizimliligiga bog‘liq. Biroq, jinoyatchilikka doir ma’lumotlar bilan ishlashda ko‘pincha bir qator qiyinchiliklar yuzaga keladi. Xususan, ayrim statistik ma’lumotlar to‘liq emas, ayrimlari esa alohida tadqiqot maqsadlari uchun mos formatda tizimlashtirilmagan bo‘ladi. Bundan tashqari, latent jinoyatchilik *(rasmiy hisobga olinmagan jinoyatchilik)*, ijtimoiy-psixologik omillar, takroriy huquqbuzarlik xavfi, alohida ijtimoiy guruhlar bilan bog‘liq ko‘rsatkichlar kabi masalalarni yoritishda ochiq va ishonchli ma’lumotlar bazasi cheklangan bo‘lishi mumkin. Bu holat tadqiqotlarni chuqur empirik asoslash imkoniyatini pasaytiradi.

Mazkur muammoning yana bir tomoni shundaki, mavjud ma’lumotlardan foydalanish tartibi hamma vaqt ham tadqiqotchining ehtiyojiga moslashmagan bo‘ladi. Kriminologik ilmiy tadqiqot ko‘pincha sohaviy statistika, amaliyot materiallari, hududiy ko‘rsatkichlar, sotsiologik so‘rovlar va ekspert ma’lumotlarini o‘zaro bog‘liq holda qo‘llashni talab etadi. Biroq, turli manbalar o‘rtasidagi uyg‘unlikning sustligi yoki ularni integratsiya qilish mexanizmlarining yetarli emasligi natijasida tadqiqot fragmentar tus olishi mumkin. Natijada tadqiqot o‘tkazadigan muallif jinoyatchilik hodisasining to‘liq manzarasini emas, balki uning ayrim qismlarinigina tahlil qilishga majbur bo‘ladi.

To‘rtinchi muhim muammo – **kadrlar va ilmiy salohiyat bilan bog‘liq muammolardir**. Kriminologik tadqiqotlarni tashkil etish uchun

faqat umumiy huquqiy tayyorgarlik yetarli emas, buning uchun statistik tahlil, sotsiologik tadqiqot metodlari, analitik yozuv, prognozlash, qiyosiy yondashuv va amaliy profilaktika mexanizmlarini tushunadigan maxsus tayyorgarlikka ega mutaxassislar zarur. Biroq amaliyotda kriminologik ilmiy tadqiqot bilan shug‘ullanuvchi kadrlarning metodologik tayyorgarligi bir xil darajada emasligi, yosh tadqiqotchilarni sohaga jalb qilish mexanizmlarining sustligi va ilmiy maktablarning uzluksiz rivojlanishiga to‘sqinlik qiluvchi omillar kuzatilishi mumkin. Bu esa tadqiqotlarning sifatiga, ularning tizimli davomiyligiga va yangi ilmiy g‘oyalarning shakllanishiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

Kadrlar muammosi, ayniqsa, fanlararo yondashuv talab qilinadigan kriminologiyada yanada sezilarli namoyon bo‘ladi. Chunki, bunday tadqiqotchi bir vaqtning o‘zida huquqiy tafakkur, ijtimoiy tahlil, statistik savodxonlik va amaliy vaziyatni baholash ko‘nikmalariga ega bo‘lishi kerak. Agar ilmiy tayyorgarlik faqat nazariy tushunchalar bilan cheklansa, tadqiqotlar metodik jihatdan biryoqlama yoki yuzaki bo‘lib qolishi mumkin. Shu sababli kriminologik tadqiqotlarni tashkil etishdagi muammolarni bartaraf etishda ilmiy kadrlar tayyorlash va ularning malakasini muntazam oshirib borish ustuvor ahamiyat kasb etadi.

Beshinchi yo‘nalish – **ilmiy faoliyatni muvofiqlashtirish muammolaridir**. Kriminologik ilmiy tadqiqotlar ko‘pincha turli subyektlar tomonidan olib boriladi: oliy ta’lim muassasalari, ilmiy-tadqiqot institutlari, amaliyot organlari, mustaqil ekspertlar va boshqa subyektlar. Agar ular o‘rtasida axborot almashinuvi, ustuvor yo‘nalishlar birligi, metodik uyg‘unlik va natijalarni umumlashtirish mexanizmlari mavjud bo‘lmasa, ilmiy tadqiqotlarda takrorlanish, parokandalik yoki tor mavzularda cheklanib qolish holatlari yuzaga kelishi mumkin. Bu esa ilmiy resurslardan samarali foydalanishni qiyinlashtiradi. Demak, muvofiqlashtirish muammosi kriminologik ilmiy tadqiqotlarning umumiy samaradorligiga bevosita ta’sir ko‘rsatadigan omillardan biridir.

Bundan tashqari, kriminologik ilmiy tadqiqotlarni tashkil etishdagi muammolar **ilmiy natijaning amaliy ehtiyoj bilan bog‘lanmasligida** ham ko‘rinadi. Ya’ni ayrim tadqiqotlar nazariy jihatdan qiziqarli bo‘lsa-da, profilaktika tizimi, huquqni qo‘llash amaliyoti yoki hududiy kriminogen vaziyatni yaxshilash uchun aniq takliflar bera olmaydi. Bu esa tadqiqotni

rejalashtirish bosqichidayoq amaliy ehtiyojlarni hisobga olish zarurligini ko‘rsatadi. Kriminologik tadqiqotning tashkil etilishi shunday yo‘lga qo‘yilishi kerakki, uning yakuniy mahsuli nafaqat nazariy xulosa, balki, amaliy foyda keltira oladigan tavsiyalar, tahliliy modellar va ilmiy asoslangan profilaktik yondashuvlar bo‘lsin.

Yuqoridagi tahlillardan kelib chiqib, kriminologik ilmiy tadqiqotlarni tashkil etishdagi muammolarni shartli ravishda quyidagi guruhlarga ajratish mumkin: **institutsional muammolar, tashkiliy-rejalashtirish muammolari, axborot-empirik muammolar, kadrlar va ilmiy salohiyat muammolari, muvofiqlashtirish muammolari** hamda **amaliy yo‘naltirilganlik muammolari**. Mazkur tasnif muammoning ko‘p qatlamli tabiatini ochib berishga yordam beradi va keyingi bosqichlarda ularga nisbatan maqsadli takliflar ishlab chiqish imkonini beradi.

Mazkur maqolada kriminologik ilmiy tadqiqotlarni tashkil etish va amalga oshirishda uchraydigan muammolar nazariy va amaliy jihatdan tahlil qilindi. O‘rganishlar shuni ko‘rsatdiki, kriminologik tadqiqotlarning samaradorligi faqat tadqiqotchining ilmiy salohiyati yoki tanlangan metod bilan emas, balki tadqiqotning institutsional asoslari, tashkiliy mexanizmlari, empirik bazasi, tahliliy vositalari va natijalarni amaliyotga tatbiq etish darajasi bilan ham belgilanadi. Shu sababli mazkur muammolar alohida kamchiliklar yig‘indisi emas, balki o‘zaro bog‘liq tizimli to‘siqlar majmui sifatida namoyon bo‘ladi.

Tadqiqot natijalari kriminologik ilmiy tadqiqotlarni tashkil etish bosqichida, avvalo, institutsional, tashkiliy-rejalashtirish, axborot-empirik, kadrlar va muvofiqlashtirish bilan bog‘liq muammolar mavjudligini ko‘rsatdi. Mazkur omillar tadqiqotning boshlang‘ich bosqichidayoq uning sifatiga ta’sir ko‘rsatadi. Shu bilan birga, tadqiqotlarni amalga oshirish jarayonida metodologik biryoqlamalik, empirik ma’lumotlar bilan ishlashdagi cheklovlar, tahliliy chuqurlikning yetishmasligi, prognostik noaniqlik, ilmiy natijalarni amaliyotga joriy etishdagi uzilishlar hamda raqamli-texnologik vositalardan foydalanishdagi kamchiliklar kuzatilishi aniqlandi. Bu esa kriminologik tadqiqotlarning haqiqiy ilmiy-amaliy salohiyatini to‘liq ro‘yobga chiqarishga to‘sqinlik qiladi.

Mazkur maqolada **ilmiy xulosalar** shakllantirildi. *Birinchidan*, kriminologik ilmiy tadqiqotlar jinoyatchilikni o‘rganishning muhim nazariy va amaliy vositasi bo‘lib, ularning sifati ijtimoiy xavfsizlikni ta’minlash

samaradorligiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. *Ikkinchidan*, kriminologik tadqiqotlarni tashkil etish va amalga oshirishdagi muammolar ko‘p qatlamli xarakterga ega bo‘lib, ular institutsionaldan tortib metodologik va amaliyotga tatbiq etishgacha bo‘lgan barcha bosqichlarni qamrab oladi. *Uchinchidan*, mazkur muammolarni bartaraf etish uchun fanlararo yondashuv, mustahkam ilmiy infratuzilma, ishonchli ma’lumotlar bazasi, tayyorlangan kadrlar va natijalarni amaliyot bilan bog‘lovchi mexanizmlar zarur.

Shuningdek, quyidagi **ilmiy-amaliy takliflani ilgari suramiz**: kriminologik tadqiqotlarni olib boruvchi subyektlar o‘rtasida barqaror hamkorlik mexanizmlarini kuchaytirish, ilmiy tadqiqotlarni rejalashtirishda amaliy ehtiyoj va dolzarb kriminogen vaziyatni ustuvor mezon sifatida belgilash, ma’lumotlar bazasi va statistik resurslardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytirish, yosh tadqiqotchilar va mutaxassislarning metodologik tayyorgarligini oshirish, zamonaviy tahliliy va raqamli vositalarni joriy etish; tadqiqot natijalarini profilaktika va huquqni qo‘llash amaliyotiga tatbiq etish mexanizmlarini takomillashtirish. Mazkur takliflar kriminologik ilmiy tadqiqotlarning sifatini oshirish, ularning natijadorligini kuchaytirish va ijtimoiy xavfsizlikni ilmiy asosda ta’minlashga xizmat qiladi.

Yakuniy ilmiy xulosa sifatida aytish mumkinki, kriminologik ilmiy tadqiqotlarni tashkil etish va amalga oshirishdagi muammolarni bartaraf etish zamonaviy kriminologiyaning rivojlanishi, jinoyatchilik profilaktikasining ilmiy asoslanishi hamda samarali boshqaruv qarorlarini ishlab chiqishning muhim shartidir. Shu bois mazkur yo‘nalishdagi ilmiy izlanishlar kelgusida ham chuqurlashtirilishi va amaliyot bilan uzviy bog‘liq holda rivojlantirilishi zarur.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. Cognitive Model of Crime and Delinquency Prevention and Rehabilitation - Assessment Procedures // https://www.ojp.gov.

2. Deloitte US | Together Makes Progress // web-site // Global news.

3. Anastasia Powell, Gregory Stratton, Robin Cameron // Digital Criminology // Crime and Justice in Digital Society book.

4. https://www.policechiefmagazine.org/category/topics/global-policing

5. https://algoritmes.overheid.nl/en/algoritme/oorg10264/81228922/crime-anticipation-system-cas.

WWW (WORLD WIDE WEB) ДУНЁНИНГ ЯНГИ АХБОРОТ МАЙДОНИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ЙЎЛИ

Нодир Одилов,

ИИВ Малака ошириш институти ўқитувчиси, подполковник

Киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни ўрганишда, ва биринчи навбатда Интернет тармоғининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Интернет тармоғи вужудга келиш тарихида, ижтимоий ўзаро алоқанинг биринчи ҳужжатли тавсифи Массачусетс технология институти *(MIT)* ўқитувчиси Ж. Ликлайдер *(J.C.R. Licklider)* 1962 йилнинг августида эълон қилган мақолалар туркуми бўлган. Бу мақолаларда “Галактика тармоғи” “Galactic Network” концепцияси муҳокама қилинган. Муаллиф ҳар кимга исталган компьютерда жойлашган дастурлардан фойдаланиш ва маълумотларни тез олиш имконини берадиган, ўзаро боғланган компьютерлар глобал тармоғи яратилишини башорат қилган. Мазкур концепция руҳан Интернет тармоғининг ҳозирги ҳолатига жуда яқин туради. 1962 йилнинг октябрида Ликлайдер АҚШ Мудофаа вазирлиги Перспектив тадқиқотлар ва ишланмалар бошқармасида компьютерлар билан боғлиқ тадқиқот лойиҳаси *(Defence Advanced Research Projects Agency – DARPA)*нинг биринчи раҳбари этиб тайинланган[1].

Мазкур илмий фаолият айнан АҚШ Мудофаа вазирлигида қизиқиш уйғотган, чунки 70-йилларнинг бошларида америкалик ҳарбийлар потенциал рақиб томонидан ядровий портлатиш амалга оширилган ҳолда асосий алоқа тизимлари устидан назоратни сақлаб қолиш муаммолари билан шуғулланганлар.

Шу асосда АҚШ Мудофаа вазирлиги Перспектив тадқиқотлар ва ишланмалар бошқармаси узлуксиз ишлайдиган умуммиллий тармоқни яратиш ғоясини амалга ошириш устида иш бошлаган. 60-йилларнинг компьютерлари бир-бири билан мос келмаслиги *(яъни схемотехникаси бўйича бир хил эмаслиги)* мазкур вазифани ҳал этишни оғирлаштирган. Бу ҳол кейинги икки ўн йилликка ҳам хос бўлган.

[1] Рустамбеков И. Монография//ТДЮУ-Т.2020, 8-бет.

Турли хил компьютерларнинг ўзаро алоқаси илк бор 1965 йилда текширилган: Массачусетсда ва Калифорнияда турган ЭҲМ ўртасида ўзаро алоқа ўрнатилган. Алоқа паст тезликда ишлайдиган телефон линияси орқали амалга оширилган. Бу тарихда биринчи нолокал компьютер тармоғи бўлган. 1966 йилнинг охирида Ларри Роберте DARPAга компьютер тармоғи *(қисқача номи ARPANET)* ғояси билан келган. Ушбу номланиш NET – "тармоқ" сўзи ва ARPA *(Advanced Research Projects Agency – Перспектив тадқиқотлар ва ишланмалар бошқармаси)* қисқартмасидан ясалган. Ғоя ядро уруши юз берган ҳолда йўқ қилиб ташланиши мумкин бўлган марказий компьютер бўлмаган, маълумотларни узатиш, агар тармоқ участкаларидан бири ишдан чиққан бўлса, айланма алоқа каналлари орқали кичик-кичик қисмлар *(пакетлар)* билан амалга ошириладиган тармоқни яратишдан иборат бўлган.

1968 йилнинг августида, Роберте ва бюджетдан маблағ билан таъминланаётган ташкилот – DARPA ARPANET умумий тузилмаси ва спецификациясини маромига етказгандан кейин, DARPA нархларга сўров эълон қилган *(Request for Quotation – RFQ)*, асосий компонентлардан бири – пакетлар коммутаторини ишлаб чиқиш учун очиқ танлов ташкил этган. Мазкур коммутатор Хабарлар интерфейсли процессори *(Interface Message Processor – IMP)* деган ном олган. 1968 йилнинг декабрида танловда Bolt, Beranek ва Newman *(BBN)* компанияси вакили Фрэнк Харт *(Frank Heart)* бошчилигидаги гуруҳ ғолиб чиққан. Шундан кейин тегишли ишлар қуйидагича тақсимланган. BBN гуруҳи Хабарлар интерфейсли процессори устида иш олиб борган, Боб Кан ARPANET архитектурасини ишлаб чиқишда фаол қатнашган, Роберте Network Analysis Corporation вакили Ховард Фрэнк *(Howard Frank)* ва унинг гуруҳи билан бирга тармоқ топологияси ва иқтисодий жиҳатларини лойиҳалаштирган, Лос-Анджелесдаги Калифорния университети *(UCLA)*нинг вакили Клейнрок гуруҳи эса тармоқ кўрсаткичларини ўлчаш тизимини тайёрлаган.

Клейнрок бир неча йил давомида пакетли коммутация назариясининг муаллифи сифатида ва таҳлил, лойиҳалаш ва ўлчашлар бўйича мутахассис сифатида машҳур бўлгани боис, унинг Калифорния университетидаги Тармоқ ўлчашлари маркази ARPANET биринчи тугуни сифатида танланган. 1969 йилнинг сентябрида

BBN компанияси Калифорния университетида биринчи Хабарлар интерфейсли процессорини ўрнатган ва унга биринчи компьютерни улаган. Иккинчи тугун Дуг Энгельбарт*(Doug Engelbart)*нинг Стэнфорд тадқиқот институти (SRI)даги “Инсон интеллектини кучайтириш” лойиҳаси негизида яратилган. SRIда Тармоқ ахборот маркази ташкил этилган ва унга Элизабет Фейнлер *(Elizabeth (Jake) Feinler)* раҳбарлик қилган. Марказ вазифаларига номлар ва компьютерларнинг манзиллари ўртасида мувофиқлик жадвалларини қувватлаш, шунингдек, шарҳлар ва таклифлар учун сўровлар каталоги *(Request for Comments, RFC)*га хизмат кўрсатиш киритилган. Орадан бир ой ўтиб, SRI ARPANETга улангач, Клейнрок лабораториясидан биринчи компьютерлараро хабар юборилган. Калифорниянинг Санта-Барбара шаҳридаги университет *(UCSB)* ва Юта штати университети ARPANETнинг навбатдаги икки тугунига айланган. Мазкур университетларда амалий визуаллаштириш бўйича лойиҳалар ривожлантирилган. UCSB олимлари Глен Галлер *(Glen Culler)* ва Бартон Фрайд *(Burton Fried)* тармоқ орқали узатилган тасвирларни қайта акс эттириш муаммосини ечиш имконини берадиган хотирали дисплейлар ёрдамида математик функцияларни акс эттириш усулларини тадқиқ этганлар. Ютада Роберт Тейлор ва Иван Сазерленд уч даражали саҳналарни тармоқ орқали чизиш усулларини тадқиқ этганлар. Шу тариқа, 1969 йилнинг охирига келиб, тўрт компьютер ARPANET бошланғич конфигурациясига бирлаштирилган. Интернетнинг илк куртаги пайдо бўлган. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, мазкур босқичда ҳам тармоқ инфратузилмаси, ҳам тармоқ иловаларига доир тадқиқотлар олиб борилган. Бу анъана ҳозиргача сақланиб қолган. Кейинги йилларда ARPANETга уланган компьютерлар сони жадал ўсиб борди[2].

1971 йилга келиб АҚШ Мудофаа вазирлиги томонидан молиялаштириладиган дастлабки тармоқлар Тармоқнинг тугунлари сони 19 тага етди. 1972 йилнинг октябрида Компьютер коммуникациялари бўйича биринчи халқаро конференцияда “ARPANET”нинг илк оммавий намойиши ташкил этилди.

Глобал тармоқ тузилмасининг очиқлиги унинг муҳим афзалликларидан бирига айланди. Бу унинг айрим элементлари алоҳида-

[2] Лейнер Б. Краткий курс истории Интернет// Информационный бюллетень Jetinfo. 1997.-№14(45).

алоҳида лойиҳаланиши ва ривожлантирилиши мумкинлигини англатади. Ҳар бир янги тармоқни лойиҳалашда унинг хусусияти ва фойдаланувчиларнинг алоҳида талаблари ҳисобга олинди. Глобал тармоқ янги қисмларининг ҳудудий кўлами ҳам бирон-бир тарзда чекланмади[3].

Шу билан бир вақтда компьютерлараро ўзаро алоқанинг функционал жиҳатдан тўлиқ протоколини ва бошқа тармоқ дастурий таъминотини яратиш борасида ишлар олиб борилди. 1970 йилнинг декабрида С. Крокер раҳбарлиги остидаги Тармоқ ишчи гуруҳи *(Network Working Group – NWG)* протоколнинг биринчи версияси устида ишни якунлади. У Тармоқни бошқариш протоколи *(Network Control Protocol – NCP)* деган ном олди. 1971–1972 йилларда NCPни ARPANET тугунларига татбиқ этиш борасида ишлар бажарилгандан кейин тармоқдан фойдаланувчилар иловаларни ишлаб чиқишга киришиш имкониятига эга бўлдилар. 1972 йилда биринчи ва ўта муҳим илова – электрон почта пайдо бўлди. Мартда ARPANET устида ишлаётганлар учун оддий мувофиқлаштириш воситаларини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган BBN вакили Рэй Томлинсон *(Ray Tomlinson)* электрон хабарларни жўнатиш ва ўқиш базавий дастурларини яратди. Июлда Роберте мазкур дастурларни хабарлар рўйхатини бериш, танлаб ўқиш, файлда сақлаб қўйиш, жавобни тайёрлаш ва жўнатиш имкониятлари билан тўлдирди. 80-йилларда тармоқ технологиясининг янада такомиллаштириши, компьютерлар бозорида инқилоб ясалиши Интернет пайдо бўлишига олиб келди. 1985 йилга келиб Интернет-технологиялар билан шуғулланаётган тадқиқотчилар доираси кенгайди. Интернетдан турли касб эгалари фойдалана бошладилар.

1990 йилда ҳарбийлаштирилган ARPANET инсон қўллари ва тафаккурининг энг буюк маҳсулига замин яратиб, ўз фаолиятини тўхтатди[4].

Интернет мавжуд бўлган давр мобайнида унинг техник инфратузилмаси учун АҚШнинг DARPA ва NSF агентликлари жавоб берар эди, аммо 1998 йилда Интернетнинг шаклланиш жараёнида янги босқич ясаган ўзгаришлар юз берди.

---

[3] Зиновьев И. С Интернетом по жизни. Попытка обзора необозримого // Урал. 1999. – №11.

[4] Использование WWW. Что может WWW // http://clib-r.yars.free.net/projects/beginers.html.

1997 йил 1 июлда АҚШ Президенти Уильям Клинтон Қўшма Штатлар савдо вазирига Интернет инфратузилмаси бошқарувини давлат назорати остидан чиқариш ҳақида кўрсатма берди[5].

1998 йилга келиб савдо вазирлигининг таркибий бўлинмаси – Ахборот ва телекоммуникациялар бўйича миллий бошқарма *(NTIA)*, Домен номлари тизимини техник бошқаришни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлади ва бу пировардида янги нотижорат ташкилоти тузилишига олиб келди: 1998 йил 25 ноябрда АҚШ савдо вазирлиги ва Интернет тармоғи фаолиятини техник қувватлаш учун махсус ташкил этилган Internet Corporation for Assigned Names and Numbers (ICANN) корпорацияси ўртасида "Ўзаро англашув тўғрисида меморандум" *(Memorandum of Understanding)*[6] имзоланди. Мазкур Меморандумга мувофиқ ICANNга тармоқ техник инфратузилмасини бошқариш ваколатлари берилди.

XX асрнинг 90-йиллари мобайнида манзиллар маконини фойдаланувчилар ўртасида тақсимлаш билан шуғулланадиган тизим шаклланди. Хусусан, 1999 йилда манзиллар маконини бошқариш учун ASO *(Address Supporting Organization – Манзилларни қувватлаш ташкилоти)* тузилди. Минтақавий Интернет-реестрлар тармоғи шаклланди: RIPE NCC *(Европа, Осиёнинг бир қисми)*, *ARIN (Марказий ва Шимолий Америка)*, APNIC *(Осиё, Тинч океани минтақаси)*, LACNIC *(Лотин Америкаси)*, AfriNIC *(Африка)*. Интернет тармоғида манзиллар маконини тақсимлаш тизимидаги энг сўнгги бўғин – LIR, локал Интернет-рўйхатга олувчи. Ўзбекистонда биринчи рўйхатга олувчи 1995 йилда Германия Euracom Equipment GmBH компаниясининг мамлакатимиздаги вакили "Tomas" МЧЖ бўлган. 2002 йилда унинг ўрнини Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг таркибий бўлинмаси – Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази "Ўзинфоком" эгаллади.

---

[5] Заключительный доклад Первого процесса в рамках ВОИС по названиям доменов в Интернете 30 апреля 1999 // Электронный ресурс: http://www.wipo.int/amc/ru/processes/process1/report

[6] Joint project agreement between the U.S. Department of Commerce and the Internet Corporation roy Assigned Names and Numbers // URI: http://www.icann.org/en/about/agreements/mou-jpa/jpa-29sep06- en.pdf

2009 йилда ICANN корпорацияси билан АҚШ савдо вазирлиги ўртасида илгари, 2006 йилда 1998 йил “Ўзаро англашув тўғрисида меморандум” ўрнига қабул қилинган “Шериклик тўғрисидаги битим” *(JPA – Joint Project Agreement)*нинг амал қилиш муддати тугагач, ICANN расман АҚШ таъсири остидан чиқди. Мазкур Шериклик тўғрисидаги битимда Қўшма Штатларнинг корпорация фаолиятидаги алоҳида ўрни ва аҳамияти қайд этилган эди. 2009 йилнинг 1 октябридан бошлаб “Мажбуриятларни тасдиқлаш тўғрисидаги битим” кучга кирди. Мазкур Битим Интернет тармоғи манзиллар тизимини бошқариш ишида АҚШ ҳуқуқларини бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқлари билан тенглаштирди[7].

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида ҳам ахборотлаштириш ва Интернет тармоғини ривожлантириш ишлари кенг амалга оширилган. Бунда Ўзбекистон мустақиликка эришган вақтда, яъни 1991 йили фақатгина электрон почта учун биринчи маълумотларни узатиш тизимига кириш имконияти пайдо бўлган. 1992–1995 йилларга келиб эса, илк локал провайдерлар иш бошлаган.

1995 йилнинг 29 апрель куни “UZ” домени ишга тушган. 1995–2000 йиллар Интернет тармоғи мамлакат доирасида катта тезликда ривожланиш босқичини босиб ўтган ва ҳозирги кўринишга келган[8].

Мазкур соҳа доирасида Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими ҳам ривожланиб келди. Хусусан, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этилди. 2015 йилда эса мазкур давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини сифатида қайта ташкил этилди. Интернет тармоғининг миллий сегменти янада шакллантирилишини таъминлаш, мамлакатимизнинг турли йўналишлардаги замонавий веб-ресурсларини, шу жумладан, аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида тармоқ ресурсларини ривожлантириш учун зарур техник ва қулай шарт-шароитларни яратиш Вазирликнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгилаб қўйилди.

[7] Серго А. Г. Доменные имена: монография / А. Г. Серго. – М.: Российская государственная академия интеллектуальной собственности, 2013. – 312 с

[8] Ўзбекистонда Интернетнинг ривожланиш тенденциялари // Электрон манба http://nargis.uz/article_view.php?id=330

Шунингдек, кўрсатиб ўтиш лозимки, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон аҳборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон аҳборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгаётириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 май 2002 йилдаги №3080-сон Фармонига асосан UZINFOCOM Маркази ташкил этилган.

UZINFOCOM Марказининг олдига компьютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини иқтисодиётнинг барча тармоқлари, бошқарув ва ижтимоий соҳаларга жорий этиш бўйича миллий дастурнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон ахолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ва унинг жаҳон ахборот ҳамжамиятига киришда ёрдам кўрсатиш бўйича вазифалар қўйилган.

Буларнинг барчаси Жаҳон миқёсида ва Ўзбекистонда Интернет тармоғининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихий жараёнини тавсифлайди. Шу тариқа, Интернет тармоғи янги муносабатлар юзага келишига сабаб бўлди ва улар ўз навбатида назарий ва норматив-ҳуқуқий асосларни яратиш йўли билан ҳуқуқий жиҳатдан англаб етиш ва тартибга солишни тақозо этади.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИ ТОВЛАМАЧИЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН НОРМАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Ирисбеков Улуғбек Аскарбекович,

Криминология тадқиқот институти етакчи илмий ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

Бугунги кунда бир томондан жамиятда мавжуд ижтимоий-иқтисодий *(ишсизлик)*, ташкилий-бошқарув *(субектлар фаолияти билан боғлиқ)* ҳамда ҳуқуқий таъминлаш *(қонунчиликнинг номукаммаллиги)* соҳаларидаги муаммо ва камчиликлар, иккинчи томондан коррупциянинг кучайиши, яширин иқтисодиётнинг сақланиб қолаётганлиги, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида жиноий олам вакиллари иштирокининг ўсиб бориши, ёшлар орасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда товламачилик содир этилишининг кўпайиб бориши мазкур жиноятларнинг сифат жиҳатдан ўзгаришига ҳамда уни содир этиш шакл ҳамда усулларининг ранг-баранг бўлиб, янада мураккаблашишига олиб келмоқда. Шу нуқтаи назардан, зўравонликнинг турли хил кўриниши билан боғлиқ бу каби жиноятларга ўз вақтида барҳам бериш, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормаларини такомиллаштириш ҳамда хориж тажрибасини миллий қонунчиликка жорий этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ҳамда хорижий давлатларнинг Жиноят кодексларида товламачиликка оид нормаларнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили ушбу жиноят тушунчаси, унинг мазмун ва моҳияти борасидаги тафовутлар мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. Тадқиқотларда товламачилик содир этилишида юз бераётган ўзгаришларни тақозо этаётган омиллардан бири сифатида амалдаги жиноят қонунчилигидаги мавжуд номукаммалликлар эканлиги илмий асослантирилган[1]. Шу нуқтаи назардан, ғараз ниятда зўра-

[1] Буранова А.Г. Вымогательство и меры его предупреждения: Дис. ... кан. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2011. – С.154.; Ступина С.А. Уголовно-правовые и криминологические проблемы борьбы с вымогательством:

вонлик билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятнинг ушбу турига қарши курашни жамият эҳтиёжи ва бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш заруратини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада “Сизнинг фикрингизча, товламачиликка қарши курашни такомиллаштириш учун нима қилиш мумкин?” деган мазмундаги саволга сўровда иштирок этганлар томонидан жиноят *(34 фоиз)*, жиноят-протсессуал *(18 фоиз)* қонунчиликни такомиллаштириш, алоҳида қонун қабул қилиш *(11 фоиз)*, товламачилик фаолиятини аниқлаш, ҳужжатлаштириш ва олдини олиш масалалари бўйича методик қўлланма, амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш *(37 фоиз)* зарурлигини белгилашган[2].

Мазкур тадқиқотлар жиноят қонунчилигида товламачилик билан боғлиқ нормаларни такомиллаштириш учун, энг аввало, хорижий давлатлар Жиноят кодексларининг тегишли нормаларида белгиланган товламачиликка оид тушунча ҳамда у билан боғлиқ масалаларни таҳлил қилиш зарурати мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, хорижий давлатларнинг биронтасида товламачилик жиноятига қарши курашни назарда тутувчи алоҳида қонун қабул қилинмаган. Хорижий давлатларда товламачиликка қарши курашга доир қоидалар жиноят қонунларида мустаҳкамланган.

Озарбайжон ЖКнинг 182-моддасида белгиланган товламачилик иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар қаторига киритилган. Мазкур норманинг тузилиши уч қисмдан иборат.

Ушбу модданинг 1-қисмида белгиланган жиноятни содир этган шахсларга нисбатан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши назарда тутилган.

Худди шундай ҳаракатлар: а) олдиндан келишилган ҳолда бир гуруҳ шахслар томонидан; б) такроран; в) зўрлик ишлатиш орқали; г) жабрланувчига жиддий зарар етказган ҳолда содир этилган тақдирда қилмиш оғир турдаги жиноят сифатида баҳоланиб,

Дис... канд. юрид. наук. – Иркутск, 2002; Лечиев Р.С. Уголовная ответственность за вымогательство: сравнительно-правовой анализ российского и зарубежного уголовного законодательства. Дис. ... канд. юрид. наук. – Ростов-на-Дону, 2004.; Винокурова Н.С. Личность преступника и жертвы в механизме вымогательства и предупреждение этих преступлений: Дис. ... канд. юрид.наук. – М., 2003.

[2] Dissertatsiyaning 14-ilovasi.

мол-мулкини мусодара қилиб ёки қилмасдан беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилиши назарда тутилган.

Худди шундай ҳаракатлар: а) уюшган гуруҳ томонидан; б) катта миқдордаги мулкни эгаллаш мақсадида; в) жабрланувчининг соғлиғига оғир зарар этказган ҳолда; г) муқаддам икки ёки ундан ортиқ марта ўғирлик ёки товламачилик учун судланган шахслар томонидан содир этилган тақдирда қилмиш ўта оғир турдаги жиноят сифатида баҳоланиб, мол-мулкини мусодара қилиб ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади[3].

Арманистон ЖКнинг 182-моддасида белгиланган товламачилик иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар қаторига киритилган. Мазкур норманинг тузилиши уч қисмдан иборат.

Ушбу модданинг 1-қисмида белгиланган жиноятни содир этган шахсларга нисбатан икки йилдан кўп бўлмаган муддатга ахлоқ тузатиш ишлари, уч ойдан кўп бўлмаган муддатга қамоқ, тўрт йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида жарима ёки уни қўлламаслик назарда тутилган.

Товламачилик ҳаракати: а) шахсга ёки унинг яқинларига зўрлик ишлатиб; б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб; в) муқаддам амалдаги Жиноят кодексининг 175,176, 178-182, 222, 234, 238, 269-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахслар томонидан амалга оширилса мол-мулкини мусодара қилиб ёки қилмасдан уч йилдан этти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши назарда тутилган.

Товламачилик ҳаракати: а) эҳтиётсизлик орқали ўлим ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келиши; б) жуда катта миқдордаги мулкни қўлга киритиш мақсадида; в) уюшган гуруҳ томонидан; г) соғлиқ учун оғир оқибатларни келтириб чиқариши; д) Арманистон Республикаси ЖКнинг 175, 176, 178-182, 222, 234, 238,

---

[3] Уголовный кодекс Азербайджанской Республики. file:///C:/Users/User/Downloads/Azerbaijan_CC_am 2013_ru.pdf.

269-моддаларида назарда тутилган жиноятларни икки ёки ундан ортиқ марта содир этганлиги учун судланган шахслар томонидан амалга оширилган тақдирда мол-мулкни мусодара қилиб ёки қилмасдан олти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади[4].

Беларус ЖКнинг 8-бўлими мулкка ва иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибига қарши жиноятлар назарда тутилган бўлиб, ушбу кодекснинг 208-моддасида товламачилик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ушбу модданинг 1-қисмида белгиланган жиноятни содир этган шахсларга нисбатан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд беш йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Товламачилик мулкка зарар этказиш ёки катта миқдорда мулкий фойда олиш мақсадида: а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда; б) жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб; в) ўлдириш ёки баданга оғир шикаст этказиш таҳдиди остида ёки йўқ қилиш ёки йўқ қилиш билан қўрқитиш орқали содир этилган бўлса мол-мулки мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмасдан уч йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Товламачилик уюшган гуруҳ томонидан: а) жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлган ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келадиган зўрлик ишлатиб; б) ўта йирик миқдорда мулкий наф олиш мақсадида содир этилган бўлса мол-мулки мусодара қилиниб, беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади[5].

Германия ЖКнинг 253-моддасида товламачилик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, унга кўра кимда ким зўравонлик қўллаган ҳолда ёки моддий зарар этказиш таҳдиди билан шахсни ғайриқонуний равишда жиноий ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик қилишга мажбурласа ва шу орқали ўзининг ғайриқонуний бойиб

---

[4] Уголовный кодекс Республики Армения.. https://ru.wikipedia.org/wiki/Уголовный кодекс Республики Армения.

[5] Уголовный кодекс Республики Беларусь. https://kodeksy-by.com/ugolovnyj_kodeks_rb.htm.

кетиши ёки бойиб кетиш мақсадида жабрланувчига ёки бошқа шахсга ўзининг қонунга хилоф равишда бойиб кетиши ёки учинчи шахснинг бойиши мақсадида содир этилган бўлса, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланиши назарда тутилган.

Кўзланган мақсадга эришиш учун зўравонлик қўллаш ёки зарар етказиш билан таҳдид қилиш ҳаракати шахсни айбланувчи деб баҳолашга асос бўлса, қилмиш қонунга хилоф ҳисобланади.

Товламачилик қилишга уриниш ҳам жазоланади.

Ўта оғир ҳолатларда, бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўта оғир ҳолат деб, одатда, жиноят содир этган шахс савдо шаклида ёки доимий равишда товламачилик қилиш учун ўзини ташкил қилган жиноий гуруҳ аъзоси сифатида ҳаракат қилганда топилади.

Германия Жиноят кодексининг *255-моддасида* босқинчилик билан боғлиқ товламачилик учун жавобгарлик масаласи алоҳида кўрилади. Агар товламачилик шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш ёки унинг соғлиғи ёки ҳаётига бевосита хавф туғдирадиган таҳдид қилиш йўли билан содир этилган бўлса, у ҳолда шахс босқинчилик содир этган шахс билан бир хил жазоланади[6].

Грузия ЖКнинг саккизинчи бўлими *(Иқтисодий жиноятлар)* 25-боби мулкий жиноятларга бағишланиб, унинг 181-моддасида товламачилик учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, товламачилик, яъни жабрланувчига ёки унинг яқин қариндошларига нисбатан зўравонлик қўллаш ёки уларнинг мол-мулкини йўқ қилиш ёки шикастлаш ёки уларни шарманда қилувчи маълумотларни тарқатиш билан қўшиб, бировнинг мол-мулкини ёки мулкий ҳуқуқини ёки мулкий манфаатини бошқа шахсга ўтказишни талаб қилиш ёки уларнинг ҳуқуқларига жиддий зарар этказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиш, жарима ёки олти ойгача бўлган муддатга қамоқ ёки тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланилиши назарда тутилган.

Худди шундай қилмиш: а) бир гуруҳ шахслар томонидан; б) такрор; в) мол-мулкни йирик миқёсда олиш мақсадида; г)

[6] Уголовный кодекс Германии. https://ru.wikipedia.org/wiki.

бировнинг кўчар мулкини қонунга хилоф равишда тортиб олганлик ёки товламачиликда айбланганлиги учун икки ёки ундан ортиқ марта судланган шахс томонидан содир этилган бўлса, олти йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади[7].

Испания ЖК 243-моддасида ким фойда олиш мақсадида бировни зўравонлик ёки қўрқитиш йўли билан ўз мулкига ёки ўзгаларнинг мулкига зарар этказадиган қилмиш ёки битим тузишга мажбур қилса, бир йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади[8].

Қозоғистон ЖКнинг 6-боби мулкка қарши жиноятларга бағишланган бўлиб, унинг 194-моддасида товламачилик учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра товламачилик, яъни зўрлик ишлатиш ёки бировнинг мулкини йўқ қилиш ёки шикастлаш таҳдиди остида, шунингдек, шаънини камситувчи маълумотларни тарқатиш таҳдиди билан бировнинг мол-мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишни ёки бошқа мулкий ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилиш жабрланувчи ёки унинг қариндошлари ёки ошкор этилиши жабрланувчининг ёки унинг қариндошларининг манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларга эга бўлса, уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан ёки юз бараваригача миқдорда жарима солиш билан жазоланиши назарда тутилган.

Товламачилик: а) зўравонлик қўллаш билан; б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан келишилган ҳолда; в) такроран содир этилса мол-мулки мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмасдан уч йилдан етти йилгача озодликни чеклаш ёки шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Товламачилик: а) жабрланувчига оғир тан жароҳати етказиш билан; в) мол-мулкни катта миқдорда олиш мақсадида содир этилган бўлса, мол-мулки мусодара қилиниб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар: а) уюшган гуруҳ томонидан; б) катта

[7] Уголовный кодекс Грузии. https://matsne.gov.ge/ru/document/view/16426?pu.
[8] Уголовный кодекс Испания. https://matsne.gov.ge/ru/document/view/16426?pu.

миқёсда, – мол-мулки мусодара қилиниб, етти йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади[9].

Россия ЖКнинг 8-бўлими *(Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар)* 21-боби мулкка қарши жиноятларга бағишланиб, унинг 163-моддасида товламачилик учун жавобгарлик назарда тутилган. Унга кўра товламачилик, яъни зўрлик ишлатиш ёки бировнинг мулкини йўқ қилиш ёки шикастлаш таҳдиди остида, шунингдек, шаънини камситувчи маълумотларни тарқатиш таҳдиди билан бировнинг мол-мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришни ёки бошқа мулкий ҳаракатларни амалга оширишни талаб қилиш, жабрланувчи ёки унинг қариндошлари ёки жабрланувчининг ёки унинг қариндошларининг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни ошкор қилиш билан қўрқитиш учун тўрт йилгача озодликни чеклаш ёки тўрт йилгача мажбурий меҳнат, икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача қамоқ билан ёки олти ойгача ёки тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан, саксон минг рублгача миқдорда жарима ёки маҳкумнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадлари энг кам иш ҳақи миқдорида олти ой муддатга ушлаб қолиш каби жазолар назарда тутилган.

Товламачилик: а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан келишилган ҳолда; б) муддати тугаган; в) зўравонлик қўллаш билан; г) кенг миқёсда содир этилган бўлса, беш юз минг рублгача жарима ёки маҳкумнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадларидан энг кам иш ҳақи миқдорида уч йилгача муддатга ушлаб қолиш ёки усиз етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Товламачилик: а) уюшган гуруҳ томонидан; б) ўта йирик мулкни олиш учун; в) жабрланувчига оғир тан жароҳати етказиш билан содир этилган бўлса, етти йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан, бир миллион рублгача жарима ёки маҳкумнинг иш ҳақи ёки бошқа даромадларидан энг кам иш ҳақи миқдорида беш йилгача бўлган муддат жарима солиш билан жазоланади[10].

---

[9] Уголовный кодекс Республики Казахстан. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252

[10] Уголовный кодекс Российской Федерации.http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/

Словения ЖКнинг Махсус қисми йигирманчи 3 боби мулкка қарши қаратилган жиноятлар бўлиб, унинг 213-моддасида товламачилик ва шантаж учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзига ёки учинчи шахсга ноқонуний равишда мулкни куч билан ёки жиддий таҳдид билан сотиб олиш ниятида бошқа шахсни ўзининг бошқа мол-мулкига зарар етказадиган хатти-ҳаракатни содир этишга ёки қилмасликни рад этишга мажбурлаган ҳар қандай шахс, беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинсин.

Ўзига ёки учинчи шахсга ғайриқонуний равишда мол-мулк қўлга киритиш ниятида ўзи ёки қариндошлари билан боғлиқ ҳар қандай масалани бошқа шахсга ошкор қилиш билан қўрқитиб, ўз қариндошларининг шаъни ёки обрўсига путур этказиши мумкин бўлган ҳар қандай масалани бошқа шахсга ошкор қилиш билан таҳдид қилган ҳар қандай шахс бировнинг мулкига ёки бошқа шахсга зарар этказган ҳолда қилмиш ёки уни қилишдан бош тортиш.

Агар ушбу модданинг 1 ёки 2-бандларида назарда тутилган жиноятлар камида икки шахс томонидан содир этилган бўлса ёки улар қурол ёки хавфли қурол ёрдамида ёки ўта шафқатсиз ва камситувчи тарзда содир этилган бўлса, айбдорлар бир йилдан кам бўлмаган ва саккиз йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар юқоридаги бандларда назарда тутилган жиноят жиноий уюшма доирасида содир этилган бўлса, айбдорга бир йилдан кам бўлмаган ва ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши керак[11].

Юқоридаги хорижий давлатларнинг товламачилик учун жавобгарлик назарда тутилган қонунчилиги таҳлили бу борадаги қонунчилик нормаларининг айрим жиҳатларини миллий қонунчиликда акс эттиришни тақозо этади, чунки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 165-моддасида ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд. Илмий-қиёсий таҳлиллар товламачи томонидан содир этилган қилмишнинг мақсади тўғридан-тўғри шахсни, унинг мулкини гаровда ушлаб

[11] Уголовный кодекс Словении. https://www.legislationline.org/ru/documents/section/criminal-codes/country/3/ Словении/show.

туриш ҳолатлари бўйича аниқ қоидалар ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатмоқда. ХХРнинг жиноят қонунчилигида товламачилик мақсадини кўзлаган ҳолда шахсни, унинг мулкини гаровда ушлаб турганлик учун ўта оғир турдаги жазо чораси белгиланган. Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда миллий қонунчилигимизга “товламачилик мақсадини кўзлаган ҳолда шахсни, унинг мулкини гаровда ушлаб турганлик” учун жавобгарликни назарда тутувчи қоида киритиш таклиф этилади.

Мазкур норманинг миллий қонунчилигимизда мустаҳкамланилиши, биринчидан, замон талаби ва жамият эҳтиёжи бўлса, иккинчидан, одамларни товламачилик мақсадида ўғирлаш, уларнинг ўзини ёки мулкини гаровга олиш каби қилмишларнинг барвақт олдини олишнинг ҳуқуқий мезони бўлиб хизмат қилади.

НЕЗАКОННЫЙ ОБОРОТ ОГНЕСТРЕЛЬНОГО ОРУЖИЯ: ГЛОБАЛЬНЫЕ ТЕНДЕНЦИИ, РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ И ВЫЗОВЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Исаев Сардор Алишерович,

Главный научный сотрудник Исследовательского института криминологии Республики Узбекистан, доктор философии по юридическим наукам (PhD)

Аннотация: *В статье рассматриваются масштабы, структура и современные тенденции незаконного оборота огнестрельного оружия в глобальном и региональном измерениях. На основе данных международных организаций и национальной статистики анализируются география незаконных потоков, особенности транснационального и внутреннего оборота, типология изымаемого оружия и его связь с насильственной преступностью, организованной преступностью, наркотрафиком и вооружёнными конфликтами. Особое внимание уделяется проблемам выявления, регистрации и отслеживания огнестрельного оружия, а также оценке эффективности существующих международно-правовых и национальных механизмов противодействия. Делается вывод о необходимости укрепления межгосударственного сотрудничества, совершенствования систем учёта и расширения инструментов криминального анализа для повышения результативности борьбы с незаконным оборотом оружия.*

Ключевые слова: *Незаконный оборот огнестрельного оружия; стрелковое оружие и лёгкие вооружения; транснациональная преступность; насильственная преступность; международная безопасность; контроль и маркировка оружия; отслеживание оружия; изъятие оружия; криминальный контекст; международное сотрудничество.*

ILLICIT TRAFFICKING IN FIREARMS: GLOBAL TRENDS, REGIONAL FEATURES, AND CHALLENGES TO INTERNATIONAL SECURITY

Abstract: *The article examines the scale, structure, and contemporary trends of illicit firearms trafficking at both global and regional levels.*

Based on data from international organizations and national statistics, it analyzes the geography of illicit flows, the characteristics of transnational and domestic trafficking, the typology of seized weapons, and their links to violent crime, organized crime, drug trafficking, and armed conflicts. Particular attention is paid to the challenges of detection, registration, and tracing of firearms, as well as to assessing the effectiveness of existing international legal and national countermeasures. The study concludes that strengthening interstate cooperation, improving record-keeping systems, and expanding criminal analysis tools are essential for enhancing efforts to combat illicit firearms trafficking.

Keywords: *illicit firearms trafficking; small arms and light weapons; transnational crime; violent crime; international security; firearms control and marking; firearms tracing; seizure of weapons; criminal context; international cooperation.*

Введение *(Introduction)*. Незаконный оборот огнестрельного оружия остаётся одной из главных угроз глобальной безопасности. Он напрямую влияет на уровень насильственной преступности, терроризма, организованной преступности и вооружённых конфликтов.

По официальным данным, в Республике Узбекистан на октябрь 2025 года более 45 тысяч граждан владеют стрелковым *(охотничьим)* оружием. За восемь месяцев свыше 10 тысяч человек были привлечены к административной ответственности за нарушения правил хранения или использования оружия. Более 1000 единиц оружия за этот период было сдано добровольно [1]. Рост числа изъятых единиц огнестрельного оружия по видам в 2020–2021 годах составил 12,33 % [2].

На глобальном уровне ситуация также остаётся напряжённой. В 2024 году ООН зафиксировала не менее 48 тысяч погибших среди гражданского населения в конфликтах – на 40 % больше, чем годом ранее. В 2023 году погибло по меньшей мере 48 384 человека, что соответствует гибели одного мирного жителя каждые 12 минут [3]. В ряде зон боевых действий до 30 % этих смертей были вызваны применением стрелкового оружия. Кроме того, в 88 % случаев сексуального насилия в конфликтах в 2022–2024 годах использовалось огнестрельное оружие.

Применение огнестрельного оружия негативно отражается и на социально-экономическом развитии. В 2023 году совокупная выручка 100 крупнейших оружейных компаний мира составила 632 млрд долларов. В 2024 году глобальные военные расходы достигли 2,7 трлн долларов – на 37 % больше по сравнению с 2015 годом [4].

В разных регионах масштабы и структура незаконного оборота отличаются. Это связано с особенностями политической ситуации, уровнем контроля границ и возможностями государственных органов по выявлению и регистрации преступлений, связанных с оружием. В целом более половины убийств в мире ежегодно совершаются с применением огнестрельного оружия. Рост уровня владения оружием в стране часто сопровождается увеличением числа убийств [5].

Международное сообщество признаёт необходимость обязательной маркировки лёгкого и стрелкового оружия *(ЛСО)* как важного инструмента противодействия его незаконному обороту. Маркировка и учёт рассматриваются как основные превентивные меры, которые должны реализовываться на национальном уровне. Однако для эффективного отслеживания оружия, попавшего в незаконный оборот или использованного не по назначению, этих мер недостаточно. Требуется активное международное сотрудничество. Поэтому международно-правовое регулирование оборота огнестрельного оружия включает множество универсальных и региональных документов.

По данным ООН, основную часть нелегального рынка составляют стрелковое оружие и лёгкие вооружения (СОЛВ). При этом формы и каналы их незаконного перемещения различаются в зависимости от региона и типа оружия. Производство огнестрельного оружия обычно осуществляется лицензированными компаниями и ориентировано на легальный рынок.

Тем не менее на любом этапе – от производства до передачи конечному пользователю – существует риск его попадания в незаконный оборот. В связи с этим государственные органы сосредоточены на выявлении и пресечении нелегальных каналов поставок.

Для более полного понимания масштабов и структуры незаконного оборота целесообразно рассмотреть ситуацию по регионам. Региональный анализ позволяет выявить особенности изъятий, различия в типах преобладающего оружия и долгосрочные тенденции. Далее представлен обзор данных по Африке, Америке, Европе, Азии и Океании с учётом как количественных, так и качественных характеристик выявленного оружия..

Анализ литературы по теме *(Literature review)*. Данные Управления ООН по наркотикам и преступности за 2016–2017 годы [6] дают общее представление о масштабах и структуре незаконного оборота огнестрельного оружия на глобальном, региональном и национальном уровнях. В эти годы ежегодно изымалось около 550 000 единиц оружия. При этом различия между странами были значительными – от менее 10 до более 300 000 единиц в год. Существенно отличался и тип изымаемого оружия.

Согласно данным за 2020 год, основные пункты отправления огнестрельного оружия находятся в Северной Америке, Европе и Западной Азии [7]. В то же время Центральная и Южная Америка, а также отдельные районы Западной Азии – регионы с высоким уровнем преступности и нестабильности – чаще выступают в качестве основных направлений незаконных поставок.

Оружие перемещается по суше, морю и воздуху. По данным о конфискациях, большинство случаев связано с незаконным ввозом одной или нескольких единиц оружия. Около двух третей выявленных фактов приходится на наземные маршруты. Морские перевозки фиксируются реже, однако в таких случаях партии обычно значительно крупнее – в среднем в пять раз больше, чем при других способах транспортировки.

Иногда используется так называемый метод “контрабанды муравьёв”: множество людей перевозят небольшие партии оружия, чтобы снизить риск обнаружения.

Региональная структура изъятий различается. В Северной и Южной Америке более половины всех изъятий составляют пистолеты, что во многом влияет на глобальную статистику из-за большого общего числа конфискаций в этих регионах. В Африке и Азии чаще изымаются дробовики. В Океании преобладают

винтовки *(ружья)*. В Европе структура более сбалансирована: пистолеты, винтовки и дробовики конфискуются примерно в равных долях.

Следует учитывать, что ряд стран Африки и Азии обладают ограниченными возможностями по выявлению и учёту незаконного оборота оружия. Это может приводить к занижению данных по отдельным видам вооружения. Кроме того, в общую статистику нередко включаются изъятия, не связанные напрямую с трансграничным оборотом.

Анализ таможенных конфискаций на границах показывает, что винтовки изымаются примерно так же часто, как и пистолеты. Это позволяет предположить, что их роль в глобальном незаконном обороте может быть более значительной, чем отражено в текущих агрегированных данных.

Прослеживается связь между характером незаконного оборота оружия и общей криминогенной ситуацией в регионе. В странах с высоким уровнем насильственных преступлений и убийств – особенно в Африке, Латинской Америке и Карибском бассейне – чаще изымается оружие, связанное с насильственными правонарушениями. Аналогично, в государствах с активным незаконным оборотом наркотиков чаще конфискуется оружие, связанное с этой деятельностью.

Методология исследования *(Research methodology)*. Потоки транснационального незаконного оборота огнестрельного оружия в основном проходят внутри континентов. Северная Америка играет ключевую роль как источник для других субрегионов, особенно Южной и Центральной Америки, а также Западной Азии. В 2016–2017 годах почти все отправные точки торговли оружием находились в Северной Америке, Европе и Западной Азии. При этом исходящие потоки из Европы в основном направлялись на другие континенты.

Основные регионы назначения – Центральная и Южная Америка и Западная Азия – известны высоким уровнем насилия и конфликтов, что подтверждает связь между незаконным оборотом оружия и насильственной смертностью.

Незаконный оборот огнестрельного оружия часто не совпадает с легальными цепочками поставок. Страна-производитель, место утечки и страна изъятия могут различаться. Например, Европа производит много оружия, но Северная Америка считается основным субрегиональным источником нелегальных поставок. Оружие, как долговременный товар, может многократно переходить из рук в руки до попадания на чёрный рынок.

Для крупных поставок чаще используется морской транспорт. Хотя морские конфискации составляют около 6 % всех таможенных дел, они включают треть от общего числа изъятого оружия, что показывает высокую концентрацию крупных партий. Наземный транспорт остаётся наиболее распространённым способом перевозки – около двух третей случаев. Усиление контроля на морских маршрутах может дать особенно заметный эффект для правоохранительных органов.

Большинство изъятий связано с одной или несколькими единицами оружия. Однако крупные партии формируют значительную часть объёма конфискаций. Так, около 75 % таможенных проверок касались одного оружия, но почти половина всего изъятого объёма приходилась на эпизоды с 18 и более единицами.

Небольшие партии *(1–2 единицы)* чаще связаны с индивидуальным использованием и изымаются у конечных владельцев. В таких случаях преобладают пистолеты – более 80% изъятых револьверов приходятся на единичные экземпляры. Иногда это связано с нарушением правил владения, иногда с “оборотом муравьёв”, когда множество людей перевозят небольшие партии для удовлетворения крупного спроса и снижения риска поимки [8].

Крупные партии чаще фиксируются в странах с высоким спросом, например в условиях конфликтов. В таких случаях винтовки, ружья и пистолеты могут продаваться сотнями и тысячами единиц. Мощное оружие *(пулемёты, автоматы)* изымается редко, но партии обычно большие – около 20 % случаев включали четыре и более единиц. Для револьверов крупные партии – скорее исключение. Большие изъятия чаще связаны с преступной деятельностью и незаконным оборотом, тогда как мелкие партии – с индивидуальным использованием.

На чёрном рынке оружие обычно дороже, чем на легальном, из-за повышенных рисков и спекуляций. Исключения встречаются в некоторых странах Латинской Америки и Карибского бассейна, где нелегальные пистолеты дешевле легальных, что указывает на их высокую доступность.

Данные Европы показывают, что Западные Балканы могут быть источником нелегального оружия, особенно штурмовых винтовок, которые там стоят дешевле, чем в остальной части континента. Изъятия деталей и комплектующих встречаются реже – около 5 % от общего числа. В странах Азии и Африки с кустарным производством оружия доля изъятий комплектующих выше.

В ряде европейских стран фиксируются случаи незаконного изготовления, переделки и сборки оружия. Это связано с жёстким регулированием, ограничивающим легальный доступ. Модификация позволяет преступникам адаптировать оружие – сделать его компактнее или мощнее.

Отслеживание оружия остаётся проблемой. По данным 14 стран за 2016–2017 годы, лишь 28 % изъятого оружия удалось проследить до источника или контекста незаконного оборота. Страны с высоким успехом отслеживания обычно имеют низкий уровень изъятий, так как процесс требует много ресурсов. В странах с высоким уровнем изъятий показатель отслеживания низкий – возможно, из-за менее серьёзных нарушений и низкого приоритета.

Что касается юридического обоснования конфискаций, около двух третей оружия изымалось по причине незаконного владения. Только в среднем в 9 % случаев изъятия указывался незаконный оборот как основная причина.

Тем не менее, вполне вероятно, что незаконное владение предоставляет более простое и быстрое обоснование правоохранительным органам остановить перевозку и конфисковать огнестрельное оружие, и незаконный оборот выявляется как фактическое преступление только после дальнейшего расследования - это называется “уголовным контекстом” изъятия.

С учетом криминального контекста доля изъятого оружия, которое может быть связано с незаконным оборотом, более чем удваивается и составляет примерно 19%. Реальная пропорция

вероятно еще выше, если учесть потенциальное занижение данных о незаконном обороте огнестрельного оружия.

Имеющиеся данные свидетельствуют о том, что система уголовного правосудия фокусируется на незаконном обороте огнестрельного оружия только в относительно небольшом проценте случаев, когда это оправдано, то есть незаконный оборот огнестрельного оружия является в значительной степени скрытым явлением, только часть которого выходит на поверхность.

Преступления, связанные с огнестрельным оружием, чаще всего сопровождаются насилием. Особенно это заметно в Латинской Америке и Африке, тогда как в Европе основной категорией была торговля наркотиками.

В странах с высоким уровнем убийств значительная часть изъятого оружия связана с насильственными преступлениями. Аналогичная тенденция наблюдается и с изъятиями наркотиков: чаще всего они конфискуются в тех же партиях, что и огнестрельное оружие. После оружия и наркотиков в таких партиях чаще всего встречаются контрафактные товары, культурные ценности и природные ресурсы.

Установить прямую связь между незаконным оборотом оружия и общим криминальным контекстом сложно. Иногда крупные индивидуальные случаи изъятий происходят в районах недавних или текущих конфликтов, странах с высоким уровнем насилия или зонах, затронутых организованной преступностью. В странах, затронутых вооружёнными конфликтами, оружие поддерживает насилие, а после завершения конфликтов его запасы могут увеличиваться, создавая сложности для властей.

Гендерный аспект показывает, что большинство жертв и исполнителей убийств – мужчины, особенно при применении огнестрельного оружия. При убийствах интимных партнёров и членов семьи жертвы чаще женщины. Мужчины чаще используют оружие при убийстве своих партнёрш, тогда как женщины чаще применяют острые предметы [9].

В целом, данные о конфискациях указывают на связь между уровнем изъятий и уровнем убийств. В странах с более высоким уровнем перехвата огнестрельного оружия уровень убийств с его

применением, как правило, ниже, что может свидетельствовать о сильном верховенстве закона и эффективности правоохранительных органов.

Анализ и результаты *(Analysis and results)*. Анализ данных об изъятиях огнестрельного оружия позволяет не только оценить его географию и динамику, но и выявить связь между типами оружия и видами преступной деятельности – от насильственных преступлений до незаконного оборота наркотиков. Интерпретацию статистики осложняют различия в методах учёта, пробелы в отчётности и ограниченные возможности некоторых стран по перехвату нелегальных поставок.

Сравнительный анализ выявляет как общие закономерности глобального оборота, так и специфические тенденции отдельных стран и субрегионов.

Африка. Наибольшее количество изъятого оружия зарегистрировано в Анголе и Кении. Помимо ружей, заметные объёмы автоматов были изъяты в Тунисе, а пистолетов-пулемётов – в Бурунди. В Центральноафриканской Республике изъятия включали винтовки, автоматы, гранаты, кустарное оружие и пушки. Многие страны Африки и Азии имеют ограниченные возможности по перехвату и учёту нелегального оружия, что может занижать отчётность. Таможенные данные показывают, что количество изымаемых винтовок сравнимо с пистолетами, что указывает на их важность в глобальном обороте.

Америка. В Латинской Америке и Карибском бассейне наибольшее число изъятий зарегистрированы в Колумбии и Аргентине, тогда как по Бразилии данных не хватало. Среди стрелкового и лёгкого вооружения страны Америки имели самую высокую долю пистолетов (в среднем 52 %) и револьверов *(24 %)*. В Мексике доля изъятых винтовок была выше, чем в остальных странах региона. Страны с высоким уровнем насильственных смертей или незаконного оборота наркотиков изымали больше оружия, связанного с насильственными преступлениями и наркоторговлей. Сбор данных за 2016–2017 годы опирался также на предыдущие исследования УНП ООН [10], что позволило выявить долгосрочные тенденции, например, снижение изъятий в трёх странах Латинской Америки.

Европа. Огнестрельное оружие является важным элементом организованной преступности. По данным SOCTA за 2021 год, 60 % преступных сетей ЕС используют насилие. Оно способствует торговле наркотиками и людьми, подпитывая городские бандитские конфликты. В 2017 году граждане ЕС владели около 35 млн единиц незаконного оружия (56% от общего числа). В двенадцати странах ЕС незаконное оружие превышало количество легально хранимого. Среди изъятий в Европе пистолеты составляют 35 %, винтовки – 27%, дробовики – 22%, револьверы – 11 %, автоматы и пулемёты – 4,5% [11]. Европа также демонстрирует разнообразие видов оружия, что связано с переделкой и кустарным изготовлением. Долгосрочные тенденции снижения или роста выявлены в Испании, Литве и Румынии; на Западных Балканах статистически значимых изменений не зафиксировано.

Азия и Океания. Данные ограничены, поэтому репрезентативные модели объяснить трудно. Количество изъятого оружия высоко в Австралии, но значительная часть носила административный характер. В Азии, включая Казахстан, Кыргызстан, Таджикистан и Ливан, преобладали ружья, что похоже на африканскую структуру.

Выводы и предложения *(Conclusion/Recommendations)*. Таким образом, проведённый анализ масштабов, структуры и региональных особенностей незаконного оборота огнестрельного оружия позволяет выявить как общие закономерности данного явления, так и специфические тенденции, характерные для отдельных государств и субрегионов. Установленные взаимосвязи между незаконным оборотом оружия, насильственной преступностью, организованной преступностью и вооружёнными конфликтами подтверждают комплексный характер проблемы. В этой связи представляется целесообразным сформулировать основные выводы и практические предложения, направленные на совершенствование национальных и международных механизмов противодействия:

1) государства и международное сообщество активно собирают информацию о незаконном обороте оружия, но необходимо расширить охват, чтобы полностью отслеживать потоки оружия;

2) данные об изъятиях важны для мониторинга, но их следует сочетать с анализом криминального контекста и происхождения оружия;

3) незаконный оборот остаётся в значительной степени латентным;

4) внимание часто сосредоточено на незаконном владении, а не на выявлении источников и участников оборота;

5) необходимо улучшить фиксацию данных об оружии и его криминальном контексте на всех этапах, централизовать их в национальных базах и развивать внутренние и международные механизмы отслеживания;

6) изъятие частей оружия помогает бороться с кустарным изготовлением, переоборудованием и сборкой;

7) правоохранительные органы должны учитывать все виды перевозки, особенно транспортные средства и суда;

8) страны, выявившие незаконный оборот, должны информировать страну-производителя для профилактики на ранних этапах цепочки поставок и оценки экспортных рисков.

9) транснациональный незаконный оборот – сложное преступление с фатальными последствиями, для борьбы с ним нужны многосекторальные стратегии и исследования связей с другими угрозами безопасности.

Для усиления борьбы с незаконным оборотом огнестрельного оружия предлагаются следующие инновационные предложения:

1. Разработка и внедрение системы “умных меток” для оружия. Внедрение невидимых и уникальных нанометок на каждой единице стрелкового и лёгкого оружия прямо на заводе. Метки будут отслеживаться через блокчейн и специальные сканеры на границах, при изъятии оружия информация автоматически обновляется в глобальной базе. Это позволит практически в реальном времени прослеживать движение оружия и выявлять нелегальные цепочки поставок.

2. Внедрение интеллектуальных методов анализа больших данных и ИИ для криминологической экспертизы оружия, включая сопоставление типов изъятий, региональных особенностей и сопутствующих преступлений *(наркотики, контрафакт, насилие)*. Это позволит не только прогнозировать всплески незаконного оборота, но и оптимизировать меры превенции и ресурсное распределение между регионами.

Список использованной литературы *(References)*:

1. URL: https://www.gazeta.uz/ru/2025/10/06/guns.
2. URL: https://statbase.ru/data/uzb-number-of-seized-firearms-by-type.
3. Civilian Deaths in Conflict Surged by 40% Globally in 2024 // URL: https://www.statista.com/chart/35559/documented-conflict-related-deaths-of-civilians/?utm_source=chatgpt.com
4. URL: https://news.un.org/en/story/2025/11/1166324.
5. Глобальное исследование по незаконному обороту огнестрельного оружия 2020. Управление ООН по наркотикам и преступности. С.-18.
6. Глобальное исследование по незаконному обороту огнестрельного оружия 2020. Управление ООН по наркотикам и преступности. С.-44.
7. 2020_REPORT_Global_Study_on_Firearms_Trafficking_2020_web3.pdf.
8. Глобальное исследование по незаконному обороту огнестрельного оружия 2020. Управление ООН по наркотикам и преступности. С.-15.
9. Глобальное исследование по незаконному обороту огнестрельного оружия 2020. Управление ООН по наркотикам и преступности. С.-18.
10. Исследование УНП ООН по огнестрельному оружию, 2015.
11. Глобальное исследование по незаконному обороту огнестрельного оружия 2020. Управление ООН по наркотикам и преступности. С.-34.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИНСПЕКТОР-ПСИХОЛОГЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТДАН ХАВФЛИ АҲВОЛДА БЎЛГАН БОЛАЛАР БИЛАН ИШЛАШДА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Мирзатиллаев Умид Иззатиллаевич,

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти Маҳалладаги жиноятчиликни илмий тадқиқ этиш маркази Бош илмий ходими, ю.ф.б.ф.д.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар билан ишлаш ва уларни ҳимоя қилиш масаласи давлатнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Бундай болалар соғлом ҳаёт тарзини юритиш имкониятидан маҳрум бўлиб, жамиятдаги турли салбий таъсирлар, хатарлар ва тўсиқларга дуч келиш эҳтимоли юқори бўлади. Шунинг учун ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ёрдам олиши ва жамиятнинг соғлом аъзолари сифатида тарбияланишларини таъминлаш давлат олдидаги долзарб вазифадир.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган бола деганда вояга етмаганнинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган вояга етмаган шахс тушунилади[1].

Статистик маълумотларга кўра 2025 йилда инспектор-психологлар томонидан умумий ўрта таълим мактабларида ўрганишлар даврида дарс машғулотларига қатнашмаган 63 112 нафар ўқувчилар аниқланиб, уларнинг 52 267 нафари дарс машғулотларига қайтарилган. Болаларини тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларини бажармаганлиги учун 58 595 нафар ота-онага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси билан маъмурий баённомалар рамийлаштирилган.

[1] Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги” қонуни.

Ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган вояга етмаган шахслар томонидан 2025 йилнинг ўтган давр мобайнида 2 554 та жиноятлар содир этилган шундан, оғир тан жароҳати етказиш 68 тани, ўғирлик 1 313 тани, талончилик 87 тани, босқинчилик 17 тани, фирибгарлик 84 тани, безорилик 193 тани ташкил этган.

Тадқиқотлар ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган ўсмирлар учун: болаларнинг қаровсизлиги, ўқишдан бош тортиш ва мактабга бормаслик, уйдан қочиш, дайдилик, психофаол моддалар ва жинсий ҳаётдан барвақт фойдаланиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларини содир этиш каби ижтимоий оғишлар ҳамда ғайриижтимоий турмуш тарзи хослигини кўрсатмоқда.

Одатда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болаларнинг аксарият қисми мактаб ва маҳалла жамоатчилик назоратида, шунингдек мактабга бириктирилган инспектор-психолог ҳамда профилактика инспекторининг доимий тарбиявий-профилактик таъсир доирасида бўладилар.

Таълим муассасасида вояга етмаганлар, шу жумладан ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар билан ишлашда инспектор-психологларнинг ўрнини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Инспектор-психологларнинг таълим муассасасида вояга етмаганлар, шу жумладан ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар билан ишлаш бўйича асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- мактабларда ахлоқий-психологик муҳитни яхшилаш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ўқувчилар ўртасида назоратсизликни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан манзилли чораларни белгилаш;
- ўқувчиларда ватанпарварлик, Ватанга садоқат ҳиссини шакллантириш орқали улар ўртасида салбий ҳолатлар, дайдилик ва тиланчилик каби ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг барвақт олдини олиш чораларини кўриш;
- мактаб билан биргаликда доимий равишда давоматни текшириш тадбирларини ташкил этиш, дарсларга сабабсиз мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаш, сабабларини ўрганиш, вояга етмаганнинг таълим олишига тўсқинлик қилаётган омилларни

мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бартараф этиш чораларини кўриш;

- ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга, уларни касбга йўналтиришга, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш;
- ўқувчилар ўртасида қонунбузилишларга муросасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари ва маҳалла фаоллари иштирокида манзилли ишларни амалга ошириш.

Инспектор-психологлар зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги йўналишдаги функцияларни амалга оширади:

а) мактабларда ахлоқий-психологик муҳитни яхшилаш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ўқувчилар ўртасида назоратсизликни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш;

б) ўқувчиларда ватанпарварлик, Ватанга садоқат ҳиссини шакллантириш орқали улар ўртасида салбий ҳолатлар, дайдилик ва тиланчилик каби ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг барвақт олдини олиш;

в) мактаб билан биргаликда доимий равишда давоматни текшириш тадбирларини ташкил этиш, дарсларга сабабсиз мунтазам равишда қатнашмаётган ўқувчиларни аниқлаш, сабабларини ўрганиш, вояга етмаганнинг таълим олишига тўсқинлик қилаётган омилларни мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда бартараф этиш;

г) ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга, уларни касбга йўналтиришга, жисмоний ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш;

д) ўқувчилар ўртасида қонунбузилишларга муросасиз муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш, муаммоли ўқувчилар билан уларнинг яшаш жойларида ота-оналари ва маҳалла фаоллари иштирокида манзилли ишларни амалга ошириш.

Хорижий давлатларда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар билан ишлашда ўзига хос тажриба шаклланган. Қуйида уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтсак.

АҚШда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болаларни ҳимоя қилиш жуда ривожланган ва федерал қонунлар асосида тартибга солинади. Мамлакатда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи турли штат агентликлари ва нодавлат ташкилотлари фаолият юритади. Болаларни оиладан ажратишдан кўра, оилаларни қўллаб-қувватлаш ва болаларни оилада қолдириш учун турли чоралар қўлланилади. АҚШда, шунингдек, фарзандликка қабул қилиш ва оилаларга болаларни қайта тарбиялаш тизими жуда ривожланган.

Германияда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болаларга ёрдам беришда оилаларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилади. Давлат махсус оилавий маслаҳат марказлари орқали болаларни муҳофаза қилиш ва оилаларни зўравонлик ёки иқтисодий қийинчиликлардан ҳимоя қилишга қаратилган дастурларни молиялаштиради. Агар бола оилавий муҳитда ёмон аҳволга тушиб қолса, давлат болани интернатга жойлаштириш ёки уни фарзандликка олиш тартибини белгилайди.

Норвегияда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат томонидан қаттиқ назорат олинган. Бу ерда Болалар ҳимояси хизмати *(Barnevernet)* болаларнинг хавфли аҳволдаги шароитларини мунтазам текширади ва зарур ҳолларда болаларни оиладан олиб, реабилитация марказларига ёки фарзандликка қабул қилиш тизимига ўтказади. Давлат бунда болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун бепул таълим, тиббий ёрдам ва психологик хизматларни таклиф этади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болаларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш, жамиятда соғлом муҳит яратиш йўлидаги муҳим йўналишлардан биридир. Давлат ва жамият биргаликда бундай болаларнинг таълим олиши, соғлиғини тиклаши ва жамиятга тўлақонли мослашиши учун барча шароитларни яратиши зарур. Чунки, баркамол авлод мамлакат келажагини белгилаб берувчи етакчи кучдир.

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИНИНГ ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ РИВОЖЛАНИШИ

Рихсимов Комрон Аброрович,

Криминология тадқиқот институти
илмий ходим-тадқиқотчиси

Аннотация: *Озодликдан маҳрум қилиш жазоси, яъни қамоқ жазоси, инсоният тарихида узоқ ва мураккаб эволюцияни босиб ўтган. Қадимги даврларда асосан ҳарбий асрларни вақтинчалик сақлаб туриш ёки қарзларни ундириш учун қўлланилган бўлса, Ўрта асрларда черков ва ҳарбий эҳтиёжлар туфайли жазо шакли сифатида пайдо бўлган. XVIII-XIX асрларда Гуманитар реформалар ва саноатлаштириш таъсирида асосий жазо турларидан бирига айланган. Ушбу мақола жазонинг глобал тарихини, шу жумладан ғарб, ислом олами ва Марказий Осиё мисолларини кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар: *қамоқ тизими, жазо, жиноят, маҳбус, ҳукм, зиндон, сургун, иш уйлари, исломий жазолар, Ғарб давлатлари, Ўрта Осиё, Темурийлар, Совет Иттифоқи, АҚШ, Ўзбекистон.*

Озодликдан маҳрум қилиш жазоси бу жазо тизимининг энг кўп қўлланиладиган шаклларидан бири бўлиб, у жамиятнинг жиноятчиликка муносабатини акс эттиради.

Қадимги даврларда қамоқхоналар жазони ижро этиш муассасаси сифатида эмас, балки ҳарбий асирларни вақтинчалик ушлаб туриш жойи сифатида пайдо бўлган. Мисол учун, Қадимги Миср ва Римда қамоқхоналар қарздорларни, ҳарбий асирларни ёки суд ҳукмини кутаётганларни сақлаш учун мўлжалланган. Жазолар асосан ўлим, жисмоний азоблар ёки сургундан иборат бўлган.

Ислом ҳуқуқида ҳам озодликдан маҳрум қилиш асосий жазо тури сифатида қаралмасдан, жиноятлар учун шариат ҳукмлари қамчи уриш, ампутация ёки тошбўрон қилиш белгиланган. Қамоқ фақат судгача ёки жазони бажариш учун қўлланилган, узоқ муддатли қамоқ жазосини тайинлаш исломий уламолар томонидан маъқул-ланмаган.

Жумладан, Покистонлик Саъд ал-Ғомидий қамоқни умуман инсонпарварликка зид деб ҳисоблаган. Унинг таъкидлашича, ислом тарихида одамлар зиндонларда ўзига нисбатан чиқариладиган қози ҳукмини кутиш учун сақланган.

Қамоқ муддатини узайтиришни жиноий хатти-ҳаракатлар учун жазо сифатида бир неча асрлар аввал Ғарб мамлакатларида пайдо бўлган, кейин эса Ғарб маданиятининг туфайли дунёнинг бошқа қисмларига тарқалганлигини [1] таъкидлайди.

Ўрта асрларда Европада қамоқ жазо сифатида черков ҳуқуқида пайдо бўлган. Черковларда қон тўкилиш тақиқлаганлиги сабабли, руҳонийларнинг ташаббуси билан жазолар қамоқхоналарда ижро этилиб, аста-секин озодликдан маҳрум қилиш жойлари пайдо бўла бошлаган. XIII асрда Италия, Франция ва Германияда қисқа муддатли қамоқлар кичик жиноятлар учун қўлланилган [2].

Ўрта Осиёда, Монгол империяси ва Темурийлар даврида қамоқхоналар ҳарбий ҳамда сиёсий маҳбусларни сақлаш учун ишлатилган, аммо жазолар жисмоний ва ўлим билан боғлиқ бўлган [3].

Қадимги ва ўрта аср манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, қамоқнинг жазо сифатида эмас, балки вақтинчалик сақлаш воситаси сифатида қўлланилгани жамиятлар ўртасидаги ҳуқуқий ва маданий фарқлардан келиб чиққан. Ислом ҳуқуқи, Шарқ цивилизацияси ва Ўрта Осиё амалиётида қамоқ узоқ муддатли жазо сифатида маъқулланмагани инсонни тўғридан-тўғри ислоҳ қилишга қаратилган шариат тамойилларининг устун бўлганлигини кўрсатади.

Бу тизимда жиноятга тезкор ва аниқ жавоб бериш, зарарни қоплаш ва жамиятдаги мувозанатни тиклаш устувор бўлган. Европа ичида эса черковнинг қон тўкишни чеклаши ва гуманистик ғояларнинг шаклланиши натижасида қамоқ аста-секин жазо турига айланган.

Бу фарқлар турли маданиятларнинг жиноятга муносабатини, жамият ва давлатнинг мақсадларини намоён қилади. Менинг фикримча, қамоқнинг тарихий эволюцияси – бу жамиятнинг жавобгарлик, адолат ва инсон қадрини қандай тушунишини ифода этувчи кўзгу бўлиб, унинг замонавий шакли турли маданий анъаналарнинг бирлашиши натижасида вужудга келган комплекс институтдир.

XVI асрдан бошлаб Европада қамоқ эволюцияси бошланган. Галера жазоси *(ҳарбий кемаларда мажбурий меҳнат)* Испания, Италия ва Францияда капитал жазоларнинг ўрнига қўлланилган, бу қамоқнинг биринчи шаклларидан бири бўлган. XVII асрда Англия ва Нидерландияда иш уйлари *(workhouses)* пайдо бўлган, уларда кичик жиноят содир қилганлар мажбурий меҳнатга жалб этилган [4]. Бу тизимлар қамоқнинг реформатив мақсадини – жиноятчини ислоҳ қилишни таъкидлаган.

XVIII аср охирида Маърифатпарварлик ҳаракати *(Беккария, Бентам)* жисмоний жазоларнинг инсонпарварликка зидлигини танқид қилган. Англияда транспортация *(колонияларга сургун)* 1717 йилдан қўлланилган, бу ҳам қамоқ алтернативаси бўлган. АҚШда Инқилобдан кейин *(1780 йил)* биринчи давлат қамоқлари очилиб, Пенсилвания *(тўлиқ ажратилган ҳолда сақлаш)* ва Оберн *(кундузги жамоавий меҳнат қиладиган ва кечқурун эса камерада сақланадиган)* тизимлари яратилган [5].

Бу тизимлар реабилитацияни мақсад қилган, аммо кейинчалик изоляциянинг психологик зарарлари аниқланган.

Ислом оламида, Усмоний империясида XVI-XXI асрларда қамоқ ҳуқуқий тажрибада кўпроқ қўлланилган, аммо шариат қонунлари устун бўлган. Марказий Осиёда Россия империяси ҳукмронлиги билан Европа услубидаги қамоқлар киритилган [6].

Европада XVI–XVIII асрларда қамоқ тизимининг шаклланиши, иш уйлари, галера ишлари ва кейинчалик Пенсилвания ҳамда Оберн моделларининг пайдо бўлиши жиноятга муносабатнинг кескин ўзгарганини ва жазолашдан ислоҳ қилишга ўтиш бошланганлиги кўрсатади. Фикримча, бу эволюция шундай хулосага олиб келади, қамоқ институти ҳар доим муайян даврнинг иқтисодий эҳтиёжлари, мафкураси ва инсон қадрига муносабатидан келиб чиққан. Европа давлатлари индустриал жамият сари интилаётган бир вақтда меҳнатга асосланган жазо тизимини ривожлантирди, гуманистик ғоялар эса жазонинг моҳиятини қайта кўриб чиқишга туртки бўлди.

Шу билан бирга, Ислом олами ва Усмоний империясида қамоқнинг секин-аста ҳуқуқий тизимга кириб бориши, Марказий Осиёда эса Россия таъсири билан Европа модели қабул қилиниши турли

цивилизацияларда яшайдиган жамиятлар жазо концепциясини ташқи таъсирлар орқали қабул қилганини намоён қилади.

XX асрда қамоқ тизимлари оммалашган, АҚШда 1970 йилдан бошлаб оммавий қамоқ пайдо бўлиб, унда 1970 йилда 200 минг нафар маҳбус сақланган бўлса, 2020 йилларда бу кўрсаткич 2,2 миллионга етган [7].

Совет Иттифоқида, шу жумладан Марказий Осиёда, ГУЛАГ тизими *(1930-1950 йиллар)* миллионлаб одамларни мажбурий меҳнат лагерларига жўнатган, бу сиёсий репрессияларнинг бир қисми бўлган. Ўзбекистон мустақиллигидан кейин қамоқ тизимини реформалаштириш бошланган. Глобал миқёсда қамоқлар 1800-2014 йилларда жазо тизимининг асосий қисмига айланган.

XX аср тажрибаси шуни кўрсатадики, қамоқ тизими дунёнинг деярли барча мамлакатларида жиноятга қарши курашнинг асосий усулига айланган бўлса-да, унинг оммалашуви кўп ҳолда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ўрнига янада мураккаблаштириб юборган.

Менимча, АҚШдаги оммавий қамоқнинг кескин ўсиши – жиноятчиликка эмас, балки камбағаллик, ирқий тенгсизлик ва сиёсий қарорларнинг оқибати бўлган.

Совет давридаги ГУЛАГ эса қамоқнинг жазо ва тарбия эмас, балки сиёсий назорат воситасига айланиши қанчалик фожеавий оқибатлар келтириши мумкинлигини кўрсатиб берди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон мустақилликдан кейин қамоқ тизимини ислоҳ қилишга дастлабки қадамлар ташланиб, 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодекси қабул қилинганлиги – жиноят-ҳуқуқ сиёсатининг инсонпарвар йўналишга ўтишида муҳим қадами бўлди десак муболаға бўлмайди.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. https://journalofislamiclaw.com/current/article/view/zulfiqar2.
2. https://law.yale.edu/sites/default/files/documents/pdf/Faculty/Langbein_The_Historical_Origins_of_the_Sanction_of_Imprisonment.pdf.
3. https://brill.com/display/book/edcoll/9789004386549/BP000022.xml?language=en&srsltid=AfmBOorUPkys35AwxuTTSBcgrTKjEaKwzD9m92RTHb2FAcmsBYuzJ3BZ www.howardleague.org.

4. https://daily.jstor.org/the-invention-of-incarceration.
5. https://howardleague.org/history-of-the-penal-system.
6. https://networks.h-net.org/node/7801/reviews/8271/schull-peters-crime-and-punishment-islamic-law-theory-and-practice.
7. https://www.vera.org/reimagining-prison-web-report/american-history-race-and-prison.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ БЕЗОПАСНОСТИ И СОХРАНЕНИЕ ЦЕЛОСТНОСТИ МЕДИАПРОСТРАНСТВА, ПЕРСПЕКТИВЫ И ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВО

Кодиркулов Ануш Саидкулович,

Слушатель магистратуры факультета "Правовое обеспечение кибербезопасности" Правоохранительной академии Республики Узбекистан

Введение. В настоящее время в эпоху глобализации и дигитализации, сотрудники органов внутренних дел Республики Узбекистан сталкиваются с задачами по анализу имеющихся данных. Тем не менее, информационные потоки через многие медиа, ведут к большим проблемам, которые раскрываются посредством семантического анализа текстовых,аудио или других цифровых артефактов. Которые в свою очередь имеют свои мотивы как и хорошие, так и неблагоприятные в плане посыла и содержания. Что приводит к несоответствующим выводам у пользователей информационных технологий.

Аннотация. Социолингвисты и специалисты в области искусственного интеллекта разработали методы анализа текстовых данных для выявления подстрекательства, манипуляций и других преступных действий в социальных сетях. Такие новшества в распознавании и анализа такого рода материалов, создают полноценные законодательные предпосылки для создания государственных проектов в сфере обработки тех или иных цифровых единиц. Так же многие специалисты рассматривали многие преступные аспекты реализации криминальных вербовок, реклам и внушений, которые достаточно эффективно сказываются на пользователях глобальной сети Интернет.

Медиапространство как инструмент влияния на социум

Террористические группировки и социум

Поскольку информационная среда насыщенна многими информационными ресурсами, она оказывает действенное влияние на пользователей, как в психическом, так и в поведенческом

аспектах.[1,2,3,4] Используя мощные психотехнические и лингвистические подходы для вербовки тех или иных пользователей многие преступники преуспели в этом, так как многие данные связанные с “Призывом” имеют преступный характер, а именно такие методы как создание ритмичных террористических Нашид, которые в свою очередь, влияют на рядового пользователя социальной сети, что и не гарантирует его цифровую и социальную медиаграмотность[5]. Согласно И.Ю. Сундиеву[6] подчеркнул следующее – “Для целенаправленного создания террористического человеческого роя была применена психосоциолингвистическая инженерия в отношении массива исламских священных духовных источников, а также невербальной составляющей текста молитв во время отправления служб. Они были определенным образом перекомпонованы, трансформированы”, что сильно показывает вовлечнnность террористических группировок в плане внушения и убеждения, для когнитивного хакинга[7] неосведомленного потребителя цифровой информации.С точки зрения социолингвистики у человека может наблюдаться изменение лексики: в его речи появляются слова и выражения, не характерные для его привычной социальной группы или семейного круга. В частности, это проявляется в использовании иерархических терминов религиозного или военного характера *(таких как “эмир”, “эмират”, “джихад”, “моджахед”)*, а также в частом обращении к религиозным цитатам или отсылкам к ним. Кроме того, в речи лиц, находящихся под

[1] Giedd J. N. The digital revolution and adolescent brain evolution // Journal of Adolescent Health. 2012. Vol. 51, № 2. P. 101–105. DOI: 10.1016/j.jadohealth. 2012. 06.002.

[2] Колин К. Информационная антропология: поколение Next и новая угроза психологического расслоения человечества в информационном обществе // Вестник Челябинской государственной академии культуры и искусств. 2011. № 4 (28). С. 32–36.

[3] Солдатова Г. У., Рассказова Е. И., Нестик Т. А. Цифровое поколение России: компетентность и безопасность. М. : Смысл, 2017. 375 с.

[4] George M. J., Odgers C. L. Seven fears and the science of how mobile technologies may be infl uencing adolescents in the digital age // Perspectives on Psychological Science. 2015. Vol. 10, iss. 6. P. 832–851. DOI: 10.1177/1745691615596788.

[5] Noufou ouedraogo marmara university\ social media literacy in crisis context: case of fake news consumption during Covid-19 lockdown https://www.researchgate.net/publication/348502381_social_media_literacy_in_crisis_context_case_of_fake_news_consumption_during_covid-19_lockdown/download.

[6] Игорь юрьевич сундиев, доктор философских наук, профессор, главный научный сотрудник ФГКУ “ВНИИ МВД России” Противодействие вербовочной деятельности международных террористических организаций в сети интернет.

[7] Когнитивный хакинг выходит на тропу кибервойны https://www.kommersant.ru/doc/4473641.

религиозным влиянием, фиксируются специфические высказывания вроде “хлебом клянусь”.В совокупности это позволяет сделать вывод о том, что в условиях виртуального пространства человек может подвергаться психологическому воздействию, которое оказывает глубокое и системное влияние на его личность, трансформируя когнитивное восприятие, образ мышления, языковое поведение и, как следствие, поведенческие установки в целом.

В выводе стоит указать, что разработанность правовых основ по обработке или контент анализу террористически мотивированных данных, согласно нашему законодательству Республики Узбекистан признается после заключения экспертов. Поскольку эти действия применяются в следствии и других процессах, то стоит создать информационные анализаторы или же экспертные системы по обработке медиа такого формата, то есть обнаружения их, например экспертные системы распознавания лица уже существуют, поэтому такие системы контент надзора будут обоснованно ограничивать и обеспечивать цифровую безопасность пользователей нашего медиапространства.

Наркоторговля и влияние на молодое поколение

Преступные группы, предлагающие незаконные услуги через интернет, включая сбыт наркотических веществ, ориентированы на максимально широкую аудиторию, готовую откликнуться на подобные предложения. Особую угрозу в данном контексте представляет тот факт, что к числу наиболее уязвимых групп относятся несовершеннолетние. Во-первых, в силу своих психофизиологических особенностей они в большей степени подвержены негативному воздействию со стороны взрослых. Во-вторых,подросткиявляютсяактивнымипользователямицифровой среды. Так, согласно исследованию ВЦИОМ, проведенному в 2019 году среди подростков в возрасте от 14 до 17 лет, 98 % опрошенных ежедневно пользуются интернетом, а 89 % практически каждый день заходят в социальные сети [8].Подчеркивая значимость приведенных статистических данных, следует отметить, что преступные сообщества адаптировались к современным условиям

[8] Подросток в социальной сети: норма жизни или сигнал опасности? // URL : http://www.wciom.ru.

и начали активно использовать мессенджер Telegram, который, по данным полиции Германии, фактически стал альтернативной площадкой Darknet[9]. Это обусловлено тем, что Telegram сочетает в себе функции удобного сервиса для мгновенного обмена сообщениями и платформы для размещения легального контента, что делает его крайне популярным среди широкой аудитории пользователей. В России данный мессенджер также играет заметную роль в процессе пропаганды и распространения наркотических веществ. В рамках исследования, проведенного авторами в 2018 году, была проанализирована роль Telegram в незаконном обороте наркотиков. В результате было выявлено около 70 телеграм-каналов, аудитория которых насчитывала десятки тысяч подписчиков. Через эти специализированные каналы активно пропагандируется употребление наркотиков, рекламируются интернет-магазины и чат-боты[10], ориентированные на их продажу, а также осуществляется вовлечение подростков и молодежи в деятельность, связанную со сбытом запрещенных веществ. Проблема усугубляется тем, что молодое поколение активно потребляет и иные медиапродукты, формирующие “положительный образ” наркотиков и представление об их употреблении как о социальной норме. Часть подобных форматов была ограничена на законодательном уровне со стороны МВД России. Вместе с тем сохраняется правовая неопределенность в вопросе привлечения к ответственности лиц, оказывающих психолингвистическое влияние и транслирующих деструктивные образы в информационно-когнитивном пространстве через музыкально-исполнительскую деятельность[11].

Подростки и молодежь, оказавшиеся под влиянием преступных наркогрупп, нередко становятся соучастниками, выполняя требования вербовщиков. В обязанности последних входит сбор информации о потенциальных кандидатах, взимание залога *(при необходимости)*, а также рассылка SMS-сообщений или электронных

[9] https://www.bka.de/DE/Presse/Listenseite_Pressemitteilungen/2020/Presse2020/201030_pmEVTelegram.html.

[10] Adorjan M. Drugs on the Dark Net: How Cryptomarkets are Transforming the Global Trade in Illicit Drugs. The British Journal of Criminology, 2015, vol. 55, iss. 4, pp. 835–836.

[11] А.Н. Поздняков, Е.В. Фирсова Борьба с электронной наркокоммерцией – фрагменты реальности и перспектив: оперативно-розыскной аспект.

писем с предложениями нелегального заработка. При этом активно применяются современные маркетинговые технологии и методы психологического воздействия, направленные на вовлечение адресатов. Тексты подобных рассылок отличаются специфическим правописанием: используются эмодзи, а слово “наркотики” нередко маскируется, например, в виде “нарики”.Кроме того, в среде потребителей наркотических веществ функционирует особый набор лексических и фразеологических единиц, выполняющих различные языковые функции. Прежде всего, это криптолалическая функция *(от греч. crypto lalia – “тайная речь”)*, поскольку опасность быть распознанными и привлеченными к ответственности побуждает членов закрытых сообществ формировать особый, труднопонимаемый для непосвященных лексикон. Также выделяется так называемая “магическая” функция: высокая степень наказуемости деяний придает использованию специфической лексики игровой оттенок, снижая ощущение риска[12]. В языке наркопотребителей зафиксирован широкий синонимический ряд со значением “наркотическое удовольствие” *(балдеж, втык, волна, зацепуха, кайф, колбас, отлет и др.)*, а также обозначения галлюциногенных веществ *(галюнчик, глюк, глюка, глюкалово, глюка-чупс и др.)*. В настоящее время насчитывается до 2500 лексических единиц и устойчивых выражений, идентифицируемых как “лексика, жаргон или язык наркоманов”. Е. В. Щенникова отмечает, что данная база используется в РФЦСЭ при Минюсте России при проведении лингвистических экспертиз текстов, предположительно содержащих упоминания наркотических веществ[13]. Это существенно расширяет возможности исследования проблемы наркотрафика, опосредованного виртуальным пространством.Приведенные данные свидетельствуют о глубинных трансформациях языкового поведения личности, что и составляет основной объект данного исследования, позволяя более точно осуществлять прогнозирование и профилирование личности в условиях киберпространства.

[12] Шайдукова Л.К., Цетлин М.Г., Мельчихин С.И. Социально-психологическое и клиническое значение сленга русскоязычных больных алкоголизмом и наркоманиями // Вопросы наркологии. 1999. № 2.

[13] Е.В. Щенникова Специализированная лексика языка наркоманов // Вестник московского университета. СЕР. 9. Филология. 2012. № 3

Заключение

Учитывая соответствующие нормы в нашем законодательстве по борьбе с преступностью стоит уделить более широкое внимание на контроль контента в киберпространстве для обеспечения более безопасной информационной среды и принять должные законные меры по реализации опыта других стран, и создания в нашем цифровом пространстве соответствующие технические и программные экспертные системы для предотвращения преступности при помощи техник анализа на основе имеющихся знаний и данных в наших системах, принять меры по проектированию и созданию данных средств для обеспечения надзора за медиапространством нашего интернет сегмента.

НОРМАТИВНО-ПРАВОВАЯ СИТУАЦИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ В ОБЛАСТИ БОРЬБЫ С НАРКОСИТУАЦИЕЙ

Ким Олег Владимирович,

Старший прокурор Центра научно-прикладных исследованний проблем правоохранительной деятельности правоохранительной Академии Республики Узбекистан

Аннотация: Наркомания и незаконный оборот наркотических средств остаются одной из серьёзных угроз для здоровья населения и национальной безопасности Узбекистана. В последние годы государство значительно усилило меры по противодействию этой проблеме, сочетая жёсткий контроль, профилактику и реабилитацию. Нормативно-правовая база строится на базовом законе, уголовном законодательстве и стратегических документах, с акцентом на ужесточение ответственности и цифровизацию.

Ключевые слова: нормативно-правовая база, наркотические средства, профилактика, реабилитация, ужесточение, контроль.

Аннотация: Наркомания ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши Ўзбекистон аҳолисининг саломатлиги ҳамда миллий хавфсизлиги учун энг жиддий таҳдидлардан бири бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда давлат бу муаммога қарши курашиш чораларини сезиларли даражада кучайтирди: бунда қатъий назорат, профилактика ва реабилитация усуллари ўзаро уйғунлаштирилган. Норматив-ҳуқуқий база асосий қонун, жиноят қонунчилиги ва стратегик ҳужжатларга таянади ҳамда масъулиятни ошириш ва рақамлаштиришга алоҳида урғу беради.

Калит сўзлар: норматив-ҳуқуқий база, гиёҳвандлик воситалари, профилактика, реабилитация, кучайтириш, назорат.

Annotation: Drug addiction and the illicit trafficking of narcotic drugs remain one of the serious threats to public health and national security in Uzbekistan. In recent years, the state has significantly strengthened measures to counter this problem, combining strict control, prevention, and rehabilitation. The legal and regulatory framework is based on the core law, criminal legislation, and strategic documents, with an emphasis on tightening liability and digitalization.

Keywords: legal and regulatory framework, narcotic drugs, prevention, rehabilitation, tightening, control.

Наркомания и незаконный оборот наркотических средств остаются одной из серьёзных угроз для здоровья населения и национальной безопасности Узбекистана. В последние годы государство значительно усилило меры по противодействию этой проблеме, сочетая жёсткий контроль, профилактику и реабилитацию. Нормативно-правовая база строится на базовом законе, уголовном законодательстве и стратегических документах, с акцентом на ужесточение ответственности и цифровизацию.

Ключевым нормативным актом в этом направлении является Закон Республики Узбекистан “О наркотических средствах и психотропных веществах” за № 813 от 19 августа 1999 года. Он неоднократно дополнялся, последние значительные изменения внесены в феврале 2025 года *(ЗРУ-1025)(1)*.

Закон строго регулирует оборот наркотических средств, психотропных веществ и прекурсоров, допуская его только в медицинских, научных и ветеринарных целях. Основные виды деятельности *(производство, ввоз/вывоз, уничтожение)* объявлены государственной монополией. Оборот аналогов полностью запрещён. Деятельность требует лицензии, с жёсткими основаниями для отказа или приостановки *(например, судимость сотрудников)*. Предусмотрены меры контроля: инвентаризация, отчётность, конфискация и административный надзор. Пропаганда наркотиков запрещена, а медицинское освидетельствование обязательно для определённых категорий граждан.

Уголовная и административная ответственность за преступления, связанные с наркотиками, в Республике Узбекистан регулируется Уголовным кодексом *(УК РУз)* и Кодексом об административной ответственности *(КоАО РУз)*. В УК РУз этим вопросам посвящена специальная глава 12 “Преступления против здоровья населения”, которая охватывает незаконное производство, хранение, перевозку, сбыт и иные формы оборота наркотических средств, психотропных веществ и их прекурсоров. В ноябре 2025 года в УК был введён новый раздел “Преступления против здоровья населения и генофонда нации”, что подчёркивает государственный приоритет в защите

молодёжи, здоровья граждан и будущего поколения от наркоугрозы. Эти изменения были приняты в рамках национальной стратегии по борьбе с наркоманией и организованной преступностью, с целью ужесточения мер и предотвращения распространения наркотиков в обществе *(2)*.

Наказания по уголовным преступлениям значительно ужесточены по сравнению с предыдущими редакциями кодекса, с акцентом на организованные формы преступлений и отягчающие обстоятельства. Вот ключевые аспекты:

Организация наркопреступных сообществ и инфраструктуры:

- За создание или руководство преступными группами, занимающимися производством и сбытом наркотиков, подпольными лабораториями, а также за использование интернета для распространения *(например, через даркнет или социальные сети)* или трансграничные каналы *(контрабанда через границы)* предусмотрено до 20 лет лишения свободы. Аналогичное наказание применяется за покровительство со стороны должностных лиц – коррупцию в правоохранительных органах или государственных структурах, что усиливает борьбу с системными угрозами.

Отягчающие обстоятельства и повышенные сроки:

- Сроки наказания удваиваются при крупном или особо крупном обороте наркотиков *(по шкале, установленной Кабинетом Министров РУз, где крупный размер начинается от определённых граммов для каждого вида веществ)*.

Вовлечение несовершеннолетних в преступную деятельность карается до 10 лет лишения свободы, а сбыт в образовательных учреждениях *(школах, вузах)* или местах массового пребывания молодёжи – дополнительно ужесточается. Контрабанда через государственную границу, повторные преступления *(рецидив)* или совершение деяний в состоянии опьянения также приводят к удвоению сроков. Например, за хранение или сбыт в крупном размере без отягчающих обстоятельств может быть от 5 до 10 лет, но с ними – до 15–20 лет.

Ограничения на смягчение наказания:

- По тяжким статьям *(например, ст. 273 УК РУз)* запрещено условно-досрочное освобождение *(УДО)*, амнистия или замена наказания более мягким. Это направлено на обеспечение реального отбывания срока и deterrence *(сдерживание)* потенциальных преступников.

Административная ответственность применяется к менее тяжким нарушениям, не достигающим уголовного порога. Согласно КоАО РУз *(статьи 50–52)*, за употребление наркотиков в общественных местах *(улицы, парки, транспорт)* предусмотрен административный арест до 15 суток или штраф до 10 базовых расчётных величин *(БРВ, где 1 БРВ в 2025 году составляет около 340 000 сумов)*. За мелкое хранение или приобретение без цели сбыта – штраф от 5 до 20 БРВ или административный арест до 10 суток. Эти меры часто сочетаются с обязательным медицинским освидетельствованием и принудительным лечением от наркомании.

В 2024 году утверждена Национальная стратегия по борьбе с наркоманией и наркопреступностью на 2024–2028 годы *(Указ Президента за № УП-73 от 6 мая 2024 года)*. Она включает шесть ключевых целей: формирование иммунитета к наркомании через пропаганду, профилактику, современные методы борьбы *(включая ИИ и дроны)*, развитие наркологической помощи, реабилитации и научных исследований (3).

В ноябре 2025 года Президент подписал Указ за № УП-207, утвердивший Национальную программу комплексных действий на 2025–2026 годы. Программа предусматривает цифровизацию контроля *(электронные рецепты, мониторинг прекурсоров)*, профилактику в школах и махаллях, поощрение информаторов, хакатоны по ИИ для блокировки онлайн-наркомагазинов и расширение реабилитационных центров (4).

Организационно создано Агентство по контролю за наркотиками и огнестрельным оружием при Администрации Президента Республики Узбекистан, а также межведомственные комиссии для координации.

Реформы 2024–2025 годов вызвали широкий резонанс среди специалистов. Отечественные эксперты в целом положительно оценивают комплексный характер стратегии и программы, подчёркивая необходимость научного подхода и профилактики.

Ахмедов Т., руководитель отдела Института стратегических и межрегиональных исследований при Президенте Узбекистана, подчеркивает, что сотрудничество с УНП ООН вышло на новый уровень благодаря системной работе по правовому, профилактическому и институциональному направлениям, а также внедрению инноваций. По его мнению, это подтверждает активную роль Узбекистана в глобальной антинаркотической политике (5).

Урмонов С., специалист Национального центра по контролю за наркотиками, отмечает значительный рост наркопреступлений и изъятия синтетики, объясняя это переходом к онлайн-торговле, и призывает к комплексному подходу с акцентом на образование и профилактику (6).

Доктор медицинских наук З.Ашуров, директор Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра наркологии Министерства здравоохранения Узбекистана, неоднократно подчёркивает скрытый характер наркомании в стране. По его данным, официально зарегистрировано около 5–6 тысяч наркозависимых, но реальная ситуация серьёзнее, включая случаи зависимости среди детей *(даже 10-летних)*. Он поддерживает усиление профилактики и лечения, отмечая переход от опиатов к синтетическим веществам и необходимость развития реабилитации (7).

Профессор Ш.Ш. Магзумова, заведующей кафедрой психиатрии и наркологии Ташкентского государственного медицинского университета, акцентирует внимание на подготовке специалистов и интеграции современных методов диагностики и терапии в борьбу с наркозависимостями, поддерживая государственные инициативы по цифровизации и профилактике (8).

Доцент У.У. Очилов Самаркандского государственного медицинского университета в своих публикациях анализирует клинические аспекты наркологических расстройств и подчёркивает важность научных исследований для совершенствования лечения и профилактики в условиях роста синтетических наркотиков (9).

Зарубежные эксперты дают более неоднозначные оценки. Представители ООН (UNODC) поддерживают профилактические инициативы Узбекистана, включая присоединение к программе CHAMPS по ранней профилактике среди детей и подростков (10).

В то же время Евразийская ассоциация снижения вреда (EHRA) критикует репрессивный акцент Указа за №УП-207, указывая на риски нарушений прав человека и необходимость программ снижения вреда (11).

Таким образом, нормативно-правовая база Узбекистана в сфере борьбы с наркоситуацией характеризуется комплексным подходом: от строгого регулирования законного оборота до жёсткого уголовного преследования и акцента на профилактику. Недавние реформы демонстрируют приоритет защиты молодёжи и генофонда нации, с интеграцией современных технологий и международного опыта. Мнения отечественных учёных, подчёркивают успехи в институциональном развитии и необходимость дальнейшего укрепления научной базы, лечения и профилактики для эффективного противостояния растущим угрозам.

ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ҲАМДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМИ

М.Ҳ. Абдирасулов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД уқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходими

Бугунги кунда, ёшлар жамиятнинг ҳар қандай ўзгаришларга тез жавоб берадиган энг фаол қатламдир. Шу нуқтаи назардан, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳар қандай давлат учун бир қатор иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммоларнинг олдини олиш, барқарорликни таъминлаш демакдир.

Республикамизда ёшлар жиноятчилигини олдини олиш ва хуқуқбузарлик профилактикасини таъминлашда юзага келаётган мавжуд муаммолар жамият ижтимоий ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Биринчидан, ёшлар ўртасида жиноятчилик йилдан-йилга ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

Маълумот учун: *охирги* ***беш йилда*** *ёшлар ўртасидаги жиноятчилик 2020 йилда 14 378 та, 2021 йилда 21 885 та, 2022 йилда 24 443 та, 2023 йилда 24 045 та, 2024 йилда 23 459 та (2025 йил 5 ойликда 5911 та) ташкил қилган*[1]*.*

Шунингдек, жиноят содир этган шахслар ичида ёшларнинг улуши 34,4%ни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида профилактик тадбирлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли ёшлар жиноятчилиги кўпаймоқда.

Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида, 2024 йилда 1 244 нафар талабалари жиноят содир этган бўлиб, 2023 йилда эса 221 нафарга ёки 21,6 фоизга ошган.

Натижада талабаларнинг хавфсизлиги, руҳий ҳолати ва таълим олиш жараёнига бевосита таъсир этади. Бундай шароитда ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқиш сусаяди, дарсларга қатнашиш

[1] Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий-статистика ва тезкор ҳисоб маълумотлар маркази

ва фаол иштирок этиш даражаси пасаяди. Олий таълим муассасасининг маънавий-ахлоқий муҳити издан чиқишига олиб келади.

Иккинчидан, маҳаллаларда оилавий муҳитнинг беқарорлиги, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига лоқайдлиги ҳамда ёшларни иш билан таъминлаш тўғри ташкил этилмаганлиги, ёшлар жиноятчилигига бевосита таъсир кўрсатмоқда.

Ўқимайдиган-ишсиз ёшлар жиноятчилиги 2019 йилда 3 308 та, 2020 йилда 4 052 та, 2021 йилда 7 265 та, 2022 йилда 6 525 та, 2023 йилда 2 905 та, 2024 йилда 2778 та, 2025 йил 6 ойликда 556 тани ташкил қилган[2].

Бунинг оқибатида, жамиятда носоғлом муҳит шакилланишига ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ-тартибот органларига бўлган ишончи сусаймоқда.

Учинчидан, профилактик ишларнинг етарли даражада тизимли йўлга қўйилмаганлиги, айниқса маҳалла, мактаб ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорликдаги бўшлиқлар ёшлар жиноятчилигининг олдини олишда жиддий муаммо туғдирмоқда. Бу эса жиноят содир этишга мойил бўлган ёшлар устидан назоратнинг заифлашувига олиб келмоқда.

Биргина, Ички ишлар органлари ҳамда соғлиқни сақлаш идораларнинг профилактик ҳисобида турувчи шахслар билан профилактик тадбирларни амалга ошириш фаолиятида ёшлар билан алоҳида тоифа сифатида ишлаш механизми мавжуд эмас.

Маълумот учун: бугунги кунда 453 512 нафар профилактик ҳисобда турувчи шахсларнинг қарийб 11 фоизи (49 260 нафар) ёшларни ташкил этади.

I. Юзага келаётган мавжуд мумуммоларни тизмли ёчиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

а) Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган давлатнинг ғамхўрлиги ва эътиборини кутаётган ҳамда кўмакка муҳтож бўлган “аҳволи оғир” тоифадаги ёшлар, вазир, вазир ўринбосарлари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, олийгоҳ ректорлари, Миллий гвардия ва ҳарбий қисм командирларига номма-ном бириктирилди[3].

[2] Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқий-статистика ва тезкор ҳисоб маълумотлар маркази

[3] Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида 14 февраль куни ёшлар билан очиқ мулоқот тарзида ўтказилган видеоселектор йиғилиши 9-сон баёни.

Масалан; Ички ишлар вазирининг 2025 йил 3 апрелдаги "Ички ишлар органлари раҳбарларига бириктирилган ёшлар билан ишлаш ва улар ўртасида олиб борилаётган профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 182-сон буйруғи билан республиканинг 7 259 та маҳалласида истиқомат қилувчи 25 минг (17 689) нафар ёшлар, ички ишлар органларининг 1 419 нафар раҳбар ходимларига номма-ном бириктирилди.

b) Ёшлар жиноятчилигини камайтириш ва уни илдизидан бартараф этишда тизимли ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан жорий этилган **"Ёшлар дафтари"** механизми ёшлар билан манзилли ишлашнинг самарали воситаларидан бири бўлиб хизмат қилмоқда[4].

Республикада "Ёшлар дафтари"га киритилган 33 151 нафар ёшларнинг 11 302 нафари ёки 34,1 фоизининг муаммолари ҳал қилинди.

d) Ижтимоий профилактика орқали ижтимоий хавфли ҳолатдаги, назоратсиз қолган, оилавий муаммоларга эга, мактабга борма-ётган ёки ишламаётган ёшлар аниқланиб, уларга эрта ёрдам кўрсатилмоқда[5].

*Жорий йилнинг шу кунинга қадар, Республика бўйича профилак-тика инспекторлари томонидан ижтимоий профилактика объекти бўлган **доимий даромад манбаига эга бўлмаган ишсиз**, давлат кўмагига муҳтож "оғир тоифадаги" ҳамда ичкиликка, гиёхвандликка, **қимор ва таваккалчиликка асосланган ўйинларга ручу** қўйган, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ёшларга жами 116 023 нафарига хулосалар тақдим этилган бўлиб, ушбу хулосалар юзасидан 97,4 фоизи ёки 112 790 нафарига ёрдам кўрсатилиб, **муаммолари ижобий хал этилди**.*

II. Ёшлар жиноятчилиги олдини олишда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики, ушбу йўналишда эри-шилган ижобий натижалар кўпроқ тизимли ёндашув, барвақт профилактика ва таълим-тарбия тизимидаги мувофиқлик билан боғлиқ.

[4] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 07.06.2022 йилдаги 312-сон.
[5] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 30.11.2024 йилдаги 801-сон.

Масалан, Германияда ёшлар жиноятчилигининг олдини олишда маҳаллий ўқув юртлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳар бир мактабда ижтимоий педагог ёки психолог фаолият юритади, улар хавф гуруҳидаги болалар билан алоҳида ишлайди. Бундан ташқари, махсус "Эрта огоҳлантириш тизими" орқали ҳуқуқбузарлик аломатлари барвақт аниқланади.

Швецияда эса жиноят содир этган ёшлар билан ишлашда жазолашдан кўра, уларни ижтимоий ҳаётга қайта жалб қилишга урғу берилади. Реабилитация марказлари, касбга йўналтириш дастурлари ва оилавий психологик ёрдам хизматлари кенг қўлланилади. Бу орқали ёш жиноятчилар қайта жиноят содир этмасликка рағбатлантирилади.

Япония тажрибасида эса жиноятчиликка қарши курашда мактаб, оилавий муҳит ва маҳалла даражасидаги назорат кучли йўлга қўйилган.

Энг эътиборли томони, Японияда "ёшларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича дастур" мавжуд бўлиб, ушбу дастур босқичма-босқич амалга оширилиб борилади. Дастлабки босқичда болаларни боғча ёшидан бошлаб ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича дастлабки тушунчалар бериб борилади.

Кейинги босқичларда мактаб ёшидаги болаларни ҳуқуқни бузмаслик, безорилик, ўғрилик, жиноят қилмаслик бўйича, уларнинг оқибатлари бўйича ва акс ҳолда жиноятга жазо муқаррарлиги бўйича мунтазам равишда профилактика ишлари амалга оширилади. Болалигидан ҳуқуқий билимларга эга бўлган ёшлар тўғри тарбияланиб, ҳуқуқбузарлик содир этилиши олди олинади[6].

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ёшлар жиноятчилиги муаммосига комплекс ва тизимли ёндашув зарур. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жиноятчиликни фақат жазолаш эмас, балки, унга олиб келувчи омилларни аниқлаб, барвақт олдини олиш муҳимдир. Ўзбекистон тажрибасида эса сўнгги йилларда профилактика, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва таълим-тарбияни кучайтириш орқали муаммони ҳал этишга ҳаракат қилинмоқда.

[6] Зарубежный опыт в реализации молодежной политики (В странах европы, сша и японии) Т.В. Ялялиева, Е.Е. Москвичева. 2016 г

Келгусида халқаро тажрибанинг самарали **жиҳатларини чуқур таҳлил қилиб,** маҳаллий шароитга мос инновацион ёндашувларни жорий этиш лозим. Бунда оилалар, маҳалла, мактаб ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасидаги ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш орқали ёшлар жиноятчилигини барвақт олдини олишнинг асосий ҳал қилувчи бўғинга айлантириш ҳисобланади.

Ривожланган давлатларнинг тажрибалари ҳамда мамлакатимизда ёшлар жиноятчилигини олдини олишда олиб борилган ислоҳотларнинг **натижаларидан келиб чиқиб, келгусида ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда қуйдагилар таклиф этилади**.

1. Маҳаллаларда профилактика инспекторларининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчилари штатлари ташкил этилиб, маълум муддат ўз самарасини бериб келганлиги мисолида, республиканинг ҳар бир маҳалласида синов тариқасида профилактика инспекторининг ёшлар масалалари бўйича ёрдамчилари лавозимларини жорий этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш.

2. Ижтимоий муаммо сифатида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўйича ва ёшларни болалигидан ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида комплекс чора-тадбирларини кўзда тутувчи ижтимоий дастур ишлаб чиқиш ва бунда ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, таълимий ва соғлиқни сақлашга доир устувор вазифаларни аниқ белгилаш ҳамда амалга ошириш лозим.

3. Олий таълим муассасаларининг таълим дастурига хам ўзгартиришлар киритиб, ЖК ва МЖтКда назарда тутилган, кўпроқ содир қилинаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида тўлиқроқ тушунча берувчи дарс соатларини жорий қилиш. Модернизация ва либераллаштириш шароитида вояга етмаган ва ёшлар ўртасида жиноятчиликни илмий ўрганиш бўйича ягона методик стандартларни яратиш.

БОСҚИНЧИЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДБИРЛАР

Мирахмедов Жахонгир Мирхонович,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси марказ катта прокурори

Аннотация: мақолада босқинчилик жиноятларини олдини олиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган тактик усуллар ва амалий таклифлар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: босқинчилик жинояти, жиноят содир этган шахс, ҳуқуқбузарлик профилактикаси, виктимизация, профилактика субъектлари.

Аннотация: в статье приводятся тактические методы и практи- ческие предложения по предупреждению преступлений связанных с разбойными нападениями.

Ключевые слова: разбойное нападение, лицо совершившее преступление, профилактика правонарушений, виктимизация, субъекты профилактики.

Abstract: *the article presents tactical methods and practical suggestions for the prevention of crimes robbery-related offenses.*

Key words: *robbery, person who committed a crime, crime prevention, victimization, subjects of prevention.*

Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас[1].

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддаси.

Мулкка тажовузнинг оғир шаклларидан бири босқинчиликдир. Босқинчилик жамият хавфсизлигига сезиларли даражада таъсир ўтказади. Бу эса ўз навбатида, тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш, хусусан, босқинчилик жиноятларининг самарали профилактик чора-тадбирлари, усул ва шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этилишини тақозо этади.

Босқинчилик жиноятини содир этишда мулк қўлга киритилиши учун шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига хавфли бўлган зўрлик ишлатилади ёки шундай зўрлик ишлатиш билан қўрқитилади. Бу эса мазкур турдаги жиноятлар профилактикасини ташкил этиш ўта муҳим масала эканлигини англатади. Босқинчилик жиноятининг содир этилишида асосий сабаблар сифатида ижтимоий-иқтисодий муаммолар эканлиги, жиноятларнинг аксарияти ишсизлар томонидан содир этилганлиги ҳамда жабрланувчиларда виктимлик даражасининг юқорилиги аниқланди.

2024 йил ва жорий йилнинг 11 ойи давомида жами 278 та босқинчилик жинояти қайд этилган бўлса, шундан 33 фоизи *(92 та)* Тошкент шаҳри ҳудудида содир этилган. Бу эса мазкур турдаги жиноятлар профилактикасини ташкил этиш ўта муҳим масала эканлигини англатади. Ушбу йўналишда амалга оширилган таҳлилий ишлар натижасида, босқинчилик жиноятининг содир этилишида асосий сабаблар сифатида ижтимоий-иқтисодий муаммолар эканлиги, жиноятларнинг аксарияти ишсизлар томонидан содир этилганлиги ҳамда жабрланувчиларда виктимлик даражасининг юқорилиги аниқланди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар билан ҳамкорликда босқинчилик профилактикаси объектлари рўйхатини шакллантириб, шахсларнинг маиший-турмуш шароити билан танишиб боради, шунингдек бу тоифа шахслар томонидан босқинчилик жинояти содир этилиш сабаблари, содир этилишига имкон бераётган шароитларни мунтазам равишда ошкора ёки ноошкора усулда ўрганиб бориб бартараф этишлари лозим.

Маълумотларни ўрганишдаги йўналишлар:

1. Маълумот тўплаш. Кўчабоши *(уйбоши)*, маҳалла фаоллари, қўни қўшнилардан оғзаки, ёзма ва электрон шаклларда маълумот олиш орқали; хонадонга ташриф буюриб шахс ва унинг оила аъзолари билан суҳбат ўтказиш орқали; босқинчилик содир этишга мойил шахсларнинг иш жойи, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, ФҲДЁ, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасаларидан маълумот олиш орқали; ҳуқуқни мухофаза қилувчи органлардан сўровнома орқали.

2. Маълумотларни таҳлил жараёнида алоҳида эътибор қаратилади: шахсларнинг маиший-турмуш тарзига; ҳулқ атвори *(қизиқиши, дунёқараши, руҳияти, зарарли одатлари ва б.)*; оила аъзолари ва яқин танишлари *(алоқалари)* билан ўзаро муносабатлари; маҳаллада тутган ўрни ва атрофдагилар *(қўшнилар)* билан муносабатлари; бирор бир иш билан машғуллиги, ишининг мазмуни; ишга ва иш жойига нисбатан муносабати; севимли машғулоти.

3. Шахс фаолиятида юз бераётган ўзгаришларни кузатиш: оила аъзолари билан муносабатда низолар кузатилмадими? Қўшнилар билан муносабатда зиддиятлар кузатилмадими? Нотаниш кишилар билан муносабатида ортиқча муаммолар мавжудми? Моддий-молиявий муҳтожлик сезганда муаммо кузатиладими?

Изоҳ: босқинчилик жинояти профилактикаси самарадорлиги – профилактик тадбирлар қаратилаётган объектлар тўғрисидаги маълумотлар ишончлилиги, тўлиқлиги ва аниқлигига кўпроқ боғлиқдир. Бунинг учун босқинчилик профилактикаси тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, шунингдек, натижалари юзасидан хулосалар ишлаб чиқишга оид фаолиятни тўғри ташкил этиш керак.

Тўпланган маълумотлар тизимли таҳлил қилиниши, қайта текширилиши ва аниқланган муаммога жиддий ёндашиб, яъни босқинчилик жинояти содир этилиши мумкин деган таҳдиддан келиб чиқиб, муаммони ҳал қилиш чораларини кўриш лозим бўлади.

Таҳлиллар ва аниқланган муаммолардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳрида босқинчилик жиноятларини профилактика қилиш бўйича ҳудуд методикасини яратиш мақсадида қуйидаги бир қатор комплекс тадбирлар ўтказилиши лозим.

Спорт тўгаракларида, айниқса якка кураш ва оғир атлетика спорт турлари билан шуғулланувчи ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тадбирларини ўтказиш.

Изоҳ: Босқинчилик жиноятлари мунтазам спорт билан шуғулланувчи, маълум даражада жисмонан бақувват, зўравон ва тажовузкор феъл-атвордаги ёшлар томонидан содир этилаётганлиги аниқланган.

Мазкур соҳа бўйича тегишли норматив ҳужжатларини таҳлил қилиш ҳамда масъул вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассислари билан ўтказилган учрашувлар жараёнида, бу тоифадаги шахслар билан алоҳида ҳуқуқбузарлик профилактикасини амалга ошириш бўйича ягона чора-тадбирлар дастури мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Босқинчилик жиноятларини профилактика қилиш бўйича Тошкент шаҳар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари жисмоний тарбия ва спорт, халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда қуйидаги комплекс тадбирлар ўтказиши лозим:

- спорт мураббийлари ва инструкторларини тарбия остидаги ёшлар билан ҳуқуқбузарлик профилактикаси тадбирларини ўтказишнинг тартиби ва қоидаларини ўргатиш мақсадида қисқа муддатли ўқув курслар ташкил этиш;
- мураббий ва инструкторлар учун тарбия остидаги ёшлар билан ҳуқуқбузарлик профилактикаси тадбирларини ўтказишнинг тартиби ва қоидаларини акс эттирувчи Йўриқнома ишлаб чиқиш;
- спорт тўгаракларида шуғулланувчи ёшлар томонидан турли вазиятларга тушиб қолган вақтида зарурий мудофаа чегарасидан чиқмаслик, қобилиятини зўравонлик ва жиноятга йўналтирмасликни тарғиб қилувчи ён дафтарча *(аҳлоқ-қоидалар этикаси)* ишлаб чиқиш;
- спорт тўгаракларида ҳуқуқбузарлик профилактикасига оид, ш.ж. ҳаёт ва соғлиққа қарши, ўзгалар мол-мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар тўғрисидаги баннерларлар ўрнатиш;
- спорт тўгаракларида шуғулланувчи шахслар ўртасида босқинчилик жиноятларини содир этишга мойил, айниқса ёшларни тезкор йўллар билан аниқлаб, улар билан якка профилактика тадбирларини ўтказиш.

Замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан кенг фойдаланиш

Изоҳ: видеокузатув камералари нафақат ҳуқуқни мухофаза қилувчи идораларга жиноятчиларни аниқлашга, балки жиноят содир этишга мойил шахсларни ўз фикридан қайтаришга ҳам хизмат қилади. Ҳусусий сектор ҳисобидан камералар ўрнатиш, ўзининг ижобий натижасини бериб келмоқда.

Босқинчилик жиноятларини профилактика қилиш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш бўйича қуйидаги тадбирларни ўтказиш лозим:

- ҳудуддаги кўчалар, савдо шахобчалари, жамоат транспортлари ва бошқа жойларга видеокузатув мосламаларини ўрнатиш ва интеграция қилиш чораларини кўриш. Бу тадбирлар жиноятлар содир этилишини олдини олиш ва ҳуқуқбузарларни доимий равишда кузатиш имконини беради;
- *“Профинспектор” электрон дастурини* Тошкент шаҳрининг барча туманларида жорий қилинишини таъминлаб, унинг мобил иловасини ҳуқуқбузарликлар профилактикасига масъул идоралари ходимлари билан биргаликда ўзларининг фаолият йўналишлари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳудуд ва секторлар бўйича масъул ходимларини улаш;
- хонадон ва савдо шахобчаларини қўриқлаш пультларига тўлиқ улаш чораларини кўриш;
- кўздан пана бўлиш мумкин бўлган жойларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш. Бу жиноятчиларнинг жиноят содир этилгунга қадар ёки ундан кейин яшириниш имкониятини камайтиради;
- юқори хавф мавжуд бўлган объектларда кечалари ёритилишини таъминлаш. Бу ҳуқуқбузарларнинг аниқланишини осонлаштиради;
- пиёдаларнинг ҳаракатланиш йўлини ўзгартириш. Бу уларнинг хавфли ҳудуддан четда ҳаракатланишларини таъминлайди;
- эвакуация йўлларини бартараф этиш. Бу жиноятчиларнинг маълум бир жойдан қочиб кетмасликларига ёрдам беради, бироқ,

фавқулодда ҳолатлар вақтида кишиларни эвакуация қилишни қийинлаштиради;

- фавқулодда қўнғироқ станцияларини ўрнатиш. Бу гумонланувчиларнинг тезда қўлга олинишига ёрдам беради;
- махсус тадбирлар ўтказилишини режалаштириш ишларини такомиллаштириш. Бу босқинчилик имкониятини пасайтиради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг аҳоли билан ҳамкорлигини жадаллаштириш

Изоҳ: Жаҳон тажрибаси патруль хизматининг фаолияти жиноятларни сезиларли даражада камайишига сабаб бўлишини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг ҳудуд профилактика иснпекторини танимасликлари, профилактика инспекторининг ҳудуддаги вазиятдан тўлиқ хабардор эмаслигига сабаб бўлади.

Босқинчилик жиноятларини профилактика қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларининг аҳоли билан ўзаро ахборот алмашинуви ва ҳамкорлигини тўғри йўлга қўйиш мақсадида қуйидаги тадбирларни ўтказиш лозим:

- жамоат жойларида кундузги ва тунги патруль хизматларини тўлиқ ташкил этилишини таъминлаш ва криминоген вазият таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда куч-воситаларни манзилли йўналтириш чораларини кўриш;
- аҳоли гавжум жойларда ички ишлар ходимлари навбатчилик қиладиган стационар пунктларни ташкил этиш;
- ҳусусий сектор *(фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари)* ўртасида мунтазам равишда жиноятларни содир этилишининг олдини олишга қаратилган “Менинг маҳалламда жиноят содир этилмайди”, “Ўз уйингни ўзинг асра” шиори остида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;
- фойдаланувчилар учун профилактика инспекторлари ишларини баҳолаш ва ўзларининг изоҳларини қолдириш, яқин ҳудудларда жойлашган ички ишлар таянч пунктлари ёки бошқа тезкор хизматлар билан шошилинч алоқа ўрнатиш учун “SOS” тугмасидан фойдаланиш ҳамда шаҳар ИИБдаги расмий “Telegram bot”ларга мурожаатларни юбориш каби имкониятларни берувчи “Хавфсиз ҳудуд” мобил иловасини Тошкент шаҳрининг барча туманларида ишга туширилишини таъминлаш;

- мобил телефонидаги “Telegram” дастури орқали ҳар бир маҳаллада “Telegram-bot” канали очиб, бунга кенг жамоатчиликни жалб қилиш *(МФЙ, ТП, ўқув муассасалари ва бошқа ташкилотларда туманда яшовчи аҳолининг уяли алоқа рақамларини аниқлаб, уларни бир томонлама ижтимоий тармоққа улаш)*, кунлик содир этилаётган жиноятлар ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маҳалла аҳолисини хабардор қилиб бориш.

Босқинлик жиноятлари қурбонлари билан ишлаш ва виктимлик даражасини пасайтириш чораларини кўриш

Изоҳ: Таҳлиллар жараёнида, босқинчилик жиноятларнинг қурбонларига асосан фуқароларнинг жиноят содир этишга ундовчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари *(бепарволик, мақтанчоқлик, моддий аҳволини намойиш қилиш, кечки вақтларда қимматбаҳо буюмларни тақкан ҳолда назоратсиз кўчаларда юриш ва ш.к.)* сабаб бўлаётганлиги аниқланган.

Бундан ташқари, жиноят қурбонлари содир этилган босқинчилик жиноятлари ҳақида ўз вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига хабар бермасликлари оқибатида жиноятларни фош этиш ва жиноятга қарши курашда маълум қийинчиликлар туғдиради.

Босқинчилик жиноятларини профилактика қилиш мақсадида жиноят қурбонлари билан ишлаш ва виктимлик даражасини пасайтириш мақсадида қуйидаги тадбирларни ўтказиш лозим:

- аҳоли ўртасида кенг кўламли фуқароларни жиноятлардан ҳимоя қилишга қаратилган ахборот кампанияларини ўтказиб бориш *(тушунтириш ишларини олиб бориш, эълонлар ва эслатмалар тарқатиш, ОАВ ва интернет орқали видеороликлар намойиш этиш)*;
- фуқароларнинг жиноят содир этишга ундовчи ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари *(бепарволик, мақтанчоқлик, моддий аҳволини намойиш қилиш, кечки вақтларда қимматбаҳо буюмларни тақкан ҳолда назоратсиз кўчаларда юриш ва ш.к.)* ҳақида кенг тарғибот ишларини олиб бориш;
- босқинчиликдан жабрланган шахсларни тезкор-тергов ҳаракатларида иштирок этишларини, тергов натижасидан хабардор бўлиб туришларини таъминлаш;

❁ хонадонларда ёлғиз яшовчи кекса ёшдаги, ожиз аҳволдаги ногирон шахсларга хизмат кўрсатувчи туман ижтимоий таъминоти ва тиббиёт муассасалари вакилларининг фаолияти назоратини кучайтириш;

❁ савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларида шубхали шахслар ҳамда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича зудлик билан қўриқлаш хизмати тизимларига хабар берувчи тезкор чақирув тугмаларини ўрнатилишини таъминлаш;

❁ ломбардларга ва ёйма бозорларга, шунингдек аҳолидан маиший ва компьютер техникаларини *(ш.ж.уяли алоқа воситалари)* сотишга кўп товар олиб келаётган, қизиқиш уйғотиш эҳтимоли бўлган шахслар ҳақида маълумотларни тезкор йўллар билан тўплаш тизимини жорий этиш.

Аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятига ёрдам бериш маданиятини шакллантириш ва фуқаролик позициясини кучайтириш

Изоҳ: Аксарият ҳолларда босқинчилик жинояти гувоҳлари жабрланувчиларга ёрдам кўрсатмайдилар ёки бу ҳақда хабар бермайдилар.

Гувоҳларнинг фаол позицияси босқинчиларни ўз вақтида аниқлаш, жабрланувчи учун оғир оқибатлар келиб чиқишининг олдини олишга хизмат қилади.

Босқинчилик жиноятларини профилактика қилиш мақсадида, аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари фаолиятига ёрдам бериш маданиятини шакллантириш ва фуқаролик позициясини кучайтириш бўйича қуйидаги тадбирларни ўтказиш лозим:

❁ босқинчилик жинояти гувоҳи бўлганда ўз вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар бериш муҳимлиги тўғрисида “Бефарқ бўлма”, “Қўшни кузатуви” шиори остида ахборот-ташвиқот ишларини олиб бориш, рағбатлантириш чора-тадбирларини кўриш. Бу нафақат мурожаат сифатида, балки интернет сайтларга видеороликлар ва мурожаатларни ўрнатиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин;

❁ “Жиноий йўл билан топилган мулкни сотиб олиш, жиноятга шерик бўлиш демакдир!” шиори остида ахборот-тарғибот кампа-

нияларини ташкил этиш. Унда видеороликлар, буклетлар, реклама банерларидан кенг кўламда фойдаланиш;

- Фаол фуқаролик позицияси ҳурмат ва эътирофга сазовор бурч сифатида талқин этилиши лозим
- босқинчилик жинояти гувоҳлари билан тергов идораларининг ҳамкорлигини ошириш, уларнинг шахсий вақтларига ва ўзларига ҳурмат билан муносабатда бўлинганлиги, гувоҳларни тергов натижаси ва ходимларнинг фаолияти ҳақидаги фикрларини ўрганиш орқали ходимларга танқидий баҳо бериш тизимини жорий қилиш.

Вояга етмаган ва ёшлар билан ишлаш тизимини ривожлантириш, ёши катталар билан уларнинг мулоқотини мустаҳкамлаш

Изоҳ: Ёши катталарнинг вояга етмаган ва ёшлар билан ўзаро ишончли муносабатининг мавжуд эмаслиги, уларни жиноят йўлига кириб қолишига сабаб бўлади.

Вояга етмаган ва ёшлар ўртасида босқинчилик жиноятларини профилактика қилиш мақсадида, уларни касбга йўналтириш, спорт секцияларига жалб этиш, билим олиш ва китобхонликка қизиқтириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ўқувчи ва ёшларни жамоат ишларига жалб қилиш ва рағбатлантириш, китобхонликка, спорт тўгаракларига, мусиқа ва санъатга, инновацион технологиялар кашф қилишга қизиқтириш;
- ота-оналар қўмиталарининг мактабларда ўтказиладиган оммавий маданий тадбирларни ташкил қилишда иштирокларини тарғиб қилиш;
- педагоглар томонидан фарзандлари билан тўғри мулоқот қилиш, уларнинг муаммо ва қийинчиликларини эшита билиш маданиятини ўргатиш бўйича психологларни жалб қилган ҳолда ота-оналар ва ўқувчилар ўртасида учрашувлар ўтказиш;
- мактаб, ўқув юртларида босқинчилик жинояти профилактикасига оид видеороликлар намойиш этиб бориш, реклама баннерларидан кенг кўламда фойдаланиш;
- миллий қадриятларимизни тиклаш, аждодларимизнинг “Бир болага етти қўшни ота-она” нақлининг том маънода ҳаётга қайта татбиқ этиш, ушбу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш;

- тарбиявий таъсир қилиш барча асосий соҳалари ва манбаларидан тўлиқ фойдаланиш, жумладан оила, мактаб, иш, ўқиш жойларида, жамоат ташкилотларида мунтазам тушунтириш ишларини амалга ошириш;
- дорихоналарда, спиртли ичимликлар, сигареталар, автомашина карбюратор тозалагичи, хидли елим *(клей)* ва захарванд шахслар томонидан истеъмол қилинадиган бошқа нарсалар сотувчи шахобчаларда бундай турдаги маҳсулотларни вояга етмаган шахсларга сотмасликлари ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш.

Хулоса. Таклиф этилаётган амалий тадбирларнинг амалиётга жорий этилиши, нафақат босқинчилик, балки, бошқа куч ишлатиш билан боғлиқ жиноятларни профилактика қилишда самарали натижа беради.

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШ, ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШНИНГ ҲАҚИҚАТНИ АНИҚЛАШДАГИ ЎРНИ ХУСУСИДА

Сайфуллаев Нодирбек Улуғбек уғли,

мустақил изланувчи

Аннотация. *Ушбу мақолада ҳақиқатни аниқлаш принципининг муҳим элементи бўлган исбот қилиш жараёнида далиллар тушунчаси, унинг турлари ва исбот қилиш ҳақиқатни аниқлашнинг шакли сифатидаги ўрни ҳамда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашни бевосита амалга оширувчи шахсларнинг ҳақиқатни аниқлашдаги роли илмий жиҳатдан очиб берилган. Шунингдек, мақолада исбот қилиш жараёнидаги бўшлиқларни тўлдириш учун таклифлар илгари сурилган.*

Абстрактный. *В данной статье научно объясняется понятие доказательства в процессе доказывания, которое является важным элементом принципа установления истины, его виды и роль доказательства как формы установления истины, а также роль тех которые непосредственно собирают, проверяют и оценивают доказательства в целях установления истины. В статье также выдвигаются предложения по заполнению пробелов в процессе доказывания.*

Abstrakt. *In this article, the concept of evidence in the process of proof, which is an important element of the principle of truth determination, its types and the role of proof as a form of truth determination, and the role of persons who directly collect, verify and evaluate evidence in truth determination are scientifically revealed. The article also makes suggestions to fill the gaps in the proof process.*

Калит сўзлар: *“ҳақиқатни аниқлаш”, “исбот қилиш”, “далил”, “электрон далил”, “ёзма далил”, “ашёвий далил”, “прецидент”.*

Ключевые слова: *“установление истины”, “доказательство”, “доказательства”, “электронные доказательства”, “письменные доказательства”, “вещественные доказательства”, “прецедент”.*

Key words: *“fact finding”, “proof”, “evidence”, “electronic evidence”, “written evidence”, “physical evidence”, “president”.*

Жиноят процессуал қонунчилигининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиш ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслик ва ҳукм қилинмаслик учун ҳақиқий айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

Шу боисдан ҳам жиноят процессуал қонунчилигининг моҳияти содир этилган жиноятни ўз вақтида очиш, қилмишида жиноят таркиби бўлган ҳар бир шахсни адолатли жавобгарликка тортиш ҳамда унга муносиб жазо тайинлаш ҳақидаги қарорлар, хулосалар ва ҳукмларда намоён бўлади.

Бироқ, мазкур тергов ва суд ҳужжатлари мазмунан маълум бир фактик маълумотларга асосланади. Бу маълумотлар жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигида **далил** деб номланади.

Жиноят процессуал кодексининг 25-боби *(нарсаларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни ашёвий, ёзма ва рақамли далил сифатида ишга қўшиб қўйиш)*да далилларнинг 3 та тури *(ашёвий, ёзма ва рақамли)* келтирилади.

Ашёвий далил – келиб чиқишини, кимга тегишлилигини, маълум мақсадларда фойдаланилганлигини ёки фойдаланишга яроқлилигини, қўлдан-қўлга ўтганлиги ёки турган жойи ўзгарганлигини, у ёки бу моддалар, нарса, жараён ва ҳодисалар таъсир этганлигини аниқлаш мумкин бўлган физикавий аломатлар ёки белгиларга, шунингдек, иш ҳолатларини аниқлашга хизмат қиладиган ҳар қандай бошқа аломатлар ва белгиларга эга бўлган нарса ашёвий далил ҳисобланади.

Ёзма далил – мансабдор шахс ёки фуқаро томонидан сўз, рақам, чизма ёки бошқа шаклда ёзилган ва иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган маълумотларни сақлаш, ўзгартириш, бериш учун мўлжалланган ҳужжат ёки бошқа ёзувлар, шунингдек, тергов ҳаракатининг баённомаси, суд мажлисининг баённомаси ва уларнинг иловалари ҳам ёзма далил ҳисобланади.

ЖПКнинг 203-моддасида кўрсатилган аломатлари, белгилари, излари бўлган ҳужжатлар ва бошқа хатлар ҳам ашёвий далил бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги белгиланган.

Рақамли далил – иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлган электрон маълумотлар, шу жумладан электрон тарздаги файллар, аудио-, видеоёзувлар, Интернет жаҳон ахборот тармоғида сақланаётган маълумотлар, шунингдек бошқа электрон маълумотлар, шунингдек терговга кадар текширув, суриштирув, тергов ва суд жараёнида тузилган процессуал баённомаларга илова қилинган, электрон маълумотлар тарзида шакллантирилган аудио-видеоёзувлар ҳам рақамли далиллар ҳисобланади.

Юқорида таърифланган далил турларининг барчаси маълум бир жиноят иши доирасида иш юритишга масъул мансабдор шахс томонидан эътироф этилган ва иш ҳужжатларига қўшилган, олинган, текширилган, баҳоланган маълумотлар йиғиндисидир.

Шунинг учун ҳам бундай маълумотларини исбот қилиш жараёнида қиймати юқори бўлади ва айнан ушбу жараёнида далиллар тўпланади, текширилади ва баҳоланади.

ЖПКнинг 85-моддаси *(исбот қилиш)*да исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатлиги белгилаб қўйилган.

Бироқ фикримизча, фақат жиноят процессуал кодексида белгиланган ушбу 3 та турдаги фактик маълумотгина далил ҳисобланиши мумкин деб тушунмаслик лозим, сабаби ЖПКнинг 8-боби *(далиллар)*, 81-моддаси *(далил турлари)*да ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлари жиноят иши бўйича далил ҳисобланиши ҳамда бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланиши белгиланган.

Кўриб чиқилаётган норма назарий жиҳатдан таҳлил қилинадиган бўлса, ашёвий, ёзма ва рақамли *(электрон)* далил ҳисобланмаган, аммо қонунда назарда тутилган тартибда олинган, текширилган ва баҳоланган ҳар қандай маълумотлар далил сифатида эътироф этилиши ҳамда исбот қилиш жараёнида фойдаланиш мумкинлигини кўриш мумкин.

Шу билан биргаликда мазкур ўринда таъкидлаш жоизки, ЖПКнинг 81-моддаси 1-қисмида кўрсатилган ишни исботлашга масъул бўлган мансабдор шахслар, яъни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлари далил бўлади деб тушунмаслик лозим. Чунки жиноят процессуал қонунчилигида далиллар масаласи билан шуғулланувчи бошқа мансабдор шахсларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 442-сон қонуни билан ЖПК 39[1]-модда билан тўлдирилган бўлиб, унда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар киритилган[1].

Шу ўринда қайд этиш лозимки, мазкур моддага кўра бугунги кунда жами 14 та органга тергов қадар текширув ваколати берилган бўлиб, ушбу органларнинг зиммасига ҳақиқатни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш вазифаси, шу жумладан жиноят аломатларини аниқлаш ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техника воситаларидан фойдаланган ҳолда, тегишли экспертизалар тайинлаш вазифаси юклатилади.

Айнан шу сабабли ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ҳамда баҳолаш жараёнида терговга қадар текширув органларининг вазифа ва функциялари рўёбга чиқади.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”. 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон. -https://lex.uz.

ЖПКнинг 329-моддаси *(жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби)*да ҳам айнан терговга қадар текширув босқичининг исботлаш жараёнидаги биринчи босқич эканлиги ҳамда терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида далилларни тўплаш, текшириш ҳамда баҳолаш мақсадида ўтказиши мумкин бўлган бир қатор тергов ва процессуал ҳаракатлар ўтказишга рухсат берилган.

Жумладан, ЖПКнинг 39^1-моддаси *(терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар)*да назарда тутилган мансабдор шахслар, терговга қадар текширув давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек, шахсни ушлаб туриш ушбу Кодекс 162-моддаси *(Шахсий тинтув ва олиб қўйиш)* нинг иккинчи қисмига мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар беришга рухсат берилган. Ушбу норманинг ўзи ҳам терговга қадар текширув органи мансабдор шахсларида далиллар билан ишлашга мақбул шахс эканлигини кўрсатади.

Фикримизча, тадқиқ этилаётган моддада далиллар билан бевосита ишловчи субъектлар қаторига *терговга қадар текширув органларини* ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бундан ташқари, **ҳақиқатни аниқлаш мақсадида** далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашда назорат қилувчи прокурорнинг ҳам муҳим ролини алоҳида эътироф этиш лозим.

ЖПКнинг 81-моддаси *(далилларнинг турлари)*да далиллар билан ишловчилар қаторида назорат қилувчи прокурорларнинг ваколати кўзда тутилмаган бўлсада, бироқ ЖПКнинг 382-моддаси *(прокурорнинг ваколатлари)*да назорат қилувчи прокурор суриштирувда, дастлабки терговда иштирок этади ҳамда зарур ҳолларда, жиноят процессуал кодексига мувофиқ, ҳар қандай жиноят ишини иш юритишни шахсан ўз юритувчига олиш, айрим тергов ҳаракатларини шахсан бажариш ёки терговни тўлиқ амалга ошириш ваколати берилган.

Назарий жиҳатдан, ҳар қандай терговга қадар текширувни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширган мансабдор

шахс, далилларни бевосита тўплаган, текширган ва баҳолаган бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” қонунида прокурорлар фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят иши қўзғатиши ҳамда уни содир этган шахсларни қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради[2].

Шу сабабли ҳам юқоридаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган прокурор айнан уларга берилган ваколатлар доирасида мустақил терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказади ва ўз иш юритувидаги терговга қадар текширув ва жиноят иши ҳужжатлари бўйича далил тўплаш ҳуқуқига эгадирлар.

Шу боис, ЖПКнинг 81 моддаси *(далилларнинг турлари)*ни қуйидаги мазмундаги биринчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади:

Ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни терговга қадар текширув органлари мансабдор шахсининг, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Шунингдек, ҳақиқатни аниқлаш жараёни жиноят-процессуал қонунчилигида комплекс жараён бўлиб, бу далилларни далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш орқали амалга оширилади.

ЖПКнинг 85 моддаси *(исбот қилиш)*да исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборатлиги белгилаб қўйилган.

Бироқ, мазкур нормада исбот қилишнинг тушунчаси, мақсади ва аниқ белгилаб берилмаган.

---

[2] Ўзбекистон Республикасининг қонуни. “Прокуратура тўғрисида”. 2001 йил 29 августдаги 257-II-сон янги таҳрирда. -25-модда. https://lex.uz.

Г.В. Нефадовскийнинг фикрича, жиноят қонунчилигида ҳақиқатни аниқлаш муаммоси, мазкур юридик атаманинг энг катта муаммо бўлганлиги боис, ўзининг кенг тушунчасига эга эканлиги ва ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун қонунда назарда тутилган ва қонунда назарда тутилмаган барча усуллардан фойдаланиши билан исбот қилишдан ажралиб туради[3].

Жиноят-процессуал қонунчилиги назариясида ҳам исбот қилиш якуний мақсад ва босқич сифатида, уни амалга ошириш воситаси эса ваколатли органлар томонидан далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш орқали амалга оширилади.

Исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат деб тушунилади.

Шу сабабли ҳам назаримизда, ЖПКнинг 85 моддаси (далилларнинг турлари)ни қуйидаги мазмунда тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади:

Ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш усули орқали амалга ошириладиган комплекс жараёндир.

Шу ўринда қайд этиш керакки, исбот қилиш қонунда назарда тутилган тартибда адолатни таъминлаш учун далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат бўлса, ҳақиқатни аниқлаш нафақат далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан, балки қонунда назарда тутилмаган тартибда қонуний йўллар билан ёки юридик прецидент ва бошқа барча мавжуд қонуний имкониятлардан фойдаланишни англатади.

Тадқиқ этилаётган мавзунинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, тезкор-қидирув фаолияти ҳам айнан терговга қадар текширув ҳаракатларининг мантиқий жиҳатдан таркибий қисми бўлганлиги сабабли ЖПКнинг 81-моддаси (далилларнинг турлари) да агар тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун

3 Г.В. Нефадовский. Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлаш муаммоси - фалсафа муаммоси сифатида. Москва - 2007 й.

талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши мумкин.

Бироқ, тадқиқ этилаётган мазкур масалада ҳам бир қатор ўзига хосликлар ва қўшимча тартибга солиш лозим бўлган жиҳатларни кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида” қонунининг 3-моддаси (тезкор-қидирув фаолияти тушунчаси)да тезкор-қидирув фаолияти ушбу Қонун билан махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият туридир эканлиги, 10-моддаси (тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар)да Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги ҳарбий разведкаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг тезкор бўлинмалари амалга ошириши, 14-моддаси (тезкор-қидирув тадбирларининг турлари)да тезкор-қидирув тадбирлари кўрсатилган бўлиб, буларнинг барчаси деярли махфий тарзда амалга оширилади. Шу сабабли мазкур босқичда олинган далиллар барча ҳолатларда ҳам суриштирув ва тергов органларига тақдим этилмаслиги мумкин. Шу боисдан ҳам тезкор-қидирув фаолиятида ҳақиқатни аниқлаш ва шу жараёнда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш қўшимча ёпиқ мустақил изланишни талаб қилади.[4]

Шунингдек, ЖПКнинг 22-моддаси (ҳақиқатни аниқлаш)га кўра, Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юзберганлигини,

4 Ўзбекистон Республикаси қонуни. “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”. 2012 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-344-сон.

унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек, у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шарт.

Иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкин. Гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, қўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилади.

Иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши керак. Ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозим.

Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар қонунчиликда белгиланган тартибда суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказилган ҳолда мажбурий текширилиши лозим.

Фикримизча, ушбу моддада назарда тутилган ЖПКнинг ҳақиқатни аниқлашдан иборат махсус принципи терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва суд босқичида исботлашни амалга оширувчи мансабдор шахсларига берилган ваколат ва мажбуриятнинг чегарасини кўрсатади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, исбот қилиш ишни қонуний, асосли ва адолатли ҳал этиш учун қонунда назарда тутилган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш усуллари орқали ҳақиқатни аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган узвий жараёнидир.

Ҳақиқатни аниқлаш принципи жиноят иши бўйича адолатли ва қонуний қарор қабул қилишнинг асоси ҳисобланади. Унинг мақсади содир этилган жиноятларни тўғри аниқлаш ва жамиятда адолатни таъминлаш ҳисобланади.

Шу сабабдан ҳам мазкур жараёнда далиллар билан ишлашда юзага келаётган янги ижтимоий муносабатларни ўз вақтида қонун

даражасида тартибга солишда, ҳақиқатни аниқлашда далиллар мақбуллигини таъминлашда судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, ҳимоячи, шунингдек жиноят ишини юритишда иштирок этувчи барча шахслар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЖПК ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига аниқ риоя этишлари ва уларнинг талабларини бажаришлари муҳим ўрин тутади.

КИБЕРКОРРУПЦИЯ: РАҚАМЛИ ИНҚИЛОБ ШАРОИТИДА ЯНГИ КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОДИСАНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛИ

Раимбердиев Шерзод Камолжонович,

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти мустақил изланувчиси

Рақамли трансформация жараёнлари давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига чуқур кириб борди. Ахборот-коммуникация технологиялари *(АКТ)* тезкорлик, глобал уланиш, автоматлаштириш ва маълумотларни кенг миқёсда қайта ишлаш имкониятларини яратди. Бироқ, ушбу имкониятлар билан бир қаторда янги хавф-хатарлар, хусусан, киберкоррупция деб аталувчи мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса ҳам шаклланди.

Киберкоррупция анъанавий коррупция шаклларининг рақамли муҳитга кўчиши билан чекланиб қолмай, балки, ахборот тизимлари, маълумотлар базалари, криптовалюталар, сунъий интеллект ва трансмиллий тармоқлар имкониятларидан фойдаланган ҳолда коррупцион амалиётларни мутлақо янги босқичга олиб чиқмоқда. Шу маънода у рақамли инқилобнинг хавфли “ён маҳсулоти” сифатида намоён бўлмоқда.

Мазкур мақолада киберкоррупция тушунчасининг назарий асослари, унинг ўзига хос хусусиятлари, кибержиноятчилик билан ўзаро боғлиқлиги, криптовалюталарнинг роли, давлат ахборот тизимларидаги заифликлар ҳамда халқаро ёндашувлар илмий таҳлил этилади ва комплекс таъриф таклиф этилади.

Киберкоррупция ҳали ҳам тўлиқ шаклланган ва барча томонлама қабул қилинган таърифга эга эмас. Илмий адабиётларда турли ёндашувлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари технологиядан фойдаланишга, бошқалари эса маълумотлар манипуляцияси ёки шахсий фирибгарликка урғу беради.

Айрим тадқиқотчилар киберкоррупцияни “электрон тармоқлардан коррупцион мақсадларда нотўғри фойдаланиш” сифатида тавсифлайди. Бошқа олимлар эса уни “АКТдан фойдаланган ҳолда акс ҳолда амалга ошириб бўлмайдиган ноқонуний фаолиятни содир этиш” деб изоҳлайдилар. Учинчи ёндашувга кўра, киберкоррупция

– бу коррупцион операцияларни енгиллаштириш ёки яшириш мақсадида ахборот тизимларини манипуляция қилишдир.

Муҳим баҳсли масалалардан бири – кибержиноят ва киберкоррупция ўртасидаги фарқдир. Кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича, кибержиноят асосан молиявий фойда олишга қаратилган бўлса, киберкоррупция ҳокимият ва таъсирни суиистеъмол қилиш орқали институционал жараёнларни бузишга қаратилган. Демак, кибержиноят техник восита бўлиши мумкин, киберкоррупция эса мақсад ва йўналишни ифодалайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, киберкоррупция таърифларида қуйидаги умумий элементлар такрорланади:

- АКТ тизимларининг ҳал қилувчи ўрни;
- маълумотларнинг марказий аҳамияти;
- идентификацияни алдаш ва маълумотларни сохталаштириш;
- анонимлик ва шифрлаш имкониятларидан фойдаланиш;
- молиявий фойдадан ташқари сиёсий ёки институционал таъсирга эришиш.

Ушбу элементлар киберкоррупцияни мустақил ва мураккаб ҳодиса сифатида кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Киберкоррупция анъанавий коррупциядан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қилади.

Биринчидан, у коррупцион ҳаракатларни виртуаллаштириш имконини беради. Масалан, масофадан туриб маълумотлар базасига кириш, электрон тендер ҳужжатларини ўзгартириш, рақамли изларни сохталаштириш каби ҳаракатлар жисмоний муҳитда амалга оширилиши қийин ёки хавфли бўлган амалиётларни енгиллаштиради.

Иккинчидан, киберкоррупция трансмиллий хусусиятга эга. Интернет орқали турли давлатлардаги шахслар ўртасида тезкор ва яширин ҳамкорлик амалга оширилиши мумкин.

Учинчидан, у асосан номоддий активларга қаратилган. Буларга махфий маълумотлар, шахсий идентификация маълумотлари, электрон ҳисоблар, алгоритмлар, сунъий интеллект орқали яратилган deepfake материаллар киради.

Тўртинчидан, техник мураккаблик коррупцион фаолиятни яшириш имконини кенгайтиради. Сохта логлар, ўзгартирилган

биометрик маълумотлар, бузилган кузатув тизимлари – буларнинг барчаси коррупцияни аниқлашни қийинлаштиради.

Бешинчидан, киберкоррупциянинг тезлиги ва миқёси мисли кўрилмаган даражада. Бир вақтнинг ўзида миллионлаб фойдаланувчиларнинг маълумотлари ўғирланиши ёки сайлов жараёнларига оммавий таъсир кўрсатилиши мумкин.

Амалиётда киберкоррупция қуйидаги кўринишларда учрайди:

- давлат маълумотлар базасидан фуқаролар маълумотларини ноқонуний сотиш;
- электрон тендер жараёнларини манипуляция қилиш;
- молиявий ҳисоботларни рақамли тизимларда сохталаштириш;
- ижтимоий тармоқларда ботлар ва сохта аккаунтлар орқали жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш;
- ҳукумат серверларига кириб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ёзувларини ўзгартириш.

Бундай ҳолатларда мақсад оддий молиявий фойда эмас, балки, қарор қабул қилиш жараёнларига таъсир кўрсатиш, рақобатни бузиш ёки ҳокимият ресурсларини назорат қилишдир.

Кибержиноят кўпинча киберкоррупциянинг техник қуроли сифатида хизмат қилади. Хакерлик, зарарли дастурлар, фишинг каби усуллар коррупцион режаларни амалга оширишда қўлланилади.

Айрим ҳолатларда кибержиноятчилар “ижарага олинган” рақамли ижрочилар сифатида иштирок этадилар. Улар қоронғи тармоқ *(dark web)* орқали хизматлар таклиф этадилар. Бундай “жиноят хизмат сифатида” модели киберкоррупция хавфини янада кучайтиради.

Шу билан бирга, кибержиноят ва киберкоррупция ўртасидаги чегара ҳар доим ҳам аниқ эмас. Гибрид ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларда молиявий фойда ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш бир вақтнинг ўзида намоён бўлади.

Киберкоррупциянинг энг кучли жиҳатларидан бири – рақамли анонимликдир. Шифрлаш технологиялари, Tor тармоғи, ботнетлар, блокчейн миксерлари каби механизмлар иштирокчиларни аниқлашни қийинлаштиради.

Криптовалюталар, айниқса, марказлашмаган тизимлар, анъанавий молиявий назорат механизмларини четлаб ўтиш имконини

беради. Транзакциялар глобал тугунлар орқали амалга оширилади ва айрим ҳолларда ҳақиқий бенефициарни аниқлаш мураккаб бўлади.

Бироқ, блокчейн таҳлили технологияларининг ривожланиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун янги имкониятлар яратмоқда. Демак, рақамли анонимлик мутлақ эмас, балки доимий рақобат муҳитида шаклланади.

Электрон бошқарув тизимларининг кенг жорий этилиши маълумотлар ҳажмини оширди. Бироқ:

- етарли шифрлаш чораларининг йўқлиги;
- кириш ҳуқуқларини нотўғри тақсимлаш;
- доимий мониторингнинг мавжуд эмаслиги;
- ходимларнинг киберхавфсизлик бўйича билимлари пастлиги.

Ички инсайдерлар томонидан амалга оширилган ҳуқуқбузарликлар айниқса хавфлидир, чунки улар тизимга қонуний кириш имкониятига эга бўладилар.

Юқоридаги таҳлиллар асосида киберкоррупцияга қуйидаги таърифни таклиф этиш мумкин:

Киберкоррупция – бу ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда давлат ёки хусусий институтлар фаолиятининг холислигига, маълумотлар яхлитлигига, шаффофлик ва назорат механизмларига путур етказиш мақсадида амалга ошириладиган, алдаш, манипуляция, идентификацияни сохталаштириш, шифрлаш, ноқонуний кузатув ёки яширин операциялар орқали коррупцион манфаатларни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар мажмуасидир.

Ушбу таъриф киберкоррупциянинг технологик, институционал ва мақсадий жиҳатларини қамраб олади ҳамда уни оддий рақамли жиноятлардан фарқлаш имконини беради.

Киберкоррупция рақамли эволюция шароитида глобал хавфга айланмоқда. У анъанавий коррупция шаклларини янги босқичга олиб чиқиб, идентификацияни алдаш, маълумотларни манипуляция қилиш, трансмиллий аноним транзакциялар орқали давлат ва жамият институтларига жиддий таҳдид солмоқда.

Киберкоррупцияга қарши самарали курашиш учун:

- қонунчиликни такомиллаштириш;
- халқаро ҳамкорликни кучайтириш;
- киберхавфсизлик инфратузилмасини мустаҳкамлаш;
- криптовалюта мониторингини ривожлантириш;
- жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари иштирокини кучайтириш;
- рақамли ахлоқ ва киберхавфсизлик бўйича таълимни ривожлантириш
- зарур ҳисобланади.

Келгуси ўн йилликларда адолатли ва шаффоф бошқарувни таъминлаш учун киберкоррупцияга қарши комплекс ва тизимли ёндашув стратегик устувор вазифага айланади.

ОИЛАДАГИ ЗЎРАВОНЛИК: ТУШУНЧАСИ, ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Ахмеджанов Музаффар Халматович,

мустақил тадқиқотчи

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ҳамда бошқа оила аъзоларини тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, ушбу соҳадаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Оиладаги зўравонлик нафақат шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилади, балки жамият барқарорлиги, ижтимоий муносабатлар тизими ва ҳуқуқий тартиботга жиддий хавф туғдиради.

Оиладаги зўравонликнинг долзарблиги шундаки, у инсоннинг шахсий ҳаёти, руҳий ҳолати ва ижтимоий фаоллигига салбий таъсир кўрсатиб, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг содир этилишига замин яратиши мумкин. Айниқса, шахсга қарши жиноятларнинг муайян қисми айнан оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётгани масаланинг ўта жиддий эканлигини кўрсатади.

Оила ва зўравонлик тушунчаларининг назарий-ҳуқуқий таҳлили

Оила жамиятнинг асосий бўғини бўлиб, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, шахсни шакллантирувчи ва тарбияловчи муҳим институт ҳисобланади. Оиладаги ижтимоий муҳит, қадриятлар тизими ва муносабатлар маданияти жамиятнинг умумий тараққиётига бевосита таъсир кўрсатади. Шу боис, оиладаги зўравонлик жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларига путур етказувчи омил сифатида баҳоланади.

Зўрлик ва зўравонлик тушунчалари мазмунан ўзаро боғлиқ бўлиб, адабиётларда зўрлик бир шахснинг иккинчи шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиш, жабр-зулм қилиш орқали таъсир ўтказиши сифатида талқин этилади. Зўравонлик эса кенгроқ тушунча бўлиб, у жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий босим орқали шахс иродасини бўйсундиришга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни англатади.

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонунда зўравонлик хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқларига тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий ҳаракат *(ҳаракатсизлик)* сифатида таърифланган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таърифига кўра, зўравонлик – ўзига, бошқа шахсларга, инсонлар гуруҳига ёки жамиятга қарши қаратилган жисмоний куч ишлатиш ёки шундай таҳдид орқали тан жароҳати, ўлим, руҳий жароҳат ёки бошқа зарар етказишдир.

Юридик нуқтаи назардан зўравонлик шахс иродасига қарши қасддан таъсир кўрсатиш, унинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказишга қаратилган ижтимоий хавфли ва қонунга хилоф қилмиш сифатида баҳоланади.

Оиладаги зўравонлик тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Оиладаги зўравонлик – бу оила аъзолари ўртасидаги муносабатларда намоён бўладиган зўравонлик шаклидир. У нафақат расман никоҳда бўлган эр-хотинлар ўртасида, балки, собиқ турмуш ўртоқлар, қон-қариндошлар ва бошқа оилавий муносабатдаги шахслар ўртасида ҳам юз бериши мумкин.

Оиладаги зўравонлик деганда, оиланинг бир ёки бир гуруҳ аъзолари томонидан бошқа аъзога нисбатан унинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, жинсий ва турар-жой дахлсизлиги, шаъни ва қадр-қимматига жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки шундай таъсир билан таҳдид қилиш тушунилади.

Оиладаги зўравонлик қуйидаги асосий шаклларда намоён бўлади:

1. Жисмоний зўравонлик – калтаклаш, баданга турли даражада шикаст етказиш, қийнаш.

2. Руҳий *(психологик)* зўравонлик – ҳақоратлаш, қўрқитиш, таҳқирлаш, изоляция қилиш.

3. Жинсий зўравонлик – жинсий алоқага мажбурлаш, номусга тегиш.

4. Иқтисодий зўравонлик – моддий воситалардан маҳрум қилиш, молиявий қарамликка солиш.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, амалиётда жисмоний ва руҳий зўравонлик кўп ҳолларда биргаликда содир этилади. Масалан, тан жароҳати етказиш билан бирга, шахснинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказувчи хатти-ҳаракатлар ҳам амалга оширилади.

Оиладаги зўравонлик ва жиноий-ҳуқуқий оқибатлар

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида шахснинг ҳаёти, соғлиғи, ор-номуси ва қадр-қимматига тажовуз қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Оиладаги зўравонлик кўпинча қуйидаги жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлади:

- қасддан одам ўлдириш;
- ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш;
- қасддан оғир, ўртача ёки енгил тан жароҳати етказиш;
- қийнаш;
- ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш;
- номусга тегиш ва бошқа жинсий жиноятлар;
- аёлни жинсий алоқага ёки ҳомиласини туширишга мажбурлаш;
- ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш;
- туҳмат ва ҳақорат.

Статистик таҳлилларга кўра, оилавий муносабатлар доирасида жисмоний куч ишлатиш ҳолатлари *(35%)*, руҳий босим *(31%)*, ҳукмронликка интилиш *(8%)*, жинсий зўравонлик *(5%)*, қийнаш *(8%)*, қўрқитиш *(4%)* каби шаклларда намоён бўлади. Бу кўрсаткичлар оиладаги зўравонликнинг тизимли ва кўп қиррали характерга эга эканлигини англатади.

Оиладаги зўравонликнинг ижтимоий хавфлилиги

Оиладаги зўравонликнинг ижтимоий хавфлилиги қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини бузиши;
2. Оила институтига путур етказиши;
3. Болалар руҳияти ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши;
4. Жамиятда агрессия ва ҳуқуқбузарликларнинг кўпайишига замин яратиши.

Айниқса, оила муҳитида ўсган болаларнинг зўравонликка гувоҳ бўлиши ёки унинг қурбонига айланиши келажакда девиант

хулқ-атвор, агрессия ёки виктим хулқ-атвор шаклланишига олиб келиши мумкин.

Оиладаги зўравонликнинг олдини олишнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари. Оиладаги зўравонликка қарши курашиш қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим:

1. Ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш – амалдаги қонун нормаларини аниқлаштириш, жавобгарлик чораларини кучайтириш.

2. Профилактик чора-тадбирлар – аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва маданиятни ошириш, гендер тенглик ғояларини тарғиб қилиш.

3. Институционал механизмлар – муҳофаза ордерлари, реабилитация марказлари, ишонч телефонлари фаолиятини кучайтириш.

4. Идоралараро ҳамкорлик – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро алоқани мустаҳкамлаш.

Оиладаги зўравонлик – бу шахс, оила ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир. Унинг мазмун-моҳияти жисмоний, руҳий, жинсий ва иқтисодий таъсир шаклларида намоён бўлиб, кўп ҳолларда оғир жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлади.

Оиладаги зўравонликка қарши самарали курашиш учун ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, профилактик чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш талаб этилади.

Фақат комплекс ёндашув орқалигина оила институтини мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда жамиятда соғлом ижтимоий муҳитни шакллантириш мумкин.

AXBOROT TEXNOLOGIYALARI SOHASIDA SODIR ETILADIGAN JINOYATLARGA QARSHI KURASHDA HUQUQBUZARLIKLAR PROFILAKTIKASI USULLARINING AHAMIYATI

O‘sarboyev Maqsadbek Tolibjon o‘g‘li,

O‘zbekiston Respublikasi Huquqni muhofaza qilish Akademiyasi “Kiberxavfsizlikni huquqiy ta’minlash” yo‘nalishi magistranti

Annotatsiya: Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasining “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida”gi Qonuni asosida axborot texnologiyalari sohasidagi jinoyatlarning oldini olishning huquqiy va amaliy jihatlari yoritilgan. Maqolada kiberjinoyatchilikka qarshi kurashishda umumiy, maxsus, yakka tartibdagi va viktimologik profilaktika choralarining samaradorligi tahlil qilinadi. Shuningdek, axborot texnologiyalari sohasida sodir etiladigan jinoyatlarga qarshi kurashda ularni profilaktikasi eng samarali usul ekanligi isbotlab berilgan.

Kalit so‘zlar: Axborot texnologiyalari, kiberjinoyatchilik, huquqbuzarliklar profilaktikasi, kiberxavfsizlik, viktimologik profilaktika, raqamli gigiyena, preventiv choralar.

Abstract: This article explores the legal and practical aspects of preventing crimes in the field of information technology, based on the Law of the Republic of Uzbekistan “On the Prevention of Offenses.” The paper analyzes the effectiveness of general, special, individual, and victimological prevention measures in the fight against cybercrime. Furthermore, it demonstrates that prevention is the most effective method for combating crimes committed within the information technology sector.

Keywords: Information technology, cybercrime, offense prevention, cybersecurity, victimological prevention, digital hygiene, preventive measures.

Bugungi kunda jahon miqyosida raqamli iqtisodiyot va axborot texnologiyalarining jadal rivojlanib borayotganligi nafaqat ijtimoiy-iqtisodiy yuksalishga, balki jinoyatchilikning yangi ko‘rinishlari – kiberjinoyatlarning avj olishiga ham zamin yaratmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasi

doirasida davlat xizmatlari va kundalik hayotning raqamlashtirlishi belgilab qo‘yilganligi, fuqarolarga qulaylik yaratib, ular tomonidan davlat xizmatlaridan masofadan turib foydalanishga yordam berayotganligini amalda ko‘rmoqdamiz. Bundan tashqari davlat organlari, korxona, muassasa va tashkilotlarning ish faoliyati to‘liq raqamlashtirilishi, ularning kundalik faoliyatiga raqamli texnologiyalarning joriy etilishi ularning ish faoliyatini samardorligini oshirmoqda. Biroq barcha jabhaning raqamlashtirilishi mazkur sohada kiberjinoyatlarni oldini olish uchun huquqiy va texnik choralarni kuchaytirish va ularni tez yangilab boorish zaruratini yuzaga keltirmoqda.

O‘zbekiston Respublikasining 2014-yil 14-maydagi “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida”gi O‘RQ-371-sonli Qonuni huquqbuzarliklarning oldini olishning huquqiy asoslarini belgilab bergan. Huquqbuzarliklar profilaktikasini olib borish mazkur qonunda keltirilgan chora-tadbirlar asosida amalgam oshirilib kelinmoqda. Lekin, axborot texnologiyalari sohasida sodir etilayotgan jinoyatlar ularni oldini olish usullarini qayta ko‘rib chiqib, asosiy e’tiborni raqamli sohalarda profilaktik ishlarni olib borishga qaratish lozimligini ko‘rsatmoqda. Bundan tashqari, IT sohasidagi jinoyatlarning transchegaraviyligi va anonim tabiati ularga qarshi kurashishda maxsus usullarni qo‘llashni taqozo etmoqda.

Mamalakatimizda axborot texnologiyalari sohasida sodir etilayotgan jinoyatlarni oldini olish bo‘yicha ichki ishlar organlari tomonidan yetarli darajada ishlar olib borilmoqda. Ichki ishlar vazirining tegishli buyrug‘i bilan yilda va “noyabr” oylarida “Kibermadaniyatni yuksaltirish oyligi” o‘tkazilib kelinmoqda. Mazkur oylik doirasida barcha shaxsiy tarkib aholi orasida kibermadaniyatni yuksaltirish uchun jalb qilinib, davra suhbatlari, trening va tushuntirish ishlari o‘tkazilib kelinmoqda. Biroq, axborot texnologiyalari sohasida huquqbuzarliklarni oldini olish har bir davlat tashkiloti, shuningdek, xususiy sektorning ham asosiy vazifalaridan biri bo‘lishi kerak.

“Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida”gi Qonunning 9-moddasiga muvofiq, huquqbuzarliklar profilaktikasining to‘rtta asosiy turi mavjud bo‘lib, ularni axborot sohasiga quyidagicha tatbiq etish mumkin:

1. Umumiy profilaktika – bu keng jamoatchilik orasida IT-savodxonlikni, axborot texnologiyalaridan to‘g‘ri foydalanish qoidalari va sodir etilgan kiberjinoyat uchun javobgarlikning muqarrarligini tushuntirishdir.

Umumiy profilaktika ishlarini amalga oshirishdan maqsad Aholi orasida kiberjinoyatlarga qarshi murosasizlik hissini uyg‘otish bo‘lib, mazkur maqsadga OAV, ijtimoiy tarmoqlar va ta’lim muassasalarida “Raqamli gigiyena” qoidalarini targ‘ib qilish orqali erishish mumkin bo‘ladi.

2. Maxsus profilaktika - muayyan sohalar *(bank, moliya, telekommunikatsiya)* bo‘yicha ixtisoslashgan chora-tadbirlarni o‘z ichiga oladi. Maxsus prifilaktik tadbirlarni samarali natija berishi uchun bank-moliya tizimlarida ikki bosqichli autentifikatsiyani majburiy etish, my.gov.uz orqali fuqarolarga “kredit bitimi tuzishga taqiq qo‘yish yoki taqiqni olib tashlash” imkoniyati paydo bo‘lganligini tushuntirish, ushbu dasturdan foydalanishni keng targ‘ib qilish, axborot tizimlarining kiberbardoshliligini muntazam tekshirish *(pentesing)* ishlarini amalgam oshirish lozim.

3. Yakka tartibdagi profilaktika – ushbu usul kiberjinoyat sodir etishga moyil bo‘lgan yoki ilgari sudlangan shaxslar bilan ishlashni nazarda tutadi. Yakka tartibdagi profilaktikani amalga oshirish biroz qiyinchilik tug‘diradi sababi yakka tartibda profilaktika ishlarni amalgam oshirish obyektlari muayyan toifadagi shaxslar hisoblanadi. An’anaviy jinoyatlar bo‘yicha yakka tartibdagi profilaktika eng natijador usul hisoblanadi, sababi jinoyat sodir etishga moyil shaxslar *(giyohvandlar, muqaddam sudlanganlar, spirtli ichimlikka ruju qo‘yganlar, notinch olia a’zolari va hakazo)* bilan manzilli profilaktika ishlari olib boriladi. Mazkur profilaktika turi doirasida axborot texnologiyalari sohasida sodir etiladigan jinoyatlarni oldini olish uchun profilaktik ishlar olib boriladigan obyektlar “Xakerlik” qilmishlari uchun jazo muddatini o‘tab chiqqan shaxslar, axborot texnologiyalari sohasida biror bir faoliyat bilan shug‘ullanuvchi shaxslar, axborot texnoloiyalari sohasida ta’lim muassasalarida tahsil oluvchi o‘quvchi va talabalar, ko‘p vaqtini kompyuter o‘yingohlari, online paynetlarda o‘tkazadigan shaxslar, hech bir faoliyat bilan shug‘ullanmasdan tez boylikka erishgan shaxslar bo‘lishi mumkin. Yuqorida keltirib o‘tilgan toifadagi shaxslar bilan yakka tartibda profilaktik ishlarni olib borish ularni jinoyat yo‘liga kirib qolishlarini oldini olish uchun katta ahamiyat kasb etadi.

4. Viktimologik profilaktika – Kiberjinoyatlarni oldini olishning eng samarali usuli hisoblanadi. Chunki ko‘plab jinoyatlar jabrlanuvchining beparvoligi, ishonuvchanligi, IT sohasida bilimlari yetishmasligi sababli sodir bo‘ladi. Shuningdek amaliyotda kiberfiribgarlik, kibero‘g‘rilik

qurboni bo‘lgan shaxslarni takroran shu turdagi jinoytlarni qurboni bo‘lganligi holati ko‘p uchrab turibdi. Ushbu sohada jabrlanish ehtimoli yuqori bo‘lgan shaxslar *(yoshi katta pensionerlar, muqaddam shu tudagi jinoyat qurboni bo‘lgan shaxslar va boshqalar)* bilan birma bir tushuntirish ishlarini olib borish bilan profilaktikaning maqsadiga erishish osonlashadi.

Axborot texnologiyalari sohasida sodir etiladigan jinoyatlar kiber-makonda sodir etilishi va ularning transchegaraviylik, anonimlik xususiyati yuqori bo‘lanligi sababli “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida”gi qonunda belgilangan profilaktika orqali oldini olishning qiyinchilik tug‘dirishini amaliyot ko‘rsatib turibdi. Bu axborot texnologiyalari sohasidagi jinoyatlarni oldini olishga zamonaviy texnik usullari keng targ‘ib qilishga zarurat tug‘dirmoqda.

Axborot texnologiyalari sohasida sodir etiladigan jinoyatlarni oldini olish uchun quyidagi texnik usullarni targ‘ib qilish lozim bo‘ladi:

1. Sun’iy intellekt (AI) va Big Data tahlili: Shubhali tranzaksiyalarni va g‘ayritabiiy faollikni real vaqt rejimida aniqlash. Masalan, bank tizimida bir soniya ichida bir necha davlatdan amalga oshirilgan kirish urinishlarini bloklash.

2. Blokcheyn texnologiyasi: Ma’lumotlarning butunligini ta’minlash va ularni o‘zgartirish imkoniyatini yo‘qqa chiqarish. Bu ayniqsa davlat reyestrlari va kadastr hujjatlarini himoya qilishda muhim.

3. Filtrlash va Bloklash: Milliy axborot makonini zararli, ekstremistik yoki pornografik mazmundagi resurslardan himoya qilish uchun avtomatlashtirilgan filtr tizimlarini joriy etish.

O‘tkazilgan tahlillar shuni ko‘rsatadiki, IT sohasidagi profilaktika ishlarida texnik profilaktikaning yetarli daraja amalga oshirilmayotganligi, xalqaro hamkorlikning murakkabligi va anonimlikning yuqoriligi kabi muammolar mavjud.

Tadqiqot natijalaridan kelib chiqib, axborot texnologiyalari sohasida huquqbuzarliklar profilaktikasini takomillashtirish bo‘yicha quyidagi tavsiyalar ilgari suriladi:

1. “Kiber-patrul” tizimini joriy etish: Internetning milliy segmentida *(Uz domenida)* huquqbuzarliklarni 24/7 rejimida monitoring qiluvchi avtomatlashgan dasturiy majmualarni yaratish.

2. Raqamli ta’lim: Maktab darsliklariga “Raqamli xavfsizlik va kiber madaniyat” boblarini kiritish orqali yosh avlodda “kiber-immunitet”ni shakllantirish.

3. Xususiy sektorni rag‘batlantirish: IT-kompaniyalar va banklar tomonidan kibertahdidlar va kiberjinoyatlarni oldini olish dasturlarini ishlab chiqish va ish faoliyatiga tadbiq qilishni rag‘batlantrish.

XULOSA

Xulosa qilib aytganda, axborot texnologiyalari sohasidagi huquq-buzarliklar profilaktikasi faqatgina jazo choralarini kuchaytirish bilan cheklanmasligi kerak. Bu jarayonda texnik himoya, huquqiy savod-xonlik va viktimologik profilaktika uyg‘unlikda olib borilishi lozim. “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida”gi Qonun normalarini raqamli muhitga moslashtirish va innovatsion texnologiyalarni qo‘llash orqali fuqarolarning axborot makonidagi xavfsizligini ta’minlash imkoniyati oshadi.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasining “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to‘g‘risida”gi Qonuni. 14.05.2014 y.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktyabrdagi PF-6079-sonli Farmoni.

3. Mirziyoyev Sh.M. Yangi O‘zbekiston strategiyasi. – T.: “O‘zbekiston”, 2021.

4. Gulyamov S.S. Kiberhuquq asoslari. Darslik. – T.: TDYU, 2022.

ZAMONAVIY KRIMINOLOGIYA: YANGI YONDASHUVLAR, NAZARIYALAR VA AMALIY YO‘NALISHLAR

A’loxonov Muhammadmirzoxon Adhamxon o‘g‘li,

O‘zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti yetakchi ilmiy xodimi

Annotatsiya. Ushbu tezisda zamonaviy kriminologiyaning nazariy va amaliy taraqqiyot yo‘nalishlari tahlil qilinib, unda kriminologiya fanining yangi yondashuvlari, zamonaviy nazariyalari hamda jinoyatchilikni o‘rganish va oldini olishga qaratilgan amaliy yo‘nalishlari yoritilgan. Tezisda zamonaviy kriminologiya klassik qarashlarning oddiy davomchisi emas, balki, yangi ijtimoiy xavflar, texnologik o‘zgarishlar va tahliliy usullar ta’sirida shakllanayotgan kompleks ilmiy-amaliy yo‘nalish sifatida talqin etiladi.

Kalit so‘zlar: kriminologiya, zamonaviy kriminologiya, yangi yondashuvlar, kriminologik nazariyalar, fanlararo yondashuv, raqamli kriminologiya, kriminologik prognozlash, jinoyatchilik profilaktikasi, amaliy kriminologiya, ijtimoiy xavflar.

Zamonaviy davrda jamiyat hayotining barcha sohalarida yuz berayotgan chuqur ijtimoiy, iqtisodiy, siyosiy va texnologik o‘zgarishlar jinoyatchilikning shakllari, ko‘lami va namoyon bo‘lish mexanizmlariga ham sezilarli ta’sir ko‘rsatmoqda. Kriminologiya tarihan jinoyatchilikning sabablari, shart-sharoitlari, jinoyatchi shaxs omili va oldini olish mexanizmlarini o‘rganuvchi fan sifatida shakllangan bo‘lsa-da, bugungi bosqichda uning mazmuni sezilarli darajada kengaydi. Endilikda kriminologiya faqat jinoyat sodir etilganidan keyingi holatni tahlil qiluvchi fan emas, balki, ijtimoiy xavflarni oldindan prognoz qilish, xavf guruhlarini tavsiflash, hududlarda kriminogen vaziyat samaradorligini baholash, ma’lumotlarga asoslangan tahlilni amalga oshirish va profilaktik strategiyalarni ishlab chiqishga xizmat qiluvchi kompleks ilmiy-amaliy yo‘nalish sifatida namoyon bo‘lmoqda. Demak, zamonaviy kriminologiyani klassik kriminologiyaning oddiy davomi sifatida emas, balki yangi ijtimoiy voqelik ta’sirida transformatsiyalashayotgan mustaqil ilmiy bosqich sifatida tushunish zarur.

Shuni alohida ta’kidlash lozimki, zamonaviy kriminologiyaning asosiy farqlovchi jihatlaridan biri uning **fanlararo xarakteri**ning kuchayganligidir.

Hozirgi kriminologik izlanishlarda huquqshunoslik bilan bir qatorda sotsiologiya, psixologiya, pedagogika, iqtisodiyot, geografiya, axborot texnologiyalaridan keng foydalanilmoqda. Bu holat kriminologiyani tor yuridik fan doirasidan chiqarib, ijtimoiy xavfsizlikni kompleks ta'minlashga xizmat qiluvchi keng ilmiy tizimga aylantirmoqda. Aynan shu jihat zamonaviy kriminologiyaning mohiyatini anglashda markaziy o'rin tutadi.

Zamonaviy kriminologiyadagi yangi yondashuvlar

Zamonaviy kriminologiyaning rivojlanishida yangi yondashuvlarning shakllanishi alohida o'rin tutadi. Chunki bugungi jinoyatchilik nafaqat shaklan, balki, mazmunan, texnologik jihatdan va ijtimoiy ta'sir mexanizmlari nuqtayi nazaridan ham murakkablashib bormoqda. Shu sababli kriminologik tadqiqotlar va amaliy profilaktika faoliyati an'anaviy tushuntirish modellari bilan cheklanib qolmay, yangi ilmiy yondashuvlar asosida boyitilmoqda. Mazkur yondashuvlar jinoyatchilikni chuqurroq anglash, xavf omillarini erta aniqlash, profilaktika mexanizmlarini takomillashtirish va ilmiy prognozlash imkoniyatlarini kengaytirishga xizmat qiladi.

Zamonaviy kriminologiyadagi birinchi muhim yondashuv – bu **fanlararo yondashuvdir**. Kriminologiya bugungi bosqichda faqat yuridik doira bilan cheklangan holda jinoyatchilikni to'liq tushuntirib bera olmaydi. Jinoyatchilikning sabablari va namoyon bo'lish mexanizmlari ijtimoiy tengsizlik, iqtisodiy beqarorlik, oilaviy tarbiya, psixologik zo'riqish, axborot muhitining salbiy ta'siri, urbanizatsiya, migratsiya, raqamli texnologiyalar va madaniy o'zgarishlar bilan uzviy bog'liqdir. Shu sababli fanlararo yondashuv jinoyatchilikni huquqshunoslik, sotsiologiya, psixologiya, pedagogika, statistika, axborot texnologiyalari va boshqaruv nazariyasi nuqtayi nazaridan birgalikda o'rganishni nazarda tutadi. Bunday yondashuv zamonaviy kriminologiyaning metodologik salohiyatini sezilarli darajada oshiradi, chunki, u jinoyatchilik hodisasini bir tomonlama emas, balki, ko'p darajali va ko'p omilli tizim sifatida talqin qilish imkonini beradi.

Fanlararo yondashuvning afzalligi shundaki, u kriminologik tahlilda turli bilim manbalarini o'zaro integratsiya qiladi. Masalan, sotsiologik yondashuv ijtimoiy guruhlar va muhit ta'sirini aniqlasa, psixologik yondashuv individual motivlar va xulq mexanizmlarini tahlil qiladi, statistik yondashuv esa jinoyatchilikning miqdoriy ko'rsatkichlarini ifodalaydi. Pedagogik yondashuv voyaga yetmaganlar xulqidagi og'ishlarni tushuntirishga yordam beradi, axborot texnologiyalari esa raqamli muhitda

yuz berayotgan yangi xavf shakllarini aniqlash imkonini yaratadi. Shu ma’noda fanlararo yondashuv zamonaviy kriminologiyaning eng asosiy metodologik tayanchlaridan biriga aylandi.

Ikkinchi muhim yondashuv – bu **raqamli va texnologik yondashuvdir**. Axborotlashgan jamiyat sharoitida jinoyatchilikning muayyan qismi virtual makonga ko‘chib o‘tmoqda, asosiy qismi esa raqamli texnologiyalar vositasida sodir etilmoqda. Natijada kiberjinoyatchilik, raqamli firibgarlik, shaxsiy ma’lumotlardan noqonuniy foydalanish, onlayn manipulyatsiya, sun’iy intellekt asosidagi tahdidlar va ijtimoiy tarmoqlar orqali shakllanayotgan deviant xulq kabi hodisalar kriminologik tahlil obyekti sifatida kengaymoqda. Bunday sharoitda zamonaviy kriminologiya raqamli izlar, ma’lumotlar bazasi, algoritmik tahlil, geoinformatsion tizimlar, kriminologik xaritalash vositalaridan faol foydalanishni talab etadi.

Raqamli yondashuvning muhim jihati shundaki, u jinoyatchilikni nafaqat sodir bo‘lgan hodisa sifatida, balki katta hajmdagi ma’lumotlar oqimi ichida kuzatiladigan tendensiya sifatida o‘rganish imkonini beradi. Shu ma’noda raqamli yondashuv zamonaviy kriminologiyaning tahliliy va prognostik imkoniyatlarini sezilarli ravishda kengaytiradi. Biroq, bu yondashuv faqat texnik vosita emas, balki yangi ilmiy tafakkur usuli sifatida ham namoyon bo‘ladi, chunki, u dalillarga, raqamli kuzatuvga va model asosidagi tahlilga tayangan kriminologik yondashuvni shakllantiradi.

Uchinchi muhim yondashuv – **shaxsga yo‘naltirilgan differensial yondashuvdir.** An’anaviy kriminologiyada ko‘pincha jinoyatchi shaxs umumiy tur sifatida ko‘rib chiqilgan bo‘lsa, zamonaviy kriminologiyada turli toifadagi shaxslar va ijtimoiy guruhlarning o‘ziga xos xususiyatlarini inobatga olishga katta e’tibor beriladi. Masalan, voyaga yetmaganlar, xotin-qizlar, migrantlar, jabrlanuvchilar, retsidivistlar, ijtimoiy moslashuvi sust shaxslar yoki internet muhitiga yuqori darajada bog‘langan yoshlar alohida kriminologik tahlil obyektiga aylanmoqda. Bu esa differensial profilaktika choralarini ishlab chiqish, individual xavf darajasini baholash va alohida ijtimoiy toifalarga mos yondashuvlarni taklif qilish imkonini beradi.

Mazkur yondashuv zamonaviy kriminologiyada viktimologiya, yuvenal kriminologiya, gender yondashuvi va penitensiar kriminologiya kabi maxsus yo‘nalishlarning rivojlanishini ham kuchaytirdi. Bunday yondashuv shaxsni umumiy jinoyatchilik statistikasi tarkibida emas,

balki, o‘zining psixologik, ijtimoiy, demografik va muhit omillari bilan birga ko‘rishga imkon beradi. Shu ma’noda differensial yondashuv kriminologik tahlilni yanada nozik, manzilli va samarali qiladi.

To‘rtinchi muhim yo‘nalish – **hududiy va atrof-muhitga asoslangan yondashuvdir**. Zamonaviy kriminologiyada jinoyatchilik shunchaki shaxs yoki guruh xulqi natijasi sifatida emas, balki muayyan hududiy makon, urbanistik tuzilma, jamoatchilik nazorati darajasi, transport va kommunikatsiya yo‘llari, bo‘sh vaqt infratuzilmasi va ijtimoiy muhit ta’sirida yuzaga keluvchi hodisa sifatida ham o‘rganiladi. Atrof-muhit kriminologiyasi va hududiy monitoringga asoslangan yondashuvlar jinoyatning qayerda, qachon va qanday sharoitda ko‘proq sodir bo‘lishini aniqlash imkonini beradi[1]. Bu esa hududiy profilaktika, xavfli hududlarni aniqlash, jamoat tartibi choralarini kuchaytirish va urbanistik boshqaruvni takomillashtirish uchun muhim ahamiyatga ega.

Mazkur yondashuv, ayniqsa, geoinformatsion texnologiyalar va kriminologik xaritalash vositalari bilan boyitilganda yanada kuchli natija beradi. Chunki bu usul orqali jinoyatchilikning makon bo‘yicha taqsimlanishi, xavf nuqtalari, ijtimoiy nazorat sust hududlar va turli infratuzilmaviy omillarning ta’siri aniqroq ko‘rsatiladi. Shu sababli hududiy yondashuv zamonaviy kriminologiyaning nafaqat nazariy, balki bevosita boshqaruv va profilaktik amaliyotga xizmat qiluvchi yo‘nalishlaridan biridir.

Beshinchi muhim yondashuv – **profilaktik va prognostik yondashuvdir**. Zamonaviy kriminologiya jinoyatchilikni o‘rganishning yakuniy maqsadi sifatida faqat tushuntirishni emas, balki oldini olishni ham ko‘zlaydi. Profilaktik yondashuv jinoyatchilikka ta’sir qiluvchi omillarni erta bosqichda aniqlash, ularni bartaraf etishga qaratilgan ta’sir choralarini ishlab chiqish va ijtimoiy xavfsizlikni mustahkamlashga xizmat qiladi. Prognostik yondashuv esa jinoyatchilikning kelgusi tendensiyalarini aniqlash, xavfning ortishi yoki kamayishini bashorat qilish va strategik qarorlar uchun ilmiy asos yaratishga qaratiladi. Bu yondashuvlar zamonaviy kriminologiyani amaliy jihatdan eng muhim va ijtimoiy foydali yo‘nalishlardan biriga aylantiradi.

Mazkur yondashuvning ahamiyati shundaki, u kriminologiyani faqat nazariy tafakkur maydoni sifatida emas, balki davlat siyosati,

[1] Situational Crime Prevention: Successful Case Studies. – Albany: Harrow and Heston, 1997.

jamoat xavfsizligi, profilaktika tizimi va ijtimoiy boshqaruvning ilmiy tayanchi sifatida namoyon qiladi. Ayniqsa, kriminologik prognozlash jinoyatchilik dinamikasini uzoq muddatli strategik nuqtayi nazardan ko‘ra bilish, resurslarni to‘g‘ri taqsimlash va manzilli profilaktika mexanizmlarini yaratishda muhim vositaga aylanmoqda.

Oltinchi yo‘nalish – **ilmiy dalillarga asoslangan yondashuvdir**. Zamonaviy kriminologiyada nazariy mulohaza yoki umumiy kuzatuvning o‘zi yetarli deb hisoblanmaydi, aksincha, ilmiy xulosa aniq ma’lumotlar, statistik dalillar, kuzatuvlar, monitoring va empirik tahlil bilan mustahkamlangan bo‘lishi zarur[2]. Dalillarga asoslangan yondashuv ilmiy xulosalarning ishonchliligini oshiradi, subyektivlikni kamaytiradi va amaliy tavsiyalarning samaradorligini kuchaytiradi. Bu yondashuv, ayniqsa, zamonaviy siyosat ishlab chiqish, profilaktika dasturlarini baholash va ilmiy takliflarning amaliy natijasini o‘lchashda alohida ahamiyatga ega.

Mazkur yondashuv shuni ko‘rsatadiki, zamonaviy kriminologiya faqat konseptual fikrlash bilan emas, balki verifikatsiya qilinadigan *(tekshiriladigan)* va baholanadigan dalillarga tayangan holda rivojlanishi kerak. Bu esa fanning ilmiy maqomini mustahkamlaydi va uni normativ-bayoniy yondashuvdan analitik va empirik yondashuvga yaqinlashtiradi.

Yuqoridagi fikrlarni umumlashtirib aytganda, zamonaviy kriminologiyadagi yangi yondashuvlar fanning metodologik yangilanishi va amaliy salohiyatining ortganidan dalolat beradi. Ular kriminologiyani huquqiy tahlil doirasidan chiqarib, ijtimoiy xavfsizlikni kompleks, manzilli va ilmiy asosda ta’minlashga xizmat qiluvchi fan sifatida rivojlantirmoqda. Aynan shu yondashuvlar tufayli zamonaviy kriminologiya yanada moslashuvchan, daliliy, texnologik va strategik fan sifatida shakllanmoqda.

Zamonaviy kriminologiyaning mazmunini chuqur anglash uchun uning nazariy asoslarini tahlil qilish alohida ahamiyat kasb etadi. Chunki, har qanday ilmiy fan singari kriminologiya ham o‘z predmetini tushuntirish, uning ichki qonuniyatlarini ochish va amaliy yechimlar ishlab chiqishda muayyan nazariyalarga tayanadi.

Zamonaviy kriminologiyada muhim o‘rin tutuvchi nazariyalardan biri – **ijtimoiy nazorat nazariyasidir**. Ushbu nazariyaga ko‘ra, insonni huquqbuzarlik sodir etishdan to‘xtatib turuvchi asosiy omil jamiyat

[2] Weisburd D., Telep C.W. What Works in Crime Prevention and Rehabilitation // Criminology & Public Policy. – 2014.

bilan bo‘lgan ijtimoiy bog‘liqlik, ya’ni oila, maktab, mehnat, jamoa va ijtimoiy qadriyatlar tizimidir[3]. Agar shaxsning jamiyat bilan bo‘lgan aloqalari sustlashsa yoki ijtimoiy nazorat mexanizmlari zaiflashsa, deviant xulq ehtimoli ortadi.

Yana bir muhim nazariya – **differensial assotsiatsiya nazariyasidir**. Mazkur yondashuv jinoyatchilikni o‘rganilgan xulq modeli sifatida tushuntiradi. Unga ko‘ra, shaxs huquqbuzarlikni tug‘ma xususiyat natijasida emas, balki, ma’lum ijtimoiy muhitda, ma’lum guruhlar ta’sirida o‘rganadi.

Zamonaviy kriminologik nazariyalar qatorida **ijtimoiy bosim nazariyasi *(strain theory)*** ham alohida o‘rin egallaydi. Mazkur nazariya shaxs va jamiyat o‘rtasidagi nomuvofiqlik, ya’ni ijtimoiy maqsadlar bilan ularga qonuniy yo‘l orqali erishish imkoniyatlari o‘rtasidagi tafovut jinoyatchilikka olib kelishi mumkinligini asoslaydi[4].

Shuningdek, zamonaviy kriminologiyada **routine activity theory *(kundalik faoliyat nazariyasi)*** keng qo‘llaniladi. Bu nazariyaga ko‘ra, jinoyat sodir bo‘lishi uchun uchta asosiy element bir vaqtning o‘zida mavjud bo‘lishi kerak: motivatsiyalangan huquqbuzar, mos nishon va yetarli nazoratning yo‘qligi. Mazkur nazariya zamonaviy sharoitda juda amaliy ahamiyatga ega, chunki, u jinoyatchilikni faqat shaxs ichki motivlari orqali emas, balki kundalik hayotning tashkiliy tuzilishi, muhit va nazoratning real holati orqali tushuntiradi.

Zamonaviy nazariyalar ichida **environmental criminology *(atrof-muhit kriminologiyasi)*** alohida o‘rin egallaydi. Ushbu nazariya jinoyatchilikni hududiy makon, urbanistik muhit, jamoat nazorati darajasi, infratuzilma, harakat yo‘nalishlari va atrof-muhit sharoitlari bilan bog‘liq holda tushuntiradi. Bu yondashuvga ko‘ra, jinoyat faqat shaxsiy qaror natijasi emas, balki, muayyan makon va vaziyat bilan shartlangan hodisa hamdir.

Zamonaviy kriminologik tafakkurda **labeling theory *(tamg‘alash nazariyasi)*** ham muhim ahamiyatini saqlab qolmoqda. Ushbu nazariyaga ko‘ra, ba’zi hollarda shaxsning deviant yoki jinoyatchi sifatida ijtimoiy tamg‘alanishi uning keyingi xulq-atvoriga salbiy ta’sir ko‘rsatishi va ijtimoiy chetlanishni kuchaytirishi mumkin[5]. Zamonaviy sharoitda bu nazariya,

[3] Hirschi T. Causes of Delinquency. – Berkeley: University of California Press, 1969; Sampson R.J., Laub J.H. Crime in the Making. – Harvard University Press, 1993.

[4] Merton R.K. Social Structure and Anomie. – 1938; Agnew R. Foundation for a General Strain Theory. – 1992.

[5] Becker H.S. Outsiders: Studies in the Sociology of Deviance. – New York: Free Press, 1963.

ayniqsa voyaga yetmaganlar, birlamchi huquqbuzarlik sodir etgan shaxslar, sobiq mahkumlar va ijtimoiy stigmatizatsiyaga duch keladigan guruhlar bilan ishlashda muhim nazariy asos bo‘lib xizmat qiladi.

Zamonaviy nazariy yo‘nalishlar qatorida **critical criminology** ***(tanqidiy kriminologiya)*** ham alohida e’tiborga loyiqdir[6]. Ushbu yondashuv jinoyatchilikni faqat individual xulq yoki mikromuhit mahsuli sifatida emas, balki, ijtimoiy tengsizlik, hokimiyat munosabatlari, iqtisodiy tuzilmalar va ijtimoiy adolatsizlik kontekstida tushuntirishga harakat qiladi.

Shuningdek, **feministik kriminologiya** va **madaniy kriminologiya** kabi yo‘nalishlar ham zamonaviy nazariy manzarani boyitmoqda. Feministik kriminologiya jinoyatchilik va viktimlik jarayonlarini gender nuqtayi nazaridan tahlil qilib, ayollar jinoyatchiligi, ayollarga nisbatan zo‘ravonlik, ijtimoiy zaiflik va gender tengsizligi bilan bog‘liq masalalarni yoritadi[7]. Madaniy kriminologiya esa jinoyatchilikni ramzlar, ommaviy madaniyat, identitet, qarshilik va submadaniyatlar bilan bog‘liq holda tushuntiradi.

Yuqoridagilardan kelib chiqib, zamonaviy kriminologik nazariyalar fanning nazariy bazasini sezilarli darajada kengaytirgani, jinoyatchilikni turli darajada va turli kontekstda anglash imkonini yaratgani ko‘rinadi. Bu nazariyalar nafaqat jinoyatchilik sabablarini tushuntiradi, balki amaliy profilaktika, xavf baholash, hududiy monitoring, reabilitatsiya va boshqaruv qarorlarini ishlab chiqishda ham ilmiy asos vazifasini bajaradi. Shu ma’noda zamonaviy kriminologik nazariyalar fanning konseptual tayanchi bo‘lish bilan birga, uning amaliy samaradorligini belgilovchi muhim omil hamdir.

[6] The New Criminology: For a Social Theory of Deviance. – London: Routledge, 1973.
[7] Daly K., Chesney-Lind M. Feminism and Criminology // Justice Quarterly. – 1988.

O‘ZGALAR MULKINI TALON-TAROJ QILISH BILAN BOG‘LIQ JINOYATLARNI FOSH ETISH TUSHUNCHASI VA TASNIF

Sattarov Mansur Abdugafurovich,

IIV huzuridagi Tergov departamenti boshlig‘ining o‘rinbosari, polkovnik

Annotatsiya*. Ushbu tezisda fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarini tergov qilishni takomillashtirishda xalqaro-huquqiy hujjatlarning o‘rni va ahamiyati tahlil qilinib, mazkur toifadagi jinoyatlarni tergov qilishda qo‘llaniladigan xalqaro standartlar, protsessual yondashuvlar, dalillar bilan ishlash mexanizmlari hamda xalqaro hamkorlikning asosiy yo‘nalishlari yoritiladi. Shuningdek, xalqaro-huquqiy hujjatlarning milliy tergov amaliyotini takomillashtirishdagi roli, jinoyatlarni fosh etish samaradorligini oshirishga ta’siri va ularni amaliyotga tatbiq etishning ustuvor jihatlari ochib beriladi.*

Kalit so‘zlar*: fosh etilmagan jinoyatlar, tergov, xalqaro-huquqiy hujjatlar, xalqaro standartlar, dalillar bilan ishlash, tergov samaradorligi, protsessual kafolatlar, xalqaro hamkorlik, jinoyatlarni fosh etish.*

Iqtisodiyot sohasidagi jinoyatlar tizimida talon-toroj bilan bog‘liq qilmishlar doimo yuqori ijtimoiy xavflilik darajasi bilan ajralib turadi. Bunday jinoyatlar nafaqat fuqarolar va tashkilotlarning mulkiy manfaatlariga zarar yetkazadi, balki, iqtisodiy barqarorlik, huquqiy ishonch va jamoat xavfsizligi muhitiga ham salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Ayniqsa, talon-toroj jinoyatlarining fosh etilmagan holatlari huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyati samaradorligi, dalillar bilan ishlash sifati, jinoyat izlarini aniqlash imkoniyatlari va tergov metodikasining yetarliligi bilan bog‘liq jiddiy muammolarni yuzaga chiqaradi. Shu sababli mazkur toifadagi jinoyatlarni tergov qilishni takomillashtirish masalasi zamonaviy jinoyat-protsessual siyosatning dolzarb yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi.

Fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlari muammosi faqat milliy tergov amaliyotiga xos bo‘lgan tor masala emas. U global miqyosda ham dolzarb bo‘lib, jinoyatlarni aniqlash, dalillarni qonuniy yig‘ish, mol-mulkning harakatini kuzatish, jinoyatdan olingan aktivlarni aniqlash, transchegaraviy elementlarni hisobga olish hamda xalqaro hamkorlik mexanizmlarini ishga solish zaruratini keltirib chiqaradi. Ayniqsa, zamonaviy

sharoitda talon-toroj jinoyatlari moliyaviy operatsiyalar, elektron to‘lov vositalari, soxta hujjatlar, vositachilik sxemalari va turli yashirish mexanizmlari bilan murakkablashib borayotganligi tergov faoliyatini an’anaviy usullar bilangina samarali olib borishni qiyinlashtirmoqda. Bu esa xalqaro-huquqiy hujjatlarda mustahkamlangan standartlar, protsessual yondashuvlar va hamkorlik mexanizmlarini chuqur o‘rganish zaruratini kuchaytiradi.

Shuni alohida ta’kidlash lozimki, fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarini tergov qilishdagi qiyinchiliklar ko‘pincha bir necha omillar bilan bog‘liq bo‘ladi. Jumladan, jinoyat izlarining yashirilishi, daliliy bazaning yetarli shakllanmasligi, moliyaviy yoki mulkiy izlarning murakkab sxemalar orqali berkitilishi, gumon qilinuvchilarning aniq identifikatsiya qilinmasligi, jabrlanuvchi va guvohlarning ko‘rsatmalaridagi ziddiyatlar, shuningdek, ayrim hollarda jinoyatning transchegaraviy unsurlar bilan bog‘liq bo‘lishi tergov jarayonini murakkablashtiradi. Bunday sharoitda xalqaro standartlar tergov faoliyatining metodik asoslarini boyitish, dalillarni to‘plash va baholashda aniq yondashuvlarni shakllantirish hamda tergov organlari faoliyatini samaraliroq tashkil etishga yordam beradi.

Bugungi kunda xalqaro-huquqiy hujjatlar doirasida jinoyatlarni tergov qilishning qonuniylik, xolislik, tezkorlik, inson huquqlariga rioya etish, mol-mulk va aktivlarni aniqlash, xalqaro hamkorlikni yo‘lga qo‘yish hamda protsessual kafolatlarni ta’minlash kabi tamoyillari alohida o‘rin egallaydi. Aynan ushbu tamoyillar fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarini tergov qilishni takomillashtirishda muhim metodologik asos bo‘lib xizmat qilishi mumkin. Chunki, tergov sifati faqat jinoyatni ochish natijasi bilan emas, balki ushbu natijaga qanday huquqiy va protsessual vositalar bilan erishilganligi bilan ham belgilanadi.

Fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarini tergov qilishni takomillashtirish masalasi xalqaro-huquqiy hujjatlarni tahlil qilmasdan turib to‘liq anglanmaydi. Buning sababi shundaki, zamonaviy tergov amaliyoti nafaqat milliy jinoyat-protsessual normalarga, balki, davlatlar o‘rtasidagi hamkorlik, o‘zaro huquqiy yordam, aktivlarni aniqlash va musodara qilish, dalillarni qonuniy yig‘ish hamda protsessual kafolatlarni ta’minlashga oid xalqaro standartlarga ham tayana boshlagan. Ayniqsa, mulkiy jinoyatlar murakkablashib, moliyaviy va transchegaraviy elementlar bilan boyib

borayotgan bir sharoitda xalqaro-huquqiy hujjatlar tergov faoliyati uchun metodologik va tashkiliy tayanch vazifasini bajaradi.

Xalqaro-huquqiy hujjatlarning umumiy tavsifida, avvalo, ular **universal, mintaqaviy** va **soft law** ***(qat'iy majburiy bo'lmagan, ammo, amaliy standart yaratadigan)*** hujjatlarga ajralishini qayd etish zarur. Universal hujjatlar, odatda, Birlashgan Millatlar Tashkiloti doirasida qabul mazkur yo'nalishdagi eng muhim universal hujjatlardan biri – **Birlashgan Millatlar Tashkilotining Transmilliy uyushgan jinoyatchilikka qarshi konvensiyasi** *(UNTOC)* hisoblanadi. Ushbu Konvensiya davlatlar o'rtasida ekstraditsiya, o'zaro huquqiy yordam, musodara, jinoyatdan olingan daromadlarni aniqlash va boshqa tergoviy hamkorlik choralarini belgilab beradi. UNTOC ayniqsa transchegaraviy yoki uyushgan shakl kasb etgan mulkiy jinoyatlarni tergov qilishda muhim bo'lib, uning 18-moddasi o'zaro huquqiy yordamning keng choralarini nazarda tutadi, 12–14-moddalari esa jinoyatdan olingan daromadlarni musodara qilish va ular bilan ishlashga doir mexanizmlarni belgilaydi. Shu sababli mazkur Konvensiya fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarida, ayniqsa mulk izlarini aniqlash va xorijdagi ma'lumotlarni olish zarur bo'lgan holatlarda, asosiy xalqaro-huquqiy tayanchlardan biri sifatida namoyon bo'ladi.

Ikkinchi muhim xalqaro hujjat – **BMTning Korrupsiyaga qarshi konvensiyasi** *(UNCAC)*dir. Mazkur Konvensiya, bir qarashda, asosan korrupsiyaviy jinoyatlarga qaratilgandek ko'rinsa-da, unda aktivlarni qaytarish, mulkiy izlarni aniqlash, musodara, bank va moliyaviy axborotdan foydalanish, xalqaro huquqiy yordam va tergovda hamkorlik bo'yicha mustahkam qoidalar mavjud. Ayniqsa, UNCACning V bobida aktivlarni qaytarish alohida bob sifatida mustahkamlangani uning amaliy ahamiyatini kuchaytiradi. Talon-toroj jinoyatlari, ayniqsa ishonib topshirilgan mulkni o'zlashtirish, mansabdorlik bilan bog'liq mulkiy talon-toroj yoki murakkab moliyaviy sxemalar orqali yashirilgan aktivlar holatida, aynan ushbu Konvensiya standartlari tergov uchun muhim bo'lishi mumkin. Shu bois UNCACni fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarini tergov qilishga oid umumiy xalqaro-huquqiy baza tarkibiga kiritish ilmiy va amaliy jihatdan asosli hisoblanadi.

Fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarini tergov qilishda xalqaro-huquqiy hujjatlarning ahamiyati faqat jinoyatni kvalifikatsiya qilish bilan cheklanmaydi; ular tergovning **protsessual arxitekturasini** ham belgilaydi. Xususan, ushbu hujjatlar doirasida dalillarni yig'ishning qonuniyligi,

boshqa davlatlardan hujjat va ma’lumotlar olish, bank va moliyaviy axborotdan foydalanish, aktivlarni muzlatish va musodara qilish, o‘zaro huquqiy yordam so‘rovlarini yuborish hamda tergov organlari o‘rtasidagi hamkorlikning umumiy qoidalari mustahkamlanadi. Bu esa fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarida eng ko‘p uchraydigan muammo – jinoyat izlarining yo‘qolishi yoki xorijiy yurisdiksiyalarda tarqalib ketishi – bartaraf etishda alohida ahamiyat kasb etadi.

Mazkur sohadagi xalqaro standartlarning yana bir muhim qatlami – **Financial Action Task Force** *(FATF)* **tavsiyalaridir**[1]. To‘g‘ri, FATF tavsiyalari klassik ma’nodagi shartnoma yoki konvensiya emas, biroq, ular pul yuvishga, noqonuniy daromadlarni legallashtirishga, benefitsiar mulkdorlikni aniqlashga, moliyaviy monitoringga va xalqaro hamkorlikka oid global standart sifatida qabul qilinadi. Talon-toroj jinoyatlarida, ayniqsa, mulkning pul oqimlari, bank tizimi, vositachilik sxemalari va yashirilgan aktivlar bilan bog‘liq qismi mavjud bo‘lsa, FATF standartlari tergov uchun juda muhim operatsion yo‘nalish beradi. Shu ma’noda, FATF tavsiyalari qat’iy konvensiyaviy majburiyat bo‘lmasa-da, fosh etilmagan mulkiy jinoyatlarni tergov qilishni takomillashtirishga oid xalqaro standartlar tizimining ajralmas qismi sifatida baholanishi mumkin.

Xalqaro-huquqiy hujjatlarning umumiy tavsifida yana bir muhim jihat – ularning **dalil to‘plash va aktivlarni qaytarish** bilan bog‘liq funksional yo‘nalishidir. Zamonaviy tergovda mulkni kim egallagani, qayerga o‘tkazilgani, qanday instrumentlar orqali yashirilgani va qay tarzda musodara qilinishi mumkinligini aniqlash hal qiluvchi ahamiyatga ega. UNTOC va UNCAC aynan shu nuqtada tergov uchun huquqiy asos yaratadi: birinchisi uyushgan va transmilliy jinoyatlar bilan bog‘liq musodara va hamkorlikni, ikkinchisi esa aktivlarni qaytarish va korrupsiyaviy-mulkiy daromadlarni aniqlash mexanizmlarini tizimlashtiradi. Natijada xalqaro hujjatlar talon-toroj jinoyatini “ochish”ni faqat shaxsni topish bilangina emas, balki mulkiy oqibatni tiklash va noqonuniy aktivlarni qaytarish bilan bog‘liq kompleks jarayon sifatida ko‘rishga undaydi.

Ushbu hujjatlarning umumiy tavsifida ularning **inson huquqlari va protsessual kafolatlar** bilan bog‘liq qirrasini ham e’tibordan

[1] FATF – bu xalqaro tashkilot (Pul yuvish va noqonuniy moliyaviy faoliyatga qarshi kurash bo‘yicha xalqaro ishchi guruhi) bo‘lib, u pul yuvish (money laundering) va **terrorizmni moliyalashtirish (terrorist financing)**ga qarshi kurash bo‘yicha global standartlarni ishlab chiqadi.

chetda qoldirib bo‘lmaydi. Xalqaro standartlar tergov samaradorligini oshirishni talab qilgani bilan birga, dalillarni qonuniy va xolis yig‘ish, asossiz aralashuvga yo‘l qo‘ymaslik, himoya huquqini ta’minlash va o‘zaro huquqiy yordamni protsessual kafolatlar asosida amalga oshirishni ham nazarda tutadi. Shu sababli xalqaro-huquqiy hujjatlar tergov organlariga faqat kengroq vakolat emas, balki, yuqoriroq huquqiy mas’uliyat va protsessual intizom yuklaydi. Bu esa fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarini tergov qilishni takomillashtirishda “natija” va “qonuniylik”ning birligini ta’minlash zarurligini ko‘rsatadi.

Shuningdek, xalqaro-huquqiy hujjatlar umumiy tavsifida ularning **milliy qonunchilikka implementatsiya qilinishi** alohida o‘rin tutadi. Konvensiya va standartlar o‘z-o‘zidan tergov samaradorligini oshirmaydi; ular milliy jinoyat-protsessual qonunchilik, dalillash qoidalari, moliyaviy monitoring tizimi, xalqaro so‘rovlarni yuborish tartibi va tergovchilar malakasi orqali hayotga tatbiq etilgandagina real natija beradi. Shu sababli bu hujjatlarni o‘rganish faqat nazariy tahlil emas, balki, milliy tergov tizimini takomillashtirish uchun qaysi me’yor va mexanizmlar o‘zlashtirilishi lozimligini aniqlash vazifasini ham bajaradi.

Umumlashtirib aytganda, fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarini tergov qilishga oid xalqaro-huquqiy hujjatlar yagona bitta hujjat bilan cheklanmaydi; ular o‘zaro bog‘liq konvensiyalar, standartlar va amaliy qo‘llanmalardan iborat tizimni tashkil etadi. Ushbu tizim tergov organlariga jinoyatni aniqlash, dalillarni qonuniy yig‘ish, aktivlarni topish, boshqa davlatlardan huquqiy yordam olish va jinoyatdan kelib chiqqan mulkiy oqibatlarni bartaraf etish bo‘yicha yo‘nalish beradi. Aynan shu jihat xalqaro-huquqiy hujjatlarning umumiy tavsifini nafaqat normativ, balki, funksional va amaliy kategoriya sifatida baholash imkonini beradi.

Umuman olganda, fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarini tergov qilishni takomillashtirishga ta’sir qiluvchi asosiy xalqaro-huquqiy hujjatlar sifatida **UNTOC, UNCAC** va **FATF tavsiyalari** markaziy o‘rin egallaydi. Ular birgalikda tergovning uch asosiy yo‘nalishini ta’minlaydi: birinchisi – xalqaro hamkorlik va o‘zaro huquqiy yordam; ikkinchisi – aktivlarni aniqlash, muzlatish, musodara va qaytarish; uchinchisi – moliyaviy izlarni kuzatish va haqiqiy mulkdorlikni aniqlash. Aynan shu uchlik fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarini tergov qilishda zamonaviy va samarali modelni shakllantirishga xizmat qiladi.

Mazkur hujjatlarning birinchi muhim ahamiyati – ular **tergovning umumiy huquqiy yo‘nalishini standartlashtiradi**. BMTning Transmilliy uyushgan jinoyatchilikka qarshi konvensiyasi va Korrupsiyaga qarshi konvensiyasi davlatlarga jinoyatdan olingan daromadlarni aniqlash, musodara qilish, aktivlarni muzlatish, o‘zaro huquqiy yordam ko‘rsatish va xalqaro tergoviy hamkorlikni yo‘lga qo‘yish bo‘yicha aniq huquqiy asos beradi. Bu normalar tergov organlari uchun yagona umumiy mezon yaratadi va turli davlatlarning protsessual tizimlari o‘rtasida uyg‘unlik hosil qiladi. Natijada tergovchi murakkab talon-toroj jinoyatini ochishda nafaqat milliy qonunchilikka, balki, xalqaro e’tirof etilgan protsessual va institutsional qoidalarga ham tayanish imkoniga ega bo‘ladi.

Ikkinchi muhim jihat – xalqaro-huquqiy hujjatlar **dalillarni yig‘ish va ulardan foydalanish imkoniyatlarini kengaytiradi**. Fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarida asosiy muammolardan biri shundaki, jinoyat izlari ko‘pincha bir nechta joyda, turli hujjatlarda, bank yozuvlarida yoki xorijiy tashkilotlar tasarrufidagi ma’lumotlarda bo‘ladi. Xalqaro konvensiyalar va hamkorlik standartlari boshqa davlatlardan bank ma’lumotlari, hujjatlar, korporativ yozuvlar va boshqa daliliy axborotni olish uchun huquqiy asos yaratadi. Bu esa tergov organining dalillash imkoniyatini kengaytiradi va jinoyatning faqat tashqi ko‘rinishini emas, balki, uning moliyaviy va huquqiy mexanizmini ham ochib berish imkonini beradi.

Xalqaro-huquqiy hujjatlarning uchinchi muhim ahamiyati – ular **aktivlarni aniqlash, muzlatish va qaytarish jarayonida amaliy samaradorlikni oshiradi**. Talon-toroj jinoyatlarida jinoyatni fosh etish ko‘pincha faqat aybdor shaxsni aniqlash bilangina cheklanmaydi; noqonuniy egallangan mulkni topish, uning qayerga o‘tkazilganini aniqlash, boshqa aktivlarga aylantirilganini fosh etish va oxir-oqibat uni qaytarish ham muhim vazifa hisoblanadi. **UNCAC** va **UNTOC**da aktivlarni aniqlash va musodara qilishga oid qoidalar, **FATF** tavsiyalarida esa benefitsiar mulkdorlik va shubhali moliyaviy operatsiyalar monitoringiga oid standartlar mustahkamlangan. Bu normalar tergov amaliyotida “shaxsni topish” bilan birga “mulkni tiklash”ga yo‘naltirilgan kompleks modelni shakllantiradi.

To‘rtinchi jihat – xalqaro-huquqiy hujjatlar **xalqaro hamkorlikni protsessual jihatdan qonuniy va tezkor shaklga keltiradi**. Talon-toroj jinoyatining ayrim unsurlari xorijiy banklarda, kompaniya reyestrlarida

yoki boshqa yurisdiksiyalardagi shaxslar bilan bog‘liq bo‘lsa, tergovning muvaffaqiyati to‘g‘ridan to‘g‘ri xalqaro yordam olish tezligi va sifati bilan bog‘liq bo‘ladi. BMT konvensiyalari davlatlar o‘rtasida o‘zaro huquqiy yordam, ma’lumot almashinuvi, hujjatlar taqdim etish va musodara bo‘yicha hamkorlikni nazarda tutadi. Bu esa tergov organlariga xalqaro yordamni tasodifiy diplomatik usulda emas, balki normativ jihatdan mustahkamlangan tartib asosida so‘rash imkonini beradi. Aynan shu tartiblilik fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarida tergovning vaqtga sezgir bosqichlarida juda katta ahamiyat kasb etadi.

Beshinchi muhim ahamiyat – xalqaro-huquqiy hujjatlar **moliyaviy tergov metodikasini kuchaytiradi**. Talon-toroj jinoyatlari ko‘pincha an’anaviy “ashyoviy izlar”dan ko‘ra moliyaviy izlar orqali ko‘proq ochiladi. **FATF** tavsiyalari, moliyaviy razvedka tamoyillari va aktivlarni qaytarishga oid xalqaro standartlar tergovchi e’tiborini pul oqimlari, hisob-raqamlar, haqiqiy mulkdorlik, yuridik shaxslar zanjiri va shubhali operatsiyalarni tahlil qilishga qaratadi. Natijada tergov amaliyotida klassik so‘roq va ko‘zdan kechirish bilan birga moliyaviy analitika, bank ma’lumotlari bilan ishlash va raqamli tranzaksiyalarni tahlil qilish kabi yangi yondashuvlar paydo bo‘ladi. Bu esa ayniqsa fosh etilmagan mulkiy jinoyatlar uchun hal qiluvchi ahamiyatga ega.

Oltinchi jihat – xalqaro-huquqiy hujjatlar **tergov faoliyatida protsessual kafolatlar va inson huquqlariga rioya etilishini mustahkamlaydi**. Tergov samaradorligini oshirish zarurati ba’zan huquqiy chegaralardan chiqib ketish xavfini yuzaga keltirishi mumkin. Biroq, xalqaro standartlar dalillarni yig‘ish, ma’lumot olish, aktivlarni muzlatish va xalqaro yordamdan foydalanishda qonuniylik, mutanosiblik, xolislik va himoya huquqiga rioya etilishi lozimligini belgilaydi. Bu jihat tergovning nafaqat “samarali”, balki, “qonuniy va adolatli” bo‘lishini ham ta’minlaydi. Shu sababli xalqaro-huquqiy hujjatlar tergov amaliyotiga ikki tomonlama ta’sir ko‘rsatadi: bir tomondan vakolat va imkoniyatlarni kengaytiradi, ikkinchi tomondan protsessual intizom va huquqiy mas’uliyatni oshiradi.

Yettinchi muhim jihat – bu hujjatlarning **milliy qonunchilik va institutsional amaliyotni takomillashtirishdagi rolidir**. Xalqaro konvensiyalar ratifikatsiya qilingach, davlatlar odatda milliy jinoyat-protsessual me’yorlarni, musodara institutini, o‘zaro huquqiy yordam tartiblarini, moliyaviy monitoring mexanizmlarini va tergovchilarning malaka

tizimini qayta ko‘rib chiqishga majbur bo‘ladi. Shu tariqa xalqaro-huquqiy hujjatlar bevosita alohida jinoyat ishiga emas, balki butun tergov tizimining institutsional sifati va imkoniyatlariga ta’sir qiladi. Natijada tergov organlari zamonaviy jinoyatchilik shakllariga nisbatan ko‘proq moslashgan, ko‘proq axborotga ega va ko‘proq huquqiy mexanizmlar bilan qurollangan tizimga aylanadi.

Sakkizinchi jihat – xalqaro-huquqiy hujjatlar **tergovning metodik madaniyatini** o‘zgartiradi. Ular tergovchiga jinoyatni faqat alohida voqea emas, balki aktivlar harakati, moliyaviy manfaat, huquqiy aloqalar va xalqaro izlar zanjiri sifatida ko‘rishni o‘rgatadi. Ayniqsa aktivlarni qaytarish, benefitsiar mulkdorlik, shubhali operatsiyalar monitoringi va transchegaraviy huquqiy yordam kabi institutlar tergov tafakkurini yangilaydi. Bu esa amaliyotda tergovning yanada tahliliy, tizimli va strategik bo‘lishiga olib keladi. Shu ma’noda, xalqaro-huquqiy hujjatlarning ahamiyati faqat me’yor yaratish emas, balki tergov madaniyatini modernizatsiya qilishda ham namoyon bo‘ladi.

To‘qqizinchi jihat – xalqaro-huquqiy hujjatlar **jinoyatni fosh etish mezonini kengaytiradi**. An’anaviy tasavvurda jinoyatni fosh etish ko‘proq aybdor shaxsni aniqlash va unga ayblov qo‘yish bilan bog‘lanadi. Biroq, xalqaro standartlar jinoyat natijasida olingan daromadlarni topish, ularni qaytarish, mulkiy oqibatlarni bartaraf etish va jinoyat sxemasini to‘liq tiklashni ham fosh etishning muhim qismi sifatida ko‘radi. Bu esa ayniqsa talon-toroj jinoyatlarida juda muhim, chunki bunday jinoyatlarda mulkiy oqibatni tiklamasdan turib tergovning amaliy samaradorligi to‘liq bo‘lmaydi.

Umumlashtirib aytganda, xalqaro-huquqiy hujjatlarning tergov amaliyotidagi ahamiyati ularning bir vaqtning o‘zida huquqiy, metodik, institutsional va operatsion ta’sir ko‘rsatishida namoyon bo‘ladi. Ular tergovchi uchun yangi vakolat va imkoniyatlar ochadi, milliy tizimni uyg‘unlashtiradi, dalillar bilan ishlash doirasini kengaytiradi, aktivlarni qaytarish mexanizmlarini mustahkamlaydi va protsessual qonuniylikni ta’minlaydi. Shu bois fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarini tergov qilishni takomillashtirishda xalqaro-huquqiy hujjatlar yordamchi omil emas, balki markaziy metodologik va amaliy tayanch sifatida baholanishi lozim.

Yakuniy ilmiy xulosa sifatida aytish mumkinki, fosh etilmagan talon-toroj jinoyatlarini tergov qilishni takomillashtirishda xalqaro-huquqiy hujjatlar markaziy ahamiyatga ega bo‘lib, ular tergov faoliyatini zamonaviylashtirish, dalillash imkoniyatlarini kengaytirish, aktivlarni qaytarish mexanizmlarini kuchaytirish va milliy jinoyat-protsessual tizimni xalqaro standartlar bilan uyg‘unlashtirishga xizmat qiladi. Shu bois mazkur yo‘nalishdagi xalqaro-huquqiy tajribani o‘rganish va amaliyotga tatbiq etish bugungi tergov faoliyatining ustuvor vazifalaridan biri bo‘lishi lozim.

Adabiyotlar ro‘yxati:

1. United Nations. *United Nations Convention against Transnational Organized Crime (UNTOC).* New York, 2000.

2. United Nations. *United Nations Convention against Corruption (UNCAC).* New York, 2003.

3. Financial Action Task Force (FATF). *International Standards on Combating Money Laundering and the Financing of Terrorism & Proliferation (FATF Recommendations).* Paris, 2012 (updated 2023).

4. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). *Manual on International Cooperation in Criminal Matters Related to Terrorism.* Vienna, 2019.

5. United Nations Office on Drugs and Crime (UNODC). *Stolen Asset Recovery Initiative (StAR): Asset Recovery Handbook.* Washington DC, 2011.

6. OECD. *Illicit Financial Flows and Asset Recovery: The Role of International Cooperation.* Paris, 2020.

7. Council of Europe. *Convention on Laundering, Search, Seizure and Confiscation of the Proceeds from Crime (Warsaw Convention).* Warsaw, 2005.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Пайзиев Дилшат Юлдашбаевич,

Криминология институти, етакчи илмий ходими

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси[1], Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон декларациясининг 11-модда [2] ҳамда Жиноят-процессуал кодекснинг 23-моддаси[3]га мувофиқ, “жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Айбланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминланади” – дея таъкидлаб ўтилган.

Мазкур асосий қоидалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг ушбу мазмундаги тахлили қуйидаги манзарани кўрсатди. Жиноят кодексининг Умумий ва Махсус қисм моддаларида 49 *(қирқ тўққиз)* маротаба “айбдор” атамаси қўлланилган. Мазкур ҳолатларнинг таҳлили юзасидан “айбдор” сўзини мантиқий, ҳуқуқий ва мазмуни жиҳатидан ўз ўрнида, тўғри қўллаш лозим деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 4-моддаси. Қонунийлик принципининг иккинчи қисмида, ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмаслиги қоидаси белгиланган. Шу билан биргаликда айтиш жоизки “айбдор” атамаси жиноят-процессуал қонунчилиги нуқтаи-назаридан суд томонидан айблов ҳукми қонуний кучга кирганлиги ҳолатини ўзида қамраб олади. Жиноят кодекси **Умумий ва Махсус қисмининг қатор моддаларида** “айбдор” атамаси мантиқий, ҳуқуқий ва мазмуни жиҳатидан ўринсиз қўлланилган. **Жумладан, ЖКнинг 20-моддаси.**

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, [Электрон манба] // https://lex.uz/docs/6445147/ *(мурожаат қилинган вақт: 10.02.2026)*.

2 Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 11 моддаси, [Электрон манба] // https://constitution.uz/uz/pages/humanrights/ (мурожаат қилинган вақт: 15.02.2026).

3 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 361-м. // [Электрон манба] // URL: https://lex.uz/ *(мурожаат қилинган вақт: 20.02.2026)*.

Айбнинг шакллари, ЖК 54-модда. Жазо тайинлашнинг умумий асослари, ЖК 56-модда. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар, биринчи қисм, “а”,”г”, “ж” бандлари, ЖК 57-модда. Енгилроқ жазо тайинлаш, учинчи қисми, ЖК 57[1]-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганида жазо тайинлаш, ЖК 58-модда. Тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноятлар учун жазо тайинлаш, ўнинчи қисми, ЖК 64-модда. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш, учинчи қисми, ЖК 66-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш, ЖК 72-модда. Шартли ҳукм қилиш ва ЖК 87-модда. Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш[4] моддалари шулар жумласидандир. Масалан, Жиноят кодексининг 20-моддаси. Айбнинг шакллари тушунчасида қонуншунос томонидан кодексда назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Мазкур нормадаги тушунчанинг мазмуни юқорида таъкидлаб ўтилган, қонунийлик принципидаги, ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмаслиги қоидасига нисбатан зид тушунчадир ҳамда жиноят-процессуал қонунчилиги нуқтаи-назаридан суд томонидан айблов ҳукми қонуний кучга кирганлик ҳолатини ўзида қамраб олмайди. Шу билан биргаликда Жиноят кодексининг 64-моддаси. Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кетганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш моддасининг учинчи қисми ҳамда Жиноят кодекси 66-модда. Айбдор ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш турларида “айбдор” атамаси мазмун-моҳияти ва ҳуқуқий жиҳатдан ўринсиз ифодаланган.

Мазкур ҳолатлар, яъни шахснинг айблилик ҳолати, даражаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида мазмун ва ҳуқуқий жиҳатдан ўринли ва тўғри ифода этилган. Хусусан,

[4] **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** [Электрон манба] // URL: https://lex.uz/ *(мурожаат қилинган вақт: 05.03.2026)*.

Жиноят-процессуал кодексининг 44-боби. Жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, 361-модда биринчи қисм, Шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор қарор чиқаради[5]. Шунингдек, қонунчиликда суд тергови жараёнларида ҳам айбланаётган шахс айбдор эмас, балки, судланувчи мақомида иштирок этиши белгиланган.

Мазкур ҳолатлар, қонунчиликдаги номувофиқликлар, Ўзбекистон Республикаси **Жиноят кодексида муайян атамаларни сўзма-сўз шарҳлаш ҳамда мантиқ қоидаларига таянган ҳолда, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида кодекснинг Умумий ва Махсус қисмлари тегишли моддаларида "айбдор" сўзини "айбдор", "айбланувчи", "айбланаётган" сўзлари билан ўзгартиришни таклиф этамиз**.

Шу билан биргаликда мамлакатимизда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш йўналишида жиноят қонуни нормаларида коллизия ҳолатларини кузатиш мумкин. **Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида жиноят ҳуқуқи соҳасида учраётган зиддиятлар, номувофиқликларни бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада** Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарорининг 4-бандида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси асосида Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда муҳокамага киритиш белгиланган[6].

Зеро, ушбу кодексларнинг янги таҳрирдаги лойиҳаларини яратиш, концептуал ғояларни ишлаб чиқиш, шунингдек мавжуд ҳуқуқий институтларни замон талабларига мос равишда такомил-

[5] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 361-м. // [Электрон манба] // URL: https://lex.uz/ *(мурожаат қилинган вақт: 05.03.2026)*.

[6] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори[Электрон манба] // URL: https://lex.uz/ *(мурожаат қилинган вақт: 08.02.2026)*.

лаштириш бўйича илгари суриладиган таклифлар норма ижодкорлиги фаолияти учун долзарб амалий аҳамият касб этади. Жиноят қонунчилигида учраётган айрим юридик терминларнинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилиш, ҳуқуқий жиҳатдан ўз ўрнида тўғри қўллаш кечиктириб бўлмас вазифалардан ҳисобланади.

Хусусан Жиноят кодексидаги "жиноий жавобгарлик" атамаси. Таҳлилларнинг кўрсатишича, "жавобгарлик" **атамаси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида**[7] 127 *(бир юз йигирма етти)* **маротаба қўлланилган. Бироқ, Жиноят кодексида ушбу атамани қўллаш борасида ягона ёндашувга амал қилинмаган. Хусусан, Жиноят кодексида ушбу атамани қўллаш борасида қуйидаги ёндашувлар мавжуд:** биринчи ёндашув: "жавобгарлик" атамаси – 127 *(бир юз йигирма етти)* **маротаба қўлланилган;** иккинчи ёндашув: "жиноий жавобгарлик" атамаси – 12 *(ўн икки)* **маротаба қўлланилган;** учинчи ёндашув:" **жиноят учун жавобгарлик" атамаси** – 6 *(олти)* **маротаба ифодаланган**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси"нинг 1.4-бандида ЖКда қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ва ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш белгиланган[8].

Фикримизча, Жиноят кодексида мазмуни ниҳоятда кенг тушунча бўлган "жавобгарлик" атамасининг қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, жавобгарлик атамаси ўз таркибига юридик жавобгарликнинг барча турларини *(жиноий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик, интизомий жавобгарлик)* қамраб олади. Шу билан биргаликда Жиноят кодексида жиноят учун жавобгарлик атамасини ҳам қўлланилишини маъқуллаб бўлмайди.

Жиноят кодекси нормаларини тўғри ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш, муайян тушунчани қонунда ягона ёндашув асосида ифодалаш мақсадида Жиноят кодексидаги "жавобгарлик",

[7] **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** [Электрон манба] // URL: https://lex.uz/ *(мурожаат қилинган вақт: 08.03.2026)*.

[8] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори [Электрон манба] // URL: https://lex.uz/ *(мурожаат қилинган вақт: 05.03.2026)*.

“жиноят учун жавобгарлик” **атамаларини** “жиноий жавобгарлик” атамаси билан ўзгартиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Жиноий жавобгарлик тушунчасига қонунда қуйидагича таъриф берилган. Хусусан, Жиноят кодексининг 16-моддаси. **Жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари**[9]**га кўра,** жиноят учун жавобгарлик – жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир. Ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Жиноят кодексининг ушбу нормалари бўйича қуйидагиларни қайд этиш жоиз:

Биринчидан, ЖК 16-моддасининг рус тилидаги матнига кўра, “ответственность за преступление есть правовое последствие совершения общественно опасного деяния, выражающееся в осуждении, применении наказания или других мер правового воздействия судом к лицу, виновному в совершении преступления. Основанием ответственности является совершение деяния, содержащего все признаки состава преступления, предусмотренного настоящим Кодексом”.

Кўриниб турибдики, жиноий жавобгарлик Жиноят кодекси 16-моддасининг ўзбек тилидаги матнида жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати эканлиги, ушбу модданинг рус тилидаги матнида ижтимоий хавфли қилмиш содир этишнинг ҳуқуқий оқибати эканлиги қайд этилган. **Жиноят кодексининг** 2-моддасида ушбу Кодекс ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаши, Жиноят кодексининг 9-моддасида шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши, Жиноят кодекси 91-моддасида тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари руҳий ҳолати бузилган, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсларга нисбатан ушбу шахсларни даволаш ва уларнинг янги ижтимоий

[9] **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** [Электрон манба] // URL: https://lex.uz/ *(мурожаат қилинган вақт: 02.03.2026)*.

хавфли қилмишлар содир этишининг олдини олиш мақсадида тайинланиши мумкинлиги белгиланган.

Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, жиноий жавобгарликка жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати сифатида эмас, балки, ижтимоий хавфли қилмиш содир этишнинг ҳуқуқий оқибати сифатида қараш лозим *(ЖК 16-моддасининг рус тилидаги матнида кўрсатилганидек)*. Чунки, руҳий ҳолати бузилган, жиноий жавобгарлик ёшига етмаган, айби бўлмаган шахс жиноятни эмас *(жиноятнинг субъекти бўла олмайди)*, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган деб ҳуқуқий баҳоланади. Шу ўринда мутахассисларимиз томонидан мунтазам равишда таъкидлаб келинаётган муаммонинг нақадар долзарб эканлиги яна бир бор ўз исботини топади, яъни аксарият ҳолларда қонунларнинг рус тилида ёзилиб, ўзбек тилига таржима қилиниши рус тилидаги матннинг тўғри[10], ўзбек тилидаги *(давлат тилидаги)* матннинг нотўғри бўлиб қолишига сабаб бўлиб қолмоқда. Бундай ҳолатлар амалдаги Жиноят кодексининг Умумий ҳамда Махсус қисм моддаларида кузатилади.

Иккинчидан, **Жиноят кодексининг** 16-моддасида “бошқа ҳуқуқий таъсир чораси” тушунчаси қўлланилган. Бу эса, ушбу тушунчанинг мазмунини тушунишда қатор қийинчиликларни юзага келтиради. Хусусан, “бошқа ҳуқуқий таъсир чораси” тушунчаси ЖКда 6 *(олти)* маротаба қўлланилган. Жиноят кодекининг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” номли саккизинчи бўлимига кўра, **бошқа ҳуқуқий таъсир чораси** деганда, жазо ҳисобланмайдиган, лекин Жиноят кодексида назарда тутилган чора *(вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чоралари, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари)* тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 174-моддаси. Бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларининг турлари[11] га кўра, бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чоралари таркибига: шартли ҳукм

---

[10] Қаранг: *Ражабов Б.А.* Гувоҳлантириш тергов ҳаракатини ўтказишда шахс ҳуқуқларининг таъминланиши: Монография – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б.7.; Ражабов Б.А. Жиноят процессида исбот қилишнинг умумий шартлари: Монография – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б.34.

[11] Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси [Элекрон манба]. Кириш йўли: // https://lex.uz/docs/163629 *(мурожаат қилинган сана: 10.03.2026)*.

қилиш; тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари; вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чоралари кириши белгиланган.

Кўринибтурибдики,миллийқонунчиликдатаҳлилқилинаётган тушунчанинг номланиши бўйича ҳам, мазмуни бўйича ҳам ягона ёндашув мавжуд эмас. Хусусан, ушбу тушунча Жиноят кодексида **“бошқа ҳуқуқий таъсир чораси”** деб номланган бўлса, Жиноят-ижроия кодексида “бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси” деб номланган. Шунингдек, ушбу тушунчанинг мазмуни Жиноят кодексида вояга етмаган шахсларга нисбатан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини ифодалаши қайд этилган бўлса, Жиноят-ижроия кодексида шартли ҳукм қилиш, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари ва вояга етмаганларга нисбатан мажбурлов чораларини ифодалаши белгиланган.

Фикримизча, мазмуни анча кенг бўлган **“бошқа ҳуқуқий таъсир чораси”** тушунчасини қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмас. **Ушбу тушунчанинг мазмуни миллий ҳуқуқ тизимининг барча соҳаларида назарда тутилган ҳуқуқий таъсир чораларини ўз ичига қамраб олади.** ***Шунга кўра Жиноят кодексида*** “бошқа жиноят – ҳуқуқий таъсир чораси” тушунчасини қўлланилишини қўллаб – қувватлаш мумкин.

Юқоридагилар асосида ҳамда хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жиноят ҳуқуқи соҳасидаги коллизион ҳолатларнинг бартараф этилиши республикамизда юридик таълим ва фанни ривожланишида, шунингдек, қонунларнинг таҳлил натижалари, таклиф ва тавсияларнинг норматив-ҳужжатларга татбиқ этилиши мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшади деб ҳисоблаймиз.

КОНТРАБАНДА ЖИНОЯТИГА ОИД ҚОНУН НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Юлдашев Шохрух Хамид ўғли,

Криминология институти илмий ходими

Аннотация. Мазкур мақолада контрабанда жиноятининг вужудга келиши, *контрабанда* учун жавобгарликнинг ижтимоий зарурияти миллий ва хорижий тажриба асосида ўрганилди. Шунингдек, контрабанданинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузилишига оид жиноят нормаси билан ўзаро фарқли ҳамда ўхшаш жиҳатлари, *контрабанда* жиноятини квалификация қилинишига боғлиқ айрим назарий ва амалий муаммолар ёритилган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: контрабанда, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, божхона чегараси, ҳужжатларни қалбакилаштириш, махсус субъект, диний экстремизм, сепаратизм, ядровий ва оммавий қирғин қуроли.

Аннотация. В данной статье рассматривается возникновение преступления контрабанды, социальная необходимость ответственности за контрабанду на основе отечественного и зарубежного опыта. В нем также подчеркиваются различия и сходства между контрабандой и нарушением таможенного законодательства, некоторые теоретические и практические вопросы, связанные с квалификацией преступления контрабанды, разработаные рекомендации и предложение по совершенствованию уголовного законодательства Республики Узбекистан.

Ключевые слова: контрабанда, нарушение таможенного законодательства, таможенная граница, подделка документов, особый субъект, религиозный экстремизм, сепаратизм, ядерное оружие и оружие массового уничтожения

Annotation. This article discusses the occurrence of the crime of smuggling, the social need for liability for smuggling based on domestic and foreign experience. It also emphasizes the differences and similarities between smuggling and violation of customs legislation, some theoretical

and practical issues related to the qualification of the crime of smuggling, developed recommendations and a proposal to improve the criminal law of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: smuggling, violation of customs law, customs border, falsification of documents, special subject, religious extremism, separatism, nuclear weapons and weapons of mass destruction

Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиётига жаҳон давлатчилик тараққиётидаги энг ижобий ва амалда фуқаролар манфаатларига хизмат қилувчи хусусият ва принципларни амалда қўллаш орқали эришишни мақсад қилиб қўйган. Давлат, жамият ва шахс манфаатларининг устунлигини, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мамлакатимиз асосий қомуси – Конституциямизнинг бош мақсадларидандир.

Хусусан, фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлиги, жамиятнинг ижтимоий аҳволи ҳамда давлат хавфсизлигини таъминланиши ривожланган мамлакатларнинг ҳам ўз олдига қўйган устувор мақсади ҳисобланади. Инсон ҳаётига хавф туғдирувчи, сифатсиз ҳамда белгиланган стандартларга етарли даражада жавоб бермайдиган товарларнинг мамлакатга кириб келишини олдини олиш мақсадида давлатнинг мажбурлов кучи билан чегара назорати ўрнатилиб, уларнинг муомалага киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўрнатилган тартиб-қоидаларга зид равишда турли хил йўллар ва усуллар ёрдамида айрим шахслар томонидан ноқонуний пул топиш мақсадида тақиқланган товар ва маҳсулотларни давлат чегарасидан олиб кириш ҳолатлари ҳам учраб туради. Давлат ўз иқтисодий манфаатларидан келиб чиқиб, давлат ҳудудига товарлар ташиб келтириш ва унинг ҳудудидан товарлар ташиб чиқиб кетишининг махсус тартибини белгилайди. Хусусан, айрим товарларни олиб чиқиб кетиш, ташиб келтириш тақиқланса, бошқа товарларнинг келтирилиши ва олиб чиқилиши эса чеклайди. Давлат чегарасидан фуқаролик муомаласида бўлмаган предметларни олиб киритилиши ёки чиқилиши контрабанда ҳисобланади.

Контрабанданинг предмети бўлиб, кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, радиоактив, портловчи моддалар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қуроллар, ўқ дорилар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг аналоглари, диний

экстремизм, сепаратизм, ақидапарастликни тарғиб қилувчи материаллар, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролларининг бошқа турлари, оммавий қирғин қуролларини яратишда фойдаланиши мумкин бўлган материал ва мосламалар ҳисобланади.

Мамлакатимизда контрабанда жиноятига оид қонун нормаларини такомиллаштириш хусусида М.Х. Рустамбоев, Б.Б. Ҳидоятов ва Н.О. Ҳамидов каби олимлар ўзларининг илмий ишларида ёритиб ўтган.

Хорижий мамлакатларда контрабанда жиноятига оид изланишларни В.П. Верин, Д.В. Коземаслов ва А.П. Кузнецовлар олиб борган.

Хусусан, Коземаслов Д.В. фикрича, контрабанда жинояти дастлаб Россия Федерациясида ягона бозорни шакллантириш, ички ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадларида жорий этилган бўлса, ҳозирда унинг ижтимоий хавфлилиги янада ортиб, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига, жамиятнинг нормал ҳаёти, давлатнинг конституциявий тузумига жиддий хавфи сабабли оғир жиноят ҳисобланиб, жамоат хавфсизлигига тўғридан-тўғри тажовуз қилишини эътироф этган.

Кузнецов А.П. эса контрабандани давлатнинг махсус ваколатли органлари томонидан амалга ошириладиган сиёсатини алоҳида шахслар томонидан бойлик орттириш мақсадида содир этилишига тўхталиб, унинг давлат иқтисодиётига келтириши мумкин бўлган жиддий зарари сабабли жазога сазовор қилмиш сифатида эътироф этган. Шу ўринда контрабанда жиноятининг вужудга келиши, унинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда заруриятига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Хусусан, контрабанда жинояти XIV-XVI асрларда давлатларнинг капиталистик тараққиётга юз тутиши, товар-пул муносабатларининг шиддат билан ривожи ҳамда товар-маҳсулотларнинг давлатлар чегарасидан чекланмаган миқдорда олиб чиқилиши ёки киритилиши натижасида давлатлар иқтисодиётини маълум маънода тажовузлардан сақлаш зарурияти натижасида вужудга келган.

Европа давлатларида XVI-XVII асрларда давом этган урушлар натижасида контрабанда жинояти янада авж олиб, унинг янги тури “ҳарбий контрабанда” жинояти вужудга келган. Контрабанданинг мазкур тури ўз ичига урушда қатнашмаётган давлатлардан урушда қатнашаётган давлатларга тақиқланган қурол-яроғ, ўқ дори ёки ҳарбий техника олиб ўтилишида ифодаланган.

Ҳозирги кунга келиб, контрабанданинг тушунчаси ўзгариб, ҳар бир хорижий давлатда ўзига хос ифода этилади. Ҳар бир мамлакатда контрабанданинг предмети турличалиги билан фарқланади. Зеро, ҳар бир мамлакат жамият учун хавфли бўлган ёхуд давлат эҳтиёжлари учун зарур бўлган товарларни давлат чегарасидан олиб кирилиши ёки олиб чиқилишини ижтимоий зарурият юзасидан қонун билан тақиқлаб, зарурий чораларни кўради.

Хусусан, Россия Федерациясида кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, оммавий қирғин қуроллари ҳамда уларнинг бутловчи қисмлари контрабанда жиноятининг предмети ҳисобланиб, уларни Россия ҳудудига олиб кирилиши қонун билан тақиқланган.

Ўзбекистон Республикасида эса божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни, ядровий, кимёвий, биологик ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини, шундай қуролларни яратишда фойдаланилиши мумкинлиги аён бўлган материал ва мосламалар, радиоактив материалларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш контрабанда таркибини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигининг ўзига хос ҳамда мукаммаллиги қонун билан муомаладаги ёки муомаласи тақиқланган ва чекланган ашёларни давлат чегарасидан олиб кирилишининг алоҳида-алоҳида жиноят сифатида эътироф этилганлиги ҳисобланади.

Зеро, Жиноят кодексининг 182-моддаси божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишга оид ижтимоий муносабатларни тартибга солса, 246-моддаси контрабанда, яъни фуқаролик муомаласи тақиқланган ёки чекланган ашёларни олиб кирилишига жазо муқаррарлигини белгилайди.

Божхона тўғрисидаги қонунларни бузишда тажовуз иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатларга йўналган бўлиб, жиноятнинг буюми – жамиятда эркин муомалада бўлган ҳар қандай товарлар ёки бойликлар бўлиши мумкин.

Божхона тўғрисидаги қонунларни бузилишида ўта катта ҳажмдаги ҳар қандай товарларни тегишли равишда расмийлаштирмасдан туриб божхонада чегарасидан ўтказиш ҳам ҳисобга олинган бўлиб, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ташқи бозорларда маҳаллий маҳсулотлар рақобатдошлигини таъминлаш ва экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 15 декабрь кунги ПФ-5286-сонли фармонининг иловасига мувофиқ, экспорт қилиниши тақиқланган буюмлар ва маҳсулотларнинг рўйхати асосида амалга оширилади.

Муомаланинг махсус тартиби ўрнатилган, фуқаролар айрибошлашидан чиқарилган буюмларни, хусусан қурол-яроғ, ўқ-дори, гиёҳванд моддаларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан бир жойдан иккинчи жойга кўчириш Жиноят кодексининг *(кейинги ўринларда – ЖК)* 246-моддасида назарда тутилган жиноятни, яъни контрабандани вужудга келтиради.

Контрабанда объектив томонидан божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказишда ифодаланади.

Контрабанданинг субъектив томони айбнинг била туриб содир этилган тури билан тавсифланади. Чунки, айбдор тақиқланган буюмларни чегарадан олиб ўтаётганини англайди ва мазкур қилмишни хоҳлайди.

Ўн олти ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар контрабанда субъекти бўлишлари мумкин.

Эътиборли жиҳати, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни божхона органларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахс ҳаракатлари

ЖК 182-моддаси билан квалификация қилиниши ва қўшимча равишда 228-моддаси билан квалификация қилишни талаб қилмаслиги келтирилган.

Бироқ, контрабанда содир этган шахс томонидан қалбаки ҳужжат асосида қонун билан тақиқланган буюм ёки ашёларни Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ўтказилишининг ЖК 228-моддаси билан қўшимча квалификация қилинмаслигига оид норма белгиланмаган.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳамда контрабанда жиноятлари деярли ўхшаш жиноятлар ҳисобланади. Зеро, ҳар икки жиноятда ҳам шахс моддий манфаат кўриш ёки бошқа мақсадларни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига, яъни Ўзбекистон Республикасининг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво ҳудудига товар ёки маҳсулотларни олиб кириш ёки чиқишида ифодаланади. Мазкур жиноятлар содир этилаётган жиноят предмети ҳамда ушбу предметнинг давлат ва жамият учун хавфлиги нуқтаи назаридан фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” Қарорида ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, уни божхона органларига ҳақиқий ҳужжат сифатида тақдим этган шахс ҳаракатлари ЖК 182-моддаси билан квалификация қилиниши ва қўшимча равишда 228-моддаси билан квалификация қилишни талаб қилмаслиги белгиланган. Бироқ, мазкур норманинг ЖК 246-моддасига ҳам татбиқ этилиши белгиланмаган. Шу сабабли, судлар томонидан контрабанда содир этган шахс томонидан қалбаки ҳужжат асосида қонун билан тақиқланган буюм ёки ашёларни Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ўтказилишини ЖКнинг 228- ва 246-моддалари асосида жиноятлар мажмуйи сифатида квалификация қилинишига сабаб бўлмоқда.

Контрабанда жинояти содир этилишининг ўзига хослиги унда махсус субъект – ваколатли давлат органи ходимларининг иштироки асосида ҳам содир этилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Зеро, ваколатли давлат органи ходими ваъда қилинган маълум пул суммаси учун мазкур трансмиллий жиноятнинг Ўзбекистон Республикаси орқали амалга оширилишида ўз ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги

натижасида кўмак бериб, амалга оширилишига шароит яратиб беради. Ваколатли давлат органи ходими томонидан контрабанда жиноятининг қай тарзда содир этилишига кўра ЖКнинг умумий қисмига асосан жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс – далолатчи, жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс – ёрдамчи сифатида бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортилади.

Бироқ, давлат томонидан алоҳида ваколат топширилган шахснинг ўз хизмат вазифасига зид равишда шахсга, унинг ҳаёти ва соғлиғига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказишга мўлжалланган предметларни давлат чегарасидан ўтказилишига кўмаклашиши – берилган ваколатни қўпол тарзда суиистеъмол қилиниши ҳисобланиб, мазкур ҳаракат ёки ҳаракатсизликни алоҳида квалификация қилиниши ҳамда оғирроқ жазо тайинланиши – контрабанда жинояти содир этилишининг маълум миқдорда камайишига сабаб бўлади.

Юқоридаги келтирилган мулоҳазаларга ҳамда жиноят ҳуқуқи назариясидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, ЖКнинг 246-моддаси иккинчи қисмига ваколатли давлат органи ходимининг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги натижасида мазкур модданинг биринчи қисмда келтирилган қилмишлар содир этилишининг тақиқланишига оид норма билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, Олий суд Пленумининг “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” Қарорига контрабандани ҳужжатлар қалбакилаштириш билан содир этилганида жиноятлар мажмуи сифатида квалификация қилинмаслиги лозимлиги тўғрисидаги нормани киритиш лозим.

Учинчидан, Олий суд Пленумининг “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” Қарорига учувчисиз учадиган аппаратларни қонунга хилоф равишда фойдаланган ҳолда содир этилган тақдирда қилмишлар

жиноятлар мажмуйи сифатида квалификация қилиниш лозимлиги тўғрисидаги нормани киритиш лозим.

Хулоса ўрнида амалдаги Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунларининг умумий жиноят назариясига асосланган ҳолатда тўғри татбиқ этилиши, қонун чиқарувчи томонидан белгиланган нормаларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаниши Ўзбекистон Республикасида ягона суд амалиётини жорий этилиши ҳамда ҳар бир шахснинг содир этган қилмиши учун инсонпарварлик тамойиллари асосида жазо тайинланишидаги ўрни беқиёс эканлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. “Ўзбекистон”.
2. Верин В.П. Контрабанда: уголовно-правовое и криминологическое исследование. Авт.р. дис.кандидата юридических наук/М., 2004. С.25.
3. Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: “Адолат”, 2016. – 960 б.
4. Ҳамидов Н.О. Контрабанда тушунчаси ва контрабанда учун жиноий жавобгарликнинг ижтимоий зарурияти. Илмий-электрон мақола. http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-9-12.
5. Коземаслов Д.В. Контрабанда *(уголовно-правовые аспекты)*. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук/ Е., 2002. 177 с.
6. Кузнецов А.П. Контрабанда наличных денежных средств и *(или)* денежных инструментов: уголовноправовая регламентация и вопросы квалификации // Российский следователь. 2015. № 2. С.31.
7. Филлипова Е.О. Контрабанда: История развития уголовно-правовых норм об ответственности за контрабанду в таможенной сфере и меры ее предупреждения. http://dx.doi/10.26140/bgz3-2019-08-02-0040.
8. Уголовный кодекс Российской Федерации. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699. С.226-1.
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 5 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарори.

LATENT JINOYATLARI OMMALASHUVINING DAVLAT VA JAMIYAT RIVOJIGA SALBIY TA'SIRI

Normurodov Bahrom Nurali o'g'li,

O'zbekiston Respublikasi Kriminologiya tadqiqot instituti ilmiy xodim tadqiqotchisi

Annotatsiya. Laten jinoyatlari jamiyat hayotida, ayniqsa, o'zining katta salbiy ta'sinini ko'rsatib borishi barchamizga ma'lum. O'zbekiston davlatchiligida ham bu kabi muammolar, afsuski, uchrab turibdi. Eng kichik ko'rinishlaridan tortib, yirik turdagi yashirin iqtisodiyot *(iqtisodiy foyda uchun mansabdan foydalanish)* kabi jinoyatlar davlatimizning o'z oldiga qo'ygan ulkan rejalarini kechikishi yoki umuman amalga oshmay qolishiga olib kelishi mumkinligi bilan xavf tug'dirib turadi.

Kalit so'zlar: Yashirin iqtisodiyot, jinoyatchilik turlari, soha, inqirozli vaziyatlar, madaniyat, ta'limning susayishi.

Biz yashab turgan dunyoda bugun har kuniga 300 000 ga yaqin jinoyat sodir etilmoqda[1]. Yuqoridagi manbada keltirilishicha, salmoqli qismi kiberjinoyatchilik, siyosiy *(insoniyatga qarshi)*jinoyatlar, qotillik va boshqa turlari kiritilgan. Bu manbaning kiritilmagan eng katta jinoyat turi bu yashirin iqtisodiyot deb hisoblasak, bo'ladi. Yashirin iqtisodiyotning asosiy mexanizmlari esa, Latent jinoyatchilik hisoblanadi. Xalqaro siyosiy maydonlarda ba'zi jabhalarni sharhlayotganlar tushuna olmay qolgan nozik nuqtalarda o'zaro yashirin aloqalar kuzatilgani kelgusida topilgan ma'lumotlar tasdiqlaydi. Masalan, AQSh siyosatiga Isroilning katta ta'sir dastaklaridan biri Epshteyn kabi kimsalar faoliyati yoki FRS *(AQSh markaziy banki)* yoki AQShning Yevropa ittifoqiga ta'sirida ham ko'zga ko'rinmagan jinoyat elementlari ba'zi bayonotlarda sezilib qoladi. Masalan, Ispaniya bosh vaziri Pedro Sanchezning Eronga qarshi urush masalasidagi bayonoti[2]da Yevropa ittifoqi AQShga to'la qaram bo'lib qolganiga bir nechta jinoyat elementlari saylovlarda Fransiya, Germaniya va Birlashgan qirolliklar yetakchilari saylanadigan saylovlarda AQShning bilvosita ishtirokiga shama qilinganligini aytishimiz mumkin.

[1] https://www.ojjdp.gov/ojstatbb//offenders/qa03401.asp.
[2] https://www.trtuzbek.com/article/8472ceefd4d8.

O‘zbekiston Respublikasi miqyosida ham jinoyatchilikning latent holda qolishi ko‘plab jabhalarda uchrab turadi. Buning bugungi kunda eng qatta qismi, albatta, kiberjinoyatlar hissasiga to‘g‘ri kelsada, iqtisodiy zarari masalasida u yetakchi emas. Bu tomonidan tahlillarga qarasak, mansabni suiste’mol qilayotgan amaldorlarning mamlakat byudjetiga keltirayotgan zararlari anchayi yirik ko‘rsatkichlarni namoyish qiladi. Bu borada mamlakatimiz rahbari Sh. Mirziyoyevning Ichki ishlar vazirligi rahbariyatidan ko‘pgina amaldorlarni ishdan olishga majbur bo‘lganligi va ayrimlarining jinoyatlari o‘ta og‘ir ekanini ta’kidlashi ham bejiz emas[3]. Bu kabi xabarlarini bundan tashqari ko‘pgina manbalar e’lon qildi*(ko‘rsatilayotgan manba yagona emas)*. Gap shundaki, bir kiberhujumdan qaysidir odamning ko‘pi bilan bir oylik daromadi yoki bir yillik to‘plagan puli o‘g‘rilanishi mumkin. Ya’ni ko‘pi bilan taqriban 70 mln so‘m deylik. Ammo, yuqoridagi kabi holatlar nafaqat IIV tizimida balki, boshqa jabhalarda ham tez-tez uchrab turishi va ular keltirayotgan eng kichik zarar miqdori mlrd so‘mdan yuqoriligi bir kiberjinoyatdan ko‘ra kattaroq oqibatlarni keltirib chiqarayotgani bilan e’tiborlidir. Biz vaziyatning faqat iqtisodiy zarariga ahamiyat berishimiz ham katta xato bo‘ladi. Davlatchilikni harakatga keltiradigan mexanizmlarning yana biri va asosiysi ma’naviy saviya va ilmiy salohiyat hisoblanadi.

Latent jinoyatchilikning ommalashuvi esa, aholining umumiy manfaatlaridan ko‘ra ba’zi mansabdor va “Biznesmen”larning shaxsiy shaxsiy byudjetini ko‘payishigagina sabab bo‘ladi. Masalan:

- buyurtmachi uchun ajratiladigan yashirin pora*(oklad)*ning halol biznes qilmoqchi bo‘layotgan odamlarga katta to‘siq shakllanishi va ba’zi “Biznesmen”lar uchun buyurtmaning tan narxidan ko‘proq pulga bajarish imkoniyatini anglatadi;
- oddiy shifokorning bemorlarga yozib berayotgan dorilar ro‘yxati ko‘pgina “Biznesmen”larni ko‘plab tovarlarini reklamalarsiz o‘tkazish imkoniyatini yaratadi;
- xalq mulkini talon-toroj qilish ham ko‘payib borayotganiga guvoh bo‘lib qolishimiz ham mumkin, oddiy mahalla raisi misolida oladigan bo‘lsa, kam ta’minlangan aholiga arzon tovarlar yetkazilishi qonunlarda belgilangan bo‘lib, ko‘pincha bu arzon tovarlar egasiga bormasdan to‘g‘ri bozorga chiqib ketish hollari uchramoqda bunda Prezidentimizning kambag‘allikni qisqartirish haqidagi so‘zlari havoga uchganini anglatadi.

[3] https://qalampir.uz/uz/news/mirziyeev-iiv-urinbosarini-ishdan-oldi-126553.

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ТАҲЛИЛ

Чориев Улуғбек Жалол ўғли,

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий ходими, капитан

Аннотация. Мазкур мақолада умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари назарий-методологик жиҳатдан таҳлил қилинган. Ҳуқуқий тарбиянинг педагогик тизимдаги ўрни, унинг тарбиянинг бошқа йўналишлари билан ўзаро алоқадорлиги, ёш хусусиятларига мос равишда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг назарий асослари ёритилган. Мақолада ҳуқуқий тарбия жараёнининг тузилмавий компонентлари, унинг мазмуни, принциплари ва ўқувчиларда ҳуқуқий компетенцияни ривожлантиришнинг концептуал модели ишлаб чиқилган. Илмий тадқиқот натижасида ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлигини оширишга қаратилган назарий хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий тарбия, умумтаълим мактаби, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий компетенция, педагогик жараён, тарбия тизими, ўқувчи шахси.

Abstract. This article provides a theoretical and methodological analysis of the specific features of the legal education process in general education schools. The role of legal education in the pedagogical system, its interrelation with other areas of upbringing, and the theoretical foundations of forming legal consciousness and legal culture in accordance with age-specific characteristics are examined. The article develops the structural components of the legal education process, its content, principles, and a conceptual model for developing legal competence in students. As a result of the scientific research, theoretical conclusions aimed at improving the effectiveness of legal education have been formulated.

Keywords: legal education, general education school, legal consciousness, legal culture, legal competence, pedagogical process, education system, student personality.

Замонавий жамиятда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш масаласи глобал аҳамият касб этмоқда. Бу борада ёш авлодда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш жараёни муҳим ижтимоий-педагогик вазифалардан бири сифатида алоҳида эътиборга молик. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларнинг шахсий ривожланишида, уларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрланишида ва фуқаролик позициясини шакллантиришда марказий ўрин тутади. Шу муносабат билан, ҳуқуқий тарбия жараёни мактаб таълим-тарбия тизимининг ажралмас таркибий қисми сифатида назарий-методологик жиҳатдан чуқур ўрганишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида “Ҳар бир фуқаро Конституция ва қонунларга амал қилишга мажбурдир” деб белгиланган. Ушбу конституциявий талаб фуқароларда, айниқса, ёш авлодда, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни тизимли равишда шакллантириш зарурлигини кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳам ёш авлод тарбиясида ҳуқуқий саводхонликни оширишга алоҳида аҳамият қаратилишини тақозо этади.

Тадқиқотнинг долзарблиги қуйидаги омиллар билан белгиланади:

- биринчидан, демократик жамият қуриш жараёнида фуқаролик жамиятининг субъектлари – ёш авлод вакилларида ҳуқуқий онгни шакллантириш ижтимоий заруратсифатида кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бирига айланган;
- иккинчидан, вояга етмаган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг кузатилиши ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш заруратини юзага келтиради;
- учинчидан, мактаб таълим-тарбия тизимида ҳуқуқий тарбиянинг назарий-методологик асосларини янада чуқурроқ ишлаб чиқиш зарурлиги мавжуд;
- тўртинчидан, ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Тадқиқотнинг мақсади – умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларини назарий-мето-

дологик жиҳатдан таҳлил қилиш ва унинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот вазифалари:

1. Ҳуқуқий тарбия тушунчасининг мазмунини педагогик нуқтаи назардан аниқлаштириш;

2. Ҳуқуқий тарбия жараёнининг тузилмавий компонентларини назарий жиҳатдан асослаш;

3. Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини тизимлаштириш;

4. Ўқувчиларда ҳуқуқий компетенцияни шакллантиришнинг концептуал моделини ишлаб чиқиш.

Адабиётлар таҳлили

Ҳуқуқий тарбия муаммосининг илмий-назарий жиҳатлари кўплаб отечественник ва хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган. Ҳуқуқий тарбиянинг фалсафий-назарий асослари С.С. Алексеев, В.В. Лазарев, Н.И. Матузов, А.В. Малько, В.Н. Кудрявцев каби олимларнинг илмий ишларида кенг ёритилган. Уларнинг тадқиқотларида ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбиянинг ўзаро боғлиқлиги масалалари фундаментал даражада ўрганилган.

Педагогик нуқтаи назардан ҳуқуқий тарбия масалалари Б.Т. Лихачёв, И.Ф. Харламов, В.А. Сластёнин, Ю.К. Бабанский, П.И. Пидкасистый кабиларнинг асарларида тадқиқ этилган. Бу олимлар ҳуқуқий тарбияни умумий тарбия тизимининг таркибий қисми сифатида кўриб чиқиб, унинг педагогик жараёндаги ўрни ва аҳамиятини назарий жиҳатдан асослаганлар.

Ўзбекистонлик олимлардан М.Х. Тохтаходжаева, Қ.Т. Олимов, Н.А. Муслимов, О.Ш. Мусурманова, Б.Р. Адизов, Э.Ғозиев ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида миллий таълим тизимида тарбия жараёнининг назарий-методологик асослари ишлаб чиқилган. Хусусан, ёшларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш масалалари Ш.К. Мирзиёева, О.М. Мусурмонова, Р.Ҳ. Жўраев кабиларнинг илмий ишларида ўрганилган.

Хорижий тадқиқотларда ҳуқуқий таълим *(legal education, civic education)* муаммолари J. Patrick, R. Gross, T. Dynneson, W. Parker, J. Torney-Purta, J. Schwille, B. Massialas каби олимлар томонидан

кенг тадқиқ этилган. Америка ва Европа мамлакатларида “civic education” ва “citizenship education” концепциялари доирасида ҳуқуқий тарбиянинг назарий моделлари ишлаб чиқилган.

Шунга қарамай, умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятларини тизимли равишда тадқиқ этишга бағишланган комплекс назарий тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаган. Хусусан, ҳуқуқий тарбия жараёнининг тузилмавий компонентлари, ёш хусусиятларига мувофиқ ҳуқуқий компетенцияни шакллантиришнинг босқичлари, ҳуқуқий тарбиянинг тарбиянинг бошқа йўналишлари билан интеграциялашуви масалалари янада чуқурроқ назарий таҳлилни тақозо этади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда қуйидаги методологик ёндашувлар қўлланилган:

Тизимли ёндашув – ҳуқуқий тарбия жараёнини яхлит педагогик тизим сифатида кўриб чиқиш ва унинг компонентлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш имконини берди. Тизимли ёндашув *(В.П. Беспалько, Ю.К. Бабанский)* нуқтаи назаридан ҳуқуқий тарбия жараёни мақсад, мазмун, воситалар, шакллар, методлар ва натижа компонентларини ўз ичига олувчи яхлит тизим тариқасида тадқиқ этилди.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув *(А.Н. Леонтьев, С.Л. Рубинштейн)* – ўқувчилар фаолиятини ҳуқуқий тарбия жараёнининг марказий компоненти сифатида тадқиқ этиш имконини яратди. Бу ёндашувга кўра, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият фақат фаол ижтимоий-ҳуқуқий фаолият жараёнида шаклланади.

Шахсга йўналтирилган ёндашув *(И.С. Якиманская, Е.В. Бондаревская)* – ўқувчи шахсини ҳуқуқий тарбия жараёнининг субъекти сифатида кўриб чиқиш ва унинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таъсир кўрсатиш стратегияларини ишлаб чиқиш имконини берди.

Компетенциявий ёндашув – ҳуқуқий тарбиянинг натижасини ўқувчиларнинг ҳуқуқий компетенциясини шакллантириш орқали баҳолаш имконини яратди. Бу ёндашув ҳуқуқий билимлар, кўникмалар ва муносабатларнинг интегратив бирлигини таъминлаш зарурлигини назарий жиҳатдан асослашга хизмат қилди.

Тадқиқот усуллари сифатида илмий адабиётларни назарий таҳлил қилиш, тизимлаштириш, классификациялаш, қиёсий таҳлил ва моделлаштириш методларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари ва муҳокама

1. Ҳуқуқий тарбия тушунчасининг педагогик мазмуни

Ҳуқуқий тарбия тушунчаси юридик ва педагогик фанлар кесишмасида шаклланган мураккаб, кўп қиррали категория ҳисобланади. Юридик фанларда ҳуқуқий тарбия кўпинча “шахснинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган мақсадли, тизимли, ташкил этилган фаолият” *(Алексеев С.С.)* сифатида таърифланади. Педагогик фанларда эса ҳуқуқий тарбия тарбиянинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, “шахсда ҳуқуқий билимлар, кўникмалар, қадриятлар ва ҳуқуққа нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришга қаратилган педагогик жараён” тарзида тушунилади.

Тадқиқот давомида биз ҳуқуқий тарбиянинг педагогик мазмунини қуйидагича аниқлаштиришни таклиф этамиз: ҳуқуқий тарбия – бу ўқувчиларда ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий хулқ-атвор кўникмаларини мақсадли, тизимли ва ташкиллаштирилган тарзда шакллантиришга қаратилган яхлит педагогик жараён бўлиб, у шахснинг ижтимоий-ҳуқуқий компетенциясини ривожлантиришни кўзда тутади.

Ушбу таърифдан келиб чиқиб, ҳуқуқий тарбиянинг қуйидаги муҳим хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, ҳуқуқий тарбия мақсадли жараён бўлиб, аниқ белгиланган тарбиявий мақсадларга эришишга йўналтирилган. Бу мақсадлар ўқувчиларда ҳуқуқий билимларни шакллантириш, ҳуқуқий онгни ривожлантириш, ҳуқуққа ҳурмат ҳиссини тарбиялаш ва қонунга бўйсунувчан хулқ-атворни шакллантиришдан иборат.

Иккинчидан, ҳуқуқий тарбия тизимли характерга эга бўлиб, алоҳида тадбирлар мажмуи эмас, балки ўзаро боғлиқ, кетма-кет амалга ошириладиган педагогик фаолият тизимини ташкил этади.

Учинчидан, ҳуқуқий тарбия интегратив хусусиятга эга бўлиб, таълим ва тарбия жараёнининг ажралмас бирлигини тақозо этади.

Ҳуқуқий билимлар ўқув жараёнида берилса, ҳуқуқий қадриятлар ва кўникмалар тарбиявий фаолият орқали шакллантирилади.

2. Ҳуқуқий тарбия жараёнининг тузилмавий компонентлари

Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан, умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг тузилмавий компонентлари қуйидагилардан иборат:

Мақсад компоненти. Ҳуқуқий тарбиянинг стратегик мақсади – ўқувчиларда ҳуқуқий компетенцияни шакллантириш, яъни уларни жамиятда ҳуқуқий муносабатларнинг тўлақонли субъектлари сифатида тайёрлашдир. Тактик мақсадлар эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ўқувчиларда ҳуқуқий билимлар тизимини шакллантириш *(когнитив компонент)*;
- ҳуқуққа нисбатан ижобий эмоционал муносабатни тарбиялаш *(аффектив компонент)*;
- ҳуқуқий хулқ-атвор кўникмаларини ривожлантириш *(конатив компонент)*;
- ўқувчиларнинг ҳуқуқий фаоллигини ошириш *(фаолиятий компонент)*.

Мазмун компоненти. Ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни қуйидаги блокларни ўз ичига олади:

- норматив-ҳуқуқий блок – Конституция, қонунлар, болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни;
- аксиологик блок – ҳуқуқий қадриятлар, адолат, тенглик, эркинлик тушунчалари;
- фаолиятий-амалий блок – ҳуқуқий вазиятларда хулқ-атвор алгоритмлари, ҳуқуқий муаммоларни ҳал этиш кўникмалари;
- рефлексив блок – ўз хулқ-атворини ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳолаш қобилияти.

Технологик компонент. Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишнинг шакллари, методлари ва воситаларини ўз ичига олади. Бунда анъанавий *(суҳбат, маъруза, ўқиш)* ва инновацион *(лойиҳа, кейс-стади, ўйин технологиялари, рақамли воситалар)* методлар интеграциясини назарда тутади.

Натижа компоненти. Ҳуқуқий тарбиянинг натижавийлиги ўқувчиларнинг ҳуқуқий компетенциялари даражаси орқали баҳоланади. Бунда билимлар *(ҳуқуқий саводхонлик)*, муносабатлар *(ҳуқуқий онг)*, кўникмалар *(ҳуқуқий хулқ-атвор)* ва фаоллик *(фуқаролик позицияси)* мезонлари асос қилиб олинади.

3. Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбиянинг ўзига хос хусусиятлари

Ўтказилган назарий таҳлил натижасида умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари аниқланди:

3.1. Ёш хусусиятларига мослик хусусияти

Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбиянинг биринчи ва энг муҳим хусусияти – унинг ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мослиги зарурлигидир. Л.С. Выготскийнинг “яқин ривожланиш зонаси” назарияси ва Ж. Пиаженинг когнитив ривожланиш назариясига таянган ҳолда, ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни ва методлари ўқувчиларнинг ёш даврларига мос равишда дифференциацияланиши лозим:

Бошланғич синфлар *(6-10 ёш)* – конкрет-операцион тафаккур даври. Бу босқичда ҳуқуқий тарбия “яхшилик ва ёмонлик”, “адолат”, “қоида” каби элементар ахлоқий-ҳуқуқий тушунчаларни шакллантиришга қаратилади. Асосий методлар: эртак, ўйин, визуал тасвирлар, оддий вазиятли топшириқлар.

Ўрта синфлар *(11-14 ёш)* – формал-операцион тафаккурнинг шакллана бошлаши даври. Ўқувчиларда мавҳум тафаккур элементлари ривожланиб, улар ҳуқуқий нормаларнинг мазмунини тушуниш ва таҳлил қилиш қобилиятига эга бўла бошлайдилар. Бу босқичда ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни кенгайтирилиб, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва бурчлари, жавобгарлик турлари, ҳуқуқбузарлик тушунчаси кабилар ўрганилади.

Юқори синфлар *(15-17 ёш)* – формал-операцион тафаккурнинг тўлиқ шаклланиши даври. Ўқувчилар мураккаб ҳуқуқий категорияларни тушуниш, ҳуқуқий муаммоларни мустақил таҳлил қилиш ва баҳолаш қобилиятига эга бўладилар. Бу босқичда ҳуқуқий тарбия конституциявий асослар, ҳуқуқ тармоқлари, халқаро ҳуқуқ элементлари ва ижтимоий-ҳуқуқий лойиҳаларни ўз ичига олади.

3.2. Узлуксизлик ва босқичмабосқичлик хусусияти

Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбиянинг иккинчи муҳим хусусияти – унинг узлуксиз ва босқичма-босқич амалга оширилиши зарурлигидир. Ҳуқуқий тарбия бир мартали тадбир эмас, балки, мактаб таълимининг бутун давомида изчил равишда олиб бориладиган жараён ҳисобланади. Бу хусусият қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

- ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни бошланғич синфлардан юқори синфларгача кенгайиб, чуқурлашиб боради *(концентрик принцип)*;
- ҳар бир кейинги босқич олдинги босқичда шакллантирилган билимлар ва кўникмаларга таянади;
- ҳуқуқий тушунчалар ва категориялар оддийдан мураккабга, конкретдан мавҳумга тамойили асосида ўрганилади.

3.3. Интегративлик хусусияти

Ҳуқуқий тарбиянинг учинчи ўзига хос хусусияти – унинг интегратив характери, яъни таълим ва тарбиянинг турли йўналишлари билан чамбарчас боғлиқлигидир. Ҳуқуқий тарбия ахлоқий, фуқаролик, ватанпарварлик, меҳнат тарбияси ва бошқа тарбия йўналишлари билан узвий алоқададир:

- ҳуқуқий ва ахлоқий тарбия – ҳуқуқий нормалар ахлоқий қадриятлар асосида шаклланади ва уларни мустаҳкамлайди. Ахлоқий тарбиясиз ҳуқуқий тарбия формал характерга эга бўлиб қолади;
- ҳуқуқий ва фуқаролик тарбияси – фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик тарбиясининг асосий мазмунини ташкил этади;
- ҳуқуқий ва ватанпарварлик тарбияси – ватанга муҳаббат, давлат рамзларига ҳурмат ва қонунларга содиқлик ўзаро чамбарчас боғлиқ.

Бу интегративлик ҳуқуқий тарбияни тарбия тизимидан ажратилган ҳолда эмас, балки яхлит тарбия жараёнининг органик қисми сифатида амалга ошириш зарурлигини англатади.

3.4. Субъект-субъект муносабатлари хусусияти

Замонавий педагогик парадигма ҳуқуқий тарбия жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларнинг субъект-субъект характерга эга бўлишини тақозо этади. Бу шуни англатадики, ўқувчи ҳуқуқий тарбиянинг пассив объекти эмас, балки фаол

субъекти бўлиб, ўз ҳуқуқий ривожланиш жараёнида иштирок этади. Ушбу хусусият қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади:

- ўқувчиларнинг ҳуқуқий масалалар бўйича мустақил фикрлаш, баҳолаш ва қарор қабул қилиш имкониятларини яратиш;
- ўқувчиларнинг ҳуқуқий фаоллигини рағбатлантириш *(ўзини ўзи бошқариш, волонтёрлик, ижтимоий лойиҳалар)*;
- ҳуқуқий тарбия жараёнида диалогик муносабатларни шакллантириш.

3.5. Амалий йўналтирилганлик хусусияти

Ҳуқуқий тарбиянинг бешинчи ўзига хос хусусияти – унинг амалий йўналтирилганлиги, яъни ўқувчиларда нафақат назарий билимларни, балки, амалий кўникмаларни ҳам шакллантиришга қаратилганлигидир. Ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлиги ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларни реал ҳаётий вазиятларда қўллай олиш қобилиятлари билан белгиланади. Бу хусусият қуйидагиларни тақозо этади:

- назарий ҳуқуқий билимларни амалий вазиятлар билан боғлаш;
- ўқувчиларга ҳуқуқий вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш кўникмаларини ўргатиш;
- реал ҳаётий мисоллар, кейслар ва вазиятли топшириқлардан кенг фойдаланиш.

3.6. Тарбиявий муҳитнинг аҳамияти хусусияти

Мактабда ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлиги кўп жиҳатдан тарбиявий муҳитнинг характерига боғлиқ. Ҳуқуқий тарбия фақат дарс жараёнида эмас, балки мактабнинг бутун ижтимоий-педагогик муҳитида амалга оширилади. Бунда қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга:

- мактаб қоидалари ва тартиб-интизомининг ҳуқуқий нормаларга мувофиқлиги;
- мактабда демократик бошқарув тамойилларининг амалга оширилиши;
- ўқитувчилар жамоасининг ҳуқуқий маданияти ва намуна кўрсатиши;
- мактаб ва оила, жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик.

4. Ўқувчиларда ҳуқуқий компетенцияни шакллантиришнинг концептуал модели:

Ўтказилган назарий таҳлил натижаларига асосланиб, умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ҳуқуқий компетенцияни шаклланти-ришнинг концептуал моделини ишлаб чиқдик. Ушбу модель қуйидаги блокларни ўз ичига олади:

I. Мақсадли блок:

- стратегик мақсад: ўқувчиларда ҳуқуқий компетенцияни шакллантириш;
- тактик мақсадлар: ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабат, ҳуқуқий хулқ-атвор кўникмаларини ривожлантириш.

II. Методологик блок:

- тизимли, шахсга йўналтирилган, компетенциявий, фаолиятга йўналтирилган ёндашувлар;
- принциплар: илмийлик, тизимлилик, узлуксизлик, ёшга мослик, интегративлик, амалий йўналтирилганлик.

III. Мазмун блоки:

- когнитив компонент *(билимлар)*: ҳуқуқий тушунчалар, нормалар, институтлар;
- аксиологик компонент *(қадриятлар)*: адолат, тенглик, ҳуқуққа ҳурмат;
- праксеологик компонент *(кўникмалар)*: ҳуқуқий хулқ-атвор алгоритмлари;
- рефлексив компонент: ўз хулқ-атворини ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳолаш.

IV. Технологик блок:

- дарс жараёнида: тизимли ҳуқуқий таълим *(Конституция асослари, давлат ва ҳуқуқ асослари фанлари)*;
- дарсдан ташқари: тематик тадбирлар, учрашувлар, танловлар, лойиҳалар;
- ўзини ўзи тарбиялаш: мустақил ўқиш, интернет ресурслар, ҳуқуқий порталлар.

V. Натижавий блок:

- ҳуқуқий саводхонликнинг юқори даражаси;

- ижобий ҳуқуқий онг;
- қонунга бўйсунувчан хулқ-атвор;
- фуқаролик позициясининг шаклланганлиги.

5. Ҳуқуқий тарбия принциплари тизими

Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнини самарали ташкил этиш учун қуйидаги принциплар тизими назарий жиҳатдан асосланди:

1. Илмийлик принципи – ҳуқуқий тарбия мазмунининг замонавий юридик ва педагогик фан ютуқларига мувофиқлиги;

2. Тизимлилик ва изчиллик принципи – ҳуқуқий билимларнинг мантиқий кетма-кетликда, тизимли равишда берилиши;

3. Ёшга мослик принципи – ҳуқуқий тарбиянинг мазмуни ва методларининг ўқувчиларнинг психологик ёш хусусиятларига мувофиқлиги;

4. Интегративлик принципи – ҳуқуқий тарбиянинг тарбиянинг бошқа йўналишлари билан узвий боғлиқликда амалга оширилиши;

5. Амалий йўналтирилганлик принципи – назарий билимларнинг амалий кўникмалар билан уйғунлашуви;

6. Ижтимоий мослик принципи – ҳуқуқий тарбия мазмунининг жамиятнинг долзарб ижтимоий-ҳуқуқий муаммолари билан боғлиқлиги;

7. Диалогийлик принципи – ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги тенг ҳуқуқли мулоқот асосида ҳуқуқий тарбиянинг амалга оширилиши;

8. Рефлексивлик принципи – ўқувчиларнинг ўз ҳуқуқий билимлари, муносабатлари ва хулқ-атворини мустақил баҳолаш имкониятларини яратиш.

Хулоса

1. Ҳуқуқий тарбия – ўқувчиларда ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий хулқ-атвор кўникмаларини мақсадли, тизимли ва ташкиллаштирилган тарзда шакллантиришга қаратилган яхлит педагогик жараён бўлиб, у юридик ва педагогик фанлар интеграциясида амалга оширилади.

2. Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёни мақсад, мазмун, технологик ва натижа компонентларини ўз ичига олувчи яхлит тузилмавий тизим тариқасида ташкил этилиши лозим.

3. Ҳуқуқий тарбия жараёнининг олтита ўзига хос хусусияти аниқланди: ёш хусусиятларига мослик, узлуксизлик ва босқичма-босқичлик, интегративлик, субъект-субъект муносабатлари, амалий йўналтирилганлик ва тарбиявий муҳитнинг аҳамияти. Ушбу хусусиятларни ҳисобга олиш ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлигини сезиларли даражада оширишга имкон яратади.

4. Ўқувчиларда ҳуқуқий компетенцияни шакллантиришнинг концептуал модели ишлаб чиқилган бўлиб, у мақсадли, методологик, мазмун, технологик ва натижавий блокларни ўз ичига олади. Ушбу модель ҳуқуқий тарбиянинг самарали ташкил этилишини таъминлашга хизмат қилади.

5. Ҳуқуқий тарбия принципларининг тизими *(илмийлик, тизимлилик, ёшга мослик, интегративлик, амалий йўналтирилганлик, ижтимоий мослик, диалогийлик, рефлексивлик)* назарий жиҳатдан асосланган бўлиб, ушбу принциплар мактабда ҳуқуқий тарбия жараёнини ташкил этишнинг методологик асоси вазифасини бажаради.

Келажакда ушбу назарий хулосаларни эмпирик тадқиқотлар орқали тасдиқлаш, ишлаб чиқилган концептуал моделни мактаб амалиётида синовдан ўтказиш ва ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлигини баҳолаш мезонларини янада аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. – Тошкент, 2020.

3. Алексеев С.С. Теория государства и права: учебник. – М.: Норма, 2005. – 496 с.

4. Бабанский Ю.К. Педагогика: учебное пособие. – М.: Просвещение, 1988. – 479 с.

5. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. – 192 с.

6. Бондаревская Е.В. Теория и практика личностно-ориентированного образования. – Ростов н/Д: РГПУ, 2000. – 352 с.

7. Выготский Л.С. Педагогическая психология. – М.: Педагогика-Пресс, 1999. – 536 с.

8. Кудрявцев В.Н. Правовое поведение: норма и патология. – М.: Наука, 1982. – 287 с.
9. Лазарев В.В. Общая теория права и государства: учебник. – М.: Юристъ, 2001. – 520 с.
10. Леонтьев А.Н. Деятельность. Сознание. Личность. – М.: Политиздат, 1975. – 304 с.
11. Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права: учебник. – М.: Юристъ, 2004. – 512 с.
12. Муслимов Н.А. ва бошқ. Педагогик технологиялар. – Тошкент: “Turon-Iqbol”, 2018. – 280 б.
13. Мусурмонова О.М. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001. – 160 б.
14. Олимов Қ.Т. Педагогика. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2012. – 368 б.
15. Пиаже Ж. Избранные психологические труды. – М.: Международная педагогическая академия, 1994. – 680 с.
16. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2002. – 720 с.
17. Сластёнин В.А. и др. Педагогика: учебное пособие. – М.: Академия, 2002. – 576 с.
18. Тохтаходжаева М.Х. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Тошкент: Фан, 2010. – 288 б.
19. Харламов И.Ф. Педагогика: учебное пособие. – М.: Гардарики, 2003. – 519 с.
20. Якиманская И.С. Личностно-ориентированное обучение в современной школе. – М.: Сентябрь, 2000. – 176 с.
21. Patrick J.J. Principles of Democracy for the Education of Citizens // ERIC Digest. – 2003. – ED480126.
22. Parker W.C. Teaching Democracy: Unity and Diversity in Public Life. – New York: Teachers College Press, 2003. – 224 p.
23. Torney-Purta J., Schwille J., Amadeo J. Civic Education Across Countries: Twenty-four National Case Studies from the IEA Civic Education Project. – Amsterdam: IEA, 1999. – 584 p.
24. Gross R.E., Dynneson T.L. Social Science Perspectives on Citizenship Education. – New York: Teachers College Press, 1991. – 312 p.
25. Massialas B.G. The Hidden Curriculum and Social Studies // Social Studies Professional. – 1996. – No. 130. – P. 5-7.

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДА СОДИР ЭТИЛАДИГАН ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ ОЛИШ

Сайдалиев Учкун Хайриддинович,

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий тадқиқотчи ходим

Аннотация. Мазкур мақолада замонавий глобаллашув шароитида интернет тармоғида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш масалалари илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган. Муаллиф кибержиноятчиликнинг динамикаси, унинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий омиллари, шунингдек, ушбу соҳада “илмий диагноз” қўйишнинг аҳамиятини ёритиб берган. Мақолада профилактика субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштириш ва интернет орқали содир этиладиган жиноятларга қарши курашишда янгича ёндашувлар, жумладан, профилактик ҳисобга олиш ва мураббийлик тизимини жорий этиш бўйича таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: интернет тармоғи, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, кибержиноятчилик, барвақт олдини олиш, илмий диагноз, ахборот хавфсизлиги, фирибгарлик, профилактика субъектлари, ижтимоий-ҳуқуқий омиллар.

Аннотация. В данной статье научно и практически проанализированы вопросы раннего предупреждения правонарушений, совершаемых в сети Интернет в условиях современной глобализации. Автор освещает динамику киберпреступности, её социально-экономические и духовные факторы, а также важность постановки “научного диагноза” в этой сфере. В статье выдвигаются предложения по совершенствованию взаимодействия между субъектами профилактики и внедрению новых подходов в борьбе с интернет-преступностью, включая систему профилактического учета и наставничества.

Ключевые слова: сеть Интернет, профилактика правонарушений, киберпреступность, раннее предупреждение, научный диагноз, информационная безопасность, мошенничество, субъекты профилактики, социально-правовые факторы.

Бугунги кунда жаҳонда ва минтақамизда тараққиёт ва хавфсизликка раҳна солаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, трансмиллий жиноятлар ва ёт ғоялар таъсирининг тобора кучайиб бораётганлиги уларга барҳам бериш ва ўз вақтида олдини олиш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Ҳаётнинг ўзи эришилган барча ютуқларни, шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликларни чуқур ва танқидий таҳлил қилиш асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини янада такомиллаштириш бўйича пухта ўйланган ва изчил ҳаракатларни давом эттиришни объектив заруратга айлантирди.

Жиноятчиликка қарши курашиш барча даврларда ҳам давлатнинг жиддий ва муҳим масаласи ҳисобланиб келинган. Инсон тинч, хотиржам ва жиноятлардан холи бўлиб яшашни ҳоҳлайди. Тинчлик, барқарорлик бўлган жойда олдинга интилиш ва ривожланиш бўлади.

Ҳаммамизга маълумки, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилгандир. Ҳар бир фуқаро Конституция ва Қонунларга сўзсиз риоя қилиши демократиянинг асосий тамойилларидан ҳисобланади. қонунларга ҳурмат, итоатгўйлик эса, энг аввало, ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ.

Шу боисдан, ислоҳотларнинг бугунги босиқчида ҳуқуқбузарлик жамият ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий-ҳуқуқий ва руҳий ҳодиса бўлиб, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси жиноятчиликка қарши курашишда бош йўналишга айланди.

Аммо, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини такомиллаштириш йўналишидаги амалга оширилаётган чора-тадбирлар мавжуд муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишдан бошланмас экан унинг самарадорлиги яхшиланмайди.

Ҳуқуқбузарликларни барқарорлаштириш, унинг динамикасини пассайтириш, фуқароларда ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасизлик ҳиссини кучайтириш ушбу йўналишдаги вазифаларнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланиб, рус криминолог олими Ю.М. Антонян “жиноятчиликни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди, у фақат жамият билан бирга барҳам топиши мумкин”, – деб таъкидлаб ўтган фикрларига эътибор қаратиш лозим.

Демак, шахс фақатгина жамиятда ва ундаги мавжуд ҳодиса, воқеа, жараёнлар таъсирида шахс сифатида шаклланади. Шулардан келиб чиқиб, айтганда мамлакатимизда амалга оширилган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ислоҳотларда ҳам барча омиллар инобатга олинди. “**Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш** – амалга оширилаётган барча ислоҳотлар самарадорлигига эришиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатда тинчлик, тотувлик ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолатидир”.

Жамият аъзолари қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганиши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонун орқали ҳимоялашни билиши, ўз мажбуриятларини оғишмай бажариши, шунингдек бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, қонунларга риоя этиш муқаддас бурчи деб бунга виждонан ёндошишлари лозим.

Таъкидлаш лозимки, жамият ривожланар экан – тараққиёт кушандаси бўлган “жиноятчилик” ҳам бир жойда тўхтаб қолмайди, яъни у замонга мослашиб боради, хусусан, жиноятларнинг янги турлари пайдо бўлиш билан бир қаторда, уларни содир этиш механизмлари ҳам такомиллашиб боради. Шундай экан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг субъектлари ҳам ўзларининг фаолиятини мунтазам равишда замонга мос равишда такомиллаштириб, илмий асосланган шакл ва усулларни амалиётга қўллашни ўзлаштиришлари талаб этилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини самарадорлигини ошириш, биргина чора-тадбирларни амалга ошириш билан эмас, балки ушбу тадбирларни манзилли йўналтириш ва ҳудудлардаги жиноятчилик ҳамда айрим хусусиятларини инобатга олган ҳолда бир сўз билан айтганда **“илмий диагноз”** асосида ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ш.М. Мирзиёев ички ишлар органлари ходимлари куни куни муносабати билан сўзлаган байрам табригида ““Хавфсиз маҳалла” ва “Хавфсиз ҳудуд”

тамойиллари асосида ички ишлар органларининг Миллий гвардия ва маҳалла жамоатчилиги билан ҳамкорликдаги ишлари қисқа вақт ичида ўзининг ижобий натижасини бераётгани биз учун катта аҳамиятга эга. Ҳудудлардаги криминоген вазиятни чуқур таҳлил қилиш, жиноятларнинг динамикаси ва содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш ва “илмий диагноз” қўйиш орқали жиноятчиликни прогнозлаш ва унинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда”, деб таъкидлаб ҳуқуқбузарликлар профилакти-касига илмий таҳлил асосида ёндошиш муҳимлигини кўрсатиб ўтди.

Шу боисдан бугунги кунда янги турдаги ҳуқуқбузарликлар ҳисобла-надиган **“Интернет тармоғида”** содир этиладиган ҳуқуқ-бузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқ-лаш ҳамда уларни бартараф этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, бугунги илмий адабиётларда **“кибержино-ятчилик”** деган жумла тез-тез тилга олиниб турибди, айнан кибержиноятлар интернат тармоқлари орқали содир этилади. Демак, ушбу йўналишда замонавий шакл ва усулларни ишлаб чиқиш, унга қарши курашишга қодир бўлган малакали кадрларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозимлигини кўрсатади.

Бугунги кунда таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистонда интернет тармоғи – орқали асосан “фирибгарлик”, “ўғирлик”, “туҳмат”, “ҳақорат” “криптоактивлар айланмаси соҳасида қонун бузилишлар”, ва “гиёхвандлик билан боғлиқ” ҳуқуқбузарлик-ларнинг содир этилиши кузатилмоқда.

Айрим ривожланган мамлакатларда эса “Ўзини ўзи ўлдириш даража-сига етказиш”, “Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш”, “Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш”, “Урушни тарғиб қилиш”,“Фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш”,“Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқа-тиш, реклама қилиш, намойиш этиш”, “Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш” ва бошқа шунга ўхшаш жиноятларнинг ҳам интернет тармоғи орқали содир этилаётганлиги аниқланган.

Шу боисдан интернет орқали содир этиладиган барча турдаги жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва имкон берган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва бугундан олдини олиш ҳамда бу жараёнда замонавий шакл ва усулларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, хорижий мамлакатларнинг тажрибасини ўрганиш, уларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, ички ишлар органлари томонидан интернет тармоғи орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарлик-ларнинг олдини олишдаги энг замонавий ва мамлакатимизга мос бўлган усулларини ўрганиш ҳамда татбиқ этиш лозим.

Интернет тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини амалга оширишда фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки ички ишлар органлари эмас, балки барча ташкилотлар, муассасалар, жамоатчилик тузилмалари ҳам иштирок этишлари шарт.

Эътибор қаратсак, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг 9-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар тизими сифатида ички ишлар, прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, адлия, давлат божхона хизмати, давлат солиқ хизмати, меҳнат, таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари кўрсатиб ўтилган бўлсада интернет орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишда улар ўзлари ваколатларидан келиб чиқиб ёндошишлари талаб этили. Ушбу субъектларнинг айримлари ахборот тўплаш ва тегишли органга тақдим этиш билан амалга оширса, айримлари эса тўғриидан тўғри интернет орқали

содир этиладиган ҳуқуқбузарлик-ларнинг профилактикасини амалга оширади.

Аммо, ушбу субъектлар доирасида ички ишлар, прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги органлари алоҳида масъулиятли вазифаларга эга.

Шунингдек, интернет тармоқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузар-ликларнинг барвақт олдини олиш ва унга қарши кураш жараёнида **Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникация-ларини ривожлантириш вазирлигининг** ҳам фаолияти муҳим касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси ахборот техно-логиялари ва коммуникация-ларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3549-сонли Қарори билан тасдиқланган йўл харитасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш чораларини такомиллаштириш соҳасида мазкур вазирликнинг зиммасига юклатилган қуйидаги вазифалари интернет тар-моқлари орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган, жумладан:

1) Электрон ҳукумат маълумотларини Идоралараро тармоқ бўйича ўтказишда электрон ҳамкорликни амалга ошириш чоғида ахборот хавфсиз-лигини ва маълумотлар ҳимоясини таъминлаш чораларини қуйидаги йўллар орқали янада такомиллаштириш:

а) маълумотларни узатиш Идоралараро тармоқнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш;

б) ахборот тизимлари комплекслари ва электрон ҳукумат маълумотлар базаларининг мониторинг тизимини ахборот хавфсизлиги талаблари нуқтаи назаридан модернизация қилиш.

2) Ахборот хавфсизлигига таҳдидларни мониторинг қилиш самарадорлиги оширилишини назарда тутувчи Оммавий комму-никациялар соҳасидаги мониторинг маркази фаолиятини янада такомиллаштириш.

3) Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини қуйидагиларни назарда тутган ҳолда такомиллаштириш:

а) миллий стандартларни халқаро талабларга мувофиқлаштириш;

б) ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида стандарт-лаштириш бўйича норматив ҳужжатлар фондини ташкил этиш, ундан очиқ фойдаланишни таъминлаш;

в) телекоммуникацияларнинг техник воситаларини сертификатлаштириш тартиб-таомилларини янада соддалаштириш.

Шундай бўлсада, бугунги глобаллашув жараёнларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барча субъектлари фаолиятини мувофиқлаш-тириш ва улар ўртасидаги узвий ҳамкорликни таъминлаш механизмини яратиш зарурати туғилмоқда. Бу эса интернет тармоғида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, интернет тармоғида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда ҳуқуқбузарликларнинг турлари ва уларнинг чора-тадбирларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда манзилли йўналтириш алоҳида ўринга эга.

Таъкидлаш жоизки, интернет тармоғи орқали содир этиладиган ҳуқуқ-бузарликлар **“кибержиноятчилик”** билан боғлиқ бўлсада, аммо, кибержи-ноятчиликда фақатгина бу хатти-ҳаракатнинг асосан жиноий-ҳуқуқий тарафлари ўрганилиб, уларни олдини олиш чоралари кўрилади, интернет орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишда эса ҳам маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳам жиноятларга олиб келувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этишга қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида 12 март куни ўтган йиғилишда кибержиноят ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган ҳуқуқбузарликларни олдини оши самародорлигини ошириш юзасидан таклифлар тақдимоти билан танишди. Ўзбекистонда интернетдан фойдаланувчилар сони 31 миллиондан ошган бўлиб, шундан 14 миллиони ижтимоий тармоқда фаол фойдаланиаётганлиги, шу билани бирга ҳуқуқбузарларнинг интернет ва ижтимоий стармоқлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари кун сайин ортиб бораётганлигини такидлаб ўтилди, жумладан сўнги олти йилда кибержиноятлар бўйича

мурожаатлар 48 бараварга кўпайгани, ўтган йили фирибгарлик жиноятларининг 82 фоизи ва ўғирлик жиноятларининг 76 фоизи кибермаконда содир этилган. Улар натижасида 2 триллион сўмдан ортиқ моддий зарар етказилганлиги билдириб ўтилган.

2025 йилда Ўзбекистон Республикаси жами 76 852 та ахборот технологиялар ёрдамида жиноят қайд этилган, шундан 36 265 таси (47.2%) фирибгарлик, 37 261 таси *(48,5%)* ўғирлик, 1973 таси криптоактивлар айланмаси соҳасида қонун бузилишлар, 521 таси жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоийиш этиш, 70 таси тухмат, 286 та ҳақорат, 48 таси шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, 114 таси шахсни шаъни ва қадри қиматини камситувчи маълумотларни ошкор қилиш, 41 та товламачилик, 106 та гиёхвандлик билан боғлиқ, 61 таси ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон тарож қилиши, 79 таси бошқа жиноятлар қайд этилгани ушбу жиноятларга қарши курашишнинг долзарблигидан далолат беради. Ижтимоий муносабатларнинг кескин ривожланиши ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятлар шакл ва турларининг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, бугунги кунда компьютер техникасининг такомил-лаштирилиши, ўз навбатида, унинг имкониятларни кенгайтириб, у билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятлар, хусусан ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш ҳолатлари кўпайиши, уларнинг ижтимоий хавфлилиги даражасининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш лозимки, интернет орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини икки йўналишга ажратиш мумкин, **“ижтимоий-иқтисодий”** ва **“маънавий”** омиллар.

талабидан келиб чиқиб ишлаб чиқиш ва қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, интернет тармоғи орқали ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил шахслар тоифаларини аниқлаш ва рўйхатини шакллантириш;

иккинчидан, интернет тармоғи орқали ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни профилактик ҳисобга олиш ва улар билн

якка тартибдаги тарбиявий профилактик ишларни амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш;

учинчидан, интернет тармоғи орқали ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолаш ва жазо чораларини оғирлаштириш;

тўртинчидан, интернет тармоғи орқали ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга маҳаллаларда бу соҳага оид билимларга эга шахлардан мураб-бийлар бириктирилишини ташкил этиш.

Интернет тармоғи орқали содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга масъул бўлган давлат органлари, жумлада, Ички ишлар органлари ходимларининг кибержиноятчилика қарши кураш ва интенет тармоғи орқали содир этиладиган уқуқбуарликлар профилактикаси бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш юзасидан ўқув машғулотларини таашкил этиш.

Адабиёт рўйхати:

1. *Мирзиёев Ш.М.* Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир // Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси, 2016 йил 2 ноябрь // Халқ сўзи. – 2016. – 3 нояб.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 25 октябрь – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ходимлари куни муносабати билан ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига байрам табриги // Postda-На посту. – 2021. – 25 окт. – № 43 (4529). – 1–2 б.

3.Ўзбекистонда Интернетнинг ривожланиш тенденциялари // Электрон манба http://nargis.uz/article_view.php?id=330

4.https://sud.uz/wp-content/uploads/2021/odilsudlov/5_uz.pdf

5.https://kun.uz/news/2022/04/18/kiberxavfsizlik-togrisidagi-qonun-dxxga-qanday-yangi-vakolatlar-berildi

6.https://kun.uz/kr/news/2026/03/12/moliyaviy-piramida-uchun-jazo-choralari-ogirlashtiriladi

7. Ichki ishlar vazirligi Huquqiy statistika bosh markazining ma’lumotlari

“ЎТА ШАФҚАТСИЗЛИК БИЛАН” СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ТАДРИЖИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ

Хамидов Асилбек Алишер ўғли,

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий ходим-тадқиқотчиси, капитан

Ўта шафқатсизлик *– бу шунчаки жиноят содир этиш усули эмас, балки, жиноятчи шахсиятидаги чуқур деформация ва жамиятдаги ахлоқий инқирознинг индикаторидир. Ретроспектив таҳлил шуни кўрсатадики, жамият гуманизм сари интилгани сайин, “шафқатсизлик” тушунчасининг ҳуқуқий чегаралари кенгайиб (нафақат жисмоний, балки психологик босим ҳам киритилмоқда), унга бериладиган жазолар эса қаттиқлашмоқда.*

Инсоният тамаддунининг турли босқичларида трансформациялашиб келаётган **жиноятчилик феномени** ичида “ўта шафқатсизлик билан” содир этилган қилмишлар ўзининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва деструктив, ноинсоний табиати билан алоҳида ажралиб туради.

Криминология фанининг фундаментал тадқиқот объектларидан бири ҳисобланган ушбу тоифадаги жиноятлар, шахсга нисбатан оддий зўравонлик чегарасидан чиқиб, жабрланувчига максимал даражадаги **экзистенсиал**, **жисмоний** ва **психологик изтироб етказиш**ни ифодалайди.

Мазкур жиноий хатти-ҳаракатларнинг детерминациясини ўрганишда фақатгина ҳуқуқий квалификация билан чекланмай, балки жиноятчининг **психо-эмоционал типологияси**, жиноий **мотивларнинг шаклланиши** ҳамда ижтимоий **муҳитнинг шахс деформациясига таъсири** каби криминологик жиҳатларга алоҳида урғу бериш талаб этилади.

Тарихий-ҳуқуқий тараққиёт жараёнини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, “ўта шафқатсизлик” тушунчаси жамиятнинг ахлоқий-

ҳуқуқий мезонлари ва гуманистик қарашлари эволюцияси билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Замонавий жиноят ҳуқуқи доктринасида ушбу тушунча нафақат жиноятни **оғирлаштирувчи ҳолат**, балки, **инсон қадр-қимматига қарши қаратилган энг қабиҳ тажовуз** сифатида квалификация қилинади.

Бундай жиноятлар инсоният тарихи давомида турли шаклларда намоён бўлиб, ижтимоий муносабатлар, ахлоқий меъёрлар ва ҳуқуқий тизимлар ривожи билан бирга ўзгариб келган.

Шу аснода, “ўта шафқатсизлик билан” содир этилган жиноятларни батафсил тадқиқ қилиш, мазкур тушунчанинг тарихи, уни ифодаловчи атамаларнинг келиб чиқиши, шу турдаги шов-шувли жиноятлар ҳамда уларнинг тарихий ривожланиш босқичларини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилишни назарда тутади.

I. “Ўта шафқатсизлик” тушунчасининг тарихи ва назарий асослари

1. Қадимги даврларда шафқатсизлик тушунчаси

Қадимги даврларда ҳам “ўта шафқатсизлик билан” кўплаб жиноятлар содир этилган бўлса-да, ушбу тушунча мавжуд “ҳужжатлар” да алоҳида ҳуқуқий феномен сифатида белгиланмаган. Жиноятлар “ўта шафқатсизлик билан” содир этилганлиги бўйича тавсифланмаган.

Бу даврлардаги ҳуқуқий тизимнинг ўзига хослиги шундаки, жисмоний азоб етказиш даставвал, жазо тизимининг асосий таркибий қисми бўлган ва у, ҳозирги маънодаги “ўта шафқатсизлик” сифатида баҳоланмаган.

Қадимги жамиятларда жиноят ва жазо тушунчалари асосан қасос *(lex talionis)* тамойилига асосланган. Яъни, жиноятчиликка қарши курашишга қаратилган мавжуд тартиб-таомилларга асосан, етказилган зарарга айнан шу кўриниш ва шаклда жавоб қайтаришга эътибор қаратилган.

Хусусан, инсоният тарихидаги энг қадимги ёзма қонунлар мажмуаларидан бири бўлган ҳамда милоддан аввалги XVIII асрда Бобил шоҳи Хаммурапи томонидан яратилган, кенг кўламли ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларни қамраб олган, 282 моддадан иборат – **“Ҳаммурапи қонунлари”** шафқатсизлик

тушунчасининг дастлабки ҳуқуқий шаклланишида муҳим ўрин тутган. Унга кўра, жазонинг жиноятга мутаносиблигини таъминлаш мақсадида **“кўзга-кўз, тишга-тиш”** принципи қўлланилган. Жиноят усули ва оқибатларига қараб жазонинг оғирлаштирилиши назарда тутилган.

Шунингдек, **“Қадимги Рим ҳуқуқи”**нинг ҳам шафқатсизлик тушунчасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда ўрни мавжуд. “XII жадвал қонунлари” *(мил.авв. 451-450)* жиноятларни содир этилиш усулига кўра фарқлаган. “Crudelitas” *(шафқатсизлик)* ва “saevitia” *(зулм)* тушунчалари алоҳида юридик категория сифатида қўлланилган. Рим юристлари **Ульпиан** ва **Папиниан** жиноятнинг “ўта шафқатсизлик” билан содир этилишини жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этганлар. Қолаверса, Қадимги Римда ҳам жазолар оммавий ва қаттиқ бўлган *(масалан, крестга михлаш, ареналарда ўлдириш)*. Мазкур ҳолатларда шафқатсизлик давлат сиёсати ва ижтимоий назорат воситаси сифатида намоён бўлиб, **“конструктив аҳамиятга эга”** бўлган.

Бундан ташқари, милоддан аввалги II асрдаги **“Қадимги Ҳинд ҳуқуқи”**да **Ману қонунлари** *(Дхармашастра)* шафқатсизлик тушунчасини **“ҳимса”** *(зарар етказиш)* ва **“атикрура”** *(ўта шафқатсизлик)* каби тушунчалар орқали ифодалаган ва фарқлаган. Жиноятнинг оғирлигини аниқлашда, унинг содир этилиш усули, жабрланувчининг ижтимоий мавқеи ва айбдорнинг ниятига алоҳида эътибор қаратилган. Шафқатсизларча содир этилган жиноятлар учун “тириклайин ёқиш”, “қайноқ мой қуйиш” каби жазолар белгиланган бўлиб, бу жазолар жиноятнинг шафқатсизлик даражасига мутаносиб тарзда қўлланилган.

2. Ўрта асрлар даврида шафқатсизлик тушунчаси

Ўрта асрларда шарқ дунёсида шафқатсизлик тушунчасининг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишида **Ислом ҳуқуқи** ва шариат нормалари (VII-XV асрлар)нинг аҳамияти беқиёс.

Ислом ҳуқуқида жиноятлар жиноят ва жароҳат етказиш категорияларига бўлинган бўлиб, уларни содир этиш усулига алоҳида аҳамият берилган. Хусусан, Ислом дини манбаси бўлмиш – Қуръони Каримда инсон ҳаётига қасд қилиш гуноҳ эканлиги,

шафқатсизларча одам ўлдириш оғир гуноҳлар қаторига кириши қайд этилган. Фиқҳ *(ислом ҳуқуқшунослиги)* илмида “ғализ қатл” *(шафқатсизларча ўлдириш)* тушунчаси алоҳида ҳуқуқий норма сифатида шаклланган. Имом Абу Ханифа, Имом Шофеъий ва бошқа фақиҳлар жиноятнинг содир этилиш усулини **жазо тайинлашнинг муҳим мезони** деб белгилаганлар.

Марказий Осиё ҳуқуқий анъаналарида эса **“Темур тузуклари”** алоҳида ўрин тутади. Унда жиноятларнинг турли категориялари ва улар учун жазолар батафсил белгиланган. Шу жумладан, шафқатсизларча содир этилган жиноятлар алоҳида оғир категория сифатида кўрилган ва улар учун энг оғир жазолар назарда тутилган. Тузукларда **“золимлик билан одам ўлдириш”** учун жазони оғирлаштириш тамойили мустаҳкамланган бўлиб, бу жиноят содир этиш усулининг жазога таъсири ҳақидаги илк ҳуқуқий ёндашувлардан биридир.

Ўрта асрлар Европасида эса, 1533 йилда эълон қилинган Муқаддас Рим империясининг **Каролина кодекси** *(Constitutio Criminalis Carolina)* тарихий-ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳужжат бўлиб, унда биринчи марта шафқатсизлик жиноятни квалификация қилишнинг **расмий мезони** сифатида қайд этилган. Кодекснинг 130-137-моддаларида одам ўлдиришнинг турли усуллари, шу жумладан “заҳарлаш” ва “қийноққа солиб ўлдириш” алоҳида квалификация белгиси сифатида қайд этилган. Мазкур кодекс жиноятнинг содир этилиш усулини жиноий квалификациянинг ажралмас қисми сифатида мустаҳкамлаган **биринчи ёзма қонунлардан бири** ҳисобланади.

3. Ўрта асрлар: диний ва инквизицион ёндашув

Ўрта асрларда Европа ҳудудида Испан инквизицияси фаолияти доирасида, ўзида “ўта шафқатсизлик”ни намоён этувчи **қийноқлар қонуний тергов усули** сифатида қўлланилган. Бундай шафқатсизлик гўёки **“руҳни қутқариш”** ёки **“динни ҳимоя қилиш”** ғоялари билан оқланган.

Жумладан, давлат томонидан қуйидаги ўта шафқатсизлик усуллари қўлланилган:

Страппадо, шунингдек, корда номи билан ҳам танилган,

жабрланувчининг қўллари орқасига боғланиб, билакларига боғланган арқон билан осиб қўйиладиган қийноқ тури бўлиб, одатда елкаларни чиқариб юборган. Таъсирни ва оғриқни янада кучайтириш учун танага оғирликлар қўшилган. Бу ҳолат бир соатдан ошганида ўлим ҳолатлари кузатилган.

Чўзувчи қурилма энг машҳур қийноқ воситаси бўлган. Қурбоннинг қўл-оёқлари рамкага боғланиб, роликлар ёрдамида секин-секин чўзилган. Бу мушаклар, бўғимлар ва умуртқаларнинг йиртилиши ва узилишига, суяклар синишига олиб келган.

Water torture усули. Бунда инсоннинг қўл-оёқлари боғланиб, тескари ҳолатда, оғизга мато тиқилиб, матонинг устидан сув қуйилган. Натижада — қурбон ўзини "чўкиб кетаётгандек" ҳис қилган ва кўп ўтмай ҳалок бўлган.

Pear of Anguish усулида — нок шаклидаги металл қурилма инсоннинг оғиз, қин ёки орқа чиқарув йўлга киритилган ва винт ёрдамида очиб юборилган. Бунинг оқибатида, инсоннинг ички аъзолари шикастланиб, йиртилиб, кесилиб кетган.

Шу билан бирга, мазкур даврларда тириклайин гулханда ёқиш, тириклайин кўмиб юбориш, узоқ вақт овқат ва сув бермаслик, қариндошлари олдида жисмоний азоб бериш каби ўта шафқатсизлик усуллари кенг қўлланилган. Шундай бўлса-да, мазкур усуллар давлат томонидан, жазо сифатида қўлланилган ва "ижтимоий фойдали ҳодиса" деб талқин қилинган.

Бундан фарқли ўлароқ, шарқ ҳуқуқий манбаларида, жиноят ва жазо муносабатлари кўпроқ адолат ва мутаносиблик тамойилларига асосланган бўлиб, ортиқча шафқатсизлик қўлланилмаган.

4. Янги даврда шафқатсизлик тушунчасининг ва инсон ҳуқуқлари концепциясининг шаклланиши

XVIII асрда Европада маърифатпарварлик ғоялари таъсирида жиноят ҳуқуқида туб ўзгаришлар рўй берди. Итальян олими Чезаре Беккариянинг **"Жиноятлар ва жазолар ҳақида"** (1764) асари жиноят ҳуқуқи фанининг асос тоши бўлди. Беккария шафқатсиз жазоларга қарши чиқиб, **жазонинг жиноятга мутаносиблиги тамойили**ни илгари сурган. Бу жиноятнинг содир этилиш усулини

жазо тайинлашда инобатга олиш ҳақидаги илмий назарияларнинг ривожланишига кучли туртки берди.

Шу билан бирга, ушбу тушунчанинг шаклланишида ўз ҳиссасини қўшган **Наполеон жиноят кодекси** билан “жиноятнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари” тизими илк бор тўлиқ кодификация қилинган. Кодексда “torture” *(қийноққа солиш)*, “barbarie” *(ваҳшийлик)* ва “cruaute” (шафқатсизлик) тушунчалари алоҳида ҳуқуқий категориялар сифатида таърифланган. Қотилликнинг “ўта шафқатсизларча” содир этилиши *(assassinat)* оддий одам ўлдиришдан алоҳида квалификация қилинган бўлиб, бу замонавий жиноят ҳуқуқида шафқатсизликни квалификация белгиси сифатида қўллашнинг асосий тамойилларини шакллантирган.

Ўз навбатида, 1845 йилда Россия империясида қабул қилинган **“Жиноий ва тузатиш жазолари тўғрисидаги Низом”** Ўрта Осиё ҳуқуқий тизимига бевосита таъсир кўрсатган ҳужжатлардан биридир. Мазкур Низомнинг 1453-1472-моддаларида одам ўлдиришнинг турли шакллари, шу жумладан, “ўта қаттиқ шафқатсизлик билан” содир этилган қотилликлар алоҳида категория сифатида белгиланган. “Зверство” *(ваҳшийлик)* ва “жестокость” ***(шафқатсизлик)*** тушунчалари ўша даврда аниқ юридик мазмунга эга бўлган.

Қолаверса, **Собиқ иттифоқ ҳуқуқий тизими**да ҳам шафқатсизлик ўзига хос тарзда тавсифланган. Чунончи:

1919 йилги РСФСР Жиноят ҳуқуқида – жиноятнинг содир этиш усулини жазо тайинлашда инобатга олиш тамойили биринчи марта белгиланган;

1922 йилги РСФСР Жиноят кодексида — одам ўлдиришнинг оғирлаштирувчи ҳолатлари *(ўта шафқатсизлик билан)* 142-моддада белгиланган;

1926 йилги РСФСР Жиноят кодексининг янги таҳририда – шафқатсизлик белгиси аниқроқ ифодаланган. “Ўта шафқатсизлик” алоҳида квалификация белгиси сифатида мустаҳкамланган;

1959 йилги Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 86-моддасида қасддан одам ўлдиришнинг оғирлаштирувчи белгилари орасида “ўта шафқатсизлик” алоҳида банд сифатида белгиланган;

1960 йилги РСФСР Жиноят кодексининг 102-моддаси “в” бандида “ўта шафқатсизлик билан” одам ўлдириш квалификация белгиси сифатида аниқ мустаҳкамланган;

1966 йилги СССР Олий суди пленумининг қарори билан “ўта шафқатсизлик” тушунчасига биринчи расмий шарҳ берилган;

1987 йилги СССР Олий суди пленумининг “Қасддан одам ўлдириш ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” 1-сон қарорида — шафқатсизлик мезонлари батафсил қайд этилган.

Шундай қилиб, XVIII–XIX асрларда жиноят ҳуқуқи тизимининг шаклланиши, шунингдек, инсон ҳуқуқлари ғоясининг ривожланиши натижасида қийноқ ва шафқатсиз жазоларга нисбатан танқид кескин кучайган.

Шу сабабли кейинчалик ушбу қарашлар янада ривожланиши натижасида, **шафқатсизликка қарши** “**1948 йил 10 декабр**да қабул қилинган **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси**нинг **5-моддаси**да – *ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган муомала ва жазога дучор этилмаслиги керак*; **1966 йил 16 декабрь** кунги **Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт**нинг **7-моддаси**да - *ҳеч ким қийноқларга ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматини камситувчи муомалага ёки жазога дучор этилмаслиги керак*; **1984 йил 10 декабрь** кунги **Қийноқларга ҳамда муомала ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситадиган турларига қарши Конвенция**нинг **2-моддаси**да – *ҳар бир иштирокчи давлат унинг юрисдикциясидаги исталган ҳудудда қийноқ ҳаракатларининг олдини олиш учун самарали қонун чиқариш, маъмурий, судлов ва бошқа чораларни кўради* ҳамда **4-моддаси**да – *ҳар бир иштирокчи давлат ҳамма қийноқ ҳаракатлари унинг жиноят қонунчилигига мувофиқ равишда кўриб чиқилишини таъминлайди. Айни шу нарса қийноққа ва исталган шахснинг азоблашда шериклиги ёки қатнашувидан иборат ҳаракатларига ҳам тегишлидир. Ҳар бир иштирокчи давлат бундай жиноятлар учун уларнинг оғирлик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда тегишлича жазолар тайинлайди”* деган нормалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Юқоридаги нормалар ҳамда инсон ҳуқуқлари ғоялари таъсирида шаклланган **Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги**да ҳам “ўта шафқатсизлик билан” жиноят содир этиш, алоҳида усул ҳамда жавобгарлик ва жазони оғирлаштируви ҳолат сифатида, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодекси ва 2004 йил 24 сентябрдаги Олий суд пленумининг 13-сон “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” қарори билан жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Хусусан ўта шафқатсизлик, Жиноят кодексининг 97-модда 2-қисм “ж” банди, 104-модда 2-қисм “в” банди, 105-модда 2-қисм “г” банди, 126^1-модда 5-қисм “в” банди ҳамда 126^1-модда 7-қисм “в” бандидага асосан жавобгарликни, 56-модда 1-қисми “д” бандига кўра жазони оғирлаштируви ҳолат сифатида белгиланган.

II. Ўта шафқатсизлик билан боғлиқ тушунчалар ва уларнинг келиб чиқиши

“Ўта шафқатсизлик” жиноят содир этиш усули сифатида кенг маънога эга бўлиб, аслида унинг кўринишлари чегарасиз бўлиши мумкин. Чунки, инсонга нисбатан ўта шафқатсизлик билан жисмоний ва руҳий азоб бериш ёки шу усулда ўлдириш турли йўллар билан содир этилиши мумкин. Қолаверса, мазкур усуллар ҳам замон билан бирга янада ўзгариб бориши кўзга ташланган. Чунончи, юқорида айтиб ўтилганидек қадимда ўта шафқатсизлик асосан давлат томонидан қўлланиладиган жазоларда акс этиб, тириклайин ёқиш, кўмиб юбориш, суякларни синдириш каби кўринишларда намоён бўлган.

Жумладан, ҳозирги кунда “ўта шафқатсизлик” усулида зарар етказишга қаратилган жазолар давлат томонидан қўлланилишига чек қўйилган бўлса-да, мазкур усулда жиноятлар содир этилиши бот-бот кўзга ташланиб туради. Бунда усуллар ҳам қисман трансформацияга учраган, бироқ, усулларнинг мазмун-моҳияти ўзгаришсиз қолган.

Шундай бўлса-да, ўта шафқатсизликни янада чуқурроқ таҳлил қилишда қуйидаги атамалар маъноси ва уларнинг келиб чиқишига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки ўта шафқатсизлик айнан мазкур ҳолатлар билан боғлиқ ҳолатларда кўплаб содир этилган ва содир этилиб келинмоқда.

1. Садизм атамаси кенг маънода зўравонликка мойиллик ва инсонларни хўрлаш, уларни қийноққа солишдан завқланишни англатади. Садизм француз ёзувчиси Маркиз де Сад номи билан боғлиқ бўлиб бўлиб, бошқаларга азоб беришдан лаззат олиш ҳолатини англатади. Бу тушунча ХИХ асрда психиатрия ва криминологияга кириб келган.

Атама фанга, биринчи марта австриялик-герман психиатри Ричард фон Краффт-Эбинг томонидан илмий муомалага киритилган. Олим садизмни ўзининг 1886 йилда нашр этилган “Psychopathy Sexualis” монографиясида зарар етказиш орқали завқланиш истаги сифатида талқин қилган. Ҳозирги кунда садизмнинг жинсий кўриниши кўпроқ қайд этилмоқда.

2. Геноцид, юнончадан олинган сўз бўлиб, 1944 йилда поляк яҳудий адвокати, ҳуқуқшунос Рафаэль Лемкин томонидан илмий муомалага киритилган. Бу атама муайян миллат, этник ёки диний гуруҳни тўлиқ ёки қисман йўқ қилиш (Пигмейлар, Маорилар геноциди, Холокост кабилар)га қаратилган ҳаракатларни англатади ва қуйидаги белгиларга эга бўлади:

- маълум гуруҳ аъзоларининг ўлдирилиши;
- гуруҳ аъзоларига жиддий тан жароҳати етказиш ёки руҳий зарар етказиш;
- гуруҳда туғруқнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар;
- болаларни бир инсон гуруҳидан бошқасига мажбуран ўтказиш;
- ушбу гуруҳни тўлиқ ёки қисман жисмоний йўқ қилишга мўлжалланган қасддан яшаш шароитларини яратиш.

3. Маньяк – бу руҳий жиҳатдан ғайритабиий, жиноий мойилликка эга, одатда одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан шафқатсизлик қилишга, жинсий ёки бошқа турдаги зўравонликка (масалан, қотиллик, зўрлаш) ўч бўлган, ўз ҳаракатларини назорат қила олмайдиган шахс. Бу тушунча одатда жинсий жиноий маняк ёки серияли қотил маъносида ишлатилади. Маньяк ўз хусусиятига кўра, ҳам тиббий ҳам ҳуқуқий тушунча бўлиб, одатда руҳий жиҳатдан бузилган, зўравонлик ҳаракатларидан ғайритабиий ҳиссий қониқиш оладиган, бир турдаги жиноятларни қайта-қайта

содир этадиган, ташқи кўринишидан соғлом одамдек кўринадиган шахсдир. Ҳозирги вақтда ушбу тушунчаси асосан қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш ёки жинсий эҳтиёжини ғайритабиий усулда қондириш жиноятларини, такроран содир этган шахсларга нисбатан ишлатилмоқда.

III. Ўта шафқатсизлик билан боғлиқ жиноятларнинг тарихий ривожланиш босқичлари

Ўта шафқатсизлик билан содир этиладиган жиноятларни, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагича даврлаштириш мақсадга мувофиқ саналади.

1-босқич: Индивидуал ва оммавий жазо шакллари *(қадимги давр – XVII аср)*да ифодаланади.

Бу босқичда шафқатсизлик асосан давлат томонидан жазо чораси сифатида қўлланилган. Оммавий қатллар ва қийноқлар жамиятни бўйсундириш, қўрқитиш ва тартибни сақлаш воситаси сифатида кўрилган.

2-босқич: Индустриал миқёсдаги шафқатсизлик *(XX аср)*. XX асрда технология ва бюрократик тизимлар ривожи натижасида шафқатсизлик оммавий ва индустриал тус олди. Бунга мисол сифатида Гитлер Германияси томонидан яҳудийларга нисбатан содир этилган Холокост, Камбоджадаги қизил кхмерлар геноцид ва Руанда геноцидларини келтириш мумкин.

Бу босқичда шафқатсизлик идеологик асосда ва давлат сиёсати даражасида амалга оширилган.

3-босқич: Замонавий давр — индивидуал шафқатсизлик ва терроризм. XXI асрга келиб, ўта шафқатсизлик ўзининг асл моҳиятига кўра тавсифланади бошланди. Яъни, ўта шафқатсизликнинг нафақат давлат томонидан, балки, индивидуал кўринишлари ҳам тадқиқ қилина бошланди. Мавжуд жиноий қонунчилик ҳужжатларига ушбу тушунча киритилди ва оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолана бошланди.

Шунга кўра, ўта шафқатсизлик қотиллик вақтида, шунингдек, баданга тан жароҳати етказиш вақтида содир этиладиган, шахсга ҳаддан ортиқ азоб беришга қаратилган ҳаракатлар мажмуи сифатида таърифлана бошланди. Давлат томонидан содир этилиш ҳолатлари сезиларли даражада камайди.

IV. Ўта шафқатсизлик билан содир этилган шов-шувли жиноятлар

Ўта шафқатсизлик билан содир этилган жиноятлар жамиятда доимо кучли резонанс уйғотади. Бундай жиноятлар нафақат инсон ҳаётига тажовуз, балки, жабрланувчига азоб етказиш, қўрқув муҳитини яратиш ва жамиятнинг ахлоқий асосларига зарба бериш билан характерланади. Криминология нуқтаи назаридан, бундай жиноятлар индивидуал мотивлар, психопатология, ижтимоий изоляция ва назоратга бўлган патологик эҳтиёж билан боғлиқ ҳолатда содир этилади.

Бундай жиноятларда жабрланувчига етказиладиган азобни максималлаштириш, яъни жабрланувчини ўлдириш эмас, балки азоблаш жараёни марказий ўрин эгаллайди. Жабрланувчи инсон сифатида эмас, шунчаки бир объект, буюм сифатида кўрилади, айрим ҳолларда жиноятлар рамзий тарзда муайян фантазия ёки ички сценарийлар асосида қайта такрорланади. Қуйида содир этилган ва жамият орасида катта шов-шувларни келтириб чиқарган жиноятлар келтириб ўтилади.

Андрей Чикатило. 1936 йилда Украинада туғилган А. Чикатило болалигида тенгдошларининг масхара объекти бўлганлиги сабабли, нормал ўқий олмаган, ўртоқлари томонидан қабул қилинмаган. Ёшлигида туғма неврологик касаллик – гидроцефалия билан оғриган. Нисбатан балоғат ёшида ҳам сийдик ушлаб тура олмасликмуаммосиданазиятчекканлигисабаблионаситомонидан кўп калтакланган. Ҳарбий хизмат вақтида эса хизматдошларидан масхара, ҳақорат ва жинсий тажовузга учраган, қолаверса, “ватан хоини”нинг ўғли бўлган ушбу “маньяк” юқоридаги ҳолатлар таъсирида дунёга нисбатан нафрати шакллана бошлаган.

Бунинг оқибатида у 1957-1990 йилларда, “ўта шафқатсизлик” билан жами 56 та қотилликни содир этган.

Жиноятларини ўғил болаларнинг моягини кесиб ташлаш, аёлларнинг кўкрак безини ғажиб, жинсий аъзоларини кесиш, пичоқ билан таналарига кўп сонли жароҳатлар етказиш, кўзларини ўйиб олиш орқали содир этган.

Ўзбек чикатилоси. 1973 йилда Ўзбекистонда туғилган Б. Матёқубов

маъшуқасидан қабул қилган хиёнат аламидан Ўзбекистон, Украина ва Россияда 10 дан ортиқ аёлларни “ваҳшийларча” ўлдирган.

дастлаб у, 2015 йилда Москвада гўёки “*болалари ва оиласи бўла туриб, бошқа эркак билан юрганидан ғазабланиб*” ўзи билан учрашган 36 ёшли Юлия Анпиловани ўлдириб, жасадини ариққа ташлаб юборади ва *“Москвада битта фоҳиша камайганидан мамнунлигини”* ни билдиради. Гўёки шу важ билан ўзини оқлайди ва таскин беради.

Жиноятни содир этиб, Ўзбекистонга қочиб келган ушбу “маньяк” келганига бир неча соат ўтмасдан Тошкентда, дорихона ходимасини, сўнгра яна икки аёлни шафқатсизларча ўлдиради, бирини бошини узиб олади.

Бу жинояти ҳали очилмасдан, Киевга қочган Б.Матёқубов гўёки *“ҳамма аёл фоҳиша”* фикри билан юриб, улардан *“аёллардан ўч олиш”* ниятида давом этади. Натижада, Теремки метро бекати ёнида 47 ёшли Наталя Онипченкони ҳамда бир неча кун ўтиб, боғда сайр қилиб юрган 77 ёшли аёлни, 20 га яқин пичоқ билан жароҳат етказиб ўлдиради.

Бу жиноятлардан сўнг яна Москвага келган “маньяк” Россия пойтахтида у яна бир неча аёлни – Измаиловский боғида 44 ёшли Элмира Гусенкони, Москва қандолат дўконида 35 ёшли Наталья Елькинани ва тиббий буюмлар дўконида 53 ёшли Ирина Чекановани ўлдиради.

Қўлга олинганидан сўнг, Б.Матёқубов *“завқ билан жиноятлари тафсилоти ҳақида гапира бошлайди, агар улар уни тўхтатмасалар, у ўлдиришда давом этишини”* маълум қилади.

Тергов давомида унинг ақли расо экани ва ўз қилмишлари учун тўлиқ жавобгарлиги тўлиқ тасдиқланган ва 2016 йил охирида Украинада умрбод озодликдан маҳрум этилган.

“Шовотландия иши”. 2021 йил 27 февраль куни Тошкент шаҳри Чилонзор тумани, “Шарқ” маҳалласи, Гулистон кўчаси 9А-уй манзилида жойлашган “Шовотландия-1” МЧЖ кафе қасддан ёқиб юборилиши натижасида, 5 киши ёниб кетиб, ҳалок бўлган. Жиноятни илгари уч маротаба судланган, муқаддам таркибида бир неча уюшган жиноий гуруҳлар мавжуд бўлган қуролли жиноий уюшмани бошқарган ва “авторитет” деган ном чиқар 36 ёшли шахс ҳамда жазони ижро

этиш муассасасида унинг салбий таъсирига тушиб қолган 26 ёшли бошқа бир илгари судланган шахс содир этганлиги аниқланган. Суд хукми билан улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисмининг “а, в, д, ж, п” бандлари, 165-моддасининг 1-қисми, 173-моддаси 2-қисмининг “б, в” бандлари ҳамда 97-моддаси 2-қисмининг “а, в, д, ж, п” бандлари, 173-моддаси2-қисмининг“б,в”бандлариблананайблидебтопилган ва умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ер юзида инсон пайдо бўлибдики, жиноятлар, шу жумладан, ўта шафқатсизлик билан содир этиладиган жиноятлар содир этилади. Чунки бу ҳолат объектив ҳодиса бўлиб, инсон борки давом этади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, “ўта шафқатсизлик билан” содир этиладиган жиноятлар инсоният тамаддунининг ажралмас, бироқ деструктив ҳамроҳи сифатида эволюцион йўлни босиб ўтди. Шунга мувофиқ, ушбу феноменни ретроспектив таҳлил қилиш орқали қуйидаги фундаментал хулосаларга келиш мумкин:

1. Концептуал трансформация. Тарихий жараёнда шафқатсизлик тушунчасининг ҳуқуқий табиати тубдан ўзгарди. Агар илгари шафқатсиз усуллар давлат сиёсати даражасида, диний ва дунёвий ҳокимиятлар томонидан “адолатни қарор топтирувчи жазо воситаси” сифатида легитимлаштирилган ва ижтимоий зарур деб қабул қилинган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу тушунча фақатгина жиноят содир этишнинг энг қабиҳ усули ва оғирлаштирувчи ҳолат сифатида квалификация қилинмоқда. Бу эса инсониятнинг ахлоқий-ҳуқуқий онги “талион” (қасос) принципидан гуманизм парадигмасига ўтганлигидан далолат беради.

2. Замонавий ҳуқуқий императив. Бугунги кунда шафқатсизликка нисбатан муросасизлик нафақат миллий қонунчиликнинг, балки халқаро ҳуқуқ тизимининг ҳам устувор йўналишига айланди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг глобал механизмлари ҳар қандай кўринишдаги қийноқ ва шафқатсиз муомалани инсон қадр-қимматига қарши қаратилган экзистенциал таҳдид деб ҳисоблайди.

3. Профилактик стратегия. Шафқатсизлик билан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш фақат жазо чораларини кучайтириш билан эмас, балки қуйидаги комплекс ёндашув орқали самара беради:

- жамиятнинг ҳуқуқий ва ахлоқий маданиятини тизимли юксалтириш;
- зўравонликка мойил бўлган шахсларни эрта аниқлашнинг психологик-криминологик мониторингини йўлга қўйиш;
- девиант хулқ-атворни жиловлашда давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг солиштирма ҳамкорлигини таъминлаш.

Юқоридагиларга кўра, мазкур муаммонинг ретроспектив ва замонавий қиёсий таҳлили нафақат ўтмиш хатоларини ўрганиш, балки, келажакдаги эҳтимолий жиноий таҳдидларга қарши превентив *(олдини олувчи)* механизмларни ишлаб чиқишда стратегик илмий асос бўлиб хизмат қилади. Шафқатсизликнинг тарихий илдизларини англаш, унинг замонавий кўринишларини жиловлашнинг энг самарали калитидир.

МАҲАЛЛАЛАРДА КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШДА ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

Нурметов Қурбондурди Аҳмедович,
Тураев Акмал Панжиевич,

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти илмий ходим-тадқиқотчилари

Ўзбекистонда миллий қадрият ва анъаналар тизимида алоҳида ўрин тутадиган маҳалла бу фақат аҳоли яшайдиган маъмурий ҳудуд эмас, балки, жамиятдаги ижтимоий барқарорлик, ҳамжиҳатлик ва маънавий муҳитни таъминловчи муҳим ижтимоий институт бўлиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкам ҳуқуқий мақомга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 127-моддасида шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар раисни сайлайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий ўзига хос хусусиятларидан, шунингдек миллий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда, қонунга мувофиқ мустақил равишда ҳал этишга ҳақли[1], деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Маҳалла фуқаролар йиғини фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилаш, шу жумладан жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим вазифаларни бажаради.

Таъкидлаш лозимки, шу кунга қадар маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига оид жами 50 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. URL: https://lex.uz/docs/6445145.

Жиноятларнинг олдини олиш соҳасида маҳалла ролининг ошиши хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш йўналишидаги ислоҳотларнинг муҳим пойдеворига айланди. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар маҳалла институтини нафақат ижтимоий, балки ҳуқуқий барқарорликни таъминловчи асосий бўғинга айлантирди.

Бу йўналишда сўнгги ислоҳотлар тўлқинини бир неча босқичларга ажратган ҳолда таҳлил қилиш мумкин.

Биринчи босқичи ***(2020-2022 йиллар)*****.** 2020 йилдан бошлаб фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ислоҳотлар янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига[2] кўра, маҳалла раиси ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспектори фаолияти мувофиқлаштирилди.

Профилактика инспектори маҳалла раиси ўринбосари сифатида фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий чораларни амалга ошириш билан, маҳалла раиси эса аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш орқали жиноятларнинг олдини олишнинг ижтимоий жиҳатини таъминловчи субъектларга айлантирилди. Бу ҳамкорлик жамиятда профилактик фаолиятнинг янги босқичига олиб чиқди.

Маҳаллада содир этилган жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаб, уларни фуқаролар ўртасида муҳокама қилиш жиноятларнинг такрор содир этилишининг олдини олишда алоҳида аҳамият касб этади. Бу фуқароларни огоҳликка чорлаш билан бирга, жазонинг муқаррарлиги принципининг амалда қарор топишига хизмат қилади. Шу мақсадда Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2021 йил 10 сентябрда “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. URL: https://lex.uz/docs/4740345#4743311.

тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинди[3]. Мазкур қарор билан “Жиноят сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низом” тасдиқланди.

Низом талабларига кўра, жиноят муҳокамалари содир этилган жиноят ҳолати бўйича: жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб, уч кун муддат ичида, жиноят содир этилган маҳалла ҳудудида, жиноят содир этган шахс бўйича: суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми ички ишлар органларига келиб тушган кундан бошлаб, уч кун муддат ичида, жиноят содир этган шахс истиқомат қилаётган маҳаллада ўтказилиши тартиби белгилаб қўйилди.

Муҳокамаларда жиноят келиб чиқишининг барвақт олдини олиш чораларини кўрмаган масъул ташкилотлар раҳбарлари ёки ходимларига интизомий жавобгарлик чораларини қўллаш бўйича таклифлар, жиноятнинг келгусида олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ва вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш муддатлари ва масъул ижрочилари белгилаб олинади.

Иккинчи босқич ***(2023 йил)*****.** 2023 йилдан бошлаб маҳаллаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишида янги босқичга ўтилди. 2023 йил 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг ““Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш механизмларини белгилаш тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди, мамлакат бўйлаб 9 мингдан ортиқ маҳаллаларда “маҳалла еттилиги” тизими жорий этилди.

“Маҳалла еттилиги” таркибига маҳалла раиси, профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, солиқ инспектори ва ижтимоий ходим киритилди. Маҳалла раиси фуқаролар томонидан ҳар 5 йилда сайланади, қолган аъзолар эса тегишли вазирлик ва идоралар томонидан лавозимга тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида

[3] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 565-сон қарори. URL: https://lex.uz/ru/docs/5623688#5630345.

ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори[4] билан “еттилик”нинг функциялари аниқ белгилаб берилди.

“Маҳалла еттилигининг”нинг аҳоли муаммоларини ҳал этишдаги мустақиллиги ва ваколатлари кенгайтирилди. Улар эҳтиёжманд оилаларга имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш, ёшлар ва аёлларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Янги тартибга кўра, маҳалла раиси маҳаллада фаолият юритувчи ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходим фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда маҳаллани ҳар томонлама ривожлантиришда улар имкониятларидан самарали фойдаланади. Ҳар ҳафтада маҳалла раиси маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика ва солиқ инспекторлари, ижтимоий ходимлар ҳисоботини эшитади ва уларнинг ҳар бири ҳар ойда камида **10 тадан муаммоли масалани** ҳал этишини назоратга олади.

Учинчи босқич *(2024 йил)*. Мазкур йўналишдаги ислоҳотларнинг изчил давом эттирилиши натижасида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2024 йил 30 ноябрда ““Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизимининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида маҳаллаларда ижтимоий профилактика тизими жорий этилди.

Ижтимоий профилактика тадбирлари – ҳуқуқбузарлик содир этиш ёки ундан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамлар кўрсатишда амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи.

Янги тартибга кўра, профилактика инспектори амалиётга татбиқ этилган **“**E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизими орқали ҳуқуқбузарлик содир этиш эҳтимоли бўлган 14 тоифадаги шахслар

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўғин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-209-сон фармони. URL: https://lex.uz/docs/6705763.

ҳамда ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли бўлган 2 тоифадаги шахсларни аниқлаб, бу ҳақда махсус “хулоса” тайёрлайди. Шундан сўнг хулоса тегишлилиги бўйича “маҳалла еттилиги”га йўналтирилади. Еттилик томонидан ушбу фуқароларнинг оилавий, ижтимоий, моддий ва ҳуқуқий муаммоларини ҳал этиш, уларни жамиятга мослаштириш бўйича чоралар кўради.

Профилактика инспектори томонидан, ижтимоий профилактиканиамалгаоширувчи“еттилик”вакилигахулосаберилганидан сўнг, улар ижтимоий профилактика объекти бўлган шахслар билан зарур профилактик тадбирларни амалга ошириш мақсадида ижтимоий мослаштириш дастурини тузади. Дастурда белгиланган тадбирлар амалга оширилганидан сўнг ижтимоий профилактика тадбирлари профилактика инспектори ва еттиликнинг тегишли вакили билан қўшма хулоса асосида якунланади.

Бу тизимнинг жорий этилиши бир томондан, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб-қувватлашга, иккинчи томондан, маҳаллаларда тинч ва хавфсиз муҳит яратишга хизмат қилмоқда.

Тўртинчи босқич ***(2025 йил — 2026 йиллар)*****. Масъул давлат органлари ва ташкилотларнинг республика маҳаллаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини 2025 йилда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3 январда “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори[5] қабул қилинди.**

Қарорга кўра, масъул идоралар ва муассасалар учун 2025 йилда “Ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш” устувор вазифа этиб белгиланди.

Шунингдек, маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган бир қатор “йўл хариталари” ҳамда 2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳит яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг

[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1-сон қарори. URL: https://www.lex.uz/docs/7330260.

барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш бўйича манзилли чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси, Дастур ва “йўл хариталари” ижросини назорат қилиб бориш учун Бош прокуратура ҳузурида Республика идоралараро мувофиқлаштириш ишчи гуруҳи тузилди.

Барча туман *(шаҳар)* раҳбарларига, Миллий гвардия қўриқлаш хизмати бошлиқларига ва ички ишлар органлари бошлиқлари ўринбосарларига 2025 йилда криминоген вазият оғир маҳаллалар номма-ном бириктирилди.

Масъуллар фаолияти ҳар ой якунида – ички ишлар вазири ҳузурида, ҳар чорак якунида – Бош прокурор ҳузурида, ҳар ярим йилда Бош вазир ҳузурида танқидий муҳокама қилиниши тартиби белгиланди. Шу муносабат билан, ҳар чоракда маҳалла, туман ва вилоятлар кесимида “йўл хариталари” ишлаб чиқилиб, криминоген вазиятни барқарорлаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар манзилли амалга оширилмоқда

Ушбу ислоҳотлар жараёнида илмий ёндашувларни жорий этиш мақсадида Криминология тадқиқот институти, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси салоҳиятидан кенг фаол фойдаланилмоқда.

2025 йил 18 август куни “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди[6].

Қарор билан криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар концепцияси тасдиқланди.

Маҳаллаларда алоҳида ташкилий-профилактик тадбирлар ҳамда манзилли чоралар билан илмий-амалий ёндашувларни уйғунлаштирган ҳолда криминоген вазиятни барқарорлаштириш ва хавфсиз муҳитни яратиш Концепциянинг асосий мақсади ҳисобланади.

[6] “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги ПҚ–253-сон қарори. URL: https://lex.uz/docs/7690026.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Бош прокуратураси, Миллий гвардияси, Маҳаллалар уюшмаси, Солиқ қўмитасининг 2025 йил 8 августдаги қарори билан тасдиқланган “Маҳаллаларни криминоген вазиятидан келиб чиққан ҳолда тоифалаш ҳамда ҳамкорликда профилактик тадбирларни ташкил этиш тўғрисида йўриқнома **билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 47 та моддасида кўзда тутилган, маҳалла ҳудудида содир этилган олдини олиш мумкин бўлган жиноят турлари белгилаб олинди.**

Маҳаллаларнинг криминоген вазиятидан келиб чиқиб “қизил”, “сариқ” ва “яшил” тоифаларга ажратиш мезонлари ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилди. Унга кўра, ҳисобот даврида ҳудудида олдини олиш мумкин бўлган жиноят содир этилмаган маҳалла *(ҳудудда битта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этилганда ҳам маҳалла “яшил” тоифада қолади)*; **“яшил”**, ҳисобот даврида маҳалла ҳудудида содир этилган олдини олиш мумкин бўлган жиноятларнинг кўрсаткичи туман *(шаҳар)* кўрсаткичига тенг ёки ундан паст бўлган маҳалла (ҳудудда битта унча оғир бўлмаган, оғир ёки ўта оғир жиноят содир этилганда ҳам маҳалла “сариқ” тоифада қолади) **“сариқ”**, ҳисобот даврида маҳалла ҳудудида содир этилган олдини олиш мумкин бўлган жиноятларнинг кўрсаткичи туман (шаҳар) кўрсаткичидан юқори бўлган маҳалла **маҳаллалар “қизил”** тоифали маҳалла деб белгиланади.

Мазкур учта тоифа бўйича маҳаллалар рўйхати Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар бош маркази томонидан тайёрланади.

Янгича тартибга кўра содир этилган ҳар бир жиноятга уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра баллар берилади:

ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят – 5 балл;
унча оғир бўлмаган жиноят – 10 балл;
оғир жиноят – 15 балл;
ўта оғир жиноят – 20 балл.

Маҳалла ҳудудида содир этилган жиноятларнинг туман *(шаҳар)* кўрсаткичи туман *(шаҳар)*даги маҳалла ҳудудида содир этилган олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар бўйича тўпланган

балл белгиланган ҳудуд тоифасидаги аҳоли сонига кўпайтирилиб, жиноят содир этилган маҳаллаларнинг жами аҳолиси сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Маҳалла ҳудудида содир этилган жиноятларнинг кўрсаткичи маҳалла ҳудудида содир этилган олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар бўйича тўпланган балл 1000 аҳоли сонига кўпайтирилиб, маҳаллада яшовчи аҳоли сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

Мазкур тартиб криминоген вазияти оғир бўлган маҳалларни аниқлаш ҳамда зарур куч ва воситалар йўналтириш бўйича бошқарув қарорлари қабул қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Амалга оширилган тизимли чора-тадбирлар натижасида маҳаллаларда маҳаллаларда жиноятчилик қарийб 1,5 бараварга камайтиришга эришилди. Яъни, 2025 йил якунларига кўра, мамлакатимизда маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш ва профилактика тадбирларининг самарадорлиги сезиларли даражада ошди Хусусан:

Республика бўйича “яшил” тоифадаги, яъни жиноят содир этилмаган маҳаллалар сони ўтган йилга нисбатан **14,2 фоизга** кўпайиб, жами маҳаллаларнинг **44,8 фоизини** *(4 034 та)* ташкил этди.

“Қизил” тоифадаги маҳаллалар сони сезиларли даражада – **14,3 фоиздан 7,4 фоизгача** камайган. Бу кўрсаткич ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тизимли ишлар ўз самарасини бераётганидан далолат беради.

2024 йил билан қиёслаганда, маҳаллаларда содир этилган жами жиноятлар сони **34,6 фоизга** *(8 122 тага)* камайиб, барқарорлашув жараёни давом этаётганини кўрсатмоқда.

Айниқса, **Хоразм** *(69,2%)*, **Сурхондарё** *(63,5%)* **ва Қорақалпоғистон Республикаси** *(58,6%)* каби ҳудудларда “яшил” маҳаллалар салмоғи юқорилиги профилактик чора-тадбирлар ва маҳалла фаолларининг ҳамкорлиги самарали йўлга қўйилганини тасдиқлайди.

Мазкур ишлар ўзининг самарасини берганлиги боис, 2026 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1 ва ПҚ-2-сонли қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар асосан оғир криминоген вазиятга эга маҳаллаларда жиноятчиликни жиловлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашга қаратилди. Қарорлар маҳаллаларда барвақт профилактика тизимини янада

такомиллаштириш, масъул давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш hamda маҳалла еттилиги аъзолари фаолияти самарадорлигини ошириш механизмларини белгилашга йўналтирилди. Шу тарзда, бу босқич ижтимоий барқарорликни таъминлашда ва маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратишда амалий қадам сифатида тарихга кирди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда маҳалла институти жиноятчиликнинг олдини олиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим тизимли механизмга айланди. Амалга оширилган ислоҳотлар профилактика фаолияти манзилли, мувофиқлаштирилган ва натижага йўналтирилган мазмун касб этиди. Илмий-амалий ёндашувлар, ахборот технологиялари ва институционал ҳамкорликнинг кучайиши қарор қабул қилиш самарадорлигини оширди ҳамда аҳоли билан ишлашнинг янги моделини шакллантирди. Натижада маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш, ижтимоий муаммоларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш имкониятлари кенгайди. Ушбу жараёнлар маҳалла институтининг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаб, уни ижтимоий ва ҳуқуқий барқарорликни таъминловчи асосий бўғинга айлантирди.

ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ҲАМДА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Тўраев Илҳомжон Эсанович,

Криминология тадқиқот институти етакчи илмий ходим тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни ўрганишда, ҳамда биринчи навбатда Интернет тармоғининг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

Интернет тармоғи вужудга келиш тарихида, ижтимоий ўзаро алоқанинг биринчи ҳужжатли тавсифи Массачусетс технология институти *(MIT)* ўқитувчиси Ж. Ликлайдер *(J.C.R. Licklider)* 1962 йилнинг августида эълон қилган мақолалар туркуми бўлган. Бу мақолаларда "Галактика тармоғи" *("Galactic Network")* концепцияси муҳокама қилинган. Муаллиф ҳар кимга исталган компьютерда жойлашган дастурлардан фойдаланиш ва маълумотларни тез олиш имконини берадиган, ўзаро боғланган компьютерлар глобал тармоғи яратилишини башорат қилган. Мазкур концепция руҳан Интернет тармоғининг ҳозирги ҳолатига жуда яқин туради. 1962 йилнинг октябрида Ликлайдер АҚШ Мудофаа вазирлиги Перспектив тадқиқотлар ва ишланмалар бошқармасида компьютерлар билан боғлиқ тадқиқот лойиҳаси (Defence Advanced Research Projects Agency – DARPA)нинг биринчи раҳбари этиб тайинланган[1].

Мазкур илмий фаолият айнан АҚШ Мудофаа вазирлигида қизиқиш уйғотган, чунки 70-йилларнинг бошларида америкалик ҳарбийлар потенциал рақиб томонидан ядровий портлатиш амалга оширилган ҳолда асосий алоқа тизимлари устидан назоратни сақлаб қолиш муаммолари билан шуғулланганлар.

Шу асосда АҚШ Мудофаа вазирлиги Перспектив тадқиқотлар ва ишланмалар бошқармаси узлуксиз ишлайдиган умуммиллий тармоқни яратиш ғоясини амалга ошириш устида иш бошлаган. 60-йилларнинг компьютерлари бир-бири билан мос келмаслиги *(яъни схемотехникаси бўйича бир хил эмаслиги)* мазкур вазифани ҳал этишни оғирлаштирган. Бу ҳол кейинги икки ўн йилликка ҳам хос бўлган.

[1] Рустамбеков И. Монография//ТДЮУ-Т.2020, 8-бет.

Турли хил компьютерларнинг ўзаро алоқаси илк бор 1965 йилда текширилган: Массачусетсда ва Калифорнияда турган ЭҲМ ўртасида ўзаро алоқа ўрнатилган. Алоқа паст тезликда ишлайдиган телефон линияси орқали амалга оширилган. Бу тарихда биринчи нолокал компьютер тармоғи бўлган. 1966 йилнинг охирида Ларри Роберте DARPAга компьютер тармоғи *(қисқача номи ARPANET)* ғояси билан келган. Ушбу номланиш NET – "тармоқ" сўзи ва ARPA *(Advanced Research Projects Agency – Перспектив тадқиқотлар ва ишланмалар бошқармаси)* қисқартмасидан ясалган. Ғоя ядро уруши юз берган ҳолда йўқ қилиб ташланиши мумкин бўлган марказий компьютер бўлмаган, маълумотларни узатиш, агар тармоқ участкаларидан бири ишдан чиққан бўлса, айланма алоқа каналлари орқали кичик-кичик қисмлар *(пакетлар)* билан амалга ошириладиган тармоқни яратишдан иборат бўлган.

1968 йилнинг августида, Роберте ва бюджетдан маблағ билан таъминланаётган ташкилот – DARPA ARPANET умумий тузилмаси ва спецификациясини маромига етказгандан кейин, DARPA нархларга сўров эълон қилган *(Request for Quotation – RFQ)*, асосий компонентлардан бири – пакетлар коммутаторини ишлаб чиқиш учун очиқ танлов ташкил этган. Мазкур коммутатор Хабарлар интерфейсли процессори *(Interface Message Processor – IMP)* деган ном олган. 1968 йилнинг декабрида танловда Bolt, Beranek ва Newman *(BBN)* компанияси вакили Фрэнк Харт *(Frank Heart)* бошчилигидаги гуруҳ ғолиб чиққан. Шундан кейин тегишли ишлар қуйидагича тақсимланган. BBN гуруҳи Хабарлар интерфейсли процессори устида иш олиб борган, Боб Кан ARPANET архитектурасини ишлаб чиқишда фаол қатнашган, Роберте Network Analysis Corporation вакили Ховард Фрэнк *(Howard Frank)* ва унинг гуруҳи билан бирга тармоқ топологияси ва иқтисодий жиҳатларини лойиҳалаштирган, Лос-Анджелесдаги Калифорния университети *(UCLA)*нинг вакили Клейнрок гуруҳи эса тармоқ кўрсаткичларини ўлчаш тизимини тайёрлаган.

Клейнрок бир неча йил давомида пакетли коммутация назариясининг муаллифи сифатида ва таҳлил, лойиҳалаш ва ўлчашлар бўйича мутахассис сифатида машҳур бўлгани боис, унинг Калифорния университетидаги Тармоқ ўлчашлари маркази ARPANET биринчи тугуни сифатида танланган. 1969 йилнинг сентябрида BBN компанияси

Калифорния университетида биринчи Хабарлар интерфейсли процессорини ўрнатган ва унга биринчи компьютерни улаган. Иккинчи тугун Дуг Энгельбарт *(Doug Engelbart)*нинг Стэнфорд тадқиқот институти *(SRI)*даги "Инсон интеллектини кучайтириш" лойиҳаси негизида яратилган. SRIда Тармоқ ахборот маркази ташкил этилган ва унга Элизабет Фейнлер *(Elizabeth (Jake) Feinler)* раҳбарлик қилган. Марказ вазифаларига номлар ва компьютерларнинг манзиллари ўртасида мувофиқлик жадвалларини қувватлаш, шунингдек, шарҳлар ва таклифлар учун сўровлар каталоги *(Request for Comments, RFC)*га хизмат кўрсатиш киритилган. Орадан бир ой ўтиб, SRI ARPANETга уланган, Клейнрок лабораториясидан биринчи компьютерлараро хабар юборилган. Калифорниянинг Санта-Барбара шаҳридаги университет *(UCSB)* ва Юта штати университети ARPANETнинг навбатдаги икки тугунига айланган. Мазкур университетларда амалий визуаллаштириш бўйича лойиҳалар ривожлантирилган. UCSB олимлари Глен Галлер *(Glen Culler)* ва Бартон Фрайд *(Burton Fried)* тармоқ орқали узатилган тасвирларни қайта акс эттириш муаммосини ечиш имконини берадиган хотирали дисплейлар ёрдамида математик функцияларни акс эттириш усулларини тадқиқ этганлар. Ютада Роберт Тейлор ва Иван Сазерленд уч даражали саҳналарни тармоқ орқали чизиш усулларини тадқиқ этганлар. Шу тариқа, 1969 йилнинг охирига келиб, тўрт компьютер ARPANET бошланғич конфигурациясига бирлаштирилган. Интернетнинг илк куртаги пайдо бўлган. Шуни қайд этиб ўтиш лозимки, мазкур босқичда ҳам тармоқ инфратузилмаси, ҳам тармоқ иловаларига доир тадқиқотлар олиб борилган. Бу анъана ҳозиргача сақланиб қолган. Кейинги йилларда ARPANETга уланган компьютерлар сони жадал ўсиб борди[2].

1971 йилга келиб АҚШ Мудофаа вазирлиги томонидан молиялаштириладиган дастлабки тармоқлар Тармоқнинг тугунлари сони 19 тага етди. 1972 йилнинг октябрида Компьютер коммуникациялари бўйича биринчи халқаро конференцияда "ARPANET"нинг илк оммавий намойиши ташкил этилди.

Глобал тармоқ тузилмасининг очиқлиги унинг муҳим афзалликларидан бирига айланди. Бу унинг айрим элементлари алоҳида-

[2] Лейнер Б. Краткий курс истории Интернет// Информационный бюллетень Jetinfo.1997.-№14(45).

алоҳида лойиҳаланиши ва ривожлантирилиши мумкинлигини англатади. Ҳар бир янги тармоқни лойиҳалашда унинг хусусияти ва фойдаланувчиларнинг алоҳида талаблари ҳисобга олинди. Глобал тармоқ янги қисмларининг ҳудудий кўлами ҳам бирон-бир тарзда чекланмади[3].

Шу билан бир вақтда компьютерлараро ўзаро алоқанинг функционал жиҳатдан тўлиқ протоколини ва бошқа тармоқ дастурий таъминотини яратиш борасида ишлар олиб борилди. 1970 йилнинг декабрида С. Крокер раҳбарлиги остидаги Тармоқ ишчи гуруҳи *(Network Working Group – NWG)* протоколнинг биринчи версияси устида ишни якунлади. У Тармоқни бошқариш протоколи *(Network Control Protocol – NCP)* деган ном олди. 1971–1972 йилларда NCPни ARPANET тугунларига татбиқ этиш борасида ишлар бажарилгандан кейин тармоқдан фойдаланувчилар иловаларни ишлаб чиқишга киришиш имкониятига эга бўлдилар. 1972 йилда биринчи ва ўта муҳим илова – электрон почта пайдо бўлди. Мартда ARPANET устида ишлаётганлар учун оддий мувофиқлаштириш воситаларини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган BBN вакили Рэй Томлинсон *(Ray Tomlinson)* электрон хабарларни жўнатиш ва ўқиш базавий дастурларини яратди. Июлда Роберте мазкур дастурларни хабарлар рўйхатини бериш, танлаб ўқиш, файлда сақлаб қўйиш, жавобни тайёрлаш ва жўнатиш имкониятлари билан тўлдирди. 80-йилларда тармоқ технологиясининг янада такомиллаштириши, компьютерлар бозорида инқилоб ясалиши Интернет пайдо бўлишига олиб келди. 1985 йилга келиб Интернет-технологиялар билан шуғулланаётган тадқиқотчилар доираси кенгайди. Интернетдан турли касб эгалари фойдалана бошладилар.

1990 йилда ҳарбийлаштирилган ARPANET инсон қўллари ва тафаккурининг энг буюк маҳсулига замин яратиб, ўз фаолиятини тўхтатди[4].

Интернет мавжуд бўлган давр мобайнида унинг техник инфратузилмаси учун АҚШнинг DARPA ва NSF агентликлари жавоб берар эди, аммо 1998 йилда Интернетнинг шаклланиш жараёнида янги босқич ясаган ўзгаришлар юз берди.

---

[3] Зиновьев И. С Интернетом по жизни. Попытка обзора необозримого // Урал. 1999. – №11.

[4] Использование WWW. Что может WWW // http://clib-r.yars.free.net/projects/beginers.html.

1997 йил 1 июлда АҚШ Президенти Уильям Клинтон Қўшма Штатлар савдо вазирига Интернет инфратузилмаси бошқарувини давлат назорати остидан чиқариш ҳақида кўрсатма берди[5].

1998 йилга келиб савдо вазирлигининг таркибий бўлинмаси – Ахборот ва телекоммуникациялар бўйича миллий бошқарма (NTIA), Домен номлари тизимини техник бошқаришни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлади ва бу пировардида янги нотижорат ташкилоти тузилишига олиб келди: 1998 йил 25 ноябрда АҚШ савдо вазирлиги ва Интернет тармоғи фаолиятини техник қувватлаш учун махсус ташкил этилган Internet Corporation for Assigned Names and Numbers *(ICANN)* корпорацияси ўртасида "Ўзаро англашув тўғрисидамеморандум"*(MemorandumofUnderstanding)*[6]имзоланди. Мазкур Меморандумга мувофиқ ICANNга тармоқ техник инфратузилмасини бошқариш ваколатлари берилди.

XX асрнинг 90-йиллари мобайнида манзиллар маконини фойдаланувчилар ўртасида тақсимлаш билан шуғулланадиган тизим шаклланди. Хусусан, 1999 йилда манзиллар маконини бошқариш учун ASO *(Address Supporting Organization – Манзилларни қувватлаш ташкилоти)* тузилди. Минтақавий Интернет-реестрлар тармоғи шаклланди: RIPE NCC *(Европа, Осиёнинг бир қисми)*, ARIN *(Марказий ва Шимолий Америка)*, APNIC *(Осиё, Тинч океани минтақаси)*, LACNIC *(Лотин Америкаси)*, AfriNIC *(Африка)*. Интернет тармоғида манзиллар маконини тақсимлаш тизимидаги энг сўнгги бўғин – LIR, локал Интернет-рўйхатга олувчи. Ўзбекистонда биринчи рўйхатга олувчи 1995 йилда Германия Euracom Equipment GmBH компаниясининг мамлакатимиздаги вакили "Tomas" МЧЖ бўлган. 2002 йилда унинг ўрнини Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг таркибий бўлинмаси – Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази *("Ўзинфоком")* эгаллади.

2009 йилда ICANN корпорацияси билан АҚШ савдо вазирлиги ўртасида илгари, 2006 йилда 1998 йил "Ўзаро англашув тўғрисида меморандум" ўрнига қабул қилинган "Шериклик тўғрисидаги битим"

[5] Заключительный доклад Первого процесса в рамках ВОИС по названиям доменов в Интернете 30 апреля 1999 // Электронный ресурс: http://www.wipo.int/amc/ru/processes/process1/report

[6] Joint project agreement between the U.S. Department of Commerce and the Internet Corporation roy Assigned Names and Numbers // URI: http://www.icann.org/en/about/agreements/mou-jpa/jpa-29sep06- en.pdf

*(JPA – Joint Project Agreement)*нинг амал қилиш муддати тугагач, ICANN расман АҚШ таъсири остидан чиқди. Мазкур Шериклик тўғрисидаги битимда Қўшма Штатларнинг корпорация фаолиятидаги алоҳида ўрни ва аҳамияти қайд этилган эди. 2009 йилнинг 1 октябридан бошлаб “Мажбуриятларни тасдиқлаш тўғрисидаги битим” кучга кирди. Мазкур Битим Интернет тармоғи манзиллар тизимини бошқариш ишида АҚШ ҳуқуқларини бошқа мамлакатларнинг ҳуқуқлари билан тенглаштирди[7].

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида ҳам ахборотлаштириш ва Интернет тармоғини ривожлантириш ишлари кенг амалга оширилган. Бунда Ўзбекистон мустақиликка эришган вақтда, яъни 1991 йили фақатгина электрон почта учун биринчи маълумотларни узатиш тизимига кириш имконияти пайдо бўлган. 1992–1995 йилларга келиб эса, илк локал провайдерлар иш бошлаган.

1995 йилнинг 29 апрель куни “UZ” домени ишга тушган. 1995–2000 йиллар Интернет тармоғи мамлакат доирасида катта тезликда ривожланиш босқичини босиб ўтган ва ҳозирги кўринишга келган[8].

Мазкур соҳа доирасида Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими ҳам ривожланиб келди. Хусусан, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этилди. 2015 йилда э технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини сифатида қайта ташкил этилди. Интернет тармоғининг миллий сегменти янада шакллантирилишини таъминлаш, мамлакатимизнинг турли йўналишлардаги замонавий веб-ресурсларини, шу жумладан, аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида тармоқ ресурсларини ривожлантириш учун зарур техник ва қулай шарт-шароитларни яратиш Вазирликнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгилаб қўйилди.

Шунингдек, кўрсатиб ўтиш лозимки, ахборотлаштиришнинг миллий тизимини шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида замонавий ахборот технологияларини, компьютер

[7] Серго А. Г. Доменные имена: монография / А. Г. Серго. — М.: Российская государственная академия интеллектуальной собственности, 2013. — 312 с

[8] Ўзбекистонда Интернетнинг ривожланиш тенденциялари // Электрон манба http://nargis.uz/article_view.php?id=330

техникаси ва телекоммуникация воситаларини оммавий равишда жорий этиш ҳамда улардан фойдаланиш, фуқароларнинг ахборотга ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш, жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан баҳраманд бўлишни кенгаётириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30 май 2002 йилдаги №3080-сон фармонига асосан UZINFOCOM Маркази ташкил этилган.

UZINFOCOM Марказининг олдига компьютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини иқтисодиётнинг барча тармоқлари, бошқарув ва ижтимоий соҳаларга жорий этиш бўйича миллий дастурнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, Ўзбекистон ахолисининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш ва унинг жаҳон ахборот ҳамжамиятига киришда ёрдам кўрсатиш бўйича вазифалар қўйилган.

Буларнинг барчаси Жаҳон миқёсида ва Ўзбекистонда Интернет тармоғининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихий жараёнини тавсифлайди. Шу тариқа, Интернет тармоғи янги муносабатлар юзага келишига сабаб бўлди ва улар ўз навбатида назарий ва норматив-ҳуқуқий асосларни яратиш йўли билан ҳуқуқий жиҳатдан англаб етиш ва тартибга солишни тақозо этади.

МУНДАРИЖА:

Ш.У. Якубов – Парламент томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг устувор йўналишлари 3

И.Т. Тультеев – К вопросу систематизации законодательства в области предупреждения преступности 10

Х.Т. Одилқориев – Жиноятчилик профилактикасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари 17

Ш.Н. Бердияров – Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришда юридик техниканинг аҳамияти 22

Ж.М. Азамов – Янги таҳрирдаги Конституция асосида конституциявий қонунлар тизимини такомиллаштириш 33

Ш.Ш. Ҳасанов – Хорижий давлатларнинг кибержиноятларга қарши курашни ташкил этиш ва бошқариш тажрибалари 40

S.R. Risqiboyeva – Ayollar mehnat migratsiyasining sotsiologik sabablari va omillarining nazariy asoslari 47

А.П. Тураев – Ҳуқуқни амалга ошириш: назарий-ҳуқуқий моҳияти ва юридик механизмларини такомиллаштириш 56

M.A. A’loxonov – Kriminologiyada ilmiy tadqiqotlarni tashkil etish va amalga oshirishdagi muammolar 60

Н. Одилов – WWW (World Wide Web) дунёнинг янги ахборот майдони ва унинг тарихий йўли 67

У.А. Ирисбеков – Хорижий давлатлар жиноят қонунчилиги товламачилик учун жавобгарлик белгиланган нормаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили . . 74

С.А. Исаев – Незаконный оборот огнестрельного оружия: глобальные тенденции, региональные особенности и вызовы международной безопасности . . . 83

У.И. Мирзатиллаев – Вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психологларнинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган болалар билан ишлашда асосий вазифалари 95

К.А. Рихсимов – Озодликдан маҳрум қилиш институтининг тарихий-ҳуқуқий ривожланиши 99

А.С. Кодиркулов – Обеспечение безопасности и сохранение целостности медиа-пространства, перспективы и законодательство 104

О.В. Ким – Нормативно-правовая ситуация в Узбекистане в области борьбы с наркоситуацией 110

М.Ҳ. Абдирасулов – Ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олиш ҳамда хуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечими 116

Ж.М. Мирахмедов – Босқинчилик жиноятларини олдини олишга қаратилган илмий-амалий тадбирлар 121

Н.У. Сайфуллаев – Жиноят процессуал қонунчилигида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашнинг ҳақиқатни аниқлашдаги ўрни хусусида . . . 131

Ш.К. Раимбердиев – Киберкоррупция: рақамли инқилоб шароитида янги коррупциявий ҳодисанинг назарий ва амалий таҳлили 141

М.Х. Ахмеджанов – Оиладаги зўравонлик: тушунчаси, ҳуқуқий табиати ва унинг олдини олиш механизмлари 146

M.T. O‘sarboyev – Axborot texnologiyalari sohasida sodir etiladigan jinoyatlarga qarshi kurashda huquqbuzarliklar profilaktikasi usullarining ahamiyati 150

M.A. A’loxonov – Zamonaviy kriminologiya: yangi yondashuvlar, nazariyalar va amaliy yo‘nalishlar 155

M.A. Sattarov – O‘zgalar mulkini talon-taroj qilish bilan bog‘liq jinoyatlarni fosh etish tushunchasi va tasnif 162

Д.Ю. Пайзиев – Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг айрим масалалари 171

Ш.Х. Юлдашев – Контрабанда жиноятига оид қонун нормаларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари 178

B.N. Normurodov – Latent jinoyatlari ommalashuvining davlat va jamiyat rivojiga salbiy ta’siri 186

У.Ж. Чориев – Умумтаълим мактабларида ҳуқуқий тарбия жараёнининг ўзига хос хусусиятлари: назарий-методологик таҳлил 188

У.Х. Сайдалиев – Интернет тармоғида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш 201

А.А. Хамидов – “Ўта шафқатсизлик билан” содир этилган жиноятларнинг тадрижий ривожланиши ва ретроспектив таҳлили 210

Қ.А. Нурметов, А.П. Тураев – Маҳаллаларда криминоген вазиятни барқарорлаштиришда ислоҳотлар стратегияси ва босқичлари 224

И.Э. Тўраев – Интернет тармоғининг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи ҳамда асосий тушунчалар 233

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КРИМИНОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА УНИ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТИЗИМЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами

(2025 йил 24 декабрь)

Муҳаррир:

Б.А. Яров – филология фанлари номзоди.

Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти,
100187, Тошкент ш., Буюк ипак йўли кўчаси, 243.